Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎНИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Ҳанифа СОЛИҲОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЗДОШЛАРИ

*** *** ***

Маъмура РАШИДОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ “НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚОТИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ҲАНИФА СОЛИҲОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЗДОШЛАРИ



Мазкур монография Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига тақдим этилади.

КИРИШ

Уйғур адабиёти, жаҳоннинг ҳамма адабиётларида бўлганидек, асрлар давомида ўзига хос анъаналарига сайқал бериб ривожланиб келди. Шарқий Туркистоннинг Кошғар, Ёркент, Хўтан ва Урумчи каби катта нуфузга эга бўлган маданий-адабий марказларида сўз санъатининг равнақи билан уйғур адабиётининг кўплаб мумтоз анъаналари шаклланди ва улар авлоддан авлодга ўтиб, нодир бадиий обидаларда ўзини намоён қилиб турибди.

Уйғур адабиёти ўз тарихи давомида жаҳон адабиёти билан ҳамдам бўлиб яшади ва энг аввало, бир томондан қўшни туркий халкларининг адабиётлари билан, иккинчи томондан эса форс ва араб адабиётлари билан ўзаро алоқада бўлди. Ўрни-ўрни билан ўзининг мумтоз анъаналари орқали уларга ижобий таъсир кўрсатди, ўз навбатида, уларнинг ижодий тажрибаларидан, ҳаётбахш бадиий тафаккур хазинасидан баҳраманд бўлди. Уйғур адабиётига тарихан яқин турган, ўзининг илк даврларида муштараклик боскичларида ҳамроҳ бўлган, кейинча ҳам фаол ўзаро алокаларни изчил давом эттирган адабиёт – бу ўзбек адабиётидир. Уйғур ва ўзбек адабиётлари ўртасида халқларимизнинг хар жиҳатдан бир- бирига яқинлигига асосланган алоқалар даврларнинг ўтиши билан янги-янги шакллар касб этди. Даҳо сўз санъаткорлари, одатда, ўз ижодлари билан бундай алоқаларнинг самарадорлигига раҳнамолик қиладидилар. Ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий ўз асарлари билан ўзбек-уйғур адабий алоқаларининг равнақида ана шундай назокатли ўрин тутган улуғ бир сиймодир. Профессор М.Е. Маловнинг иборалари билан айтганда, Навоий ўз асарлари билан XV асрдан эътиборан, Хуросон ва Марказий Осиёдаги туркий тилдаги адабиётнинг Шарққа қараб одим отишида ва кенг ёйилишида воситачилик ролини ўйнади[1]. Бу фақат уйғур ижодкорлари учунгина ижобий ҳодиса бўлиб қолмай, кенг уйғур китобхонлари учун ҳам маънавиятнинг бойиши, Шарқдаги бошка маданиятлар билан алоқаларнинг янги босқичига кўтарилиши даври ҳам эди. Алишер Навоий, бир томондан, туркий халқлар оғзаки ижодиёти ва Аҳмад Яссавий, Лутфий, Атоий каби сўз санъаткорлари меросларига хос ҳамма фазилатларни давом эттириш, ривожлантириш, иккинчи томондан эса, Шарқ адабиётининг мумтоз намояндалари сифатида шухрат қозонган Низомий, Хусрав Дехлавий ва Абдураҳмон Жомий сиймоларига маънан яқинлашиш билан адабий тафаккур оламининг синовларида комиллик касб этган ижодкордир, туркий халқларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларини куйлаган гуманист қалам соҳибидир.

Алишер Навоий ўз асарлари билан ўзбек адабиётининг нуфузини бениҳоя даражада оширди. Унинг Шарқ адабиётлари қаторидаги ўрнини юқори поғонага кўтарди. Она тилидаги адабиётга мумтоз «Хамса» анъанасини олиб кирди. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний» мажмуасини ташкил этган девонларига кирган лирикаси, хусусан, «Хамса» достонлари воситасида ўзбек адабиётида умумбашарий ғоялар кенг ўрин ола бошлади. Ислом дини ва тасаввуфнинг олам ва одамни тушунишдаги таълимотининг туркий адабиётлардаги теран талқинлари ҳам Навоий томонидан ўрнак даражасида кўрсатиб

[1] Малов С.Е. Мир Алишера Навои в истории тюркских литератур и языков Средней и Восточной Азии. Изв.АН СССР. М., 1947. Т. IV. Стр. 480.

берилди. Навоий асарлари ўзининг ана шу ғоявий-бадиий мундарижаси билан, ўз навбатида, бошқа туркий халқлар ўртасида жуда эрта тарқалди ва шуҳрат тутди. Туркий халқларининг сўз санъаткорлари Алишер Навоийни туркий тил ва бу тилдаги адабиёт учун курашувчиларнинг сарвари сифатида танидилар. Шоирнинг асарларида ўз руҳий оламини, адибнинг қаҳрамонларида ўз орзу-умидларини кўрдилар. Навоийнинг ижодий юксаклиги бадиий сўз соҳиблари учун орзудаги бир мезон бўлиб қолди. Шу боис Навоий маҳоратини ўрганиш, ҳаёт ҳодисаларини, жамиятнинг қувонч ва ташвишларини навоиёна қаламга олиш сўз санъаткорларининг эстетик қарашларига тобора кўпроқ сингиб борди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоийнинг ижод тажрибаларидан ўрганишда уйғур шоирлари фаоллик кўрсатдилар. XVI асрда яшаган адабиёт ҳомийси Абдурашидхондан бошлаб XIX аср шоири Билол Нозимгача Навоийнинг маҳорат мактабига мурожаат қилиш, изчил бир жараён сифатида кечди. Бироқ уйғур шоирларининг Навоий анъаналарига мурожаат этиши бошқалардан нусха олиш ҳам, тақлид ҳам эмас эди. Аслида Навоийга мурожаат қилиш жаҳон адабиёти тажрибасида бўлганидек, даҳолардан ўрганиш, уларнинг ижодий тажрибаларидан баҳра олиб, янги ижодий кашфиётларга қўл уришни билдирар эди. Колаверса, Навоийга мурожаат этиш устоз анъаналарини давом этпгириш қобилиятига эга бўлган ижодкорларни ҳам талаб қилар эди. Уйғур адабиётида ана шу шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, унинг Ҳирқатий, Низорий, Ғарибий, Залилий, Муҳаммад Содиқ Кошғарий каби намояндалари Шарқ адабиётининг билимдонлари сифатида танилган, Шарқ адабиётидаги анъаналар ва кашфиётлар мактабини ўтаган санъаткорлар эдилар. Шу боисдан улар Навоийнинг лирик меросига ҳам, «Хамса» достонлари мавзуларига ҳам ижодий ёндашиб, уйғур адабиётининг ўз Фарҳоди, Мажнуни, Баҳроми ва Искандарларини яратиш ниятида бўлдилар ва бунга муваффақият билан эришдилар. Уйғур адабиёти тарихини изчил ўрганиш, унинг асрлар қаърида қолиб кетган саҳифаларини янгидан кашф этиш буни яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, XIX асрнинг ўрталарида Кошғарда тартиб берилган, ўз мундарижасига кўра истеъдодли уйғур шоирлари Абдурахим Низорий, Турди Ғарибий ва Наврўзохун Зиёйларнинг асарларидан таркиб топган ва шартли равишда “Муҳаббат достонлари» деб аталиб келинаётган мажмуа қўлёзмасининг кенг китобхонлар оммасига маълум бўлиши билан уйғур адабиётининг тарихан жуда катта мавқеи яна бир мартаба аён бўлди[1].

Уйғур адабиётининг Шарқдаги бошқа адабиётлар, биринчи навбатда, ўзбек адабиёти, унинг улуғ намояндаси Алишер Навоий ижоди билан алоқасига оид янги саҳифалар очилди. Шунга кўра ҳам «Навоий ва уйғур адабиёти» мавзусининг қамрови кенг, муаммолари кўп, уларни муқоясали таҳлил йўли билан ўрганишни давом эттириш адабиёт тарихчиси учун уйғур ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг шакл ва усуллари, адабий алоқаларнинг конуниятлари, адабий услублар, шоирлар оламидаги янгиликларнинг хусусиятларига оид муҳим материал беради.

Уйғур ва ўзбек адабиётшунослигида мазкур мавзу кўпдан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келди. Уларнинг ечимига С.Малов, А. Зиёий, М. Ҳамраев, Ю.

[1] «Муҳаббат достонлари» мажмуасининг қўлёзмалари таснифи, ундан ўрин олган асарларнинг жанр хусусиятлари ва мундарижаси масалалари уйғур адабиётшунослигида муфассал ўрганилганлигини кўзда тутиб, у ҳақда махсус тўхталмадик. Қулёзма хақидаги маълумот учун қаранг: Мухлисов Ю. Уйғур классик қўлёзмаларининг каталоги. Урумчи, 1956; Эсирлар ва эсэрлар.. Алмута, 1973; Мугинов А. Описание уйгурских рукописей Института народов Азии.-М., 1962.

Мухлисов, У Маматохунов, С. Эркинов, Р. Қодирий, Ш. Умар, В. Ғўпур, А. Ҳусайн, Т. Алиев, С. Муллаудов, Л. Рўзиева, И.Имиров, К. Ҳасанов, Л. Райҳонов каби тадқиқотчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Бу йуналишда уйғур адабиётида Навоий анъаналари масалаларини тадқиқ этган М.Ҳамроев, Ю.Мухлисов, Р.Қодирий, Д.Рўзиева ва Л.Райҳоновларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Бу хусусда уйғур олимлари жамоаси томонидан яратилган «Уйғур адабиётининг қисқача тарихи», «Уйғур классик тезислари» каби китобларда ҳам илмий аҳамиятга молик хулосалар баён қилинганлигини қайд этиш лозим[1]. Филология фанлари номзоди Р. Қодирий уйғур шоирлари учун «Навоийнинг ўлмас асарлари бир неча асрлар давомида маҳорат сирларини ўрганадиган адабий мактаб бўлиб ҳизмат қилди»[2], – деб ёзади. Филология фанлари доктори М.Ҳамроев эса Навоий ижодининг уйғур шоирларига ижобий таъсири хусусида сўз очиб, унинг икки йўл билан давом этганлигини таъкидлайди. Унинг бири уйғур классикларининг улуғ шоирдан сўз санъати билимларини ўрганишлари, иккинчиси, уларнинг Навоий асарларининг мавзу ва сюжетларига мурожаат қилишларида кўринади, деган фикрни илгари суради[3]. Ушбу хулоса гарчи уйғур ва ўзбек адабий алоқаларининг ҳамма шаклларини қамраб олмаса-да, моҳиятан масалага ҳолис ёндашувдир.

Уйғур шоирларининг Навоий анъаналарига муносабати хусусида Ю.Мухлисов, С.Муллаудов, У.Маматохунов каби бир қатор уйғур олимларининг асарларида ҳам муҳим фикрлар ўртага ташланган.[4] Хусусан Ю.Мухлисов «Асрлар ва асарлар» монографиясида Низорий ва Ғарибий достонларининг Навоий назмияти билан муқоясаси асносида адабий алоқаларнинг ҳарактери ва оқибат самаралари хусусидаги кузатишлари билан илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Ю.Мухлисов ўз тадқиқотида Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонларида Навоий анъаналарига асосланадилар, бироқ ўз олдиларига қўйган ижодий мақсадларидан келиб чиқиб, асар воқеаларини мухтасарлаштириш, айни пайтда, унинг тўқимасига ўз янгиликларини сингдириш йўлидан борадилар деганда ҳақдир.[5]

Абдураҳим Низорий ижодини ворисийлик ва новаторлик нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этган филология фанлари номзоди Д.Рўзиева ҳам «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонларида Навоий анъаналарининг ўрни хусусида Ю.Мухлисов билан ҳамфикрдир. Низорий юқорида эслангган асарларида хақиқатан ҳам дастлаб Алишер Навоий достонлари анъаналарига асосланади. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ўрни-ўрни билан Навоийнинг номи ва унинг достони воқеаларининг эсланиши ҳам шундан гувоҳлик беради. Д.Рўзиева «Алишер Навоий традициялари Абдурахим Низорий ижодида» мавзуида 1974 йилда Тошкентда ҳимоя этган номзодлик диссертациясида, шунингдек, Тошкент, Олмаота, Шинжон автоном районида чоп этилган мақолаларида бу фикрни далиллаб берган[6]. 1992 йилда «Уйғур адабий ҳаётида Навоий асарларининг ўрни ва аҳамияти»

---

[1] ‹Уйғур адабийитинин қисқиче тарихи. Алмута, 1983.

[2] Қодирий Р. Уйғур адабиётида Навоий анъаналари. «Адабий мерос», 1968. 1-китоб. 52-бет.

[3] Ҳамраев М. Веков неумираюшая слова. Алма-ата, 1969. С.21.

[4] Мухлисов Ю. Эсирлар ва эсэрлар. Алмута, 1973; Маматохунов У. Уйғур адабиёти классиклари. Т., 1960; Муллаудов С. Тарихий дастанлар. Тўплам: Уйғур адабияти ва фольклоридаки жанрлар. Алмута, 1980; Ҳамраев М. Тарих, назария, манарэт. Алмута, 1964; Райханов Л. Место п значение произведений Навои в литературной жизни уйгуров. АКД. Алмута, 1992; Эршиддинов Б. Уйғур калссиклири ижадийитидэ дастан жанри. Алмута, 1985; Тўплам: Уйғур эдебиятидики традиция ва новаторлуқ масилилирига дойр. Алмута, 1970.

[5] Мухлисов Ю. Эсирлар ва эсэрлар. Алмута, «Наука», 1973. 84 бет

[6] Рўзиева Д.Алишер Навоий традициялари Абдураҳим Низорий ижодида. Номз. дисс. Қўлёзма. ЎзФА асосий

мавзусида яна бир илмий иш юзага келди. Д.Райҳоновнинг ушбу номзодлик диссертацияси ва диссертация мавзуи юзасидан чоп этилган мақолаларида Шарқий Туркистонда Алишер Навоий асарларининг тарқалиш ҳудудлари, Навоийнинг лирик ва лиро-эпик асарларининг XVII–XIX аср уйғур шоирлари ижодларига таъсири каби масалалар хусусида баҳс этилади. Д.Райҳоновнинг тадқиқоти ҳали адабиётшуносликда кам ўрганилган Маҳмуд Қори, Мулла Сиддиқ, Ёркандий, Мулла Барот ва Арший каби уйғур шоирлари мероларига асосланиши билан диққатга лойиқдир[1].

Кейинги йилларда уйғур олими Б.Аршиддиновнинг «Уйғур классиклари ижодиётида достон жанри» номли монографияси босилиб чиқди. Ушбу тадқиқотда уйғур адабиёти тарихида катта ўринга эга бўлган « Муҳаббат достонлари» нинг қўлёзмаси хақидаги маълумотлардан бошлаб, мажмуадан ўрин олган асарларнинг жанр хусусиятлари, ғоявий-бадиий мундарижаси масалаларигача баҳс этишга ҳаракат қилади. Шу жараёнда муаллиф «Муҳаббат достонлари»нинг манбалари деб аталган сарлавҳа остида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» (Низорий), «Шоҳ Баҳром ва Дилором» (Ғарибий) достонларининг илмда мавжуд баҳоланишига жиддий бир эътироз билан чикади. Б.Аршиддинов бу китобининг «Хамса» ва «Муҳаббат достонлари» бўлимида Низорий ва Ғарибий достонларининг Навоий «Хамса»сидан ўрин олган асарлар билан мўжаз муқоясаси ҳам мавжуддир. Уйғур шоирларининг унга рағбатлари, ундан илҳомланган ўринлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Б.Аршиддинов бир қатор тадқиқотларнинг муаллифлари билан баҳсга киришиб, улардаги «Навоий анъанаси», «Навоий ғояларидан илҳомланиш», «Навоий сюжетидан фойдаланиш» тарзидаги қайд ва ҳулосаларни бирёқламаликда айблайди. Бундай қарашлар «Муҳаббат достонлари» мажмуасига кирган достонларнинг оригиналлик даражасини пасайтириб келмоқда» деган фикрда бўлади[2].

Олимнинг юқоридаги мулоҳазалари адабий алоқалар, адабий анъаналарнинг ўрни хақида бахс этганда, илмий ҳақиқат мезонларига риоя қилиш кераклиги жиҳатидан тўғри, албатта. Лекин гап Низомий, Жомий ва Навоий каби даҳо сўз санъаткорларининг асарларидаги халқчил ғоялар, умрбоқий образларнинг кейинги давр адабиётларидаги ўрни ҳақида гап кетганда ҳам тарихий ҳақиқатдан четга чиқмаслик керак. Зеро, талант тутқун эмас ва унинг кимгадир эргашиши ақлий қашшоқлик белгиси бўлмай, балки ўз кучига нисбатан катта ишонч, янги дунё очиш йўлидаги умид билан юксак чўққиларни кўзлаш, намуна қилиб олинаётган қиссага янги ҳаёт бағишлаш тўйғусидир»[3]. Масалага шу тахлитда кенг қараш адабий алоқалар натижасида юзага келган янги ҳодисаларни ҳолис баҳолаш имконини яратади.

Шу ўринда проф. А. Гаджиевнинг озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари масаласига доир қуйидаги сўзларини эслаш жоиз бўлади. Олим ёзади: «Озарбайжон ва ўзбек алоқаларининг классик даври хақида гапирганда, тематикадаги яқинлик, сюжетлардаги умумийлик, сўз санъаткорларининг тўғридан тўғри билдирган фикрлари, бир-бирларининг эътирофлари кабилар билангина чекланмай, бу ўзаро алоқаларнинг анча чуқур қатламларига кириб бориш, унинг ижтимоий-эстетик манзараларини, қонуниятларини очмоқ ва кенгроқ

кутубхонаси. Шифр: РД 3572. Шунингдек, қаранг: Рузиева Д. Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони. «Адабий мерос». 1971, 2-китоб; Низорий достонлари. Низорий. Достонлар тўпламига сўзбоши. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

[1] Райханов Д. Место и значение произведений Навои в литературной жизни уйгуров (XVIII-XIX). АКД. Алма-Ата, 1992.

[2] Эршиддинов Б. Уйғур классиклири ижадийитидэ дастан жанри. Алмута: Наука, 1988. 81-бет.

[3] Пушкин А. Полное собрание сочинений в 12 томах. Т.1. М., 1949. Стр.82.

умумлашмаларга келмоқ керак бўлади»[1]. Ушбу қайдни биз уйғур-ўзбек адабий алоқалари тарихига ҳам татбиқ этишимиз мумкин. Зотан, шундай йўл тутилгандагина адабий ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри баҳолаш мумкин бўлади.

Илмий тадқиқот учун «Навоий ва уйғур адабиёти» деб қаралаётган кенг доирага эга бўлган масаланинг узвий мухим бир тармоғи, яъни «Уйғур достончилиги ва насрининг такомилида Алишер Навоий «Хамса»сининг ўрни» мавзуси асос қилиб олинди. Юқорида масаланинг ишланиши тарихига доир илмий адабиётларнинг мўъжаз таҳлилидан кўриниб турганидек, Низорий достонларининг Навоий анъаналари билан боғлиқлиги масаласи бир қатор тадқиқотларга асос бўлган эди. Лекин орадан ўтган катта фурсат давомида яратилган айрим ишларда қарашлар хилма-хиллиги кўзга ташланди. Бундан ташқари, Навоий «Хамса»си достонлари билан ўзига хос даражада алоқаси бўлган Муҳаммад Имин Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достони ҳали анъана ва кашфиёт йуналиши жиҳатидан илмий муомалага киритилган эмас. Уйғур адиби Мулла Сиддиқ Ёрқандий Навоий «Хамса»си достонларини насрийлаштириш билан улуғ шоир меросини оммалаштиришда катта маҳорат кўрсатди. Айни пайтда адиб баёнлари уйғур насрининг энг яхши намуналарини яратиб берди. Филология фанлари номзоди Д.Райҳонов ўзининг юқорида эслганган диссертациясининг уч бўлимдан иборат бўлган биринчи бобининг иккинчи бўлимида Мулла Сиддиқ Ёрқандий, Мирза Муҳаммад Сабурий, Умар Боқийнинг Навоий достонлари асосидаги насрий баёнлари ҳакида умумий режа билан кузатиш олиб боради. Масалага атрофлича қаралганда, Мулла Сиддиқнинг «Хамса» достонлари бўйича яратган насрий баёнларининг ҳар бири алоҳида равишда тадқиқот мавзуси бўлиши керак. Зотан, туркий адабиётларда ўз бошланғичини уйғур насрий баёнларидан олган бу йуналиш назмнинг насрга ўгирилишидаги ўзига хосликлар, уларнинг характерли хусусиятлари ва ниҳоят насрий баёнларнинг уйғур насрини ривожлантиришдаги ўрни ҳам ҳали кенг тадқиқ этилмаган. Шунга кўра ҳам биз илмий ишимиз учун уйғур достончилигининг такомили ва уйғур насрининг тараққиётида Навоий «Хамса»сининг ўрни муаммосини тадқиқот мавзуси қилиб олдик. Биз асос қилиб олган мавзу Б.Аршиддиновнинг «Уйғур классиклари ижодида достон жанри» (XIX асрнинг биринчи ярми) монографиясидан масалаларнинг қўйилиши, уларнинг илмий ечими ва хулосалари жиҳатидан кескин равишда фарқ қилади. Бундан ташқари, Б.Аршиддинов монографияси мавзу эътибори билан Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонини қамраб олмайди, унда уйғур адиблари томонидан амалга оширилган насрлар ўрганилмайди. Ҳалигача умуман насрий баёнларнинг ўзига хос жанр сифатидаги ҳарактери очилмай келинади.

Ушбу жиҳатлар назарда тутилган ҳолда ишда бир бутун мавзу доирасидаги қуйидаги масалаларнинг ечимига диққат килинади.

1. Навоий ва Шарқий Туркистон (Навоий ижодида Шарқий Туркистон мавзулари. Уйғур адабиётида Навоий меросига муносабат тарихидан).

2. Уйғур адабиётида Навоий «Хамса»си мавзуларида яратилган достонларнинг қиёсий-типологик таҳлили.

3. У «Хамса» достонларидан ташқари мавзу ва образлар асосида юзага келган уйғур достонларида Навоийнинг сўз маҳорати излари.

4. «Хамса» достонлари насрий баёнларининг уйғур насрининг тараққиётида тутган ўрни.

Уйғур адабиётшунослигида навоийшунослик муҳим бир йўналиш сифатида таркиб топиб, шоир меросини ўрганиш борасида бугунгача талайгина ютуқларни қўлга киритди. Шарқий Туркистонда Навоий меросига муносабат шоир қўлёзмаларига бўлган эътибордан

[1] Гаджиев А. Вопросы типологии исторического развития азербайджанской и узбекской литератур. Сб. траницы азербайджанско- узбекских литературных взаимосвязей. Баку: Изд-во «Элм», 1985 Стр.11.

бошланади. Шу билан бирга, ўтган йиллар давомида Навоийга издош бўлган бир қатор уйғур шоирларининг алоҳида олинган асарлари юзасидан тадқиқотлар олиб борилди. Бироқ, ҳали «Навоий ва уйғур достончилиги», «Навоий ва уйғур насри масалалари», Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг уйғур танқидчилигидаги ўрни каби қатор йирик режадаги муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Биз ўз тадқиқотимизни амалга оширишда қуйидаги мулоҳазаларга таяндик. Навоий «Хамса»си юз йилликлар давомида уйғур маданий-адабий ҳаётига тобора яқин бўлиб борди. «Хамса» бир томондан, уйғур адабиётида унинг мавзулари, сюжети ва образлари асосидаги янги-янги асарларнинг юзага чиқишига восита бўлган бўлса, иккинчи томондан, «Хамса» достонларининг уйғур адиблари томонидан амалга оширилган насрий баёнлари адабиётнинг муҳим жанри даражасида тараққий қилди. Шунга кўра ҳам Навоий «Хамса»си уйғур достончилигининг равнақига қанча таъсир этган бўлса, насрий баёнлар йўли билан уйғур насри тараққиётига ҳам шунча таъсир кўрсатди. Ишда бу масалалар уйғур адибларининг турли даврларда турли жанрларда яратилган асарлари мисолида адабий-тарихий, қиёсий-типологик жиҳатдан чуқур ва атрофлича ўрганилади ҳамда уйғур адабиётининг тараққиётидаги ўзига ҳос хусусиятлари ҳақида хулосалар чиқарилади.

Муҳаммад Имин Хирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком», Абдураҳим Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин», "Лайли ва Мажнун» достонлари ва Мулла Сиддиқ Ёркандий баёнларини («Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Садди Искандарий») Навоий асарлари билан қиёсий-типологик ўрганиш уйғур шоирларининг Навоийнинг достончилигидаги анъаналарига нисбатан ўзига хос тарзда ижодий фаол ёндашганликларини кўрсатадики, ана шу ўзига хослик илк дафъа матнларни чоғиштириб ўрганиш асосида тадқиқ этилмокда. Бу ўзига хослик–анъаналарга сарчашма сифатида таяниш, лекин уларни ижодий давом эттириш, назм билан бир қаторда, насрга ҳам диққат-эътибор билан қараш каби қатор жиҳатларда кўзга ташланади.

Ўзбек-уйғур адабиётшунослигида шу вақтга қадар амалга оширилган тақиқотлар, асосан, уйғур шоирлари ва уларнинг алоҳида олинган асарлари, уйғур адабиётининг бирор-бир даври мавзуларига бағишланган бўлиб, ушбу ишда биринчи маротаба уйғур достончилиги ва насри муаммолари адабий-назарий масала сифатида туркий адабиётлар, қолаверса, Шарқ адабиёти контекстида махсус ўрганилмокда.

Ишнинг яна бир янгилиги унда мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар заминида уйғур адабиёти асарларида Исломга, шунингдек, тасаввуфга муносабат масаласининг адабий-тарихий аспектда қўйилиши ва улар юзасидан дастлабки кузатувлар натижаларининг баён қилинишидадир. Бу масалалар мажмуининг ҳаммаси Навоийнинг уйғур достончилиги ва уйғур насри тараққиётига қўшган ҳиссасини илмий асосда ўрганиш имкониятини яратади.

Уйғур достончилиги ва насрининг такомилида Навоий «Хамса»синиг ўрни мавзусининг тарихий-назарий режа асосида ўрганилиши, бир томондан, Навоий ижодининг туркий халқлар адабиётлари тақдиридаги буюк ўрнини тайин этишга хизмат қилса, иккинчи томондан, уйғур адабиётининг ҳам катта мавқеини кўрсатиб беради. Навоий ўз мероси билан уйғур адабиётида назм ва насрнинг янги бир босқичга кўтарилишига асос яратиб берди. Масаланинг иккинчи жиҳатини таъкидлаш ҳам муҳимдир. Уйғур адабиёти шу жараёнда Шарқда форс- тожик ва ўзбек тилларида равнақ топиб бораётган адабиётлар сафига дадил кириб борди. Уйғур адиблари томонидан «Хамса» мавзуларининг ишланиши билан бу адабиётнинг хамсавор образлари пайдо бўлди. Уйғур шоирларининг ўз

адабиётлари заминида мустаҳкам турганлари ҳолда Шарқдаги бошқа адабиётлар учун умумий маънавий бойликка айланган мавзулар ва сюжетларни янгидан қаламга олишдаги салоҳиятлари, маҳоратлари намоён бўлди.

Ишнинг марказига қўйилган назарий масалалар, уларнинг ечими илмий жараён ва амалиётда:

1. Уйғур адабиётида «Хамса» достонларига хос мавзуларнинг пайдо бўлиши тарихи ва уларнинг ишланиш даражасини ўрганиш;

2. «Навоий ва уйғур адабиёти» масаласини алоҳида ижодкорлар, алоҳида олинган асарларни тадқиқ этишдан умумий асосга эга бўлган муаммолар мажмуи даражасидаги кенгроқ доирага олиб чиқиш;

3. Уйғур-ўзбек адабий алоқаларининг тарихи, тараққиёт босқичлари, шу алоқаларнинг шакллари, муайян шароитлардаги шаклларини ўрганишнинг бугунги кун учун аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилади.

Ушбу ишда илгари сурилган илмий кузатишлар, қайд ва хулосалар олийгоҳларда «Навоий ва уйғур достончилиги», «Навоий ва уйғур насри муаммолари», «Навоий ижодида Шарқий Туркистон» мавзуларидаги махсус курслар учун қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Шарқ адабиёти эстетик тафаккури, Навоий, Низорий каби адибларнинг адабий-танқидий қарашлари, Е.Бертельс, Н.Конрад, В.Жирмунский, О.Шарафиддинов, А. Ҳайитметов, Ю.Мухлисов, С.Муллаудов, В.Ғўпур, Р.Қодирий каби олимларнинг текширишларида илгари сурилган қиёсий тахлил йўналишига асосланади.

Ушбу тадқиқотни яратишда XVI–XIX асрларда яшаб ижод этган уйғур шоирларининг Шинжонг уйғур автоном райони, Ўзбекистон Республикаси, Козоғистон Республикаси фондларида сақланаётган қўлёзмалари, шунингдек, шу жойларда жорий алифбода чоп этилган турли жанрлардаги асарларидан фойдаланилди. Уйғур шоирлари асарларининг Шинжонг уйғур автоном районидаги нашрлари билан бир қаторда «Шинжонг адабиёти ва санъати» ҳамда «Торим» журналлари, «Булоқ» мажмуасида чоп этилган матнларига ҳам мурожаат этилди.

Алишер Навоий асарлари матни учун шоирнинг йигирма томдан иборат «Мукаммал асарлар тўплами» сирасидаги «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» достонларидан истифода этилди.

I БОБ

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЁТНИНГ МУРШИДИ СИФАТИДА НАВОИЙ ИЖОДИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Мусулмон Шарқида туркий, форсий ва араб тилларидаги бадиий адабиёт жуда катта ҳудудда тараққий этган бўлиб, улар ўртасида муттасил равишда турли шакллардаги ўзаро алоқалар давом этиб келган. Бу хилдаги маънавий тафаккур яқинлиги Шарқнинг қадимий халқларидан бўлган араблар, форслар, тожиклар ва барча туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги қатор умумий жиҳатларга асосланган бўлиб, бу адабиёт соҳасида бир минтақа яъни, умумшарқ адабиёти ҳудудини юзага келтирган эди. Араб, форс ва туркий тилдаги адабиётнинг энг яхши намуналарига, ўз навбатида, ана шу минтақа адабиётининг ютуғи сифатида ҳам қаралди. Зотан, бу адабиётларнинг Аҳмад Яссавий ва Юсуф Хос Ҳожиб, Насимий ва Лутфий, хусусан, Алишер Навоий (туркий тилдаги адабиёт), Фирдавсий ва Рудакий, Саъдий ва Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий ва Жомий (форсий тилдаги адабиёт), Ал-Баридий ва Замахшарий, ибн Зайдун ва Ал-Баллад (араб тилидаги адабиёт) каби намояндалари умумшарқ ижтимоий фикр тараққиёти ва ижодий жараённи бошқариб бордилар, унинг тасвир тамойилларига йўлланма бердилар. Шарқда инсонпарварлик адабиётининг қарор топиши ва ривожланиб боришида бу ижодий кучларнинг ижтимоий-адабий қарашлари, улар яратган нодир асарларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлди.

Ўзбек халқининг мутафаккир шоири Алишер Навоий Шарқ адабиёти доирасига туркий халқлар адабиётининг буюк вакили сифатида кириб борди. Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб каби адабиёт намояндалари мерослари воситасида Шарқда ўз нуфузини кўрсата бошлаган туркий адабиёт Навоий даҳоси билан араб ва форс тилларидаги адабиётлар қаторидаги ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади. Шундай қилиб, ўз ижоди билан ўзбек тилидаги, шунингдек, бошқа туркий тилдаги адабиётларга равнақ берган Алишер Навоий айни пайтда унинг ютуқларини бутун Шарққа, бутун дунёга ёйди. Зотан, «ўзида ҳам лириклик, ҳам эпиклик, ҳам олимлик, ҳам давлат арбоби қобилиятларини муваффақиятли мужассамлаштирган такрорланмас ажойиб истеъдодлардан бири бўлган»[1] бу улуғ шахсият бутун фаолияти давомида Шарқдаги ҳамма адабиётлариинг ўзаро алоқалар йўли билан бир-бирларини бойитиб боришлари, янги-янги ижодий кашфиётларга эришувлари тарафдори бўлди. Ўзи туркий тилдаги адабиётнинг энг яхши намуналарини яратиб, бошқа сўз саньаткорларини ҳам шу ижодий юксакликка эришувга чақирди. Шарқда машҳур Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари билан бўйлаша оладиган «Хамса» яратди. Она тилидаги лирик асарларидан иборат «Хазойин ул-маоний»дан ташқари, форсий тилда ўзининг «Девони Фоний» тўпламини тартиб бериб, устозларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Арузнинг IIIарқ поэзиясидаги ўрни, туркий лирикада ўзига хос жозиба касб этишига оид «Мезон ул-авзон» илмий асарини яратди. Туркий тилнинг бойликлари, нафосатию латофатини намойиш этувчи «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини юзага келтирди. Анбиё ва ҳукамолар тарихига махсус асар бағишлади. Ўзбек шоири Эрон афсонавий қаҳрамонлари ва шоҳлари тарихини ёзиб чиқди. Шундай қилиб, Навоий туркий халқлар маънавиятини жаҳоний тафаккур ютуқлари билан бойитиш йўлини тутди. Насимий, Лутфий каби туркий шеърият усталарининг қудратини фахрланиш билан қаламга олди.

[1] Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Т., Ўз РФА, 1963. 166-бет.

Шуниси алоҳида таъкидлашга сазоворки, Навоий ўз ижоди билан туркий адабиётни янги мавзулар, янги сюжетлар ва янги қахрамонлар билан бойитди. Ўз даври адабиётига янги жанрларни олиб кирди. Энг муҳими, Алишер Навоий ўзбек адабиётини, айни пайтда бутун туркий минтақа адабиётларини гуманистик ғоялар билан бойитди. Бу қайднинг маъноси шуки, ўзининг узоқ асрлик тараққиёт йўлига эга бўлган туркий адабиётига Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» ижодий таржимаси, Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзан ул-асрор» асарларидан кейин Навоий тўлиқ «Хамса» достонлари анъаналарини олиб кирди. Навоий «Хамса»си Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг «Хамса»ларига туркий тилдаги адабиётда ёзилган биринчи мукаммал жавоб асари эди. Навоий бу улкан ишлари билан Шарқ адабиётида мустаҳкам анъана йусинини эгаллаб бораётган жавоб асарлари ёзишнинг энг нодир намунасини кўрсатди. Адабиётларда яшаб келаётган ижобий анъаналарни тўғри пайқаш, уларга таяниш, айни пайтда уларга талабчанлик билан ёндашиш, ўрни келса, асосли равишда танқидий фикрлар билдириш, уларга ижодий муносабат билан кашфиётлар йўлини кўзлаш, ижодиётни инсониятнинг равнақига бағишлаш каби фазилатлар ҳам Навоийнинг ўз даври адабиётига олиб кирган янгилиги эди.

Туркий тилдаги адабиётнинг мундарижавий тамал тошига айланган Навоийнинг:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ, халқ ғамидин ғами.

Яна:

Ҳунарни асрабон нетгумдур охир,
Олиб туфроққаму кетгумдур охир.

Ёки яна:

«Илгимдин келганча зулм тиғини ушатиб, мазлум жароҳатига интиқом марҳамини қўйдим» мазмунидаги устодона сўзлари инсонпарварликнинг энг ёрқин ифодалари эди. Демак, туркий адабиёт «Хамса» мавзулари, сюжет ва образлари билангина бойиб қолмади. Навоийнинг сеҳрли илҳом қалами билан жило топган мумтоз умумбашарий ғоялар мумтоз бадиийлик билан уйғунлашиб, туркий адабиётнинг янги саҳифаларига айланди. Унинг янги босқичини таъмин этди. Бу янгиликнинг туркий тилдаги адабиётнинг чўққиси бўлганлигини ҳаммадан илгари яшаган ва юқори баҳолаган Абдурахмон Жомий ва Султон Хусайн Бойқаро бўлди.

Абдурахмон Жомий Навоий «Хамса»синиг якунланиши муносабати билан машҳур «Ҳафт авранг»дан ўрин олган «Ҳирадномаи Искандар» достонининг хотимасида куйидагиларни ёзган эди:

Ба туркийзабон нақше омад ажаб
Ки, жодудамонро бувад муҳри лаб.
Зи тарз офариҳо бар он килк бод
Ки, ин нақши матбу аз он килк зод.

Абдурахмон Жомийнинг Навоий «Хамса»си муносабати билан уни туркий тилдаги адабиётни янги бир поғонага кўтарган ижодкор сифатида ҳарактерлаб билдирган юқоридаги фикрини муфассал ҳолатда атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом таржимасида келтирамиз:

Ганжали шер беш достонга асос қурган,
Навоийдур панжасига панжа урган.
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўздами жодусида боғлагай лаб.
Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдин келди гўзал сўз оламга...
Сенинг юксак таъбинг билан сўз устоди,
Қаламининг калитила сўз кушоди.
Сўзамоллик майдонида сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,
Эй Навоий, лутфинг билан сафо топди.

Шу ўринда «Садди Искандарий» достони хотимасида «Хамса»нинг ёзиб тугалланиши муносабати билан Алишер Навоий томонидан келтирилган бир бадиий лавҳанинг замирига диққатимизни қаратайлик.

Навоий ўзининг машҳур «Хамса»си устидаги ижодий ишини якунлаши билан асар қўлёзмасини олиб Жомийнинг ҳузурига ошиқади. Жомий бу улкан асарга шавқ билан назар ташлаб, бир қўли билан уни оҳиста варақлай бошлар экан, иккинчи қўлини Навоийнинг елкасига қўяди. Шу он бепоён ҳаяжон оғушига тушган Навоий ўзини хаёлан Шарқнинг машҳур алломалари тўпланган бир боғ бўсағасида кўради. У ерда Фирдавсий, Унсурий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Жомий каби устозлар суҳбат қуриб ўтирар эдилар. Навоий уларнинг даъвати билан даврага кириб боради. Шарқ адабиётининг тўнғич «Хамса»нависи Низомий Навоийга ёнидан жой кўрсатади. Ўртада Навоийнинг «Хамса»си хусусида сўз очилади. Низомий Навоийни мураккаб ижод сабоғи «Хамса»нинг муваффақияти билан муборакбод этади. Ушбу лавҳадан англашиладиган мазмун шуки, Шарқ ўзининг Фирдавсий, Низомий ва Саъдий каби даҳо ижодкорларига эга. Уларнинг ўртасида ҳали туркий тилдаги адабиётнинг намояндаси йўқ. Жомий ўша аснода Навоийнинг елкасига қўлини ташлаш билан хаёлот олами орқали туркий тилда «Хамса» яратган Алишер Навоийни Шарқ адабиётининг энг зукко намояндалари даврасига бошлаб келди. «Хамса»ни муносиб баҳолаб, Навоийга қарата «Хамса»навислар панжасига панжа уролганинг туфайли эндиликда сен шуларнинг сафларидан ўрин олиб қолдинг», демоқчи бўлди. [1]Биз бунга яна шуни қўшимча қиламиз. Юқоридаги лавҳада Алишер Навоий Шарқ адабиётида уйғониш даврини бошлаб берган мумтоз даҳолар сафларига туркий тилдаги адабиётнинг улар билан ёнма-ён туришда маънавий ҳуқуққа эга бўлган бир намояндаси сифатида кириб борди. Юқорида эслангандек, устоз Жомий «Хамса»ни кўздан кечириш асосида мусулмон Шарқидаги форсий ва араб тилидаги адабиётлар қаторида туркий адабиётнинг ўрнини ҳам, унинг юқори поғонага кўтарилишида Навоийнинг ўрнини ҳам муайян равишда кўрсатиб берди. Бу билан Навоий туркий тилдаги адабиётнинг Шарқдаги бошка адабиётлар олдидаги мавқеини кўрсатибгина қолмай, унга устозларнинг нигоҳини ҳам, эътиборини ҳам қаратди. Бу мутафаккир ўзбек шоирининг барча туркий тиллардаги адабиётлар олдида жуда катта хизмати эди. Буни Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонининг хотимасида донишмандлик билан қайд этиб ўтган. Шоир Шарқнинг буюк хамсанавислари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва машхур «Ҳафт авранг» муаллифи Жомий асарларининг қайси жой, маскан ва халқлар ўртасида тарқалиши хусусида сўз очиб, ўзи ҳақида ҳам фахрия йўли билан ёзади:

[1] Конрад Н. Алишер Навоий. Ўзбек тили ва адабиёти. 1969. 1-сон. 16-бет.

Низомий олса Барда бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.
Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,
Юриб фатҳ этса Ҳиндустонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўсу шавкат.
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табриз
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзимга турк, жон ҳам.
На ёлғуз турк, балким туркмон ҳам,

Зотан, Навоий бутун ҳаёти ва ижоди давомида катта минтақадаги туркий адабиётнинг равнақини кўзлади. Шу кенг ҳудудда истиқомат қилаётган туркий қавмларнинг ҳаммасини форсий ва араб тилида мавжуд мумтоз маънавий бойликлардан баҳраманд этиш йўлини тутди. Ўз навбатида, туркий тилида ҳам форсий тилдаги адабиётда машҳур бўлган «Хамса»лар, «Ҳафт авранг»лар яратилишини истади. Алишер Навоий:

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати чун жаҳонга бўлғай,
Турки эли доғи баҳра олғай,

деганида ўзи айни пайтда бажараётган ишинигина кўзда тутиб қолаётгани йўқ. У, ўз навбатида, туркий тилли ижод намояндаларига чақириқ ташламоқда, уларни ҳам туркий тилда жаҳоний аҳамиятга эга бўлган асарлар яратишга даъват этмоқда.

Навоийнинг туркий тилдаги минтақа адабиёти олдидаги яна бир катта хизмати, шоирнинг туркий тилда ҳам Низомий, Хусрав Деҳлавий «Хамса»ларига ўхшаган асарлар яратиш мумкинлиги ғоясини ўзининг ижодий фаолияти билан амалий равишда исботлаб беришида бўлди.

Маълумки, туркий халқларнинг авлод-аждодлари энг қадимги даврлардан бошлаб Шарқий Туркистондан тортиб Марказий Осиё, Хуросону Каспий денгизи ва Волга бўйларигача бўлган бир-бирига туташ катта ҳудудда яшаб, ўзининг муштарак маънавий меросини яратиб келган. Буни Шарқдаги туркий тилдаги адабиёт региони деб аташ керак бўлади.

X – XII асрлардан бошлаб уйғур, ўзбек, туркман ва озарбайжон халқларининг ташкил топа бошлаши билан регионал адабиётда маҳаллий адабиётларга бўлиниш тамойили бошланган эди. Лекин бу парчаланиш турли жуғрофий мавзелардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тақозоси билан юзага келган бўлиб, ўз навбатида, унинг замирида миллатларга бўлинишдан иборат шартли тарихий тараққиёт қонунияти ётар эди. Бироқ ҳеч қачон умумтуркий адабиётнинг регионал хусусиятларини инкор қилишга олиб келмаган. Навоий «турк улуси» ичида уйғур, турк, туркман ва бошқа қавмлар борлигини яхши билади. Шу билан бирга шоир учун туркий тилдаги адабиёт ўз регионида бирдир. Туркий тилдаги

адабиётлардан бирида пайдо бўлган янги бир асарни иккинчисига нисбатан иҳота қилиб қўйиш мумкин эмас. Форс адабиёти тарихида бўлганидек, ундан ҳамма қавмлар маънавий озиқ олиши мумкин. Чунки унинг манбаи регион ҳолатида бошланган ва ундан шу регион одамлари баҳраманд бўлиб қолаверадилар.

Шунга кўра ҳам фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки уйғур, турк, туркман ва татар адабиётининг намояндалари Навоийга туркий тилдаги адабиётнинг улуғ тафаккур эгаси бўлган ҳомийси сифатида катта эътиқод билан қарадилар. Устознинг туркий тил ва бу тилдаги адабиётнинг равнақига оид назарий қарашларига амал қилдилар ва уни давом эттирдилар. Амалиётда эса Навоийнинг лирикаси, эпик поэзия соҳасидаги бой анъаналарини ўрнак қилиб олиб, шу илҳомбахш чашмадан баҳравор бўлганлари ҳолда янги асарлар яратиш йўлида изландилар. Зотан, Навоийнинг лирика соҳасидаги маҳорати Шарқнинг ўзига хос санъат оламини ташкил қилган маҳорат мактабига айланди ва катта кашфиётларга йўл очиб берди. Шоир бу соҳада «ўзига хос новаторлик ярата олмаганда унинг асарлари бу қадар улуғ аҳамият касб эта билмас эди».[1] Дарҳақиқат, улуғ шоирнинг ғазал ва муҳаммаслари, рубоий ва қитъа ҳамда соқийномаларида «Файласуф шоирнинг ўзига хос шахсияти ва мушоҳада қуввати, ижтимоий позицияси ҳамда поэтик қудрати назарга ташланиб туради»[2] .

Навоийнинг лирика соҳасидаги янгиликларини қайд этиш учун туркий халқлар адабиётининг XIV аср ва XV асрнинг I ярми манзараларига назар ташлаш кифоядир. Навоий «Мезон ул-авзон» асарида арабий ва форсий шеъриятда мавжуд бўлган арузнинг баҳрлари, улардан қайсиларининг туркий шеъриятда ҳам қўллана бошлаганлигининг кенг ҳолатини очиб берди. Бу ўринда бевосита Навоийнинг ўзи туркий шеъриятда қўллаган баҳрлар, лирикада Навоий томонидан такомиллаштирилган, янгидан олиб кирилган жанрлар ҳақидаги баҳс анчагина катта ўринни эгаллаши турган гап. Хулоса тарзида айтганда эса, Навоийнинг лирика жанрлари такомиллашувига қўшган ҳиссаси каттадир.

Навоийнинг эпик поэзия, унинг равнақи соҳасидаги хизматлари ҳам алоҳида таъкидлашга лойиқдир. Маълумки, X – XII асрларда Шарқ адабиётида достончиликнинг уч тури кенг тараққий қилди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари дидактик достончиликнинг энг мукаммал намунаси сифатида юзага келди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари эса қаҳрамонлик достончилигининг кенг доирадаги тараққётини бошлаб берди. Шарқда ишқий-романтик достончилик Низомий Ганжавий номи билан боғланади. Бу достон турларини уларнинг ҳарактери, табиати, тасвир услубидаги ўзига хосликлар бир-биридан ажратиб туради. Агар дидактик достонларда фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий-таълимий қарашларнинг тасвири етакчилик қилса, қаҳрамонлик достонларида тез алмашиниб турувчи воқеалар тизимида зафар ва мағлубият оҳанглари эшитилиб туради, персонажларнинг хатти-ҳаракатида жанговар руҳ етакчилик қилади. Проф. Е.Бертельс ва О. Рустамова ишқий-романтик достонларнинг дидактик ва қаҳрамонлик асарларидан фарқли равишда инсон руҳий дунёсининг тасвирига бағишланишини ва Шарқ достончилигидаги бу йўналишнинг Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони билан бошланишини қайд қиладилар. [3]Навоийнинг «Хамса»сида юқоридаги достон турларининг деярли ҳаммасини учратиш мумкин. Проф. А.Ҳайитметов ҳақли таъкидлаганидек, бир хил

[1] Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Т., Ўз РФА, 1963. 143-бет.
[2] Узбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 2-жилд. Т., Фан, 1977. 109-бет
[3] Бертелъс Е. Низами и Фузули. М.: Наука, 1962. С. 393; Рустамова О. Низами Ганджави. Баку: Элм, 1981. Стр. 40.

сиёсий-ижтимоий шароитни бошдан кечираётган халқларнинг адабиётларида ҳам бир-бирига яқин ғоявий-бадиий услубнинг барқаророр бўлиши муқаррардир .[1]

Навоий Шарқ достончилигининг турларига хос анъаналарни давом эттириш йўлидан борди. Низомий «Хамса»сига муваффақиятли жавоб ёзиш билан бу ҳолни амалий равишда ҳам исбот этди. Филология фанлари доктори С.Эркинов Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Низомий «Хусрав ва Ширин»ига хос ишқий романтик услубнинг ривожлантирилгани, айни пайтда Навоийнинг киши руҳий олами билан бир қаторда уни ўраб турган муҳитнинг ҳам маънавий манзаралари тасвирларини жонлантиришда алоҳида маҳорат кўрсатганлигини ёзади[2]. Навоийдан кейинги туркий адабиётда ишқий-романтик достончиликнинг ана шу навоиёна тамойиллари кенг даражада ривожланди. Буни ўзбек адабиётидан ташқари уйғур, турк, туркман адабиётлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, туркий тилдаги адабиётлар ўртасида уйғур адабиётини Навоий лирикаси ва айниқса достончилиги хусусиятларини давом эттириш жиҳатидан ҳам, «Хамса» анъаналарини ривожлантириш жиҳатидан ҳам фаол адабиётлардан бири деб қарашга ҳамма асос бор.

Шундай қилиб, туркий тил ва бу тилдаги адабиётнинг жонкуяри сифатида унинг Шарқдаги бошқа адабиётлар ўртасида ўзига хос ўрнини тайин этиш, унинг ҳамма мавжуд имкониятларини ишга солиш, нуфузини кўтариш Навоий фаолиятининг асосини ташкил этди. «Навоий деганда кишининг кўз ўнгида халқ манфаати учун тинмай қайғурган, бутун ҳаёти, ижоди, истеъдодини шу йўлда хизмат қилишга бағишлаган буюк адибнинг порлоқ сиймоси гавдаланади. Шоирнинг лирик шеърларида ҳам, мазмун ва ҳажм жиҳатидан бемиқдор йирик эпик обидаларида ҳам, илмий-назарий тадқиқотларида ҳам кўп йиллик машаққатли, аммо унумли ижтимоий фаолиятида ҳам асосий мақсад инсонни, халқни улуғлаш, унга сидқидилдан хизмат қилиш эди».[3] Шунга кўра ҳам ҳаётга, инсонга, унинг маданияти ва адабиётига нисбатан юксак даражадаги қарашлар соҳиби бўлган Навоий эллар, элатлар ардоғига сазовор бўлди. Асарлари севиб ўқилди. Ғиёсиддин Хондамир бу ҳолни ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» асарида қуйидагича ифодалаб берган эди. У ёзади: «Хито ва Хўтан мамлакатларининг чегараларидан бошлаб то Рум ва Ғарб мамлакатларининг охиригача шоҳ ва гадо, ёш ва қари оғзида ул ҳазратнинг назмлари мастур ва бутун халқ оммаси ва айрим табақаларнинг кўнгил саҳифаларида ва қалб лавҳаларида муборак шеърлари нақшлангандир».[4] Ғиёсиддин Хондамирнинг ушбу ифодаларида юқорида эсланган «Олибман тахти фармонимға осон, черик чекмай Хитодин то Хуросон» сўзлари қайтарилгандай туюлади. Аслида эса бу ерда қайтариқ йўқ. Навоий юқоридаги ифодаларида туркий халқларниг тарихан бирлиги, бинобарин, маънавий ҳаётда ҳам уйғунлигини кўзда тутган бўлса, Хондамир улуғ шоирнинг асарлари туркий халқларнинг энг узоқ ўлкаларида яшовчи эл ва элатларгача етиб бориб, уларнинг қалбларига нақшланиб қолди деб айтмоқда. Бу ўринда Хондамирнинг «Хитой Хўтан»ни бир музофот тарзида қаламга олиши характерлидир. Хондамир Навоий асарларининг бу ўлкаларга ҳам етиб бориб, «шоҳ ва гадо», «ёш ва қари» томонидан қадрланиб ўқилаётганлигини хабар қилмокда.

Навоий асарлари шоирнинг ўзи:
Деганимни улусқа марғуб эт,

[1] Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи масалалари. Т.; Фан, 1970. 72-бет.
[2] ‘Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. Т.: Фан, 1965. 40-бет
[3] Қаюмов А. Алишер Навоий. Т.: Ёш гвардия, 1976. 154-бет.
[4] Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т.: ЎзФА, 1948. 35-бет

Ёзгонимни кўнгулга маҳбуб эт.
Тилга лафзини ногузир айла,
Жонга назмини дилпазир айла.
Халққа зеби торак айла ани,

деганидек, уйғур халқига ҳам «зеби торак», уйғур китобхонига ҳам « муборак» бўлди.

НАВОИЙ ВА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН

Шарқий Туркистон ва унинг туб аҳолиси саналган уйғурларнинг тили ва адабиёти Шарқда катта мавқе тутиб келди.

Шарқий Туркистонда туб жой бўлиб яшаган туркий халқлар, биринчи навбатда, уйғурлар бутун тарих давомида жуғрофий жиҳатдан, шунингдек, урф-одат, маданият ва адабиётлари жиҳатдан бошқа туркий халқлар, энг аввало, ўзбеклар билан ҳамдам бўлиб яшаганлар. Бу халқларнинг маданияти ва адабиётидаги муштараклик босқичларининг обидалари жаҳонга маълум ва машҳурдир. Шарқий Туркистоннинг адабиёт ва мусиқа санъатига мухлис бўлган хукмдорларидан Қадархон номининг XI асрда яшаб ижод этган машҳур озарбайжон шоири Ҳоқоний, Ширвоний қасидаларида қаламга олиниши ҳарактерлидир. Бу ҳол ҳали уйғуршуносликда қайд этилмаган. Маълумки, салжуқий Маликшоҳ замонида Шарқий Туркистондан тортиб Мисргача бўлган ҳудудларга чўзилган катта ҳокимият таркибида Қадархон Шарқий Туркистонда Хўтан хони сифатида фаолият кўрсатган. Тарихчилар ободончилик ва маърифат ҳомийси бўлган бу ҳукмдорнинг Самарқандда ҳам қурилиш ишларига раҳнамо бўлгани, мусиқа маданиятига равнақ берганлигини ёзадилар: «Хоқоний ўзининг «Қасидаи шиния» асарида шу шахсни қаламга олиб, уни «Самарқанд уфқидаги юлдуз» сифати билан таъриф этади. Бу ғоят гўзал бир тасвирдир».[1]

XII асрда қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Болосоғунда дунёга келган «Қутадғу билиг» барча туркий халқларнинг маънавий бойлиги бўлди. Проф. Е.Бертельс Аҳмад Югнакий қаламига мансуб «Ҳибат ул-хақойиқ» асарининг XIII асрнинг охирида уйғур ва ўзбек тилларининг бир-биридан ажралиш даврида аралаш ўзбек-уйғур тилида ёзилганлигини айтган эди.[2] Дархақиқат, бундан олдинги асрларда, яъни «X асрдан XIII асрлар давомида ўзбек ва уйғур тилларини ажратиш тўғри эмас. Қорахонийлар хонлигига қарашли Шарқий Туркистон қабилалари ва қисман чиғатой улусига қарашли элларнинг сиёсий бирлиги туфайли Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшовчилар муттасил тил яқинлигига эга эдилар.»[3] Проф. Боровковнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам шу фикрни қувватлайди. Олим ёзган эди: «Ўрта Осиёда мўғул истилосидан кейин ҳам уйғур тили адабий тил ролини ўйнаб қолди. Тахминан, XI асрдан эътиборан қадимги уйғур тили Шарқий Туркистон ҳудудларидан ўтиб Ғарбга ёйила бошлаган эди» .[4]

Ўзбек адабиётининг қатор ёдгорликлари, жумладан, Лутфий ва Навоий асарларининг қадимги уйғур ёзувида кўчирилган нусхалари маълумдир. XV асрда Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда марказий давлатлар юзага келиб, Ҳирот, Самарқанд каби шаҳарларда илм-фан ва адабиёт равнақ топган бир даврда ҳам уйғур маданиятига бўлган қизиқиш катта эди. В.Бартольд Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида уйғур бахшиларининг ҳам ўз

[1] Хагани Ширвани. Сечилмиш эсерлэри. Баку: Азерб. Элмлар академияси, 1956. 439 бет.
[2] Вертельс Е. «Хибат ал-хакоик» Ахмада Югнаки. Труды САГУ, вып. 3. Гуманитарные науки. Т., 1945.
[3] Шербак А. К истории узбекского литературного языка древнего периода. М., 1953. Стр.318.
[4] Боровков А.Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. «Алишер Наваи». Сб.статей. М. Л., 1946. Стр.99.

санъатлари билан танилганлигини эслатади. Шу даврда юзага келган Темурнинг ҳарбий юришларини баён этувчи «Тарихи хоний» асарининг уйғур хати ва талаффузи билан битилганлиги ҳақида маълумотлар бор .[1]

Навоий яшаб ижод этган XV аср шароитида Шарқ адабиётининг энг кўзга кўринган асарларига бўлган қизиқиш ниҳоятда кучайди. Шу даврда X асрда яшаб ижод этган машҳур форс-тожик шоири Фирдавсий қаламига мансуб «Шоҳнома» асарининг бир неча нодир қўлёзмалари ўзаро чоғиштирилгани ҳолда мукаммал равишда янгидан кўчирилгани каби Самарқанд ва Ҳиротда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари уйғур ёзувида ҳуснихат билан тартиб берилди. «Ҳирот ва Самарқандда «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-хақойиқ» асарлари матнларининг уйғур имлосида тартиб берилиши, – деб ёзган мифилология фанлари доктори Э.Рустамов, – бу давр олимлари ва адабиётшуносларининг уйғур ёзуви ва адабиётига нисбатан катта қизиқишларидан, шунингдек, Ҳирот ва Самарқандда уйғур тили, адабиёти донишмандлари, уйғур ёзувини мукаммал эгаллаган моҳир хаттотларнинг ҳам мавжудлигидан гувоҳлик беради». [2]Навоий «Вақфия» асари муқаддимасида Ҳусайн Бойқаро ҳузурида хизматда бўлган бир неча қабила намояндалари хақида сўз очиб, улар ўртасида «уйғурий сифат бахшилар» ва «уйғур чаркарлик (уйғурларга мансуб) яхшилар» ҳам бор эди, уларнинг ҳар бири шоҳнинг диққат-эътиборида эдилар, деб ёзади. Жумладан, «Вақфия»да ўқиймиз: «...Ҳар мавжудқа бир мақсуд ва подшоҳона иноят, ҳар қайсиға бир муносиб мансаб била сарбаланд ва хисравона тарбият, ҳар бирисини мувофиқ амал шуғлиға пайванд қилдилар»[3]. Демак, XV аср Ҳирот ҳаёти шароитида уйғурлар бошқа туркий халқлар намояндалари қаторида шоҳлик доирасида муносиб мавқе ва мансабларга эга эдилар.

Алишер Навоий ўзига замондош бўлиб яшаган Лутфий ва Саккокий каби иқтидорли сўз усталарининг «уйғур иборатининг фусаҳолари» («уйғур тилида чиройли сўзловчилар, равшан гапирувчилар) деб айтадики, бу ҳам уйғур ва ўзбек тилларининг, шунингдек, бу икки тилдаги адабиётларнинг ўзаро яқинлигини кўрсатувчи муҳим бир далилдир. Бу ўринда Лутфий ва Саккокий уйғур тили ва адабиётида ҳам салоҳиятга эга эдилар деган эътиборни тортувчи маълумот ҳам бор.

Навоийнинг кошғарлик олим ва фозил кишилар билан яқиндан муносабатда бўлганлигини унинг асарлари, шунингдек, замондошларнинг гувоҳликлари орқали биламиз. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ўз замонасининг нуфузли шайхларидап Саъдиддин Кошғарий ҳақида катта самимият билан гапиради. Навоий Жомийни ўз пири сифатида таниганидек, Жомий ҳам Саъдиддин Кошғарийга ўз пири сифатида эътиқод билан қараган. «Насойим ул-муҳаббат»да Навоий бу мўътабар шахсни характерлаб «Накшбандия силсиласининг ўз замонасида комил ва мукаммал муршид ва халифаси эрди»,[4] деб ёзади. Жомийнинг Саъдиддин Кошғарийга ҳурмати шу даражада эдики, у вафот этгач, шоир пирининг Ҳиротдан ташқарида бўлган мозор бошида тураржой қурдирган, ободонлаштириш ишлари олиб борган.

Навоийнинг асарларида уйғурларнинг тарихан машҳур сиёсий маданий марказларидан Кошғар ва Хўтан мавзелари кўп мартаба қаламга олинади. Навоий бу шаҳарларнинг

---

[1] Бартольд В. Сочинения т.VIII. Стр. 131
[2] Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половины XV века. М.; Изд-во Наука, 1963. Стр.37.
[3] ‘Навоий А. Асарлар. Ўн беш жилдлик. XV жилд. 160-бет.
[4] “Навоий А. Асарлар. 15 жилдлик. XV жилд. 137-бет.

тарихи, одамлари уларнинг машғулотлари ҳақида қайноқ бир самимият билан гапиради. Навоий хусусан, Хўтаннинг гўзал табиати, бунёдкор одамлари ҳақида кўтаринки бир руҳдаги тасвирларни яратади. Шоир «Садди Искандарий» достонининг темурий ҳукмдори Абу Саидга бағишланган йигирма тўққизинчи бобида Кошғар шаҳрини эслаб ўтади. Ушбу бобда шоҳ ва унинг қўшини ўртасидаги иттифоқ хусусида сўз очилар экан, Абу Саид қаттиқ танқид остига олинади. Ўзининг ҳарбий юришлари вактида талон-торожга ўч бўлган бу шоҳ ўз қўшинининг ҳол-аҳволи билан қизиқмас эди. Натижада ҳарбиий юришлар вақтида шоҳ билан унинг қўшиинлари ўртасида мухолифат туғилади ва оқибатда бу иш Абу Саид шахсининг инқирози билан тугайди. Навоийнинг ёзишича, Абу Саид Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори, лекин у Зобилистону Табризу Румга ҳам кўз тикади. Шу ўринда шоҳ ўз тасарруфига киритган шаҳарлар саналганда Кошғар ҳам тилга олинади:

Олиб мулки Хоразму Кирмонгача,
Яна Кошғардин Сипоҳонгача.

Навоий асарларида Шарқий Туркистонда қадимдан машҳур Хўтан шаҳри айниқса, кўп эсланади. Навоий шеър ва достонларда афсонавий тарзда куйланиб келинган Хўтан таровати, одамларининг сурат ва сийратлари, Хўтан оҳулари, Хўтан мушкининг ажойиб сифатларини гўзалликнинг мукаммал бир жилоси тарзида тасвирлайди. Натижада, Хўтан деганда китобхон кўзи ўнгида зеби-зийнат мавзеси бўлган бир шаҳар жонланади.

Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида Хўтаннинг бир гўзали хақида сўз боради. Искандар Чинга келар экан,бир ерда шоҳ шарафига хоқон томонидан уюштирилган базм чоғида «хўтанзод маҳрў» (Хўтанда туғилган ой юзли гўзал) таърифи келтирилади:

Бири ул хўтанзоди маҳрў эди,
Яна маҳваш турфа кўзгу эди.

Шоир бир ғазалида гўзаллик сифати ҳақида сўз очиб, «хўтанга хос», «хўтанликларга тааллуқли» деган иборани қўллайди.

Ба ҳурсифат барчасининг нозу фани,
Кашмирию румию хитоу хўтани.

Навоийнинг яна бир қатор ғазалларида маъшуқа Хўтан оҳуси (Хўтан жайронлари)га ташбеҳ қилинади. Анъанавий образга айланган Хўтан кийиклари киндигидан олинадиган мушк эса, маъшуқанинг юзидаги холга қиёс қилинади:

Кўзунг Хўтан, юз узра холларинг, Магарки, нофасидин мушк сочди ул оҳу.

Қуйидаги мисраларда ўзининг севгилисидан хабар кутаётган мажнувор ошиқ ҳолати тасвир этилар экан, яна Хўтан оҳулари ва Хўтан мушки образларидан санъаткорона истифода этилади:

Эй Хўтан жайронлари, нетгай бу мажнун кўнглима,
Нафҳае еткурсангиз мушкин ғизолимдин гаҳе.

Қуйидаги мисраларда ҳам гўзал бир мазмун ниҳоятда сержило тасвир воситалари орқали ўринли қаламга олинади:

Ҳусни атрофида, эй машшота, ҳар ён қўйма ҳол,
Ким Хўтан мулкида ҳиндуларнинг ўлмас мадҳали.

Бу ерда гап дастлаб Хўтан гўзаллари ҳақида бораётганлиги англашилиб турибди. Лирик қаҳрамон – ошиқ машшота (маъшуқага оро берувчи пардозчи аёл)га мурожаат этар экан, Хўтан гўзалларининг юзига хол қўйишга ошиқма. Чунки ҳиндулар (бу ўринда кора хол ҳиндуларга ташбеҳ этилган)нинг Хўтанда турар жойлари йўқдир, деб тасвирда жуда гўзал сўз ўйини қўллайди. Шоир Хўтан оҳуси ва мушк образларини ўта муболаға тарзида қўллаган ва биз келтирган қуйидаги мисолимизда тасвирда зебу зийнат воситаси бўлган сурма сўзи орттирилган. Шоир сурма билан мушкнинг қора тусда бўлиши мафҳумидан фойдаланиб, яна Хўтан жайронлари образига қайтади:

Сурма билан ул ой кўзни қора айламиш,
Йўқса Хўтан жайрони мушк ичинда ағнамиш.

«Ҳайрат ул-аброр» достонидаги ўн саккизинчи мақолат Чин гўзали ва унинг ишқига гирифтор бўлган ошиқларга шоҳнинг зулму ситами тасвирларини ва ниҳоят шохнинг адолатга юз тутишига бағишланган ҳикоятни ўз ичига олади. Ҳикоятда Чин гўзали таърифида Хўтан атамасининг турли ташбеҳлари қаламга олинганлигини кўрамиз:

Боре ди Чин мулкида бир нозанин,
Ожиз анинг нақшида нақққоши Чин.
Орази гулзори Хўтандин мисол,
Кўзи бу гулзор аро мушкин ғизол.
Сурати Чин чеҳраи анвар анга,
Мушки Хотан зулфи муанбар анга.

Чин гўзали ҳақидаги ушбу ҳикоят ўзининг баъзи талқинлари билан Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги чин гўзали Дилоромни эслатади. Лекин моҳир чангчи Дилором образи «Сабъаи сайёр»да катта бир достон қаҳрамони даражасида ишлангандир.

Баҳром саҳрода ов пайтида уста рассом Моний билан танишиб, у билан суҳбатда Чин мулкининг хирожи баробарида баҳоланаётган Дилоромнинг гўзаллигидан хабар топади:

Маҳваши луъбати хитойи зот,
Кўруб андин Хитоу Чин бедод.
Ҳуснича одами нишон бермай,
Киши кўрмай аники жон бермай.
Кўрган ўлмакка қилмаса оҳанг,
Вой ул дамки, олса илкига чанг.
Чанги чун жон физо садо чекса,
Ўзи ул савт ила наво чекса.
Кўрса ёҳуд эшитса ким они,
Қолмағай бир, гар ўлса минг жони.

«Садди Искандарий» достонида ҳам Искандарнинг Чин мулкига юриши, Чину Хитой хоқони билан мулоқоти ҳақида гап борганда ҳам луъбати чиний (Чин гўзали)нинг латофати ва ҳарбий санъатдаги маҳорати қаламга олинади.

Алишер Навоий ўз асарларида Чину Хитой мулки тасвирларини берганда, туркий халқларининг азалий она заминларидан бўлган Шарқий Туркистондаги Кошғар, Хўтан каби қадимий маданий марказларни кўзда тутганлиги, шубҳасиздир. Улуғ шоир бу ерларни ва бу мавзеларда истиқомат қилаётган туркий халқларни Мовароуннаҳр ва Хуросон туркийларининг аждодлари деб билган. Шоир ўз асарларининг Ғарбдан Шарққача бўлган туркий халқлар яшаётган катта ҳудудда тарқалиши, қадрланишини кўзда тутиб, «олибман тахти фармонимға осон, қилич тортмай Хитодин то Хуросон» деб айтганда, Хито атамаси замирида Туркистоннинг Шарқий ҳудудларини кўзда тутади ва бу тушунчага Навоийнинг қатъий эътиқоди бўйича туркий бўлмаган бирор мамлакатнинг (масалан, қадимги Хитой давлатининг) сира алоқаси йўқдир. Бу мавзу хусусида проф. Е.Бертельс, В.Зохидов,, С.Эркинов ва Д.Рўзиеваларнинг тадқиқотларида баҳс қилинади. Бу олимларимиз тарихга оид манбалар, биринчи навбатда, Алишер Навоийнинг асарларига асосланиб, «Чину Хитой» деганда Шарқий Туркистондаги туркий давлатлар кўзда тутилишини тасдиқ этадилар .[1]

Бу мавзуда уйғур олимлари ҳам атоқли шарқшунос Е.Бертельс ва ҳамкасб ўзбек олимлари билан ҳамфикрдирлар. Дарҳақиқат, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг ватани бўлмиш Чиннинг (демак, Турк хоқонлиги) ўрнига дунё харитасидан ўрин олган ўнлаб Чин мавзеларидан бирортасини қўйиш мумкинми? Йўқ, албатта. Алишер Навоий достонда туркий халқлар тарихида шон-шавкат қозонган турк хоқонликларидан бирини бадиий тафаккур йўли билан қайта яратади ва унга жуда катта ғоявий вазифа юклайди. Чин эса Кошғар, Хўтан ва унга туташ ўлкалар эди. Шу ўринда, сўз навбатини Навоийнинг ўзига берайлик. «Садди Искандарий» достонида тасвирланишича, Искандар дунёнинг кўп ўлкаларига юриш қилиб, Чин сарҳадига кириб боради. Искандар билан хоқон ўртасида муайян мулоқот ва баҳслар бўлиб ўтади. Лекин хоқон ҳар бир ишда ақл-тадбир ва адолат билан ҳаракат қилаётган Искандарни кўриб унга тан беради. Атрофига аъёнларини чақириб, Искандар билан бўлиб ўтган машваратларни ўртага солади. Искандарга нечук жавоб қилиш хусусида уларнинг фикрларини билмоқчи бўлади. Алишер Навоий шу ўринларда хоқон ҳақида маълумот бериб ёзади:

Бу сўзлар дегач шоҳи Чину Хўтан,
Дуосига тил чектилар анжуман.

Бу ўринда «Чину Хўтан шоҳи» бирикмасини шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

«Фарҳод ва Ширин» достонида тасвирланишича, Фарҳод шукуҳли Чин хоқонининг ўғлидир. Фарҳоднинг туғилиши бутун Чиннинг шодиёнасига айланади. Фарҳоднинг тарбияси, ақлий ва жисмоний камолоти тасвирлари давомида Навоий унга атаб йилнинг тўрт фаслига мослаб тўртта олий қаср қурилгани ва бу қасрлар қурилишида Фарҳоднинг ўзининг ҳам иштирок этиши лавхаларининг сержозиба манзараларини яратади.

---

[1] Бертельс Е. Навои и Джами. М, 1965. Стр.154; Зохидов В. «Фарход ва Ширин»нмнг ғоявий мотивлари. «Шарқ юлдузи», 1948. № 5 Эркинов С. Навоий «Фарход ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. 149-6 Рўзиева Д. Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони. «Адабий мерос», 1971.№2. 72-73-бет

Хўтан мулкики, жаннатдин нишондур,
Саводи узра жаннат жонфишондур.
Ҳамоно тўрт боғи равза ойин,
Ичинда тўрт қасри хулд тазйин.
Ки бўлмиш эрди ҳукмимдин муҳайё,
Гулу асмори андоқким, сурайё...

Биз юқорида Алишер Навоий асарларида Кошғар, Хўтан каби туркий халқлар, жумладан, уйғур аждодлари манзилгоҳларининг муҳаббат билан қаламга олиниши мисолларига диққатни қаратдик. Бу лавҳалар Навоий асарларидаги воқеалар кечган маконлар ва қаҳрамонларни (хусусан, «Фарҳод ва Ширин» достони мисолида) Уйғуристон билан алоқали ҳолда талқин этишга асос беради. Лекин улуғ шоирнинг катта идеаллари ва шу асосдаги тасвирлари бизни масалага кенгроқ қарашимизни тақозо этади. Достон воқеалари марказида турган Фарҳодни Хўтандан экан, демак, у уйғур дейиш, ёки уни замин ва замондан ажратиб ўзбек йигити деб аташ масалага тор доирада қараш бўлар эди.

Чин Шарқ шоирлари ашъорларида ҳунармандчилик ва санъат нашъу намо топган орзудаги бир мамлакат сифатида куйланиб келинган. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида тасвирланишича, оддий ҳунарманд Фарҳод Шопур билан биргаликда Чинда сабоқ олади. Чин устоди уларнинг бирига тасвирий санъатини, иккинчисига тоштарошликни ўргатган. Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» достонида эса, Фарҳод Чин шоҳининг бахтсиз бир ўғли сифатида тасвирланади. Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин»ида эса, достон воқеалари ва қаҳрамонларини Чину Хито билан боғлаш воситасида бу мамлакатнинг жуғрофияси ҳақидаги қарашларга аниқлик киритади. Чину Хито қадимги турк хоқонлигининг манзилгоҳларидан биридир. Навоий «Фарҳод ва Ширин»да Чинни шундай тасаввур қилади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги тўртликлардан бирида Алп Эртўнганинг қадамжойи сифатида таъриф этилган Хўтанни Навоий ўз идеалида яратган Чин хоқонлигининг шукуҳга эга бўлган маркази сифатида тасвир этади. Фарҳод номи билан боғлиқ «Минг уй» қабилидаги афсоналарнинг Уйғуристонда кўп учраши ҳам Навоийнинг диққатини тортган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Алишер Навоий юқоридаги тасвирларида туркий халқларнинг тарихи, унинг ҳамма қавмлари, ҳунар ва истеъдод эгаларига бўлган меҳр-муҳаббатини намойиш этади. Шу сирада гуманист шоир уйғур тарихига, маданиятига, унинг Саъдиддин Кошғарий каби мумтоз кишиларига ҳурматини ҳам изҳор қилиб борди.

* * *

Шарқий Туркистоннинг XVI аср шароитида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг ўзига хос бир барқарорлашуви юз берди. Шу муносабат билан бадиий адабиётга бўлган эътибор ҳам ўтган асрлардагига нисбатан бирмунча кучайди. Маълумки, XVI асрдан Шарқий Туркистонда Ёркент шаҳрини марказ қилган Султон Саидхон (1490–1533) бошчилигидаги мустақил уйғур давлати майдонга келди. Сулола бошлиғининг номига нисбатан «Саидия» унвонини олган бу давлат Қошғар, Хўтан, Оқсу, Кучор, Қумул ва ҳатто Бадахшонгача бўлган катта заминни ўз ичига олар эди. Султон Саидхон ўлкада марказий бир давлат барпо қилиш, унинг сиёсий ва иқтисодий қудратини ошириш, маданий ҳаётга ривож бериш ишларига катта аҳамият билан қаради. Маданият ва адабиёт, илм ва фан арбобларини давлатни бошқарув ишларига жалб этди. Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросоннинг маданий

ҳаёти ва адабиёти равнақига катта эътибор билан қарагани ва айни пайтда, ўзи жўшқин ижод билан шуғулланган каби Султон Саидхон ҳам бир вақтнинг ўзида Ёркент адабий ҳаётининг муршиди ва жўшқин ижодкори сифатида танилди. Султон Саидхон уйғур ва форс тилларида ижод қилган .[1]

Шоирнинг бизнинг кунларимизгача етиб келган асарларида унинг Алишер Навоий лирикасига бўлган катта эътиқоди кўзга ташланиб туради.

Шарқий Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маданият тараққиётида Султон Саидхоннинг ўғли Абдурашидхон (1510– 1560) ҳам муҳим роль ўйнади. Абдурашидхоннинг ҳукмронлик йилларида Кошғар ва бошқа шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилди. Мадрасалар, карвонсаройлар барпо этилди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон каби ўлкалар билан савдо ва маданий алоқалар кучайди. Бу даврда давлат девонхонаси қошида шоҳлик кутубхонаси ташкил қилингани, Ёркент ва Кошғар мадрасаларига Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ироқ музофотларидан илм толиблари келиб таҳсил билан машғул бўлганлиги маълум.

Уйғур тарихчиси Муса Сайрамий (XIX аср) ўзининг «Тарихи амония» асарида Абдурашидхон шахсиятини характерлаб, қуйидагиларни ёзади: «Абдурашидхон шижоатда беназир ва саховатда бебадал эрди, мулла ва фозил ва шоир киши эрди. Форсий ва туркийда назмни яхши айтур эрди. Илми мусиқада гўё ҳакими Фисағурси соний эрди. «Ишратангиз» деб бир мақом ихтиро қилди» [2].

Абдурашидхон хонлик девонхонаси ҳузурида ташкил қилинган кутубхонада Шарқ адабиёти асарларини кўчириш ишларига диққат қилиб, бу ишга уйғур ва ўзбек тилларини пухта биладиган хаттотларни жалб этиш йўлини тутди. Худди шу даврдан бошлаб Уйғуристонда Алишер Навоий асарларини кўчириш ишларининг йўлга қўйилганлигини таъкидлаш керак бўлади. Бу ғоят ҳайрли ишда XIX асрда ижод этган шоир ва бастакор Юсуф Қидирхон Ёркандий ва ёркентлик шоира Омоннисохоним ҳам ташаббускор бўлдилар. Юсуф Қидирхон Алишер Навоий қаламига мансуб ғазалларнинг ўн олти мақом мусиқасида айтилишининг ташаббускори эди .[3]

Ёркент ва Кошғарда Навоий лирикасидан дастлабки сайланмаларнинг кўчирила бошланганлиги шоирнинг вафоти (1501) йилига тўғри келади. Кўчар мадрасаси мударрисларининг ташаббуси билан шоир вафотининг дастлабки ойларидаёқ унинг лирик асарлари «Сайланма»си бўлган «Чордевон» тартиб берилган ва ҳуснихат билан кўчирилган. Шарқий Туркистонда Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»сининг тўла кўчирилган матни 1557 йилда юзага келган эди.

Алишер Навоий асарларининг Шинжон, Тошкент, Душанбе, Олмаота, Баку ва Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзмаларининг кўчирилиш эътибори билан Шарқий Туркистонга дахлдор деб топилганлари юзасидан фикр юритиладиган бўлса, бу ерда шоирнинг лирик асарлари, «Хамса» достонлари, фалсафий-ахлоқий мундарижадаги асарларига катта эътибор билан қаралганлигини кузатиш мумкин. Кошғар, Ёрканд, Урумчи, Ғулжа каби шаҳарларнинг ҳар бирида кўчирилган асарлар ўзига хос бир хаттотлик намуналаридир. Филология фанлари номзоди Д.Райҳонов ўзининг «Уйғур адабий ҳаётида Навоий асарларининг ўрни» мавзуидаги тадқиқотида XVIII– XIX асрларда

[1] Уйғур эдебийитининг қисқичэ тарихи. Алмута, 1983.63-6
[2] Муса Сайрамий. «Тарихи эмение». Қозон. Н.Пантусов нашри. 1905 . 1 9 -б.
[3] Уйғур эдебийитининг қисқичэ тарихи. Алмута, 1983.69-6

Уйғуристонда Кошғар ва Ёркент хаттотлик мактабларининг ташкил топганлиги ва бу икки марказий шаҳардаги хаттотлик мактаблари мамлакат маданий ҳаётида юксак даражадаги вазифаларни адо этганлигини қайд этади. Уларда Абдураҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий, Абдуқодир ибн Мулла Баҳодир Кошғарий, Мир Ҳусайн Сабурий, Мулла Саидниёз ибн Мулла Муҳаммад Яқуб (Кошғар хаттотлик мактаби) каби ўз даврининг истеъдодли котиблари алоҳида санъат кўрсатиб ишлаганлар. Бу шаҳарларда кўчирилган асарлар ўртасида Алишер Навоийнинг меросига оид қўлёзмалар, матншунослик қонун-қоидаларига изчил риоя қилиниши жиҳатидан ҳам, хаттотлик санъатининг юксаклиги томонидан ҳам ажралиб туради. Бу қўлёзмалар, бир томондан, Алишер Навоий асарларининг Шарқий Туркистонда кенг оммалашганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, XVIII–XIX асрларда Шарқий Туркистонда тараққий топган хаттотлик мактабларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жиҳатидан нихоятда муҳим манбалардир .[1]

Алишер Навоий асарларининг Уйғуристонда кўчирилган анчагина қисми бугунги кунда Шинжонгосори-атиқалармузейидасақланмоқда.Уларнингкўпчилигиуйғурадабиётшуноси Ю.Мухлисов томонидан тузилган «Уйғур классик адабиёти қўлёзмаларининг катологи»да тасниф этилган[2]. Шунингдек, Навоий асарлари қўлёзмалари ҳақида Урумчида алоҳида китоб ҳолида чоп этилган «Қадимги асарлар каталоги» («Қадимги асарлар тизимлики»)да хабар қилинади.[3]

Алишер Навоий асарларининг Шарқий Туркистонда кўчирилган ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзмалари ҳақида шу институт илмий жамоатчилиги томонидан тайёрланган кўп жилдлик каталог («Собрание Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР») орқали маълумот олиш мумкин.[4] Филология фанлари доктори М.Ҳакимовнинг «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» асарида эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган қўлёзмалар ҳақида сўз бораётганда Алишер Навоийнинг Шарқий Туркистонда кўчирилган асарлари ҳақида ҳам муфассал маълумот келтирилади.[5] Навоий асарларининг Шарқий Туркистонда кўчирилган энг нодир қўлёзмалари сирасидан хаттот Абдураҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий томонидан ҳижрий 1240–1245 (милодий 1824-1830) йиллари кўчирилган мукаммал куллиётни (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фонди, инв.316) кўрсатиш мумкин.

Д. Райҳонов юқорида эслатиб ўтилган тадқиқотида Олмаота, Душанбе шаҳарларида мавжуд Навоий қўлёзмалари ҳақида ҳам эътиборли маълумотларни баён қилади.

Шундай қилиб, Навоийнинг асарлари Шарқий Туркистонда асрлар давомида қайта-қайта кўчирилди. Кутубхоналарда, хонадонларда авайлаб сақланди. Навоий асарларини кўчиришнинг XVIII–XIX асрларда, хусусан, Кошғар ҳокимларидан Зуҳриддинбек ва Ёркент ҳукмдори Мирза Муҳаммад Ҳусайнбек даврида кенг йўлга қўйилганлигини, бу икки ҳомий ҳукмдорнинг хаттотлик мактабларига, хаттотлар жамоаларига эътибор ва ғамхўрлик билан қараганларини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Шу аснода улар Навоий асарларини алоҳида

---

[1] ‘Райханов Д. Место и значение произведений Навои в литературной жизни уйгуров (XVIII—XIX в.в.). АКД. Алма-Ата, 1992.Стр.23

[2] Ю. Мухлисов. Уйғур классик адабиёти қўлёзмаларининг катологи. Урумчи 1956.

[3] Қадимги эсерлер тизимлики. Урумчи, 1969.

[4] Собрание Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР.I— XII тома Т., Изд-во АнУзССР, 1952-1975 гг.

[5] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Т., «Фан», 1988

бир санъат билан кўчирилиши ҳамда китобат қилинишига эътибор билан қараганлар. Бу йўналишда Зуҳриддин Ҳакимбек девонхонасида мунший бўлиб ишлаган Абдураҳим Низорийнинг ҳам ташкилотчилиги, ташаббускорлиги алоҳида диққатни тортади. Ўз даврининг катта адиби, шоирлар жамоаларининг раҳнамоси бўлган Низорий ўзи шахсан Навоий асарларини уйғур китобхонлари ўртасида тарғиб этиб қолмай, бошқаларни ҳам шунга даъват этган. Мадрасаларда навоийхонлик дарсларини йўлга қўйишга ташаббускор бўлган, мактаблар учун Навоий асарлари юзасидан қўлланма китоблари тузган.

* * *

Ўзининг маҳаллий (миллий) барқарор кучли анъаналари мавжуд бўлган адабиёт ўзи билан ёнма-ён тараққий этиб бораётган, ҳатто ундан ташқарида турган адабиётларнинг катта оламшумул ютуқларини тез пайқайди. Уларни ўзининг маҳаллий анъаналари билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш, бойитиш йўлини тутади. Бир адабиёт иккинчи бир адабиётнинг ютуқларини ўз эстетик идеаллари, ижтимоий қарашларига мувофиқ келгандагина, унинг ўзида мавжуд яширин имкониятларини юзага чиқаришга илҳомлантира олгандагина қабул қилади. В. Белинский сўзлари билан айтганда «...буюк сўз санъаткорининг бошқа шоирларга таъсири бу шоир поэзиясининг бошқа бир қаламкаш поэзиясида акс этишидан иборат эмас, балки бошқа шоирларнинг қувватини ишга солишдан иборатдир». [1]Айни пайтда адабий алоқа ва ўзаро таъсир ҳеч қачон бир адабиётнинг мислсиз юксаклигини, иккинчи бир адабиёт намояндасидан ўрганиши, унинг анъаналарини ижодий давом эттиришга қўл уриши унинг ўзига хос ижод йўли ва услубини инкор этмайди.

Шу маънода қараганда, уйғур адабиёти ўзининг қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган мустаҳкам анъаналарига эга эди. Бу ҳолни Шарқий Туркистоннинг маданият ва адабиёт бениҳоя тараққий этган жуда кўплаб марказларидаги жўшқин ҳаёт тарзидан англаб олиш мумкин бўлар эди. Бу ўлканинг тарихи, маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи муаррихлар, тазкиранавислар, сўз санъаткорларининг талайгина асарлари бизгача етиб келгандир. XV – XVI асрларга келиб Шарқий Туркистон маданияти тарихида муҳим бир ҳодиса рўй берди. Юқорида қайд этиб кўрсатилганидек, бу қадимий маданият ўлкасига Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг кенг ҳудудларида тараққий топган адабиёт ютуқлари кириб кела бошлади. Бу ҳолнинг катта мазмунини проф.С.Малов жуда чиройли тушунтириб берди. У Шарқий Туркистонда Мовароуннаҳр, Хуросон маданияти ва адабиётининг ёйила бошлашида Навоий ижоди катта воситачилик ролини ўйнади, деб ёзади.

Дарҳақиқат, Хуросон ва Ўрта Осиё адабий муҳити асарларининг Кошғар,Ёркент ва Хўтан каби Шарқий Туркистоннинг маданий марказларига кириб бориши минтақа (туркий адабиётлар минтақа) адабиётининг қонуний бир ҳодисаси, айни пайтда ўзига хос маҳаллий (миллий) адабиёт сифатида тараққий қилиб бораётган уйғур адабиётининг янги анъаналар билан бойиши ҳам эди. Зеро, Навоий ўзи мансуб бўлган ўзбек адабиётини, айни пайтда уйғур адабиётини ҳам ўзининг бой лирикаси ва «Хамса» достонларидан баҳраманд этди. Алишер Навоийнинг улуғ нияти ҳам шу эди. Туркий тилда сўзлашувчи барча халқларни форсий тилда шуҳрат тутган «Хамса» билан бўйлаша оладиган асарлардан баҳраманд этиш эди. Шунга кўра ҳам XVI асрдан бошлаб Навоий асарларининг Уйғуристонга кириб кела бошлаши катта воқеа сифатида кабул қилинди. Навоий асарлари уйғур адабиётида янги-янги анъаналарни келиб чиқишига восита бўлди. Навоий асарларининг уйғур маданияти ва адабиёти олдидаги яна бир аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Шарқий Туркистонда форсий тилдаги адабиёт намуналари у ёки бу даражада маълум эди, албатта.

[1] Белинский В. Полное собрание сочинений. Том V.Стр.502

Уйғур китобхонлари Навоий асарларини ўрганиш натижасида форс-тожик ва озарбайжон адабиётлари, бу адабиётларнинг мумтоз намоёндалари ижодлари билан ҳам анча яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Навоий ўзининг қитъаларидан бирида Шарқ ғазалчилигининг уч устоди, яъни Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийни ўзи учун устоз деб билганлигини таъкидлайди. Демак, Навоий ғазал мухлисларининг диққатларини шу устодлар мерослари томон рағбатлантирди. Шоирнинг «Хамса» достонлари билан танишиш орқали эса уйғур китобхонлари Шарқ адабиётида тўнғич Хамсанавис сифатида шуҳрат қозонган улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141–1209)нинг«Панж ганж»и, яъни «Хамса»си унинг ҳар бир достони мундарижасидан воқиф бўлдилар. Низомийдан кейин Хамсанависликнинг анъанага айлангани, Низомий «Хамса»сига жавоб тарзида яратилган, Ҳиндистонда форс-тожик адабиётига асос солган Хусрав Деҳлавий (1253–1325) асарларининг ғоявий-бадиий мундарижаси ҳақида маьлумот олдилар. Алишер Навоий ўз «Хамса»сини ташкил қилган достонларидан ҳар бирининг муқаддимасида форс-тожик адабиётининг буюк намояндаси, ўзининг пири ва устози Жомий фаолиятини, устоз ва шогирдлик муносабатларини таърифлаб беради. Бу билан Навоий уйғур адабиёт мухлисларининг форс-тожик, озарбайжон ва ҳинд адабиётларини ўрганишлари учун қулай йўл очди. «Хамса» анъанасининг ҳаётийлиги, бу анъанани ҳар бир янги адабиёт заминида ривожлантириш мумкинлиги ҳақида сабоқ берди. Уйғуристонда XVI асрда ташкил топган Саидия уйғур давлатининг хонларидан Абдурашидхоннинг она тили билан бирга форсий тилида ҳам асарлар яратгани маълум. Кейинги асрларда, хусусан, XVIII–XIX асрларда яшаган уйғур шоирларининг Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз ижодлари билам яқиндан танишликлари англашилади. Абдураҳим Низорий мероси ўртасида истеъдодли форс-тожик шоири Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг ҳаж сафарини тасвир этган ҳикоятнинг учраши ниҳоятда характерли бир ҳолдир.

Навоийнинг «Хамса»сини ўрганиш натижасида уйғур адабиётида ҳам Хамсачилик анъанаси пайдо бўлди. Низорий, Турди, Ғарибий, Наврўзохун Зиёий каби уйғур шоирлари бу анъанани давом эттириб, янги-янги асарлар яратиш ниятида бўлдилар. Уйғур адабиётида пайдо бўлган бу янгиликларнинг кўпи Алишер Навоий асарларининг ижобий таъсири натижасида юзага келганлиги, шубҳасиз. Уйғур адабиётида XVI–XIX асрларда рўй берган ана шу ҳодисаларни адабий алоқалар жараёнининг ўзига хос хусусияти сифатиди ҳар томонлама ўрганмай туриб, уйғур адабиётининг бой тарихини тўла тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шарқий Туркистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон уйғуршуносларининг тадқиқотларида уйғур адабиётида Навоий асарларининг ўрни масаласига кўп мартаба диққат қилинганлиги ушбу монографиянинг кириш қисмида қайд этиб ўтилди. Лекин ушбу илмий ишларнинг кўпинча уйғур адабиётида XIX асрда майдонга келган «Муҳаббат достонлари» муносабати билан олиб борилгани маълумдир. Ҳолбуки, кейинги йиллардаги тадқиқотлар уйғур адабиётидаги Навоий анъаналарининг ўрни «Муҳаббат достонлари» билан чекланмаслигини кўрсатди. XVIII-XIX асрда уйғур адабиётининг Мақсуд қори, Ноқис, Мулла Барот, Мир Ҳусайн Сабурий, Мулла Сиддиқ Ёрқандий каби қатор намояндалари ижодларини ўрганиш мавзунинг кенг кўламини кўрсатмокда. Бундан ташқари, Навоий анъаналари деганда яққол кўзга ташланиб турган асарларгагина мурожаат қилиш юқорида тилга олинган алоқалар доирасини торайтириб қўйиши шубҳасиздир. Уйғур адабиёти тарихининг турли даврларини ўрганиш ўзларининг бой лирик асарлари, турли мавзулардаги достонлари билан танилган Хўжамқули Ҳирқатий, Муҳаммад Сиддиқ

Залилий ва Мулла Аълам Шаҳёр Салоҳийларнинг ҳам ўз ижодий изланишлари жараёнида Алишер Навоийнинг маҳорат мактабидан баҳраманд бўлганликларини кўрсатмокда.

Шу ўринда Шарқда адабий алоқалар тарихининг катта билимдони проф. Е.Бертельснинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиз бўлади. Олим ёзади: «Бир вақтлар таъсир масаласига жуда катта аҳамият бериш майли мавжуд эди. Натижада, кўпгина шоирларнинг ижоди текширувчилар қўлида таъсир туфайли бунёд бўлган уйчаларга айланиб қолган эди. Бундай йўлнинг хатолиги ҳақида қайта-қайта гапирилди. Лекин бу фикр ҳар қандай таъсирни инкор этиш учун дастур сифатида қабул қилинди. Кейинги вақтларда адабий алоқалар масаласига диққат қилинмай, уни четлаб ўтиш ҳам воқе бўлди. Бироқ халқдан халққа ўтиб турувчи адабий таъсирни рад этиш реал фактларни ҳисобга олмасликгинадир, ҳолос» .[1]

Шарқ адабиётида бутун ўрта аср давомида инсон ва жамият ҳаётининг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган юксак идеалларни кўпинча анъанавий сюжет ва образлар орқали ифодалаш ижодий жараённинг ўзига хос бир қонунияти сифатида яшаб келди. Бундай анъанавий сюжет ва образлардан ижодий фойдалана олмаган шоирлар ёрқин асарлар ярата олмаганлар.[2]

Навоий ўзининг лирикаси ва «Хамса»дан ўрин олган достонларида Шарқда кишиликнинг зийрак ақли ва истеъдоди вужудга келган барча маънавий бойликларга ворисликкина қилиб қолмай, уларни бойитиш, ривожлантириш йўли билан ўз даврининг долзарб масалалари хизматига бўйсундирди. Демак, гап Навоий достонларини баҳолаш хусусида борадиган бўлса, шоир ўтмиш адабиёти анъаналаридан ўз даврининг қайси масалаларини ёритишда фойдаланди ва бу бобда маҳорат кўрсатди деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Нима учун Низорий «Хамса»дан «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» мавзуларига мурожаат этдилар. Турди Ғарибий «Шоҳ Баҳром» достонини танлади. Бу ҳолдан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир янги давр ижодкори ўзининг фикр-ўйларини банд қилиб келаётган мавзуларини ёритиш учун ўз ўтмишдошлари томонидан қўлланиб, халқнинг шуурига сингиб кетган сюжет ва образларни излаб топиш, уларни қайта ишлаб, ўз маҳорати даражасида, янги мақсадлар ифодаси даражасида сайқал бериш хуқуқига эгадир. Шу жиҳатдан ҳам Низорийга «Фарҳод ва Ширин», Ғарибийга «Шоҳ Баҳром» кўпроқ маъқул келган. Янада аниқроғи, гуманист ўзбек шоирининг шу асарлари марказида турган ғоя ва образлар Низорий ва Ғарибийга маъқул келган, уларнинг дил қатидаги ғоявий ниятларини, ижодхонасидаги маҳорат торларини жунбушга келтирган. Ўз вақтида Мавлоно Лутфий ва Жомий Навоийга қандай раҳнамолик қилган бўлсалар, ўз навбатида Алишер Навоий ҳам Низорий ва Ғарибийга шундай устоз бўлди ва бу билан уйғур адабиёти тарихида катта ҳодиса рўй берди - уйғур шоирлари «Хамса»га қўл урдилар ва унинг бир неча достонини яратишга муваффақ бўлдилар. Туркий адабиётлар ўртасида уйғур адабиётидагина Навоий «Хамса»си достонларига жавоб даражасидаги асарлар яратилди. Бу достонларнинг муаллифлари Низорий ва Турди Ғарибий каби забардаст уйғур шоирлари эди. Навоий поэтик мактабининг уйғур адабиётидаги давомчилари ҳақида сўз борганда Ҳирқатий, Залилий, Мулла Фозил, Мулла Сиддиқ Ёрқандий, Сабурий номларини ҳам аташ керак бўлади. Чунки бу шоирлар бевосита «Хамса» достонлари яратмаган бўлсалар-да, ўз асарларида Навоийнинг сўз санъати маҳоратидан истифода этдилар.

Уйғур адабиётида Навоий «Хамса»си достонларини насрий баён этиш ҳам ўзига хос бир йўналишни ташкил этди. Навоий асарларининг мавзуи, сюжети ва образларини сақлаган

---

[1] Бертелъс Е. К вопросу о филологической основе изучения Восточных памятников «Советское востоковедение», 1955. №3. Стр.15.

[2] Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Т., Ўз РФА, 1963. 38-бет.

ҳолда уларни наср воситасида турли услублар билан китобхонга тақдим этиш катта маҳорат талаб этар эди. Мир Ҳусайн Сабурий, Муҳаммад Мулла Сиддиқ Ёркандий ва Умар Боқий каби шоирлар ўз асарлари билан шундай маҳорат эгалари эканликларини намойиш этдилар.

Уйғуристон гўзал ривоят ва афсоналар ватанидир. Бу ерларда Навоий «Хамса»си достонлари пайдо бўлиши билан уларнинг мавзу ва образларини халқ таҳаййули билан янги бадиий талқинларда ифода этган кўплаб афсоналар, эртаклар юзага келди. Тўғри, аслида «эпик шеъриятнинг асосини, бир томондан мифлар, аждодлар шахсини улуғлаш каби ҳодисаларнинг маҳсули бўлган ибтидоий қаҳрамонлик достонлари ташкил этган бўлса, иккинчи томондан, унинг ривожланишида хаёлий эртаклар катта аҳамият касб этганлар». [1]Шу билан бирга жаҳон адабиёти, хусусан Шарқ адабиёти тарихи катта эпик асарларнинг сюжет ва образларининг фолклорга кириб бориши, ўзига хос мундарижага эга бўлган ривоят ва афсоналарнинг яратилишига манба бўлганлиги ҳам тасдиқ этади. Бу ҳолни Навоий «Хамса»си муносабати билан уйғур адабиётида ҳам кузатиш мумкиндир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоий ижодиёт майдонига зукко истеъдод эгаси бўлган сўз санъаткоригина эмас, айни пайтда, туркий халқлар адабиётининг ҳимоячиси, муршиди сифатида ҳам кириб келди. Улуғ шоир Хуросондан Чину Хитой (Шарқий Туркистонгача) бўлган ерларда истиқомат қилаётган туркий халқлар адабиётининг равнақини истади. Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий каби салафлари йўлларидан одимлаб, илгарилаб бутун Шарққа, Жомий каби устодларга туркий тилнинг қудратини, туркий адабиётнинг каломини эълон этди. Асарларида туркий халқларнинг орзу-умидларини куйлади. Шунинг учун ҳам улуғ ўзбек даҳо шоири ҳамма туркий халқлар ичига кириб борди. Уйғуристонда Навоий асарлари кенг тарқалди, қўлёзмалари кўлдан қўлга севиб ўқилди. Уйғур адабиётида Навоий лирикаси ва «Хамса» достонларининг анъаналари пайдо бўлди. Навоийга издошлар ижод майдонига кириб кела бошлади. Уйғур адабиёти туркий халқлар адабиёти ўртасида Навоий асарлари мавзу ва образларига янгича умр бағишланган катта адабиёт сифатида танилди.

[1] Расулов Х. Қадимги эпик шеъриятнинг дастлабки намуналари. «Адабий мерос» 1971. 2–к. 34–б.

II БОБ

УЙҒУР АДАБИЁТИДА «ХАМСА» МАВЗУЛАРИНИНГ ИШЛАНИШИ ТАРИХИДАН

Уйғур адабиёти ўзининг энг қадимги даврларидан бошлаб ота-боболарнинг ҳудуд билмас истеъдоди билан яратилган мундарижа жиҳатидан ранг-баранг асарлари билан ажралиб туради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини варақласангиз, унда ишқий лирик лавҳаларга ҳам, панд-насиҳат характеридаги парчаларга ҳам, қаҳрамонлик достонларининг намуналарига ҳам кўзингиз тушади. Демак, туркий адабиётнинг ўзига хос бир халқасини ташкил қилган уйғур адабиёт мавзуларга ҳам, жанрларга ҳам бой эди. Уйғур адабиётининг мавқеини бениҳоя юқори кўтарган яна бир ҳолат унда Шарқда шуҳрат қозонган «Хамса» мавзуларининг ишланиши бўлди.

«Хамса»чиликнинг Шарқ адабиётининг нодир бир ҳодисаси сифатида юзага келгани маълум. Унинг тамал тошини XII аср озарбайжон адабиётининг атоқли намояндаси Юсуф Илёс ўғли Низомий Ганжавий қўйган эди. XIV асрда яшаган ва ўз ижоди билан Ҳиндистонда форс-тожик адабиётининг равнақини бошлаб берган Хусрав Деҳлавий Низомий «Хамса»сига жавоб ёзиб, унинг анъана тусини олиб қолишига восита бўлди.

Шу тарзда Шарқ адабиётларида маълум бир мавзу ва сюжетлардан фойдаланиб янгича талқинларга эга бўлган достонлар яратиш йўли билан давр ҳаётининг муҳим масалаларига жавоб қидириш турли халқлар ижодкорлари ўрталарида ижодий мусобақа тусини олди.

«Хамса» яратиш беш достон учун кураш, ҳар бир достонда унинг манбаларидан узоқлашмасдан янги ғоявий ниятлар асосида янги талқинларга эришиш, образли қилиб айтганда мармардек, гўзал маъдандан ишланган тошсупа устида янги бир иморат қуришдан иборат эди. Шунга кўра ҳам Навоий ўз «Хамса»сини яратиш олдида:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ, –

деб ёзган эди. Даврларнинг ўтиши билан хамсачилик бутун Шарққа ёйилди. Навоий ҳам бу муқаддас ишга қўл уриб муваффақият қозонди, устозларнинг таҳсинига сазовор бўлди, адабиёт тарихида тўлиқ «Хамса» яратганлар кўп эмас. Айни пайтда, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Кавказ ва Эрон адабиётларида тўла «Хамса» яратишга интилиш билан бир қаторда, унинг бирор достонини ишлаш ҳам анъана тусини олган эди. Баъзи муаллифлар эса «Хамса»дан икки-уч, баъзан тўрт достонгача ёзганлар. «Хамса»га кирувчи айрим достонларга мурожаат этган муаллифлар ундан тасодифий равишда бир достонни танлаб қолмасдан, ўз ният ва интилишларини ифодалашга кенгроқ имкон берадиган асарларгагина диққат қилганлар.

Шарқдаги Хамсачилик тарихини кузатиш унинг ниҳоят мураккаб бир жараён сифатида ривожланиб борганлигини, XV асрларга келиб эса, форс-тожик адабиётининг забардаст намояндаси Жомийнинг «Ҳафт авранг»и каби еттилик достон тизимларининг юзага кела бошлаганлигини кўрсатади .[1]

«Хамса» ва унинг айрим достонларига мурожаат қилиб, ворисийлик асосида янги асарлар яратиш биринчи навбатда форс-тожик тилидаги адабиётларда кенг томир отди.

[1] Навоий А. МАТ. VII жилд 29-б

Зотан, илк «Хамса» ўша давр одатига кўра форс-тожик тилида яратилган эди. Айни пайтда туркий тилда ҳам Низомий «Хамса»сининг айрим достонлари мавзулари асосида янги асарлар яратиш, уларнинг таржималари устида ишлаш кўзга ташланади. Жумладан, XIV аср ўзбек адабиётининг истеъдодли намояндаси Қутб Низомий «Хамса»сидан ўрин олган «Хусрав ва Ширин» достонининг ижодий таржимасини яратди. XIV аср турк адабиётининг атоқли намояндаларидан бўлган Синон Шайхий ҳам Низомий достонига ижодий ёндашиш йўли билан ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонини юзага келтирди. Шундай ҳарактердаги бир достон туркман адабиётида ҳам яратилди. Ушбу ижобий тажрибалар, хусусан, Навоий қаламига мансуб «Хамса»нинг дунёга келиши билан Хамсачиликнинг Шарқда умрбоқий бир жараёнга айлангани маълум бўлди. Туркий тилдаги адабиётларнинг маънавий раҳнамоси сифатида шараф эгасига айланган Навоий «Хамса»сининг довруғи форсий ва туркий тилда сўзлашувчи халқлар ўртасида кенг тарқалди. Унинг туркий халқлар дунёсидаги мавқеи, айниқса, кучли эди.

Кўплаб ижод эгалари Навоий «Хамса»сидан илҳомланиб янги асарлар устида ишлаш ниятида бўлдилар. Лекин ўзбек уйғур ҳамда туркман адабиётларининг ҳеч бирида тўлиқ «Хамса» яратилмади. Қатор туркий адабиётларда «Хамса»нинг алоҳида достонлари мавзуларига мурожаат этиш яққол кўзга ташланади.

Навоий достонларига илк дафъа диққат қилган ижодкорлардан бири XVI аср турк шоири Ломиий бўлди. Шоирнинг бизгача етиб келган «Фарҳод ва Ширин» достони Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг бирмунча ижодий ишланган таржимасидир. Ломиийнинг «Ҳафт пайкар» достони ҳам таржима асаридир. Ломиий Навоий достонлари асосида ишланган бу асарлардан ташқари «Шаму парвона», «Вомиқ ва Азро», «Саломон ва Абсол» каби достонлар ҳам яратган. Г.Алиев айрим турк олимларининг шу беш достонга таяниб, Ломиийни хамсанавис муаллифлар сафида қайд этишларини эслайди .[1]

Низомий «Хамса»си достонларининг сюжет ва образларини янгилаш XIV аср муаллифлари Хожу Кирмоний ва Соважийнинг ижодий тажрибасида ҳам учрайди.[2] Ломиий ҳам Навоий «Хамса»сига нисбатан шундай йўл тутиб, ундаги «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» достонидан ташқари асарларни янги сюжетлар асосига қурганга ўхшайди.

Ўзбек ва туркман адабиётларининг кўзга кўринган намояндаларидан Нурмуҳаммад Андалибнинг бой ижодий мероси ўртасида «Лайли ва Мажнун» достони мавжуд. Низомий, Навоий ва Фузулийнинг шу номдаги достонларидан ижодий истифода этиб яратилган бу асар муаллифнинг шарқ адабиётини мукаммал билишини, ўзигача яратилган ҳамма «Лайли ва Мажнун»лардан яқиндан бохабарлигини кўрсатади. Андалиб ўз асари устидаги ишида халқ оғзаки ишқий достонлари мотивларидан ҳам унумли фойдаланганлигини кўрсатади.[3]

Ўзбек адабиётида Хамса мавзуларига фаол муносабатни XIX асрнинг аввалларида яшаб ижод этган ўзбек шоири Маҳзун ижодида учратиш мумкин. Маҳзун ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонини Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий асарларидан ижодий фойдаланиш йўли билан яратди.[4] Маҳзун достони наср ва назм йўли билан ёзилган бўлиб, асар услубида халқ китобларининг таъсири яққол кўзга ташланиб туради.

---

[1] Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока і М., 1985. Стр.135

[2] Валихўжаев Б. «Хамса» ёзиш анъанасига Навоийнинг муносабати «Ўзбек тили ва адабиёти», 1990. №1.19-б

[3] Тоҳиров Қю Октябрдан аввалги ўзбек-туркман-адабий алоқалари проблемасига доир. Т., 1988. 89-б.

[4] Фитрат. «Фарҳоду Ширин» достони тўғрисида. «Аланга». 1930. 1—2-сонлар

* * *

Навоий асарлари сюжет ва мавзуларининг уйғур адабиётида ишлана бошлаши XVI асрдан фаол тус ола бошлади.

Маълумки, бу даврда ҳамма туркий халқларда, жумладан, уйғурларда ҳам адабиёт катта тараққиёт йўлига чиқиб олган эди. [1]Ўз вақтида туркий адабиётнинг жонкуяри Навоий туркий халқини форсий тилдаги нодир адабиёт намуналари билан таништиришга аҳд қилиб, бу ишни у асарларга муваффақиятли жавоблар ёзиш йўли билан амалга оширганидек, уйғур сўз санъаткорлари ҳам Навоийнинг ҳамма асарларидан уйғур китобхонларини баҳраманд этиш йўлидан бордилар.

Уйғур адабиётида XVI асрдан эътиборан Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» девонларига, «Хамса» достонларига қизиқиш, улардан маҳорат сирларини ўрганиш кўзга ташлана бошлайди. Ушбу тадқиқотнинг аввалги қисмида қайд қилинганидек, Навоий асарларига бўлган эътибор Шарқий Туркистонда шоир асарлари қўлёзмаларининг кенг ёйила бошлаганиданоқ кўзга ташланар эди.

Туркий адабиётлар ўртасида Навоий «Хамса»си достонлари мавзуларига мурожаат этишда уйғур адабиёти олдинги ўринда туради. Тўғри, уйғур адабиётида тўлиқ «Хамса» яратилмади.

Атоқли уйғур адиби Низорий «Хамса» достонларидан «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» мавзуларига мурожаат этди. Турди Ғарибий эса «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонини яратди. Демак, уйғур адабиётида Навоий «Хамса»си достонларидан учтаси асосида янги асарлар яратилди. Аслида Низорий ва Ғарибийлар тўлиқ «Хамса» яратиш фикрида ҳам бўлганлар деб айтиш мумкин. Низорийнинг ёзишича, Кошғар ҳокими Зуҳриддинбекнинг тавсияси ва унга шоирниш жавобида шундай маъно англашилади. Жумладан, Низорий ўзининг достонлар мажмуасида ёзади:

«Каминаи нотавон Абдураҳимни юртимизнинг ҳокими Зуҳриддинбек олийлари ўз ёнига чақириб, улуғ Амир Алишер Навоий ҳазратларидек муҳаббатлар оламининг жавоҳирлари билан тўлган достонларни қачонда бунёдэтурлар деб қистаб, ҳижолат чектиргани важҳидин, ондин улуғ устоз «Хамса»си сингари янги жавоҳирлар достонларини ўз улусимизга тақдим этмак иштиёқида қаламни андоғ тебратдим». Бу ўринда Навоий «Хамса»сининг муҳаббат жавоҳири сифатида характерланишининг ўзи бу мумтоз асарга бўлган ҳурмат-эътиборни кўрсатиб турибди. Ҳоким шоирга мурожаатида «Хамса»га ўхшаш янги жавоҳирлар яратиш устида иш бошлашга даъват этмоқда. Ўз даврининг катта дониш ва истеъдод эгаси бўлган Низорий «янги жавоҳир» яратиш учун «Хамса»нинг ўзидан юксакроқ намунани кўрмаган деб айтиш мумкин. Шунга кўра ҳам у Навоий «Хамса»си таркибидаги иккита достонга мурожаат қилган. Турди Ғарибий эса «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони устида ишлаш билан уйғур «Хамса»сини бунёд этишга ғишт қўйган. Уйғур шоирлари булардан ташқари Шарқда машҳур «Вомиқ ва Узро» сюжетига ҳам мурожаат этганлар. Анъана асосидаги достонлар ёнига «Робиа ва Саъдин» каби реалистик тамойил билан йўғрилган асарларни қўшиш билан «янги жавоҳирлар» рўйхатини кенгайтириб борганлар.

Уйғур халқи Ўрта Осиё, Хуросон ва бошқа туркий халқлар яшаган ҳудудларда бўлгани каби бутун тарих давомида мураккаб сиёсий-ижтимоий ҳаёт шароитини бошдан кечирди. Шарқни Туркистонда мустақил марказий давлатлар ташкил топган даврлар (Қорахонийлар, Султон Саид ва Абдурашидхон ҳукмронликлари даврлари каби) ҳам бўлди. Лекин Манжур, Мўғул ва Хитой хонларининг Шарқий Туркистон устидаги дафъа-дафъа рўй бериб турган

[1] Ҳамраев М. Веков неумирающее слова. Алма-Ата, 1969. Стр.20.

истибдоди бу ўлка тарихида чуқур салбий из қолдирди. Уйғур халқи ўз истиқлоли учун бот-бот курашларга отланди. Дониш, ақл ва истеъдод эгалари бу курашларнинг олдинги сафларида бордилар. Улар зулм ва зўравонликлар ҳаддидан ошиб кетган вақтларда ҳам ҳокимиятни ўз қўлларида тутиб турган кучларни эл-юртга хайрихоҳ бўлишга чақириш билан халқ қисматини енгиллаштириш йўлини тутдилар. Бу соҳада маҳаллий зодагонлар ўртасида етишиб чиққан тараққийпарвар ҳоким ва бекларнинг роли ҳам катта бўлди. XIX асрнинг аввалларида Манжур–Хитой мустамлакачилик сиёсати авж олиб турган бир даврда Кошғарда ҳоким бўлиб турган Зуҳриддинбек ўз даврининг шундай пешқадам кишиларидан эди. Биз Зуҳриддинбекнинг ҳокимлик даврини ҳам, у бошқарган ҳокимлик идорасини ҳам бекамукўст эди, демоқчи эмасмиз. Зотан, бу даврларда ҳам халқ оммасининг ҳаёти аянчли бир ҳолда қолаверди. Турли ижтимоий қатламлар, мазҳаблар ўртасидаги зиддиятлар ҳам мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатар эди.

Зуҳриддинбек Кошғарнинг давлат арбоби сифатида, аввало ўлкадаги ҳаётнинг тинч-тотув давом қилишига катта куч сарфлади. Унинг маданият ва адабиёт соҳасидаги ҳомийлиги, айниқса самарали бўлди. Ўзи ҳам табъи назм эгаси бўлиб, Зуҳрий тахаллуси билан шеърлар ёзган бу тараққийпарвар шахс лавозимидан фойдаланиб, Низорий, Ғарибий, Зиёий каби кўплаб истеъдод эгаларини Кошғар адабий муҳитида фаолликка даъват этади. Жумладан, у юксак истеъдод эгаси Низорийга яқиндан ҳомийлик қилади. Бошқа истеъдод эгаларини ҳам сарой хазинаси ҳисобидан таъминлаб, маданият, санъат ва адабиётга равнақ беради .[1]

Зуҳриддинбекнинг давлат арбоби, маданият ҳомийси сифатидаги фаолияти ўзининг айрим жиҳатлари билан Алишер Навоий фаолиятига ўхшаб кетади. Зотан, Зуҳриддинбек ҳаёт йўлига ҳам, ижодий фаолиятга ҳам катта рағбат билан қараган. У ўз даври истеъдодларининг диққат-эътиборини Навоийнинг бой лирикаси, хусусан, «Хамса» достонларига қаратган, уларнинг навоийхонлик фаолиятларини рағбатлантириб борган. Диққатга сазовор жиҳати яна шундаки, худди шу даврда уйғур котиблари Навоийнинг девонлари, «Хамса» достонларини ҳуснихат билан кўплаб нусхаларда кўчирдилар.[2]

Турди Ғарибий ўзининг «Китоби ғариб» асарида Зуҳриддинбекни шундай характерлайди:

Чу Кошғар аро бор эрди асру шоҳ,
Дили ичра марғуб эмас қасру коҳ.
Ўзи Кошғар шоҳи, шоҳона улуғ,
Ўлим хавфидин эрди кўнгли сўнуғ.
Зухуриддин исми, боши узра тож,
Замонида эрди шариат ривож .[3]

Ана шу ҳоким кунларнинг бирида ўз даврининг атоқли сўз санъаткорлари сифатида танилган Низорий, Ғарибий ва Зиёийларни ҳузурига таклиф этиб, уларнинг ҳар бирини эл учун, юрт учун манзур асарлар яратишга даъват этади.

Зухриддинбекнинг таклиф ва тавсифларида замона руҳи билан боғлиқ безовталик, шундай бир шароитда халққа маънавий мадад излаш оҳанглари сезилиб турар эди. Бу ҳолни Ғарибий «Китоби ғариб» асарида шундай шарҳлайди:

---

[1] Қодирий Р. Уйғур адабиётида Навоий анъаналари. «Адабий мерос». 1968.1-к.54-б
[2] Рўзиева Д. Алишер Навоий традициялари Абдураҳим Низорий ижодида. Ном.дисс. Қўлёзма.Т., 1974.51-б.
[3] Ушбу сахифалардаги бир неча шеърий мисол Б.Аршидциновнинг китоби асосида келтирилмокда. Б.Эршиддинов. Уйғур классиклари ижодийитида дастан жанри. Алмуту, 1988.42-б

Деди шоҳ, қилғил бу янглиғ китоб,
Раият димоғига яткур гулоб.
Бари ҳур агар сўзин қил томон,
Ки назм айлагил, англасун хосу ом.
Дағи айлагил ҳар неча маърифат,
Шариат баёнини ҳам зохир ат.
Жаҳон хайли маккорлик қилмагай,
Ҳунар ичра ғаддорлиқ қилмағай.
Адув миннатини тарк айласун,
Ҳамиша шариат йўлин издусин.
Сўзунг англабон ҳурфагарлар бари,
Қадам қўймагай шариаттин тошқари .[1]

Кўринадики, Зуҳриддинбек ўз даврининг донишманд ва тадбирли давлат арбоби сифатида маккорликка, алдамчиликка, кишиларга нисбатан миннат фикрида бўлган кимсаларга қарши турган. Ўз навбатида шоҳ ростгуйликка, шариат йўлида собит бўлишга таъсир кўрсатадиган асарларга ҳожатманд эди. Бу йўлда у сўз санъаткорларининг мададига таянар ҳам эди. Бу Зуҳриддинбекнинг Низорийга мурожаатидан ҳам англашилади.

Зуҳриддинбек Низорийни ҳузурига чорлар экан, ўртада шундай суҳбат бўлиб ўтади:

Замон шаҳидин бўлди амри азим,
Аё, нотавон хаста Абдураҳим.
Муҳаббат ўти дилда тобиш қилур,
Хирад булбўли доғи нолиш қилур.
Чу ушшоқлар зикрини назм қил,
Хиёлат майдонига азм қил.
Вафосиз жаҳонда нишона керак,
Вақосиз замонға пасона керак .

Шоир Зуҳриддинбекнинг нозик тафаккурига ҳам ишора қилади:

Замони ул шоҳга кечмиш хиёл,
Қилур назм алфози даф малол.
Чу ушшоқларинг ҳикоятини,
Ки бошдин ўткан ривоятини.
Қилиб жам назм айласа хўбдур,
Каломи табиатқа марғубдур.
Қилиб ишқ хурпини равшан баён,
Ўқуб онглағой борча аҳли жаҳон.

Зуҳриддинбекнинг Ғарибий билан мулоқотда айтган гаплари билан Низорийга мурожаати ўртасида маълум умумийлик бор. Агар Ғарибий билан суҳбатда даврда авж олган «маккорлик», «алдамчилик» каби иллатларни даф этиб, одамларни инсоф ва диёнат йўлига бошлаш қудратига эга бўлган асарларга ҳожатмандлик руҳи англашилса, Низорий билан суҳбатда ҳам «замон аҳли», «жаҳон хайли», «гуфтори «рафторидаги» ўзгаришлар –

[1] Ўша асар, 43-б.

таназзул ҳақида сўз боради. Унинг дафи учун эса яна кишиларнинг руҳий оламига ижобий таъсир этиш қудратига эга бўлган сўз санъати асарларига чанқоқлик муддаоси билиниб туради.

Ватан тақдири тўйғуси, ватандошларининг қадр-қиммати тўйғуси қалбида дард бўлиб турган Зуҳриддинбекнинг Низорийга қарата «ушшоқлар зикрини назм қилиш» ҳақидаги таклифи дастлабки қарашда кутилмаган бир ҳодисадек туюлади.

Зухриддинбекнинг сўзларига такроран мурожаат қилайлик:

Чу ушшокларнинг ҳикоятини,
Ки бошдин ўткан ривоятини.
Қилиб жам назм айласа хўбдур,
Каломи табиатқа марғубдур.

Бу ўринда ошиқларнинг ҳикояларини (ўтмиш адабиётидаги ишқий асарлар кўзда тутилмокда) жамлаб назмга солиш хусусида сўз бораётганлиги аниқ.

Юқоридаги ҳокиму шоир муносабатидан ҳокимнинг донишмандлиги яна бир карра ўз тасдиғини топади. Зуҳриддинбек уйғур адабиёти тарихидан яхши хабардор шахс.У аждодларнинг ҳаётида, авлодларнинг тарбиясида адабиётнинг нақадар муҳим роль ўйнаб келганлигини яхши билади. У айни ҳолатда қаршисидаги катта истеъдод эгасининг юрт жароҳатига интиқом марҳамини қўя билишини, бу борада кўп асрлик энг яхши анъанага эга бўлган ўтмиш адабиёти тажрибаларидан маҳорат билан фойдалана олишларини ҳис қилади.

Ҳокимнинг Низорийнинг диққатини «ушшоқларнинг ҳикоятига», «уларнинг бошидан ўтказган ривоятларига» тортишида ҳам жуда катта маъно бор.

Шу хусусдаги мулоҳазаларга диққатни тортамиз.

Маълумки, мусулмон шарқида диний-фалсафий оқим сифатида шаклланган сўфийлик инсоннинг Худога муносабати масаласини асос қилиб олади. Қуёшдан зарра ажралиб чиккани каби Оллоҳнинг нуридан жило топган инсон яна ўша Оллоҳнинг ўзи билан бирикиш ишқи билан ёнади, ошиқлигини оламга ошкор қилади. Илоҳ маҳбубга етишиш йўлида ўзини шамга уриб нобуд бўлишгача етган парвона ҳолига тушади. Лекин Оллоҳ васлига восил бўлиш учун инсон комиллик касб этиши, маърифат денгизида ғаввос бўлиб, гавҳар топа билиш пиллапоясига кўтарилиши керак. Худбинлик, манфаатпарастлик, жоҳиллик бу муқаддас йўлга қадам қўйганларнинг оёқларини кишанлаб қўяди. Мол-дунёга ҳирс-ҳавас уларнинг кўзларини кўр қилиб ташлайди. Бундай кишилар ҳақиқий ошиқ эмас, балки бўлҳавасдирлар

Тасаввуф шеъриятида илоҳий ишқ покиза асосларга қурилган. У инсон қадр-кимматини эъзозлашга қаратилган реал дунё гўзалликлари, мўъжизаларига бўлган ишқ билан қўшилиб келади. Худди шу мажозий ишқ дарди одамларни ҳақиқий ишқ йўлига ҳозирлайди. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг Юнон сафари тасвирлари асносида мажозий ишқнинг ҳақиқий ишқ йўлидаги бир босқич сифатида талқин этиб, тасаввуф фалсафасини ўзининг шу муҳим бир қараши билан бойитади. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам ошиқлик комилликдир. Ошиқлик инсон табиатидаги ҳар қандай иллатларни маҳв этувчи руҳий покликдир, руҳий балоғатдир. Ўзи поку сўзи пок кишилар атрофидаги одамларнинг дарду ҳасратларини бошқалардан илгарироқ англайди. Ўзи каби дардлиларнинг олдидан бефарқ ўтиб кета олмайди.

Низорий ҳам достонда воқеалар давомида ва достондан ўрин олган маъвизаларда Навоийнинг юқоридаги қайдларига ҳамфикрлик билдиради. Низорий қарашига кўра

ҳам «ҳақиқат ҳар ишда Хизрдек ақлни раҳнамо билмоқ, ҳирсу ғафлат, ҳавою ҳавасдан воз кечмоқ лозим».

Кошғар ҳокими Зуҳриддинбек Низорийга ошиқлар ҳақидаги ҳикояту ривоятларни назмга солиш ҳақида маслаҳат солганда, уларнинг тарбиявий мундарижасидан истифода этиш, замондошларига ижобий таъсир кўрсатишда улардан келиб чиқадиган маънолар хазинасидан ўринли фойдаланишни кўзда тутади.

Низорий қўлига қалам олар экан, унинг нигоҳи «Фарҳод ва Ширин»га келиб тўхтади. У Навоий достони йўлидан бориб ўзининг кўнглига тугиб келаётган ғоявий ниятларини юзага чиқаришга калит топгандек бўлди. Навоий ўз достонини ёзиш олдида Фарҳодвор тоғга кўтарилганидек, Низорий ҳам Фарҳодга ҳамқадамлик йўлини тутди.

УЙҒУР ФАРҲОДНОМАСИНИНГ ТЎНҒИЧ АСАРИ

Низорий, юқорида кўриб ўтилганидек, Зуҳриддинбек тавсияси билан «Ошиқлар достони» устида ишлашга киришар экан, унинг кўзи ўнгидан Фарҳод, Мажнун, Вомиқ, Юсуф ва Наврўз каби Шарқнинг қатор фидойи ошиқларининг сиймолари ўтади. Уларнинг ҳар бири аллақачонлар достонларнинг қаҳрамонига айланган, лекин айни пайтда, адабиётда шу образларнинг янги-янги талқинларини ишлашни ижодий беллашувга айлантирган мустаҳкам анъана ҳам юзага келган эди. Низорий дастлаб ўзига ҳар жиҳатдан яқин бўлган Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони олдида тўхтайди. Фарҳоднинг ишқий саргузашти ҳақида асар яратмоқчи бўлади. Лекин намуна қилиб олаётгани асарнинг ўзи ниҳоятда мукаммал ишланган. Бу ошиқлик ҳайкалининг ёнида яна бир ҳайкал яратишнинг нақадар мушкуллигини Низорий чуқур ҳис қилади. Лекин шоирни Навоий «Хамса»си мавзуларида янги асарлар яратиш иштиёқи банд қилиб қўйган эди. Қалбида муҳаббат ўти ёлқинланиб, ақл булбули нолиш қилар эди. Шундан сўнг шоир ишга киришиб кетади:

Таваккал айлидим, шуруъ айлидим,
Ки арвоҳлирдин хушуъ айлидим.

1841 йилда Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони яратилди. Шоирнинг бу асари Навоийнинг достонига жавоб хусусиятларига эга. Бироқ унинг анъанавий мавзу асосидаги мустақил асарга хос хусусиятлари кучлироқдир. Низорий асарни Навоий достонининг ихчамлаштирилган бир нусхаси сифатида баҳолаш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Шу жиҳатдан «Уйғур классик адабиёти тезислари» асарининг муаллифлари томонидан билдирилган фикр кўпроқ диққатни тортади. Жумладан, В. Ғўпур ва А. Ҳусайн ёзадилар: Низорий ва Навоий достони воқеаларини сақлаб қолгани ҳолда китобхонга енгиллик туғдириш мақсадида уни ўз ифодалари билан қисқа баён қилиб беради.[1] Демак, Низорий Навоийнинг мавзу ва образларини ўз ижодий тамойиллари асосида янгидан қаламга олади. Уйғуршуносликда Низорий ўз достони устидаги ишида фойдаланган қўшимча манбалар ҳақида ҳам сўз борганлиги маълум.[2] Навоий ва Низорий «Фарҳод ва Ширин»ларининг муқоясасига таяниб тўла асос билан шуни айтиш керакки, Низорий ўз асари устидаги ишида Навоий достонига содиқлик билдиради. Ўз ижодий фаолияти давомида устод Навоийнинг жавоҳирларига кўз солиб, ундан олтин гавҳарлар топган, шу гавҳарлар ёғдусида ўз кўнглини ёритган»

[1] Ғўпур В., Ҳусайн А. Уйғур классик эдебийити тезислири.Бежин 1987. 912-б.
[2] Эршиддинов Б. Уйғур классиклири ижадийитидэ дастан жанри. Алмуту: Наука, 1988. 85-бет.

Низорий достонини Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига таянган ҳолда яратилган уйғур «Фарҳоднома»си деб аташ мумкин. Уйғур «Фарҳоднома»синининг Навоийнинг буюк сиймоси билан алоқаси, биринчидан, Низорийнинг улуғ устознинг инсонпарварлик қарашларини давом эттириб, она мамлакатининг оғир қисматларини, жафокаш халқининг ҳаётини енгиллаштириш ва уни маънавий бойитиш йўлидан борганлигида, иккинчидан, шу ҳаётий ғояларни ифодалашда Навоий «Фарҳод ва Ширин»и сюжет ва образларидан ижодий фойдаланишидадир.

Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин»и билан танишган китобхон Шарқда узоқ даврлар давомида чуқур илдиз отган ва Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий каби даҳо сўз санъаткорлари томонидан қаламга олинган Фарҳод қиссалари рўйхатининг янги-янги асар билан бойиганлигини кузатади. Низорийнинг маҳорати шундаки, у «Фарҳод ва Ширин» воқеаларини икки минг уч юз мисрада мўъжаз бир тарзда жонлантириб беришга эришади. Агар шу ижодий меҳнатнинг устига Низорийнинг Навоий достони сюжетига қўшимча бўлган манбалардан ҳам фойдаланганлиги масаласини қўшсак, шоирнинг катта санъаткорлиги янада равшанроқ кўзга ташланади.

Низорийнинг ўз асари устидаги ишида Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идан қай даражада таъсирлангани, айни пайтда, ўз ғоявий нияти асосидаги мустақил изланишларини белгилаш мақсадида ҳар икки достон матни асосидаги айрим қиёсларга диққат қилиш лозим бўлади.

Тўғри, адабиётшуносликда ушбу достон асосида айрим илмий ишлар қилинган. Филология фанлари номзоди Д.Рўзиева «Низорий ижодида Навоий анъаналари» мавзуида олиб борган илмий ишида Навоий ва Низорий достонларининг бир-бирига туташ ўринларига ҳам диққат қилади. Олима Низорий ўз асари устидаги ижодий ишида Навоий «Фарҳод ва Ширин»идан самарали озиқлангани ҳолда воқеаларнинг ривожланиб боришини ўзига хос тарзда қуради, деган фикрга келади Д.Рўзиеванинг таъкидлашича, Низорий «шу орқали ўзининг ўй-фикрлари, ҳис-тўйғулари, орзу-умидларини ифодалайди ва уйғур диёрининг гўзал манзарасини жозибали қилиб тасвирлаб беради». [1] Д.Рўзиева ўз тадқиқотида Низорий достонининг Навоий «Фарҳод ва Ширин»и сюжетига кўра фарқли жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтган. [2]Низорий «Фарҳод ва Ширин»инининг оригиналлигини таъкидлаш мақсадида икки достон сюжети ўртасидаги тафовутларга Б.Аршиддиновнинг юқорида эсланган «Муҳаббат достонлари»га бағишланган монографиясида ҳам эътибор қилинади.[3] Биз тадқиқотда достоннинг кенгайтирилган адабий-тарихий, қиёсий саҳнадаги таҳлилини бердик. Бу мавзуда олдинги амалга оширилган ишлардан фарқли равишда Низорий асаридаги ислом нури ва тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ масалаларга тўхтаб ўтдик.

Низорий достони Машриқ диёридаги Чин хоқонлигининг ҳаётидан лавҳалар чизиш билан бошланади. «Шавкатда гардун асос», «тахтда заррин либос» шоҳнинг ер юзасидаги хазиналари, кўмиб қўйилган бойликларининг сон-саноғига етиб бўлмас эди. Лекин унинг шу авж иқболига яраша таянчи, яъни фарзанди йўқ эди. Ҳамиша фарзанд тилаги, талаби билан яшарди. Замонлар ўтиб худди садафдан гавҳар пайдо бўлганидек, Ҳақ унга ўғил ато қилади. Бу гавҳар отанинг кўзига нур бағишлайди. У ўз шодлигини юрт билан баҳам кўради. Халқни солиқлардан озод қилади.

---

[1] Рўзиева Д. Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони. «Адабий мерос», 1971.2-к.71-б

[2] Ўша ерда. 75-76-б

[3] Эршиддинов Б. Уйғур классиклири ижадийитидэ дастан жанри. Алмуту: Наука, 1988. 139-бет

Бола доя қўлида парвариш топа бошлар экан, унинг юзидан, кўзидан, қўйингчи, бутун вужудидан шуъла таралиб турар эди. Лекин у йиғлаган пайтларида йиғи овозидан фироқ дарди шабадаси келар эди. Худди шу ердан бошлаб асарнинг тасаввуфий мундарижаси кўзга ташлана бошлайди. Хоқон болага ном қўйиш учун донишмандларни йиғади. Улар зийраклик ва ҳикмат билан Фарҳод деган номни топадилар. Боланинг юзида ишқ тилида дард нишоналарини кўрганлар Фарҳод номини шу асосда ҳарфма-ҳарф шарҳлаб берадилар.

Навоий ва Низорий достонларининг сюжетлари ўртасидаги тафовутлар Низорийнинг қаҳрамонлар саргузаштини ҳикоя қилишдаги айрим ўзгаришлар, қўшимча лавҳаларда кўзга ташланади. Шу билан бирга, уйғур шоири Навоий достонидаги айрим мафҳумларни ўзича талқин этиб, ўзича шарҳлаб боришида ҳам маҳорат кўрсатади. Низорий достон воқеаларининг бошланишиданоқ Навоий асари сюжетига ҳамоҳанг ҳикоя тизмасини яратиб келар экан, Фарҳодга ном қўйилиши лавҳасини Навоий мисраларига жавоб мазмунига эга бўлган санъатлар билан жило беради.

Билингким, чу «Фо» ҳарфи Фурқатга дол,
Ки, «ро»си онинг майл риғбатга дол.
Яна «ҳо»си ҳижронга бўлди қарин,
«Алиф»дак қаддидур аламга яқин.
Чу «дол» ўлди чакмакка дард-бало,
Ки отидаки нуқтага мубтало.

Кейин Фарҳоднинг бешик даври тасвирлари бошланади.

Низорий ўзи ўрганган қўшимча манбалар асосида бўлса керак, болани ўн икки ойда бешикдан туширдилар деб ёзади. Бола уч ёшга киради, лекин унда ўн ёшлиларнинг камоли бор эди. Бирок, унда шодмонликдан асар ҳам йўқ, болани бепоён ғамгинлик ўраб олган. Ўқиса, адаб ўрганса, ҳикматлардан хабардор бўлса, ўзгариш пайдо бўлар деб, уни муаллим қўлига топширадилар. Лекин Фарҳод муаллимнинг ўзичалик донишга эга эди. Фарҳод хулқу одоби камол топиб борар, шижоатда ҳам ҳаммани ҳайратга соларди. Хою ҳавасга майли йўқ, лекин ишқ эли каби доим фиғон чекади. Агар сўз орасида ушшоқлар ҳақида гап борса, унинг авзойи, ҳолати дарҳол ўзгарар эди. Агар китоб саҳифаларида муҳаббат сўзини ўқиб қолса, уни оғзидан қўймас эди.

Достондаги кейинги тасвирлар ҳам Навоий асарининг ҳикояси чизиғида боради. Бу ҳолни асарда навбатдаги бобга қўйилган сарлавҳадан ҳам сезиб олиш мумкин. Унда ўқиймиз:

«Хоқони Чин Мулкоро вазир бирла маслаҳат қилиб ҳаммаа аҳли ҳикмат, муҳандиспешаларни жамъ қилиб, тўрт боғ ичинда тўрт иморати Эрам монанд бано айлаб, ул меъмор санъатин шаҳзода тамошо қилиб, Қорани сангтарошдин санъатлар мулоҳиза қилиб, харубур метин кўзига марғуб кўрунуб, Қорандин касб қилғони».[1] Фарҳоднинг ўз тож тахтини ҳадя этмоқчи бўлган отасининг таклифига рад жавоб бериши тариқат бўйича нафсдан воз кечишнинг биринчи нишонаси эди. Низорий Фарҳоднинг шоҳликнинг ғаройиб хазинасига кириши ва у ерда оинаи Искандарий билан танишуви эпизодларида ҳам татаббунинг яхши намуналари кўзга ташланади. Воқеалар баёни давомида оинаи Искандарий билан боғлик, бўлган ҳикоя тизмасида Навоийга кўра бирмунча ўзгача талқин юзага кела бошлайди. Низорийга кўра оинаи Искандарийда Фарҳод дастлаб Яман мамлакати манзаралари, Яман сафаридан қайтгач эса, арман кўҳсорлари билан танишади. Низорий достонида Фарҳоднинг Искандар

[1] Низорий достонлари. 129-б.

тилсимини ечиш учун Юнонга эмас, балки Яманга сафар қилиши ҳам Навоий сюжетидан ўзгачалик эди. Низорий Навоий достонидаги Фарҳоднинг сафар асносида Суҳайло ва Суқрот билан мулоқотлари, дев ва аждарни ўлдириш эпизодларини сақлаб қолгани ҳолда бу лавҳаларнинг маконини Яманга кўчиради. Бу ўринларда Низорий қисса тарихи билан боғлиқ кўшимча манбалар таъсирида ҳаракат қилган кўринади. Бироқ Навоий асаридаги Фарҳоднинг Юнонга сафари жуда катта мазмунга эгалигини ҳам таъкидлаш керак бўлади.

Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг Яман сафарини итмомига етказиб, Чинга қайтиши воқеалари баёнидан кейин ўттиз мисрадан иборат бир мавъиза келтирилган. Ишқий-романтик достон таркибида фалсафий ахлоқий қарашларни ўз ичига олган маъвизанинг ўрин олиши дастлабки қарашда кутилмаган бир воқеадек туюлади. Лекин адабиёт тарихида бундай ҳоллар учрайди. Жумладан, китобхон Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони хотимаси олдида панд-насиҳат ҳарактерига эга бўлган маъвиза билан танишади. Бундай ҳолларда ўз қаҳрамонларининг фаолиятини, умуман воқеаларнинг оқимини кузатиб бораётган муаллифнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари акс этади. Фарҳод Навоий достонида Юнонга борар экан, у ерда Суҳайло ҳоким ва Суқрот каби жаҳоний билимга эга бўлган донишмандлар билан танишди ва уларнинг избосарлари бўлиб қолди. Суҳайло ҳоким ва Суқрот Фарҳодга тилсимлар, авлодлар йиққан ҳадди-ҳисобсиз бойликлар йўлини тўсиб ётган дев ва аждарларга қарши кураш ва уларни маҳв қилиш йўлларини ўргатдилар. Навоий Аҳраманни одамзоднинг адолат ва осойишталик йўлидаги интилишларига ғов бўлиб ётган ёвуз кучлар тимсоли сифатида тасвирлайди. Низорий Фарҳоднинг ана шу ғоят таҳликали, машаққатли сафарини тасвирлар экан, маъвиза йўли билан лирик чекиниш қилади ва Яманда Фарҳодга дуч келган кучларнинг мажозий моҳиятини донишманд сўз санъаткори тафаккури билан ҳарактерлаб беради.

Низорийнинг тасвирлашича, одамзоднинг нафси хасад ғорининг оғзида турган аждар кабидир, Унинг иши хасадгўйлик ва ўз домига тортишдан иборат. Аҳраман эса, такаббурлик билан ҳирсдир, у кишининг димоғига уя қуриб олдими бас, уни хароб қилмай қўймайди. Такаббурлик ва ҳирс эгалари теварак-атрофидагиларгагина зиён-заҳмат етказиб қолмай,оқибатда ўзларини ҳам маҳв қиладилар.

Мавъиза шу тарзда ҳикматлар силсиласи билан Мавжланиб боради:

Ҳасад ғорининг аждари нафсдур,
Хиёлоти фосид оро ҳабсдур.
Такаббур била ҳирсдур Аҳраман,
Димоғинг аморида тутмиш ватан.
Тағофул эрур бу тилисми жахон,
Ки бу найранг ичра бўлубсан ниҳон.
Риёзат хаданги муҳайё қилиб,
Қаноатда қаддингни чун ё қилиб.
Раҳо айлагил ўқни Фарҳодвор,
Ки аждар ниҳодидин ўрлот дамор.
Садоқат қиличин қилиб тезрак,
Ки ул девни қатл килмок керак.
Чу огоҳликдин сонга барса даст,
Ки ғафлат тилсимини қилғил шикаст.

Қилиб ақлни Ҳизрдек раҳбар,
Кўнгул сиридин анда олғил хабар.
Вужудингдин ўлса бу ишлар аён,
Ки Суқрот бўлмоқға йўқтур гумон .[1]

Бу мисраларда кўзга яққол ташланиб турувчи ғоя шоирнинг тасаввуфий қарашлари билан боғланади. «Фарҳод ва Ширин»нинг ботиний мазмунини ташкил қилган қаҳрамоннинг комиллик йўлидаги юришлари нафс ва такаббурликни маҳв этишдек қатор поялардан ўтишни тақозо этар эди. Фарҳод шу йўлда изланди ва нафс–аждарни, такаббурлик–Аҳриманни енгди. У энди комиллик поғоналаридан яна илгарилаб бориши керак. Достондаги эпизодларнинг зоҳирий маъноси ҳам ғоят ибратлидир. Сулук йўлига кирган ринд шариат қоидаларига ҳам риоят қилмоғи вожибдир. Айни пайтда, Низорий инсонни инсончасига яшашига монелик қилувчи хулқ-атворларни, салбий иллатларни танқид остига олиш билан ўз замонасининг йўлдан озган кишилари қатламларига таъсир кўрсатмокчи бўлади. Шоирнинг ана шу олижаноб ғояларини ифодалашига Фарҳоднинг Яманга сафари вақтидаги воқеотлар ниҳоятда қўл келган.

Юқорида Кошғар ҳокими Зуҳриддинбекнинг Низорийга ошиқлар ривоятлари, ҳикоятларини назмга солиш ҳақидаги таклифи эсланди. Шу муносабат билан у ерда ўртага ташланган «ошиқлик» ниҳоятда кенг маънода бўлиб, тасаввуфий талқинларга бориб боғланиши ҳам қайд қилинган эди. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Суқротнинг Фарҳод ишқини изоҳлаб айтган гаплари эсланган эди. Низорий юқоридаги маъвизада «ҳақиқат ёрига кўнгил берган киши суқротчасига яшаш керак» деган ғоят муҳим фикрни ҳам илгари суради.

Фарҳод оинаи Искандарийда кўринган тоғлар ўлкаси бўлган Арманияни, Армания гўзали Ширинни излаб топади. Бу ишда унга сайёҳ Шопур ҳамроҳлик қилади. Фарҳодни бу ерда тоғ қазувчилар билан учрашуви, уларнинг оғир меҳнатига ачиниши, ўзи Қорунчасига меҳнат қуроллари ясаб ишга кириб кетиши, томошага келган Ширин билан учрашуви, ариққа сув очилиши, Меҳинбону қасридаги зиёфат лавҳалари Навоий достони хикояларига уйғундир.

Бировким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон, кўрди терди.
Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп,

деб ўзига хитоб қилиб, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий каби сўз санъати даҳолари асарларига муваффақиятли жавоблар ёза олган Алишер Навоийга ўзини шогирд деб билган Абдурахим Низорий ўз тасвирларида мустақил йўл тутади. Маълумки, Низорий ўз асарида Навоий достонидаги воқеаларни босқичма-босқич баён этиш йўлини тутмаган, балки неча юз мисрада ифодаланган воқеаларнинг муҳим бўлакларини, уларнинг яхлитлигини таъмин этиб турувчи лавҳаларни бир боб ва бир неча мисрада мўъжаз тасвирлаш тамойилига амал қилган. Фарҳоднинг Арманияга кетгач, тоғ қазувчилар билан учрашиб ўзи инсонийлик расмини тутиб ишга киришиб кетиши лавҳаларининг баёни:

Фарҳод тоғ қазувчиларнинг аҳволига назар ташлаб, раҳми келди ва уларга бирор чора билан мадад қилишни кўнглига тугди. Ишбошидан вазиятни сўраган эди, халойиқ арзи ҳол айтишга ўтди ва деди: бу иш шоҳимизнинг ҳукми билан бошланган. Уч йил бўлдики,

[1] Низорий достонлари. 165-б.

бу машаққатга дучормиз. Кўриниб турган тоғ устида катта бир денгиз бор. Ўшандан бир дарё сув олиш фикри бор. Лекин тош кесаверишдан ҳаммамизда заифлик юз бермокда. Азиз умрларимиз тугашга қараб юз тутди. Улар шу сўзларни айтишиб, зор-зор йиғига тушдилар. Бу ҳол Фарҳодга жуда таъсир қилди, Шопурга маслаҳат солди ва деди: ойнада Ширинниng шаклини кўрган эдим, энди суҳбат билан ўзини ҳам топадиганга ўхшайман. Халойиқни бу меҳнатдан озод қилай. Бир ишни амалга оширайки, у достонга айлансин, жаҳон саҳифасида ёдгор бўлиб қолсин:

Ки Фарҳод бичора пур дарду ғам,
Таваккул қилиб ишқа қўйди қадам.
Ясаб нача теша била бир метин,
Ки пинҳон онго сув бериб шоҳи чин.
Ки юз теша вазни била путти ул,
Ки метин сўқуб қориға урди қўл.
Онинг зарбида сочроғон риза тош,
Чиқиб айлагай чарх жисмин харош.
Ётиб санг ҳаводин, тутулди қуёш,
Икки минг киши тошубон реза тош.
Чиқар зарбидин раъд янглиғ садо,
Мунинг кориға ал қилиб жон фидо.
Йиқин муддат ичра бир ариқ,
Ясаб ойна янглиғ онча силлиқ.[1]

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан хабардор бўлган ҳар бир ўқувчи учун юқоридаги лавҳанинг ўзида Низорий асарининг анъана билан алоқали жиҳатлари ҳам, ундаги ўзига хос янги чизгилар ҳам бутун нозикликлари билан аён бўлади.

Юқорида Низорий достонида Навоий талқинларидан фарқли оинаи Искандарий воқеасидан кейин Фарҳоднинг Юнонга эмас, Яманга боришини эслаган эдик. Низорий Фарҳодиинг Яман сафари вақтида Чиндан йўлга чиқиб Бежин (Пекин) орқали ўтганлигини таъкидлайди. Худди шундай ўзига хослик ва янгиликларни Фарҳоднинг Арманиядаги фаолияти давомида ҳам учратамиз. Низорий Фарҳод Арманияга келар экан, у ерда Бесутун тоғи этакларида ариқ очиш иши билан машғул одамлар ила учрашади. Шоир шу боб сарлавҳасида «Фарҳод Арман жонибига бошлаб, кўҳи Бесутун қозғон халойиққа етганда ҳолига раҳм қилиб метинни қўлига олиб, чопиб, халойиқнинг уч йиллик ишин бир лаҳзада қилган хабари Ширинга маълум бўлуб, келиб мусофирдин пурсиши аҳвол қилғони» деб ёзади.

Воқеалар ҳикояси давомида Бесутун тоғи атамаси яна бир неча дафъа қаламга олинади.

Келиб кўрди чун Бесутун тоғин,
Бу тоғ ичра чун кор қилмоғни.

Маълумки, Бесутун тоғи Эронда Теҳрон билан Кирмон ўртасида жойлашган бўлиб, афсонавий бир тарзда бадиий асарларга сингиб кетган. Тарих асарлари унинг деворларига ёзилган турли битиклар, расмлар ҳақида гувоҳлик берадилар. Шундай битикларидан бири

[1] Низорий достонлари. 183-б.

Эрон шоҳларидан Аҳмонийлар даврида ҳукмронлик қилган Доро томонидан ёздирилган эди. Бесутун тоғи, ундаги ёзувлар, расмлар хақида Шарқда турли мундарижаларга эга бўлган ривоятлар, афсоналар кенг тарқалган. Шундай афсоналардан бирини Низомий «Хусрав ва Ширин»да эслайди. Айни пайтда, Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида Фарҳоднинг ўша машҳур Бесутун тоғи орқали йўл очиши, шу тоғ деворларига Ширин суратини чизиши лавҳалари тасвирлари ҳам берилади. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида воқеалар Чин ва Арманияда кечади. Шунга кўра, у ерда Бесутун тасвири йўқ. Фарҳоднинг Арманияга бориши, тоғ этагида ариқ очиши тасвирларида бирор тоғнинг номи эсланмайди. Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширинни излаб Арманияга борган Фарҳоднинг у ерда ариқ очаётган меҳнат аҳли билан учрашуви Бесутун тоғи этакларида рўй беради. Шарқ халқлари тарихи, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий асарларидан яхши хабардор бўлган Низорийнинг Бесутун тоғининг жуғрофий ўрнидан бехабар бўлган деб айтиш қийин. Бу ўринда шоирнинг ўз ижодий иши давомида шартли талқинларга ҳам йўл қўйганлигини айтиш керак бўлади.

Низорий Арманияда Фарҳод томонидан қазилган ариқ ва ҳовуз номларини ҳам ўзича атайди.

Ариқни дебон исми «Наҳрун–нажот», Саршорининг отин «Айнул–ҳает».

Достонда кейинги ҳикоялар давомида ариқ очиш ишлари якун топиб, Меҳинбону билан Ширин Фарҳоднинг мўъжизакор меҳнати билан муборакбод қилиб турган бир шароитда Армания устида Ширинга уйланиш ниятида йўлга тушган Хусрав Парвез пайдо бўлди ва севишганларнинг ҳам, севишганларни ардоқлаб турган элнинг ҳам осойишталигини бузади.

Шарқ адабиётида биринчи маротаба Навоий достонида ишланган бундай талқин Низорийда катта таассурот қолдирган кўринади. Зотан, шоир Навоий асаридаги Армания устига Хусравнинг босқини, вайронагарчилик, ҳийла-найранглар, гуноҳсиз одамларнинг бемаҳал ўлими каби мудҳиш ҳодисаларни Хитой-Манжур босқинчилари зулми остида эзилаётган ўз юртида ҳар қадамида кўрар, ўз халқи тақдири учун ички бир дард босқинчиларига сўнгсиз бир нафрат билан яшар эди. Чунки босқинчилар, мустамлакачилик сиёсатини юргизаётган зўравонлар Шарқий Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишга йўл бермас, уруш-талашлар эса яна халқнинг тинкасини қуритар эди. Низорий ўз достонида устоз тасвирларига издош бўлиб, Хусрав босқини ва унга қарши Фарҳоднинг, бутун Арманистоннинг курашини тасвирлар экан, қалами илдамлайди, тили бурролашади, тасвирларида ўта жонлилик бошланади. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида асар воқеаларининг яқин ярмини ташкил қилган Хусрав босқини воқеалари Низорий асарида шоирнинг ўзи танлаб олган ижодий тамойил асосида қисқа, анча содда лавҳалар воситасида берилади. Фарҳоднинг Арманияни қамал қилган Хусрав билан баҳслари, Ширинниг Хусрав таклифини эшитиши билан изтироблари, Меҳинбонунинг бир томондан Ширин тақдири учун, иккинчи томондан Армания халқи қисмати учун қайғуришлари Меҳинбонунинг Фарҳод қадр-қимматини ҳимоя қилиб Хусрав билан элчилар орқали мубоҳасалари Низорий асарида жуда қисқа тасвирлар орқали берилади, улардан айримлари умуман тушириб қолдирилади. Лекин уйғур шоири бу воқеалар тизмалари билан боғлиқ бўлган ғоявий ниятни мухтасар лавҳалар орқали тасвир этиш йўлида жиддий изланади ва кўп ҳолларда ўз олдига қўйган вазифанинг қулай ечимларини топади.

Бир характерли мисолга диққатни қаратайлик.

Шарқ адабиётида чуқур илдиз отган Фарҳод, Хусрав ва Ширин афсонасини катта мустақил достон сифатида ишлаган Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонидан бошлаб

ҳамма асарларда Хусрав билан Фарҳоднинг машҳур диалоглари бор. Низомий, кейинча эса, Хусрав Деҳлавий Навоий достонларида бир-бирига шакл жиҳатидан яна яқин бўлган бу диалог икки бир-бирига қарама-қарши бўлган қутблар – Фарҳод билан Хусравнинг руҳий оламларини яққол кўрсатиб беради. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ида асар сюжетининг авж нуқтаси ҳам шу диалогдир.

Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ана шу анъанавий Хусрав ва Фарҳод диалогига кўзимиз тушмайди. Достонда худди ўша машҳур диалог ўрнида «савод айлади ва «жавобин бериб» сўзлари билан бошланувчи иккита байт мавжуд. Шоир тўрт мисрадан иборат шу парчада, аввало, ўша машҳур диалогни эсга солувчи сўзлар қўллайди, ўшандан келиб чиқадиган хулоса руҳидаги сўзлар тизмаси билан Хусравнинг маънавий мағлубияти манзарасини яратиб беради:

Деди: ай ҳазин, сан ничук одами,
Тушубдур бошинға бировнинг ғами.
Жавобин бериб ишқдин минг калом,
Онго айлади сўз қилурни ҳаром.

Ушбу икки байтнинг дастлабки икки мисраси анъанадан кам фарқ қилмади. Бироқ кейинги икки мисрадаги тасвирлар оригиналдир. Унда ишлатилган сўзлар пурмаънолиги, залворлилиги, мантиқнинг кучлилиги билан Фарҳоднинг сервиқор ички ва ташқи оламини очиб беради. Байтнинг мазмунига диққат қилайлик. Фарҳод Хусравнинг – Сен ўзинг кимсан, қандай одамсан, қайси гулнинг ғами билан юрибсан, каби гапларига жавоб берар экан, ишқнинг завқи оташи билан сўз айтиб, Хусравнинг оғзини очирмай қўйди дейилади у ерда. Фарҳод Хусравни мантиқ кучи билан михлаб қўйган эди. Фарҳод тоғда жон таслим этар экан, Ширин унинг жасадини олдириб келади ва видолашиш учун олдига кирмоқчи бўлади.

Шунда Ширинниг Мехинбонудан илтимоси бор.

Навоийда:

Деди Бонуға: Будур илтимосим,
Ки бир дам тутмагайлар халқ посим.
Низорийда:
Деди Бонуға: Эй кўзум равшани,
Ки тафвиз этибман худоға сени.
Киши калмасун қошима бир замон
Халойиқ манго лазҳа берсун амон.

Навоийда:

Вафода ул ўз инсофини олмиш,
Ул айлаб ўз ишин, иш бизга қолмиш.

Низорийда:

Кетибсан фалакдин кўруб сарзаниш,
Ки навбатда қолмиш қолди монго эмди иш.

Юқоридаги бир-бирига яқинлик билан бирга Низорий достонида Ширинниng Фарҳод жасади устидаги йиғиси берилган бўлиб, бу лавҳа Навоий достонида йўқдир. Ҳаётдан бемаҳал кетган энг яқин кишиси шаънига Ширинниng бу йиғиси халқ оғзаки ижодидаги марсияларнинг энг мукаммал намуналарини эслатади.

Деди: Оҳ, меҳнатда ўтган ғариб,
Мени даб, ки тоғ ичра юрган ғариб.
Висолим била бўлмодинг баҳраманд,
Сонго яткузуб чарх турлук газанд.
Бу янглиғ сени кўрмасам, кошки,
Ки ҳасрат била ўлмасам, кошки.
Ки ишқимда қилдинг вафодорлиғ,
Бажо келтурубсан монго ёрлиғ.
Мани даб қилиб кўҳни лолазор,
Сонго ҳам қилой ман бу жонни нисор.
Тириклик керакмас сенингсиз монго.
Муродим будурким етишсам сонго.
Қилибсан бақо мулкида шоҳлиқ,
Қилой эмди сан бирла ҳамроҳлик.

Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ошиқ-маъшуқларнинг фожиали ўлимлари ва уларнинг жаннатга тушишлари тасвирлари билан якунланади. Негадир Низорий анъанада мавжуд Фарҳод вафотидан кейин Арманистонга етиб келган Баҳром томонидан Меҳинбону авлодидан бўлган бир кишини бу ерга подшо қилиб кўтарилиши, янги шоҳ қилиб кўтарилиши, янги шоҳ даврида мамлакат ўнглана бошлаганлигини тасвирловчи эпизодларни келтиришни лозим топмайди.

Низорий ўз ҳомийси Зуҳриддинбекнинг ошиқлар ҳикоятини халққа етиб борадиган даражада содда бир тарзда назм қилишдан иборат топшириғини адо этди. Ошиқларнинг соддагина қилиб тасвирланган янги ҳикоятида халқ тақдири, ватан тақдири билан боғлиқ бўлган инсонпарварлик қарашларини ифодалаш ҳам кўзда тутилган эди. Бу ғоявий ният асарнинг мағз-мағзига сингиб кетди.

Низорий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонини ихчам сюжет асосига қурар экан, Навоий достонидаги муфассалликни кўзда тутиб, ўз китобхонининг диққатини устоз асарига торта борди. Масалан, Низорий Фарҳоднинг ариқ очиши ва шу восита билан Ширин билан илк дафъа кўришуви эпизодларига бағишланган бобнинг якунида ўз китобхонига мурожаат қилиб ёзади:

Ориқнинг сифотин қилиб ихтисор,
Ки қаср айламоқни қилиб ихтиёр.
Ўзун истаган «Хамса»дин топғуси,
Ки сўз юзидин пардани очқуси.

Армания қамали кунларида Фарҳоднинг тоғдаги Хусрав соқчилари назорати остидаги ҳаёти, ҳийла билан ўлдирилиши Ширинниng Фарҳод жасади устида жон бериши, Арманияга Баҳромнинг етиб келиши, Чин арбобларининг Фарҳод билан Ширинниng туш кўришлари

воқеаларининг тасвирларидан кейин Низорий яна китобхонга қарата сўз очади:

Булар васфи татвил эрур «Хамса»да,
Ҳама сўзи тафсил эрур «Хамса»да.

Уйғур адабиётшуноси Ю.Мухлисов Низорий достонида Фарҳод ва Ширин ҳикоятининг асосий йўналиши эътибори билан мухтасар бир ҳолда берилишини «янги бир адабий услуб»[1] сифатида характерлайди. Биз ҳам Ю.Мухлисовнинг фикрини қувватлаганимиз ҳолда, Низорийнинг ўз асарини Фарҳод ҳикоятининг асосий нуқталарини ижодий янгидан қуриш заминида яратиб, воқеаларнинг муфассал тафсилоти билан танишишни Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига ҳавола этиш тамойилини «янги бир адабий услуб» сифатида қабул қилиш тарафдоримиз.

Адабиёт тарихида ворисийлик табиий бир ҳол бўлгани каби ворислар томонидан ўз устозларининг номларини ҳурмат билан эслаш, уларнинг хизматларини муносиб баҳолаш ҳам шараф саналган. Низомий Ганжавий ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонида икки ўринда Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сини эслайди. Низомий бир ўринда Фирдавсийни устоз сифатида эслаб, «Шоҳнома»даги «Хусрав ва Ширин» ҳикоятини қаламга олади. Лекин устод Фирдавсий у ишқий мағзини ташлаб кетган. Мен эса уни янгидан ишқнома сифатида ёзмоқдаман деб таъкидлайди. Низомий иккинчи бир ўринда эса, Фирдавсийни эслаганда мен «Хусрав ва Ширин» асарида ҳаким Фирдавсий «Шоҳнома»сида айтилганларни такрорламадим, агар у ёзганларини мен ҳам такрорласам, унинг қадрини синдирсам менинг ҳам қадримни синдирадиганлар топилиб қолади», деб айтади. [2]Шу ўринда «Фарҳод ва Ширин»да устоз Низомий Хусрав Деҳлавийлар катта ҳурмат ва эъзоз билан эслангани ҳолда Навоийнинг анъаналарга талабчанлик билан қараши, ўтганлар юрган йўлдан юриш, улар кезиб чиққан гулзорга қайтадан кириш мақбул эмас, деб айтганлари хотирга келади. [3]Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ига мурожаат қилиши батамом ўзгача мазмунга эга. Бу ўринда Низорий «мен Навоийнинг катта достони ёнида ўзимнинг кичик достонимни яратдим. Фарҳод ва Ширинлар саргузаштини муфассал билмоқ истаганлар Навоий «Фарҳод ва Ширин»ига мурожаат этсинлар, деб таъкидламокда.

Чу сўзни қилиб мундо мужмал баён,
Навоий қилибдур мутаввал баён.
Киши истаса нақд татвилини,
Топор «Хамса»да кулли тафсилини .[4]

Бундай ҳавола йўли Низорий адабиётга олиб кирган янги бир услубдир. Низорий «Фарҳод ва Ширин» достонини яратишда бундай йўл тутиши унинг ўз асарининг ғоявий бадиий мундарижа жиҳатидан тугаллигига ишорадир. Айни пайтда, бу муаллифнинг «Фарҳод ва Ширин» мавзусидаги достонларни асардан асарга йўл бор, адабий алоқалар самараси сифатида яратилган бу асарлар бири иккинчисини тўлдиради, деган эътиқоди ҳам эди. Яна бир муҳим жиҳати, Низорий туркий тилда яратилган ҳамма асарлар, жумладан, Навоий «Хамса»си уйғурларга ҳам таниш, ҳам яқин деб таъкидламокда.

[1] Мухлисов Ю.Эсирлер ва эсэрлэр. Алмута; «Наука», 1973.-84-б.
[2] Низомий Ганжавий. Куллиёт. Чилди I. «Хусрав ва Ширин». Душанбе, «Ирфон», 1981.саҳ.59.
[3] Алишер Навоий. МАТ. VII жилд. 44-б.
[4] Низорий достонлари. 142-б.

Уйғур “Фарҳоднома”сининг шакл хусусиятларига кўра олганда, Низорийнинг моҳир сўз санъаткори эканлиги намоён бўлади. Шоир ўз асарида дастлаб уйғур халқининг ҳаётига доир энг юксак идеаллар куйчиси сифатида танилади. Шоир ўз халқининг ўтмиш тарихини, яшаш тарзини, урф-одатларини, фольклорини яхши билади. «Фарҳод ва Ширин» орқали давр муаммоларига жавоб қидирган шоир достон воқеаларини ўзи яшаётган ҳаётга яқинлаштириш йўлини тутади. Шу жиҳатдан Д.Рўзиева «Низорий афсонавий воқеаларни ҳаётга яқинлаштиради. Навоийдаги реалистик тамойил Низорийда давр, шароит тақозоси билан бирмунча шаклланган ҳолда учрайди»[1] , деганда ҳақдир.

Низорий асар тилида пухта ташбеҳлар, муболағалар, сифатлашлар қўллайди. Уларнинг айримлари муайян ўринларда салафлар достонларида қўлланган санъатларни эсга солади. Масалан, Низомий ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонида Фарҳод тоғга ҳамла қилганида унинг қўлида «тошлар мумдек эрирди», деб тасвирласа, Навоий Қоран тош кесиш санъатини таъриф этиб:

Итик тешаларига ҳар қаро тоғ,
Пичоқ оллинда андоқким сариғ ёғ,

деб ажойиб муболаға яратади. Низорий шунга яқин турган тасвирларида «тошнинг ҳамирдек осонлик билан кесилиши» мафҳумини қўллайди:

Чу асбоб оллида тошдур ҳамир,
Ёғочдек шажарни ясаб дилпазир.

Низорий Фарҳоднинг беқиёс куч-қудратини тасвирлаш мақсадида бир ўринда «унинг кўзи ўнгида тоғ бир тол дарахтидек» ўрнидан осон кўзғаладиган нарса бўлиб кўринади, деб ёзади:

Чу ким зўр бозулуқ айлап падид,
Келиб ларзига куҳ ондоғки бед.

Низорий ўз асарида Навоий «Фарҳод ва Ширин»ида бўлганидек, ҳар бир бобнинг муқаддимасида шу бобда ҳикоя этилажак воқеалар тизмасига ишора қўшувчи бароати истиҳлол байтини қўллайди. Навоий Фарҳоднинг Юнонга сафари вақтида Искандар тилсимини очиш йўлидаги саъй - ҳаракатларни тасвирлашга бағишланган боб муқаддимасида ажойиб бир бароати истиҳлол яратган эди:

Чу зулмат раъяти бўлди нигунсор,
Қуёш Искандари кўргузди рухсор.

Фарҳод тилсим очиш йўлида экан, Аҳраманни бартараф этгач, бир чашма ёнига боради ва у ерда Шарқ адабиётида раҳнамо тимсоли сифатида талқин этиб келинган Хизрга йўлиқади. Хизр Фарҳодга оқ фотиҳа беради. Энди унинг йўлидаги жумбоқлар дев ва аждар каби қоронғулик шарпалари чекина бошлаган эди. Шунга кўра ҳам Навоий янги боб олдида қўллаган юқоридаги бароати истиҳлолида «қоронғулик қўшинининг байроғи оёқ ости

[1] Рўзиева Д. Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони. Адабий мерос.1972. 2-к. 77-б.

бўлиб, қуёш Искандари юз кўрсатди» деб айтади. Низорий достонида ҳам бу тахлитдаги санъаткорона қўлланган бароати истиҳлоллар талайгинадир. Фарҳод Яман сафари вақтида аждаҳо ва Аҳраманни музаффарона енгиб йўлда давом этар экан, янги боб олдида қўлланган бароати истиҳлолда Низорий сўз аждари ишга тушиб дамига торта бошлаган эди, нафс лашкари йўқликка юз тутди, деб айтади. Бу Навоийга яқин ва ўз навбатида гўзал бир бароати истиҳлолдир.

Чу сўз аждари ул замон чекди дам,
Нақулот хайлини қилди адам [1].

Шу йўсиндаги ҳамоханглик ва айни пайтда сўз санъатининг нозик жилолари билан зийнат топган ўзига хосликнинг Навоий ва Низорийларнинг достонларида ҳар боб хотимасида қўлланган соқийга хитобда ҳам кузатамиз.

Фарҳоднинг Жамшид жомини қўлга киргизиб, Искандар тилсимини очиб, Ширин ватанини излаб йўлга тушиши олдидаги боб хотимасида Навоий соқийга мурожаат қилиб айтади:

Кетур сокий, менга ишрат оёғин,
Ки даврон берди мақсудим сўроғин.
Мени чун қилди шоҳи Армани зор,
Чекай бир неча соғар арманивор[2] .

Низорий достонида қўлланган соқиёна қуйидагичадир:

Тут, эй соқиё, жоми Жамшидни,
Кўргай аксида акси хуршидни.
Шу ойдин ўлсун муродим аён,
Чу ёримдин Арманда топғум нишон.

Фарҳод қиссасини кенг китобхонлар давраларини кўзда тутган ҳолда содда бир услубда яратишни мақсад қилиб олган шоир афсоналар, халқ китоблари учун характерли бўлган тасвир воситаларига кўп мурожаат этади. Фарҳод Яманга бориб Суҳайло ҳаким билан мулоқотда бўлар экан, ундан кўп ўгитлар эшитади. Суҳайло ҳаким Фарҳоднинг отасига ҳам алоҳида эътибор қилади. Кейинча Жомоспдан мерос бўлиб қолган ҳамма ишларни Фарҳодга топширган ҳаким жон таслим қилади. Шоир шу мотам муносабати билан хоқоннинг ҳолатини тасвирлар экан, айни халқона сўзлар қўллайди:

Чу хоқони Чин йиғлоди зор-зор,
Вазир бошлиғин бўлдилар ашкбор.

Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин»и вазн масаласида анъанадан чекинади. Маълумки, Шарқ адабиётида X–XI асрлардан бошлабоқ достоннинг турига кўра, уларнинг вазнларида ҳам аниқ бир қиёфа касб этган эди. Қаҳрамонлик достонларининг мутақорибда, ишқий

[1] Низорий достонлари. 150-б.
[2] Алишер Навоий. МАТ. VIII жилд. 222-б.

достонларнинг ҳазажда ёзилиши анъана тусини олган эди.[1] Юсуф Хос Ҳожибнинг дидактик характердаги «Қутадғу билиг» достони мутақориб баҳрида ёзилган. Ушбу асарнинг ўлчови юзасидан илмий адабиётлардан ўрин олиб келган баҳрларга хулоса ясаб, филология фанлари номзоди Қ.Каримов «Қутадғу билиг»нинг нашрига ёзган муқаддимада қуйидагиларни айтади: «Қутадғу билиг» аруз вазнининг мутақориб баҳрида ёзилган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, асарнинг ўзида мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнлари бир-бири билан ўрин алмаштириб ишлатилаверади. «Қутадғу билиг»да ҳам бу икки фаръий вазн тез-тез бир-бири билан алмашиниб туради». [2]Низорий достони йирик эпик асарлар учун қабул қилинган ва Шарқ назми арузнинг энг оҳангдори ҳисобланиб, «жанговар ўлчов» деб ном олган мумтоз баҳрларидан мутақориби мусаммани мақсур баҳрида яратилди.

Суруб сўзни мундоғ фасона тузуб,
Хирад гулшанида тарона тузуб.
Фаувлун-фаувлун-фаувлун-фаул.

Шу ўринда «Уйғур классиклари ижодиётида достон жанри» монографиясининг муаллифи В.Аршиддиновнинг Низорий достонларининг вазни хусусида йўл қўйилган бир ноқис хулосасига тўхтаб ўтиш керак бўлади. Олим ўз асарида Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин»и ҳазаж баҳрида ёзилган деб кўрсатади[3]. Бу фикрнинг асоссизлиги ҳақида қаноат ҳосил қилиш учун Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин»и билан Навоийнинг ҳазаж асосидаги «Фарҳод ва Ширин»идаги қуйидаги мисолларни муқояса учун келтирамиз.

Навоийда:

Деди: Қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ,
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ.
Ҳазажи мусаммани мақсур.

Низорийда:

Хирад тавсани барди сўздин хабар,
Такаллум била сочти ширин шакар.
Мутақориби мусаммани мақсур.

Шунга қарамай, асарда қаҳрамонларнинг ишқий саргузаштлари ҳам, қаҳрамонлик лавҳалари ҳам мутақориб асосида ўзининг гўзал поэтик ифодасини топган деб айтиш мумкин.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ТУРКУМИ

Уйғур адабиётида Шарқ назмиятида катта ўрин тутган «Лайли ва Мажнун» мавзуси асосида ҳам талайгина асарлар яратилган. Улар ўртасида XIX аср муаллифларидан Мулла

[1] Бертелъс Е. Низами и Фузули. М., 1962. Стр.219.
[2] Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида. «Қутадғу билиг». Т.,Фан,971. 24-б.
[3] Эршиддинов Б. Уй-ур классиклири ижадийитида дастан жаури Алмупа, 1988. 63-б.

Фозил қаламига мансуб «Лайли ва Мажнун» асари мундарижа жиҳатидан кўпгина ўзига хосликларга эга. Бизнинг кунларимизда Мулла Фозил асарларининг қўлёзмаларини аниқлаш ва нашр этиш буйича бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, Урумчида чоп этиладиган «Булоқ» мажмуасида муаллифнинг «Лайли ва Мажнун» достони босилиб чиқди[1]. Д.Райхонов юқорида эслаб ўтганимиз илмий ишида асарлари ҳали кам ўрганилган Маҳмуд қори, Мир Ҳусайн Сабурийлар билан бир қаторда Мулла Фозил меросига ҳам диққат қилиб, унинг Навоийга муносабат масаласини илк дафъа қаламга олган эди[2]. Бу мавзу ҳали яна кенгроқ режа асосидаги тадқиқотларни кутади.

Дастлаб Мулла Фозилнинг «Лайли ва Мажнун» достонинг ҳам Навоий анъаналарига яқинлигини айтиш керак бўлади. Лекин уйғур шоирининг бу достони билан танишган китобхон муаллифнинг уйғур адабиёти, ўз навбатида, ундан ҳам ташқарида мавжуд бўлган қўшимча манбалардан фойдаланганлигини кўради. Бу шундан ҳам билинадики, ўз достони устидаги ишида кўпроқ Навоий асарига таянган шоирнинг достон сюжетини ҳикоя қилиш асносида четга чиқишларга йўл қўйганлиги, асар қаҳрамонларининг ўзаро муносабатларида ҳам янгича талқинлар кўзга ташланиб туради.

Достоннинг дастлабки саҳифаларидаги Лайли ва Мажнун ҳикоясининг бошланиши ва ривожланиб бориши лавҳаларига диққат қилайлик. Мулла Фозилнинг «Лайли ва Мажнун» достони муфассал муқаддима билан бошланади. У ерда ҳамд, наът боблари билан бир қаторда чаҳорёрлар васфи, Ҳасан ва Ҳусанлар сифатларига алоҳида боблар бағишланган. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и муқаддимасида шоирнинг қаламга мурожаати мавжуддир. «Қалам васфида бир неча қалам сурмак...» деб бошланувчи бу бобда «назм кишвари саводин якқалама қилган» Низомий ва унинг«Панж ганж»и ҳақида сўз боради. Китобхон Мулла Фозил «Лайли ва Мажнун»и муқаддимасида ҳам «Арздоши қалам», «Қаламнинг қоғозга саволи», «Қоғознингоз қаламга жавоб бергани» каби бобларга дуч келади. Шу муқаддима Мулла Фозил «Дар хасби ҳоли худ гўянд» бобида ўз ҳаёти лавҳаларига ҳам диққатни тортади.

Асар бевосита XV бобдан – Оғози достони «Лайли ва Мажнун» боби билан бошланади. Шоир ҳикояни араб қабилалари уларда одамларнинг ҳаёти ҳақидаги тасвирларни ўз ичига олган «Аҳли арабнинг сифатининг баёни» боби билан бошлайди. Шу «аҳли арабнинг» ичида Хожа Нўъмон исмли аъёнлардан бир киши яшар эди. У фарзандга бениҳоя ҳожатманд эди. Хожа Нўъмон кунларнинг бирида овга чиқади, йўлда тақво билан ҳаёт кечираётган карoматлар, башоратлар эгаси бўлган бир шайх билан учрашади. Хожа Нўъмоннинг гапларидан унинг фарзанд кўриш иштиёқи билан юрганлигини фаҳм этган шайх унга зурриёт ато этишни сўраб Оллоҳга муножот қилади. Дуо-фотиҳилардан кейин уйга қайтган Хожа Нўъмон шайх билан бўлиб ўтган гапларни хотини Хўжастага сўзлаб беради. Хўжаста ҳам, ўз навбатида, муножотга тутинади. Кунларнинг бирида у тушида Хизрни кўради ва ундан умидбахш сўзлар эшитади. Орадан ойлар ўтиб оилада ўғил туғилади. Уни Қайс деб атайдилар.

Хожа Нўъмоннинг Хожа Сарока исмли бир таниши бўлар эди. У ҳам фарзандсиз эди. Хожа Нуъмоннинг овга чиққани йўлда дуогўй шайхга учраб, унинг Оллоҳга муножотини тинглаб, дуосини олиб қайтгач, вақтлар ўтиб ўғил кўрганлигини эшитган. Сарока унинг мададини сўраб келади. Улар икковлон бўлиб Хожа Нўъмонга оқ фотиҳа берган шайхнинг олдига борадилар. Шайх муножоту дуоларни Хожа Сарокага ҳам бажо келтиради. Кўп ўтмай у ҳам қиз кўради. Унга Лайли деб ном берадилар.

---

[1] Қаранг: Мулла Фозил. «Лайли ва Мажнун». «Булоқ» мажмуаси. 1988. 1—2-сонлар.

[2] Райханов Д Место и значение произведений Навои в литературной жизни уйгуре. Алма-Ата, 1992. Стр.5.

Кўрамизки, кексайиб бораётган отанинг фарзанд кутиши тангрига муножотлар ва нихоят боланинг дунёга келиши мотивлари Навоий талқинларини эслатиб турса-да, Мулла Фозил достонида ҳикоя бирмунча ўзгача йуналишга эга. Аввало, Мулла Фозил достонида оталарни аниқ номлар билан аташ характерлидир. Яна бир муҳим детал - бу Қайс билан Лайлининг оталарининг бир-бирини билиши, улардаги орзу ва тилак бирлигидадир. Лекин воқеаларнинг ривожланиб бориши жараёнида бу «яқинлик» бузилади ва икки ўртада жиддий қарама-қаршилик юзага келади. Бунинг боиси – Мажнун билан Лайли ўртасида пайдо бўлган муҳаббат эди. Улар бир мактабда, бир муаллим қўлида ўқир эдилар. Ҳаммактаблик, бора-бора шавқомез муҳаббатнинг ёлқини билан уларнинг тез-тез учрашиб туришлари оғизга тушади. Кунларнинг бирида Лайлининг йиғлаб туриб Мажнунга рози дил айтаётганлигини эшитиб турган мактаб муаллими бу «шаккокликдан» ғазабга келади. У бу хабарни Лайлининг онасига етказади.

Мулла Фозил бу воқеаларнинг ҳаммасини алоҳида кичик бобларда гўзал бир шаклда ифодалаб беради. Лайлига онаси томонидан таъналар, эътирозлар ёғила боради. Лекин Мажнун билан Лайлининг мулоқотлари давом этаверади. Чунки икки дил муҳаббат риштаси билан маҳкам боғланган эди. Улар фурсат топиб бир-бири билан учрашиб туришар экан, кунларнинг бирида Лайли бу муҳаббатга онасининг эътироз билан қараётганлигини англайди. Шу кундан бошлаб Мажнуннинг тинч-ороми бузилади. У Лайлининг йўлини пойлаб беқарор ҳолда кўчаларда юрар, уйга кеч қайтар эди.Ўғлининг бундай ҳолати Хожа Нўъмонни ҳам ўйлантириб қўяди. Ота паришонликка тушади. Хусусан, Мажнунни Лайлини кўриш иштиёқида юриб қаерда кеч бўлса, шу ерда қолиб кетиш воқеалари келажакдаги мушкул аҳволлардан дарак берар эди. Бу достонда «ул бечора Мажнун Лайлининг ишқида на ерда кеч бўлса, онда қўнгони», «Мажнун ўзини аввалгидин зиёда расво қилғони», «Хожа Нўъмон ўғлини сўров қилғони» каби бобларда тасвирланган воқеалар жараёнида жонланади.

Достоннинг дастлабки саҳифаларида кўрганимиз каби воқеалар давомидаги Навоий анъаналарига яқинлик ва янгича талқинлар шу руҳда давом қилади. Гарчи Мулла Фозил достони ғоявий-бадиий мундарижа эътибори билан Навоий асаридан баҳрамандлик йўли билан яратилган бўлса-да, юқорида кўриб ўтганимиздек, бир қатор янгича, ўзгача талқинлар натижасида марказий қаҳрамонларнинг характерида ўзгаришлар рўй берган.

Хулоса қилиб айтганда, Мулла Фозилнинг «Лайли ва Мажнун» достони анъаналарини давом эттирган янги бир асар сифатида таассурот қолдиради. Уйғур адабиётида «Лайли ва Мажнун» туркумида яратилган асарлар ўртасида Низорийнинг 1841 –42-йилларда юзага келган достони алоҳида ўрин тутади.

Уйғур адабиётшуносларининг ёзишича, «Лайли ва Мажнун» мавзусида Низорийгача ҳам афсоналар, қиссалар мавжуд эди. Низорий улардан баракали равишда баҳраманд бўлган. Бундан ташқари, эпик қисса таркибида қаҳрамонлар тилидан ғазаллар қўллашда Низорий Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»идан ҳам озиқ олган деб айтиш мумкин. Низорийга, биринчи навбатда, устод Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони илҳом берди.[1] Низорий Навоийдан анъанадаги «либоси мавзун»дан ижодий фойдаланиб, «ўз дардини» айтишни ўрганди. Низорий ўзи яратаётган асар олдида устознинг «Лайли ва Мажнун»идек азамат бир адабий асар турганини, бу бир томондан, унга мадад берса, иккинчи томондан, катта масъулият юклашини яхши тасаввур этар эди. Шунга кўра , Низорий асар воқеаларини тасвирлаш давомида Навоий «Лайли ва Мажнун»идек бўй чўзиб турган ижод дарахтини

[1] Рўзиева Д. «Алишер Навоий традициялари Абдураҳим Низорий и ж о д и д а ». Қўлёзма. ЎзРФА асосий кутубхонаси. Шифр. РД 3572. Т.,1974.

кўз ўнгида тутди. Бир қатор ҳолларда қиссанинг муфассал мазмунидан хабардор бўлиш учун китобхоннинг диққатини Навоий «Лайли ва Мажнун»ига қаратди.

Бу сўз «Хамса»да онча татвил эрур,
Маротиб била онча тафсил эрур.
Кифоят қилиб бунда тақсирға,
Ҳавола қилиб Мир Алишерға,
Оё, толиби дардманди фироқ,
Навоий каломига солғил қулоқ[1].

Низорийнинг Навоий ва унинг асарига катта эътиқод билан билдирган фикрлари асносида устоз Навоий олдида ижодий имтихондан ўтаётган Низорийнинг бутун истеъдодини ишга солиб қалам тебратганлигининг гувоҳи бўламиз. Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»ларии ифода этилган фожиавий ишқий саргузаштни ўз янгиликлари билан қаламга олиб бир қисса яратиш уйғур шоирининг чиндан ҳам катта ижодий муваффақияти эди.

Достон воқеаларнинг бошланишидаёқ Навоий ва Низорий талқинларидаги ҳамоҳанглик кўзга ташланади. Мажнунинг дунёга келиши воқеаларига бағишланган бобда Навоийнинг сарлавҳада қўллаган сўзлари мана бундай: «Қайснинг адам мажлисидан қутулиб, вужуд маҳдига тутулғони ва қон ютмоқдин хўриш ва ишқ доясидин парвариш топқони ва ишқ зоти чошнисидин эл кўзига ширин ва дарди азалий ҳароратидин халойиқ назариға исиғ кўрингони»». [2]Энди Низорийга қулоқ тутамиз: «Қайснинг адам шомидин қутулиб вужуд маҳдига тутулғони ва ошиқлар жумласидин вафодорлиқ оламида мажнунлуқ бирла шуҳрат топғони»[3] «Мажнуннинг адам мажлисидин қутулуб» (Навоий), «Қайснинг адам шомидин қутулуб» (Низорий), «Дарди азалий ҳароратидин халойиқ назариға исиғ кўрунгани» (Навоий), «Вафодорлиқ оламида мажнунлиқ бирла шуҳрат топқони» (Низорий).

Юқоридаги сатрларда ҳар икки муаллиф асарлари ўртасидаги мазмундаги, ҳатто айрим ифодалардаги яқинлик кўзга ташланиб турибди. Муқоясада давом этамиз. Навоий ўз асарини Шарқнинг катта эпосларига хос воқеаларнинг муфассал тасвирлари воситасида олиб боради. Қаҳрамонларнинг, руҳий кечинмаларига кенг ўрин беради. Навоий учун ҳикоядаги ҳар бир лавҳа, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ички кечинмаларидаги ҳар бир лаҳза аҳамиятлидир. Низорий ҳам анъанада мавжуд сюжет бўлакларини сақлаб қолишга, ўзига хос қамровга эга бўлган воқеалар тизмасини сиқиқ мисраларда беришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонларнинг ҳис-тўйғу ва кечинмалари таъсирида ғазаллар қўллайди. Натижада, кўзимиз ўнгида Низорийнинг ўз ижодхонаси пайдо бўлди. Шу йўналиш билан достонда «Низорийнинг ўзи яшаган давр воқеаларини акс эттириш йўлидан бораётганлиги ҳам аён бўлади»[4] .

Арабда Ҳай қабиласининг нуфузли сардори яшар эди. Унинг молу мулки беҳисоб, олижаноблигу адолатпарварлик касбикори эди. Лекин фарзандсиз бу одамнинг умри ўтиб борар умр дарахти ҳам кексаликдан нишона берар эди. Ниҳоят орзуси ушалади. Оилада ўғил туғилиб, шодиёналарга сабаб бўлади. Болани Қайс деб атайдилар. Ҳикоя давомида

[1] Низорий достонлари. 309—310-б.
[2] Алишер Навоий. МАТ. IX жилд. Т., 1992. 57-б.
[3] Низорий достонлари. 267-б.
[4] Рўзиева Д. «Алишер Навоий традициялари Абдураҳим Низорий ижодида». Т.,1974.91-б.

Қайснинг жуда тез улғайиб бориши, илму одобдан баҳравор бўлсин деб мактабга берилиши воқеалари тасвири давомида Низорий боладаги муҳим бир ҳолатга диққатни тортади.

Боланинг юзида ишқ ва вафо нишонаси барқ уриб турар эди. Биз бундай талқинга «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод образи муносабати билан ҳам дуч келамиз. Лекин адабиётшуносликда Фарҳод образи, қолаверса, ўз навбатида, Мажнун образи учун характерли бўлган жуда муҳим белгининг заминлари деярли изоҳланмай ўтиб кетилаверади. Ҳолбуки, Мажнун образига хос бу аломатнинг сабаблари асосланмас экан, Мажнун образини, умуман бутун ҳикоянинг руҳини тўғри тушуниш қийин бўлади. Бу хусусда қисман юқорида «Фарҳод ва Ширин» достони муносабати билан ҳам тўхтаб ўтилди. Ҳамма гап шундаки, Низорий бадиий ижодда тасаввуф адабиётининг йирик намояндалари бўлган Навоий, Жомий каби устозлари йўлидан борди. Ўз асарлари марказига инсоннинг маънавий камолоти масаласини қўйди. Тасаввуф фалсафасига кўра, инсон руҳи илоҳий моҳиятга эга. Инсоннинг туғилиши шу илоҳий руҳнинг тана билан пайванд бўлишидир. У ўзининг манбаига қайтгунгача шу ҳолатда яшайди ва бу қайтиш маънавий такомил йўли билангина воқеъ бўлади. Китобхон тасаввуф ва унинг адабиётдаги ифодасига оид шу бошланғич маълумотга эга бўлмагунча Мажнуннинг юзида ишқ нишонаси билан туғилиши ва унинг кейинча отаси билан Каъбага борган вақтида Каъба эшикларигача тавоф қилиши воқеаларининг маъносини тушунолмай қолади.

Мажнунўзхонадонидагидастлабкимашғулотларидан кейинЛайлининготаситомонидан очилган мактабга қатнай бошлайди, шу ерда гўзал ва иффатли Лайли билан учрашади. Икки ўртада юракнинг тах-тахидан сизиб чиққан покиза бир тўйғу билан йўғрилган муҳаббат пайдо бўлади. Мактаб боғчасида икки ёш севишганлар учрашар эканлар, Мажнун ҳаяжон ичида ўзидан кетади. Шу пайт унинг устига етиб келган Лайлининг унсиз, овозсиз ишқ изҳори шоир томонидан катта санъаткорлик билан тасвирга олинган:

Чу ул боғ эди мисли ҳулди барин,
Кириб ҳур янглиғ неча гулжабин.
Ки нўш айлабон ондо гулранг мул,
Сабиҳ оразин айлади онда гул.
Ки Лайли тамошоға машғул эди,
Бу бечора Кайс онда маъзул эди.
Кириб гулшан ичра йўқ эрди шикоф,
Етиб бош қўйиб қилди они тавоф.
Нигориға боқмоқға йўқ тоқати,
Ола олмойин кўзни бир соати.
Ҳилоли била ҳар замон тўкди қон,
Масиҳго супат лаъли бахш этди жон.

Достондаги кейинги эпизодларда Мажнун билан Лайли ўртасидаги ишқнинг ёлқин уриб бориши, икки ёшнинг учрашувлари, дардлашиб туришларининг эл ўртасида овоза бўлиб бориши, ўғлининг ишқ тўйғусидан хабардор бўлган ота-онасининг изтиробдаги ҳолатлари тасвирлари берилади.

Йигит ва қизнинг ота-оналарининг аҳдлашувлари билан висол онларига умид боғлаш мумкин эди. Навоий достонида тасвирланишича, Мажнуннинг отаси ўз ўғлининг аҳду

паймони қатъий эканлигини англагач, Лайли хонадонига никоҳ мақсадини изҳор этиш учун кишилар юборади. Лайлининг отаси эса - қизимни телбага бермайман, деб қаттиқ туриб олади. Шундан бошлаб Мажнуннинг биёбонгардлиги кучаяди. У ҳатто занжирбанд қилинади. Ўз ўғлига шифо тилаб ота уни кўтариб Каъбага олиб боради. Низорий достонида воқеаларнинг оқимида бир қадар ўзига хосликлар кўзга ташланади. Лайлининг отаси икки ёш ўртасидаги муҳаббатдан хабар топгач, бу ҳолни ўзига ҳақорат деб билади. Мажнуннинг отасидан уни ишқ йўлидан қайтариб насиҳат қилишини, агар панд кор қилмаса, бу телбага занжир лозимлигини таҳдид солиш билан эълон этади:

Бировға деди: «Ондо бормоқ керак,
Отасиға бу сўзни қилмоқ керак.
Бу ишларда ўғлиға панд айласун,
Қабул этмаса сўнгра банд айласун.
Ўзи чоғласун оқибат корини,
Йиғиштурса хўбдур бу гуфторини.
Йуқ эрса, на қилсам қилурман они,
Қўлумда гумонсиз тўкулгай қони[1] .

Мажнунга энди ҳар томондан панд-насиҳатлар ёғила бошлайди. Лекин буларнинг ҳаммаси фойдасиз эди. Шоирнинг тасвирлашича, панд-насиҳатлар ўт устига ёғ қуйилгани каби Мажнуннинг ғам-аламларини ошириб боради:

Насиҳат ўтига бўлуб ёғ каби,
Бу сўздин бўлубон ғами тоғ каби.

Ниҳоят иложсиз ота-она ўз ўғлини банди қилади, ташқарига чиқармай, уйда сақлай бошлайди. Лекин унинг қалбидаги ишқ оташи тобора туғён урар эди. Ниҳоят унинг ҳадсиз-ҳисобсиз азоб-уқубатлар, хижрондаги озурдаликлар туфайли чеккан нолалари Ҳудога етиб боради. Кунлардан бирида тун қўйнида унинг занжирлари бирма-бир тўқилади ва Мажнун даштга қараб йўлга чиқади. Шундан бошлаб дашт унинг ҳамишалик манзилу маъвосига айланиб қолади. Мажнун бу ерда қушлар, кийиклар, ваҳший ҳайвонлар қуршовида ишқ ўта ёлқинини паноҳ қилиб, умид билан яшаб қолади. Шоирнинг тасвирлашича, дашт қушлари ҳайвонлари Мажнунга шунчалар ўрганиб қолган эдиларки, Мажнундан бир нафас айрилишса, ейиш-ичишни тарк этар эдилар, кўздан ёш чиқариб йиғлар эдилар:

Қаён борса ҳамроҳ эди ваҳшилар,
Бу бедилдин огоҳ эди вахшилар.
Юрундурки атрофида оҳулар,
Ки йиғлаб, қолди ўт, судин булар.

Низорий чиройли бир тасвир яратиб, Мажнун кийикларга чўпон эди, кийиклар ҳам, ўз навбатида, Мажнуниг посбонига айланган эдилар, деб тасвирлайди:

Кийиклар оросида бўлмиш шўбон,
Шўбонга бу вахши бўлуп посбон.

[1] Низорий достонлари. 305-306-б.

Низорий достонда ота-оналарнинг мумтоз образларини яратади. Булар, биринчи навбатда, Мажнуннинг ота-онасидир. Ота Мажнуннинг туғилишидан бошлаб, унинг меҳри ва жафолари ичида яшайди. Отанинг ўз ўғлини ўзи занжирбанд қилиб уйда, кўзи ўнгида сақлашини тасаввур қилиб кўринг. Отани жаҳолат эгалари, жаҳолат эгаларининг химоячиси муҳит, замон шу кўйга туширди. Хусусан, Лайлининг отаси томонидан келиб турган тазйиқ гаплари, дағдағалар уни қаттиқ ўйлантириб қўйган эди. Лайлининг отаси ҳатто Мажнуннинг жонига қасд қилишгача боражагини айтган эди.

Мажнуннинг Лайли билан яқин муносабати, икки ўртадаги муҳаббатнинг эъзози юзасидан Мажнуннинг отаси ҳар томонга елиб-югуради, атрофдагилардан нажот кутади. Лекин ўртадаги вазият жиддий эди. Ақллилик балоси рўй берган эди. Донишманд ва шоир Қайс телба деб эълон қилинади.

Достон воқеаларининг кейинги ривожи вазиятнинг янада мураккаблашиб бораётганлигини кўрсатар эди. Мажнунни кўриш, у билан севги афсоналарини куйлашдан маҳрум бўлган Лайлининг изтироблари чексиз эди. Кунлардан бирида Лайли боғда сайр қилиб юрар экан, уни узоқдан қабила зодагонларидан Ибн Салом кўриб қолади. У дарҳол катта туҳфалар билан Лайлининг отаси олдига совчилар юборади. Мажнунни тезроқ бартараф қилиш, ундан батамом қутулиш ниятида бўлган Лайлининг отаси Ибн Салом совчиларини очиқ чеҳра билан кутиб олади ва тўйга фотиҳа бериб юборади. Бу хабарни эшитган Лайли беморлик тўшагига йиқилади.

Бу сўзни эшитган замон чекти оҳ,
Бўлуб чеҳраси ул замон мисли коҳ.
Кетиб ҳушидин ярга ҳамраҳ ўлуб,
Бу сўзлар кўнгул ичра озор ўлуб.
Етиб жисмиға онча бетоблиғ,
Етиб кони кўнглуга ноёблиғ.
Кетиб ақлидин гоҳи ўзга келиб,
Гоҳи гунг бўлуб гоҳи сўзга келиб.
Бўлуб зафъи ҳар кун зиёда онго,
Бу ранж ичра тушмак ирода онго.

Мажнуннинг отаси билан Каъбага бориши ва муножот билан ишқ дардини янада ёлқинлантириши воқеаси яратилиш ўрни ва муаллифидан қатъи назар, дунёда мавжуд ҳамма «Лайли ва Мажнун»ларда муқаррар равишда қаламга олиниб келинган энг ҳаяжонли эпизодлардандир. Низорий ҳам ўз асарида бу лавҳани ҳаяжонли ҳиссиётлар замзамаси сифатида тасвирлайди. Мажнуннинг отаси қабила оқсоқолларининг маслаҳатлари билан Каъбага йўл олади. Мажнунни туяга ортилган кажавада ҳажга элтади. (баъзи «Лайли ва Мажнун»ларда ота ўз ўғлини Каъбага кўтариб олиб боради.) Мажнун Каъбага яқинлашиши билан унинг эшикларига ёпишиб олади.

Ҳарам даврида чарх уриб доир ул,
Ки мудҳиш саргаштаи соир ул.
Эшикни супурдики рухсор ила,
Бошин урди ул нолаи зор ила.
Ото тагру турдики, кач бўлди кун,

Етиб шоми дайжур оро кирди тун.
Муножот айлаб, қилиб зорлиғ,
Қилиб домани ашк хунборлиғ.
Кўнгул ичраки, арзу ҳолини даф,
Ки ул ёри маҳваш хиёлини даф.

Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнуннинг Каъба эшигига юзлангач, ўқиган ажойиб ғазали мавжуд. Ғазалнинг матласи қуйидагичадир:

Ё Раб, балои ишқ илақхил ошно мани,
Бир дам балои ишқдин этма жудо мани.

Китобхон Низорий достонида ҳам худди шу Каъба зиёрати тасвирларида гўзал бир ғазал билан танишади. Ғазал қуйидаги муқаддима билан бошланади: «Мажнун хонаи Каъбанинг қуллобига осилип, муножот ба даргохи қозиюл ҳожот айлап, ишқ изтиробидин оҳ уруп, беҳуш бўлғони» Низорий достонида Мажнун тилидан ўқилган ғазал мазмун жиҳатидан Фузулий Мажнунининг ғазалига монанд. Лекин бу ерда ҳам ижодий мусобақа мавжуд. Бир-бирига оҳангдош мазмунни бадиий сўз воситасида қалбнинг туб-тубига етиб борувчи тасвирлар орқали жонлантиришда Низорий устод Фузулий олдида ҳам имтихондан ўтгандек бўлади.

Икки шоирнинг ғазалларидаги бир-бирига уйғун турган оҳангдош тасвирларга диққат қилайлик: Балои ишқ ила қил ошно мани (Фузулий), Ишқ қуллобига кунглумни гирифтор эт (Низорий), Бир дам балои ишқдин этма жудо мани (Фузулий). Анинг йўлидаги мехнатларим кам қилма, бисёр эт. (Низорий). Тамкинимни балои муҳаббатда қилма суст (Фузулий). Зиёда айлагил ишқимни ё Раб, қилма ҳаргиз оз (Низорий). Қил қабўли саодати фақру фано мени (Фузулий). Фано водийсида ул тошдин қабрим намудор ат (Низорий).

Достонда тасвирланишича, Мажнун Каъбадан ишқ ўти янада зиёда бўлиб қайтади. Ота ва қабила аъёнлари бармоқ тишлаб қоладилар. Мажнун эса қабилага қайтиш йўлида яна тўппа-тўғри биёбон қўйнига кириб, кўздан ғойиб бўлади.

Мажнун зиддиятли воқеалар давомида бир вақтлар Лайлининг уйига қараб йўлга тушади. Лекин бу кунлар Лайлининг Ибн Салом билан тўйлари бўлиб, уй жимжитлик эди. Мажнун Лайлининг эшиги остонасида ётган ит билан сўзлаша-сўзлаша саҳрога қайтади. Шу лаҳзаларда Лайли ҳам ўзини Ибн Салом қўлига топширмаслик чораларини кўрар эди. Ногаҳон тўй кечаси беҳад шароб зарбидан эски касали қўзғаб, Ибн Саломнинг ўзидан кетиб қолиши Лайлига нажот йўлини очади. Ибн Саломнинг уйининг орти регистон, регистондан нари биёбон эди. Лайли Мажнунни шу ерда гумон қилиб йўлга чиқади ва кўп юрмай узоқда, ҳазин ошиқона бир қўшиқ овозини эшитади. Бу Лайлининг уйига бориб, уни топмагач, яна биёбонга қайтиб фиғон чекаётган Мажнуннинг овози эди:

Жафо таркин тутуп, ай чархи золим, бир тараҳҳум қил,
Жаҳон кул бўлгудек бўлди менинг оҳу фиғонимга.
Бўлуб Мажнун жаҳонда ёрнинг ёди била ҳайрон,
Не тонг раҳм айлабон ул ёр ҳамдам келса ёнимга.

Лайли қум ўтида оғир қадам босиб, оёқ учини қоқиб, ўз бошидан кечирганларини бирма-бир тилга олиб, йиғлаб борар эди. Шу ўринда Низорий унинг тилидан севгувчи қалбнинг шодлигу изтиробларини баён этган ажойиб бир ғазални ўқийди...

Кеча оғушида Лайли Мажнун юрган даштни нола билан ишқ биёбонига айлантиради. «Бу кеча» радифи билан келган ғазал ҳар байтда маъшуқа руҳий оламининг бир шуъласини намоён қилар эди. «Мен ўтлуғ оҳим билан бу кечани шамъи шабстонга айлантириб юбордим, – куйларди Лайли, – оҳимдан учган учқун кўкка ўрлаб уни гулистонга айлантириб юборди. Ой мен нотавоннинг ҳолимға раҳм қилиб, бир бурчакка чекинди ва устига пардасини ёпиб олди. Лайлининг аҳволи ёр ҳажрида эртаю кеч забундир. Ёрдан хабар келган эди янгидан жон топган бўлдим».

Қуйидаги оригинал тасвирлар китобхонни беихтиёр ўзига ром қилади:

Кетти кўнглум ёр учун арзини аён эткали,
Аргашиб кўнглимни чиқти тандаки жон бу кеча.

Машуқанинг кўнгли тунда ёрга арз изҳори учун йўлга чиққанда эргашиб тандаги жон ҳам чиқиб кетган. Лайли буларнинг барчасини фалакнинг кажравлиги, замонанинг ситампарварлигидан деб билади:

Ай фалак, кажрувлуғунг қўй, бир замон ҳолимга боқ,
Ғунчадек кўнглум бўлуптур таҳ-батаҳ қон бу кеча.

Ниҳоят севишганлар биёбонда бир-бирлари билан кўришадилар:

Назар қилди Мажнун нигори келур,
Доғи Лайли кўрдики, ёри келур.
Иков бўлди ҳайратда андоқки лол,
Дедилар икав тушму ёҳуд хиёл.

Тонг отгач, улар яна бир-бирлари билан хайрлашадилар. Лайли Ибн Саломнинг уйига қайтади. Ибн Саломда хасталик давом этар эди. Лайли зудлик билан ундан қутулиш йўлини қилади. Ўзини Ибн Салом қўлига топширмасдан нобуд қилиш фикригача боради. Мажнунда эса жунун борган сайин кучаяр эди. У биёбонлар кеза-кеза Наж тоғи томон боради ва ўша ерда макон қуриб олади. Кунлардан бирида Мажнун тоғ чўққисига кўтарилиб, ўз қабиласи томон назар ташлар эди. Унинг наздида қабиладошларининг мотам йиғилари эшитилади. Мажнуннинг ота ва онаси ўз фарзанддари дарду доғида ўртана-ўртана жон таслим қилган эдилар. Мажнун куну тунларни ота-она қабри устида ўтказади. Шу кунлар унга Лайлининг ҳам ҳаёт билан видолашгани хабарини олаб келадилар. Мажнун учун ҳаёт ўзининг бутун мазмунини йўқотган эди. У Лайли томон ошиқади ва шоирнинг сўзлари билан айтганда:

Лайли ҳаёт гулшанининг гулини ажал тундбоди эсиб Совурғонда,
Мажнун бечора, бехонумон тавбораға суруши
Хабар бериб, беихтиёр Лайли жонибиға пўя уруп ул ёри
Вафодориға жон нисор қилади[1].

[1] Низорий достонлари. 305-306-б.

Лайли ўз ўлими олдида онасига васият қилиб, ўзини Мажнун билан бир ерга кўмишини илтижо этган эди. Анъанада бўлганидек, ҳаётдан бевақт кўз юмган икки ошиқни бирга кўмадилар. Бу ҳолни Низорий қуйидагича ҳаяжонли бир тарзда тасвир этади:

Чу Лайли васиятларин ёд этиб,
Бу афсонадин борчани шод этиб.
Икки жисмга айлади бир кафан,
Кириб бир кафанга бу икки бадан.

Низорий ўз достони хотимасида ўзи ўрганган манбалар асосида Лайли ва Мажнуннинг ишқий саргузаштларига оид кичик бир ҳикоя келтиради. Ҳикояда нақл қилинишича, Мажнун ёр ҳажри, одамлар жаҳолати, замона зўравонлигидан безиб, баланд бир кулла устига чиқиб, ўзини ҳалок қилиш олдида турганда, унга Лайлининг мактубини олиб келадилар. Шундай қилиб, мактуб Мажнунни фожиадан сақлаб қолади. Низорий ўз достонининг асосий воқеаларини якунлар экан, олам ва одам қисмати ҳақида баҳс қилувчи бир маъвиза келтирилади. Юқорида эсланган Лайлининг Мажнунга мактуби, Мажнуннинг шу мактуб туфайли фожиадан сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлган ҳикоя шу мавъизадан сўнг ўрин олгандир. (Шу ўринда юқоридаги ҳикоянинг бир қадар ўзгача ҳолда Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида учрашини қайд этиш керак).

Низорий яшаган давр уйғур ҳаётида олижаноб мақсадларнинг оёқости қилиниши (Мажнуннинг отасига хос улуғворлик, тадбиркорлик, ғамхўрлик каби хислатларнинг камситилиши), одамлар ўртасидаги нифоқ гина-кудурат (Лайлининг отаси томонидан Мажнуннинг ҳақорат қилиниши, уни бандга солишдек тубанликка борилиши, қатл этилажагини айтиб кўрқитилиши), ёшларнинг хоҳиш ва иродаси билан келишмаслик каби иллатлар ҳар қадамда учрар эди. Ўша давр амал эгалари, сарой атрофида тамаъ билан юрган одамлар, риёкор диндорлар Низорийга унинг илғор ғоялари учун қайта-қайта зарба беришга ҳаракат қилиб кўрганлар. Оқибатда, шоир маълум муддат камоқ азобларини ҳам чеккан. Бу таҳдидлар 1813–1824 йиллар орасида бир неча маротаба қайтарилган. Табиийки, бу давр руҳи шоир ижодида из қолдирмаслиги мумкин эмас эди. [1]Низорий ҳеч қачон ўз қайғусини эл қайғусидан, эл орзу-армонларини ўз орзу-армонларидан ажратиб қараган эмас. Шоир ўз даврининг донишманди ва тараққийпарвар кишиси сифатида Зуҳриддинбек билан яшади. Мамлакатда Манжур-Хитой мустамлакачилиги сиёсати давом этиб турган бир даврда уйғур халқини бирлашишга, иттифоққа тарғиб қилди. Одамларни бир бирларидан йироқлаштирадиган, улуғ мақсадларга раҳна соладиган иллатларни ўз асарларида жиддий равишда қоралади. Замондошларини ўтмишнинг энг улуғ одамлари, энг яхши одатларидан баҳраманд бўлиб яшашга ундади. Уларда эзгу ҳисларни тарбиялашга ҳаракат қилди. Ана шу ғоявий ниятлар мажмуйи шоирнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ўзининг гўзал бадиий ифодасини топган деб айтиш мумкин. Низорийни адабий идеаллари, ўз ғоявий ниятларини юксак бадиий шаклларда ифодалаш мақсадида ўтмиш адабиётига, унинг энг юксак намуналарига мурожаат этишининг боиси ҳам шундадир. Бу ҳолатнинг муайян даражадаги бадиий ифодаси бўлган манзараларга юқорида «Фарҳод ва Ширин» достони муносабати билан ҳам тўхтаб ўтган эдик. «Лайли ва Мажнун»да ҳам достон мавзуи доирасида, Мажнун ва Лайли каби қаҳрамонлар ҳарактерининг шаклланиши, уларнинг теварак-атрофда бўлиб турган воқеаларга муноса-

[1] Қодирий Р. Уйғур адабиётида Навоий анъаналари. «Адабий мерос».1-к.1968.55-б

бати орқали Низорий ўзининг инсонпарварлик, ватанпарварлик қадриятларини муқаддас тутишга оид юксак ғоявий қарашларини маҳорат билан тасвирлаб беришга эришади.

Низорийнинг «Лайли ва Мажнун» достони уйғур ва ўзбек адабиётшунослигида муайян даражада қаламга олинишига қарамай, ҳали унинг қўл теккизилмаган, очилмай келаётган хусусиятлари талайгинадир. Шулардан бири – юқорида ҳам қисман таъкидлаб ўтилганидек, достондан ўрин олган ғазаллар масаласидир. Тўғри, Низорийнинг бу достонида маснавий билан бир қаторда бош қаҳрамонлар тилидан ғазалларнинг ҳам қўлланишини Д. Рўзиева ва Б.Аршиддиновлар ҳам эслаб ўтадилар. Бир ҳолатда Низорий достонида ғазаллар қўлланишини асослаш мақсадида Мажнун ҳам, Лайли ҳам шоир эдилар. Низорий уларнинг номларидан ғазаллар қўллашда шу ҳолатни кўзда тутади деган фикр ҳам илгари сурилади. Албатта, бу нисбий бир қараш бўлиб, ғазал қўллаш қаҳрамонлар шоир бўлган тақдирдагина мумкин деган хулосага асос бермайди. У ҳолда араб адабиётидаги қадимги «Лайли ва Мажнун» қиссаларини тугал, мустақил достон тарзида ишлаган Низомий воқеалар давомида бирор ерда ҳам маснавийдан чекинмаганлигини тушунтириш қийин бўлиб қолади. Тўғри, Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида «Мажнуннинг Лайли ҳузурида туриб ғазал ўқиши деган боб мавжуд». [1]Мажнун билан Лайли ўртасидаги покиза севги туйғулари тоғ-тошларга урилиб, биёбон қумлари каби сурилиб, жаҳолат эгалари оёғи остида топталиб борарди. Севишганларнинг изтироблар, ҳақорат ва дашномлар ичидаги ҳаётлари хазонрезгиликка юз тутган. Шундай кунларнинг бирида Мажнуннинг яқин қариндошларидан бўлган Салим деган киши қўлида озиқ-овқат ва усти-бошлар кўтаргани ҳолда биёбонда пайдо бўлади. Мажнунни кийинтириб олдига овқат қўяди. Лайли қулай бир фурсат рўй берган куни Салим орқали Мажнунни уйига яқин бир боғга чақиртиради. Учрашув ажойиб бир манзара саҳнида бўлиб ўтади. Мажнун боғга кириб бир манзилда тўхтар экан, ундан хабар топган Лайли ҳам боғ томонга юриб келади ва эл олдида ўз номусини сақлаш ниятида Мажнунга яқинлашмай, бироз нарида дарахтлар панасидан жой олади. У Мажнундан шеър ўқиб бершини сўрайди. Достонда худди шу ўринда «Мажнуннинг Лайли ҳузурида туриб ғазал ўқиши» сарлавҳаси келади. Е.Бертелснинг шу муносабат билан билдирган қуйидаги гаплари характерлидир. У ёзади: «Бутун боб маснавий шаклини сақлаб қолган бўлса-да, у ҳам мавзу, ҳам услуб жиҳатидан ғоят даражадаги интизорлик ва Мажнуннинг ёлқинли норозилиги садоларини ўз ичига олган ғазаллар тизмасини эсга солади».[2]

Низомий шунинг учун ҳам уни «Мажнуннинг ғазал ўқиши деб айтади. Низомий достонидаги худди шу қабилдаги ўта нозик руҳий кечинмалар тасвирларидан иборат лавҳалар, маснавий шаклида ғазалга хос талқинлар ва бевосита ғазал атамасига ишоралар Фузулийнинг ўз «Лайли ва Мажнун»ида қаҳрамонлар тилидан ғазаллар қўллашга илҳомлантирган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Низорий эса ўз достонида устоз Фузулий анъанасига садоқат билдирди ва воқеалар давомида қаҳрамонларнинг руҳий дунёлари туғёнга келган ўринларда ғазаллар қўллаш йўлини тутди. Бу ғазалларнинг асар воқеалари тизмаси ва қаҳрамонлар дунёсини очишдаги ўрни ҳақида юқорида ҳам билдирилган фикрларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Низорий маснавийда ҳам руҳшунос сифатида катта маҳорат кўрсатади. Мажнун билан Лайли ўртасидаги илк муҳаббат онларининг серҳаяжон тасвирлари Мажнуннинг бандга солиниши, биёбонгардлик ҳаёти, Лайлининг ота тазъйиғида яшаши, Ибн Саломга никоҳ қилиниши кунларидаги изтироблари, Ибн Салом уйидан қочиб Мажнунни излаб саҳрога

[1] Низомий Ганжавий. Куллиёт. Чилди II. Лайли ва Мажнун. Душанбе, «Ирфон», 1982.саҳ.82
[2] Бертелъс Е. Низами и Фузули. М., 1962. Стр.264.

йўл тутиши, узоқдан Мажнуннинг нолакор қўшиқларини эшитиши билан ўзича дам фалакдан, дам тақдирдан шикоят қилиб бориши, Мажнун билан жуфт қилиб кўмиш ҳақида онасига васиятлари киши руҳиятини поэтик тарзда юксак даражада тадқиқ этилиши эди.

Маснавий таркибида қаҳрамонлар тилидан ғазал қўллаш анъанаси устида гап борар экан, Фузулий «Лайли ва Мажнун»идаги бир ўзига хослик ҳақида сўз очиш керак бўлади. Фузулий ўз достонида Лайли ва ўз навбатида Мажнун тилидан ғазаллар билан бирга мураббалар ҳам қўллайди. Достоннинг анъанавий кириш қисмида эса қасида ва соқийномалар ҳам ўрин олган. Низорий эса ўз достонида фақат ғазал қўллайди. Шу муносабат билан бизнинг диққатимизни Низорийнинг «Лайли ва Мажнун» матнидаги ҳарактерли бир нуқта тортади. Шоир ҳар гал ўз қаҳрамонлари ҳаётидаги муайян чуқур руҳий кечинмалардан уларнинг номларидан айтилган ғазалларга ўтиш олдида ёки ғазал якунлангач, янгидан маснавийга ўтиш вақтида унга ишора қилиб, «бу иншони ўқиди», «бу абётни ўқиди», «бу ўтлуғ навони бошлади» каби ибораларни қўллайди. Бир ўринда Лайли номидан ғазал бошланиши олдида бевосита:

Забониға жори бўлуб бу ғазал,
Қилип ғам тунин шодлиқға бадал,

мисраларига кўзимиз тушади.

Характерли бир ҳол шундаки, Низорий маснавийдан ғазалларга ўтиш олдида айрим ҳолларда «қитъа», «қасида» каби жанр номларини қўллайди. Масалан, достон воқеалари бошланиб, Мажнуннинг мактабга бориши, у ерда гўзал ва иффатли Лайли билан учрашиб, оташин севгининг бошланиши ҳикоя қилинар экан, Мажнун номидан «Фалак» номли радифли ғазал берилади. Ғазал сўнгида одатдагича бошланган маснавийда қуйидаги сўзларга кўзимиз тушади:

Чу бу қитъани ўқуп ўз ҳолига,
Ётар эрди ўзини солип холига.

Кўринадики, ушбу ўринда «бу қитъа» деб юқорида «Фалак» радифи билан келган ғазалга ишора қилинмоқда. Шеър аа, ба, ва шаклида бўлиб, ғазалга хос матла ва мақтаъга эга ва бинобарин у қитъанинг шаклий талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Шоир иккинчи бир ўринда Мажнун номидан ғазал келтирар экан, ундан илгариги мисраларда «қасоид» сўзини қўллайди.

Навосозлик айлиди ул замон,
Қасоид била нақше аён.

Ушбу байтдан кейин келган лирик шеър эса «жон била», «армон била», «афғон била» қофияларига эга бўлган ўн олти мисралик ғазалдир. Бинобарин, унинг қасидага алоқаси йўқ.

Афтидан, Низорий асар матнида юқорида эслганидек, «қитъа» «қасоид» атамаларини «бир парча арзи ҳол», «бағишлов» (масалан, Лайлига бағишлов) маъноларида қўллайди. Зотан, шоирнинг ўзи матнда ҳар гал шеърларни « Ғазали Мажнун», « Ғазали Лайли» каби аниқ сарлавҳалар билан номлайди. Бинобарин, матндаги «китъа», «қасоид» сўзлари шоирнинг ўзи бошқа ҳолларда қўлланган «наво», «иншо» каби киши ҳолати ва кайфиятини ифода этувчи иборалар қаторида англаш керак.

Низорий «Лайли ва Мажнун»идаги «Қайдасан» радифли ғазалнинг истеъдодли ўзбек шоири Бобораҳим Машраб ғазалига татаббу эканлиги китобхон диққатини ўзига тортади. Бу ўз умрининг маълум қисмини Кошғарда ўтказган ўзбек шоири асарларининг уйғурлар ўртасида манзур ва машҳурлигини кўрсатувчи ғоят аҳамиятли манбадир. Ғазалнинг матлаъ байтлари Машрабда:

Эй менинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан,
Бу кўнгул бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан.

Низорийда:

Қолди жон, кетти кўнгул, ороми жоним, қайдасан,
Ишқ апо бўлдум адам, жону жаҳоним, қайдасан.

Татаббуда мазмундаги уйғунлик, образлардаги яқинлик шу билан бирга анъанавий образларни янги-янги мазмунлар ифодасига бўйсундириш, янги талқинлар йўлида изланиш Низорий ғазалида равшан кўзга ташланади. Қуйидаги мисраларда Низорийнинг Машраб ғазалидаги мафҳумлардан илҳом олгани яққол англашилиб туради:

Машрабда:

Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сени, сарви равоним, қайдасан.

Низорийда:

Ойрилиш гулдак юзунгдин бўлди аҳволим хароп,
Гул оро булбул масаллик ҳамзабоним, қойдасан.

«Лайли ва Мажнун»да ушбу ғазалнинг Лайли тилидан айтилиши унинг руҳидан англашилиб туради. Лайли Мажнунни «жумлаи ушшоқ аро соҳибқироним», «арслоним» деб атайди. Лайли ўз бошига тушган можароларни ифодалаб «чархдан бошимга турлук балолар етти», «танамда жон бўлгани билан у оромсиз», деб зорланади. У ўзинигина ўйламайди.

Мажнун қисмати учун юрак-юракдан қайғуради. Унинг биёбондаги ҳаётини эслаб изтироб чекади. Маъшуқанинг бундай ҳолати қуйидаги мисраларда дард билан, ҳасрат билан йўғрилган ҳолда ифодалаб берилган:

Бир кўруп бечоралик бирла бўлуп Мажнун сифат, Юрган овора бўлуп бехонумоним, қойдасан.

«Лайли ва Мажнун» достонидан ўрин олган бошқа ғазаллар ҳам ўзининг лирик асарлари билан танилган Низорийнинг катта маҳоратидан дарак бериб туради

Низорий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида бўлгани каби «Лайли ва Мажнун»да ҳам маснавий устаси эканлигини намойиш этди. «Лайли ва Мажнун»нинг бадиий тасвир қудрати ҳам Низорийнинг устодларнинг маҳорат мактабидан унумли баҳраманд бўлиб, катта ижод йўлида залворли одимлар билан бораётганлигини кўрсатар эди. Достондаги янги-янги мазмунлар билан бойитилган анъанавий поэтик образлар, кашфиёт даражасидаги

ўхшатишлар, сифатлашлар, муболағалар шундан гувоҳлик беради. Шоирнинг бундай маҳоратида уйғур халқ поэтик ижодиёти сирларини ўрганиш, Аҳмад Яссавий, Лутфий, айниқса, Алишер Навоий асарларидан илҳомланишнинг ўрни каттадир. Зотан, Низорий ўз даври адабий ҳаётининг катта намояндаси, сўз санъаткорларининг пешвоси даражасида камол топган ижодкор эди.

«Лайли ва Мажнун»да Низорий Навоий достонида бўлгани каби боб мундарижасидан хабар берувчи муфассал сарлавҳалар қўллайди. Ҳар бир боб бароати истиҳлол кўринишига эга бўлган муқаддима билан бошланади. Бу муқаддималарда ҳам бобда баён қилинадиган воқеалар руҳи аён бўлиб туради. Низорий бу хусусда ҳам Навоийга издошдир. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнуннинг ота-онаси вафотидан кейинги мотам кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи боб қуйидаги бароати истиҳлол билан бошланади:

Бу базми ғам ичра дардпарвард,
Бу нав чекар суруди пурдард.

Худди шу воқеа, яъни Мажнуннинг ота-онасининг фарзанд фироқида ҳаётдан кўз юмишлари онларини ҳикоя қилувчи боб Низорий достонида Навоий билан оҳангдош, бироқ ўзгача талқинлардаги бароати истиҳлолга эгадир:

Қалам сарнигунлуқ била тўкди ёш,
Ки ул ёш ила қилди асрор фош.

Шоир ўз бароати истиҳлолида «қалам бошини қуйи қилиб ёш тўка бошлайди ва ўша ёш билан ўзининг сирларини фош қилиб қўяди», деб айтади. Байтга янадан яқиндан, замирдан кўз ташлайлик. Мажнуннинг ота-онаси вафоти туфайли мотами чексиз эди. Қалам шу фожиаларни ёзишга киришар экан, бошини қуйи солиб йиғлай бошлайди. Бу қаламнинг уч томонининг қуйига, қоғозга қараб туришига ишора эди. Қалам саҳифага ёзиш учун ўзидан ранг чиқаради, демак, у Низорий талқинига мувофиқ айтганда, «йиғлайди». Хат ёзилгач, у ўқилади, демак, ёзув уни фош қилиб қўяди. Нақадар чиройли янгилик бор бу ерда. Низорийнинг ҳамма изланишлари шу маънодаги янгиликка интилишдан иборатдир.

Низорий бобларнинг хотимасида, яъни боб давомида баён қилинган воқеа итмомига етгач, ҳар дафъа соқийга мурожаат қилиб, мўъжаз соқийномалар яратади ва Навоий анъанасидан маълум даражада чекинади.

«Лайли ва Мажнун» достонини кузатар экансиз, унинг ҳар боби, ҳар бир саҳифасидаги мазмун расолиги ва уни ифодалашга хизмат қилаётган поэтик образларнинг чуқур замирга эгалигини кўриб ҳайратга тушасиз.

Мажнун Лайлини илк дафъа кўриб уни севиб қолар экан, кейинча ошиқлар мактаб боғчасида учрашадилар. Лекин Мажнун тезда беҳуш бўлиб йиқилади. Мажнун бир вақт ўзига келиб кўзини очса, тун қоронғу, кўкда ой сузиб юрибди.

Шу ўринда шоир ойдин кеча тасвирини бериш учун кўк гумбазини қандилга, ойни эса шу қандилда ёниб турган чироққа ўхшатади. Кўк узоқлигидаги чироқ Мажнун ҳузуридан кетиб қолган Лайлига ҳам ишора эди.

Шаклдош сўзлардан истифода этиб яратилган қуйидаги муболаға Уйғур тилининг катта имкониятларидан дарак беради. Мажнун севгининг илк кунларида бир вақт Лайлинит уйи томонга йўл олади. Шу пайт узоқдан унинг кўзига олов кўринади. Мажнун шу томонга

қараб юрар экан, узоқдан шуъла сочиб турган чироқни шоир афтодалар йўлига нур ташлаб турувчи шамчироқ деб таъриф этади. Мажнун гуё ўша олов қалбидан ўрин олиб, янгидан жон топгандай бўлади ва унга хитоб айтади.

Бу қилғонларинг шукрига минг тилим,
Агар шукр қилмос бўлур минг тилим.

Муболаға ғулунинг бир ёрқин мисоли. Мажнуннинг Лайлига бўлган ишқи эл оғзига тушар экан, бундан Лайлининг отаси ҳам хабар топади. Ғазаб устида турган отанинг ҳузурига Мажнун томондан Лайлини сўратиб совчиларнинг келиши вазиятни янада жиддийлаштириб юборади. Мажнунни кишанлайдилар. У энди кишанда жисми заиф, бироқ меҳнатлари зиёда бўлиб ётар, кечаю кундузи нажот тилаб Тангрига муножот қилар эди. Кунлардан бирида кишан пора-пора бўлади ва Мажнун биёбонга чиқиб кетади. Худди шу ўринда шоир кишаннинг очилиши, тўқилишини кузда дарахт барги тўкилишига ташбиҳ этади ва натижада муболағаи ғулу юзага келади:

Тўкилмушки, банди чу барги шажар,
Эшикни очиптур, кетибтур бадар.

Мажнун билан Лайли ўзоқ ҳижрондан кейин бир вақт биёбонда учрашадилар. Уларнинг энг бахтиёр соатлари шу эди. Бир-бирига яқинлашиб, бир-бирларининг бағрига ташланган ошиқларнинг ўша лаҳзадаги ҳолатларини шоир ўта жозибали бир тарзда тасвирлайди:

Чу икки гуҳар тушти бир дуржға,
Қуёш бирла ой келди бир буржға.
Чу бир сўап ичра кириб икки мул,
Ки бир ғунча ичра тутуп икки гул.

Низорий достони Низомий, Деҳлавий ва Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» лари каби ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи макфуфи солим (Мафъулу мафоилун фаулун)да эмас, балки шоирнинг «Фарҳод ва Ширин»ига оҳангдош мутақориби мусаммани мақсур (фаулун фаулун фаулун фаул) баҳрида ёзилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Лайли ва Мажнун» достони фақат Низорий ижодиётидагина эмас, балки бутун уйғур адабиётининг муҳим ҳодисаси бўлганлигини қайд этиш керак. Низорий бу достони устидаги ишида қиссанинг узоқ манбаларини, ўзининг она тилидаги адабиётда Мажнун ва Лайли ҳақидаги мавжуд ривоят ва афсоналарни синчиклаб ўрганган. Низомий, Навоий ва Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» ларини мутолаа қилиб қолмай, улардан илҳом олган. Низорий ўз достони устидаги ижодий ишида бошқа манбалар билан бир қаторда кўпрок, Навоий достонига асосланади.

Низорий ўз «Лайли ва Мажнун»ини яратишда анъанага хос равишда фаол муносабатда бўлишнинг яхши намунасини кўрсатди. Достон ҳикояси тизмаси ва образларнинг талқинида ўзининг ижодий изланишлари, ёрқин янгиликларини намойиш этди. «Лайли ва Мажнун»нинг бадийяти Низорийнинг катта маҳоратидан дарак беради. Шоир ўз достони билан уйғур тилининг чуқур билимдони сифатида майдонга чиқади. «Лайли ва Мажнун»да уйғур тилининг ранг-баранг ички бой имкониятлари, жонли уйғур тилининг қатламлари кўзга ташланиб туради.

Шоир ўзининг «Фарҳод ва Ширин»и билан «Хамса» мавзуларига қўл уриб, унинг бир муҳим достонини яратган эди. «Лайли ва Мажнун» унинг иккинчи қадами бўлди. Лекин шоир «Хамса»дан шу икки достон билан чекланди ёки унинг фурсати тақозо этмади. Ҳозир бу мавзуда узил-кесил бир фикр айтиш қийиндир.

Уйғур адабиётида «Хамса» достонлари билан боғлиқ ҳолда ишланган манзумалардан яна бири «Шоҳ Баҳром ва Дилором» асаридир. Ғарибий ижодининг маҳсули бўлган бу асар яратилиш даври, йилига кўра эмас, балки «Хамса» достонларининг жойлашиши изчиллигини кўзда тутиб, «Лайли ва Мажнун» достонларидан кейин таҳлил этилмоқда.

Истеъдодли уйғур шоири Турди Ғарибий XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Кошғарда Зуҳриддинбек ҳокимлик қилган йиллари нашъу намо топган адабий муҳитнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири сифатида танилган эди. Маълумки, бу доирада Абдураҳим Низорий ва Наврўзхон Зиёийлар ҳам фаолият кўрсатганлар. Зуҳриддинбек Кошғар адабий муҳитининг равнақини кўзлаб унга Низорий ва Зиёийларни тортар экан, улар қаторида Ғарибийга ҳам мурожаат этган. Уйғур адабиётшунослигида айтилишича Ғарибий Зуҳриддинбек томонидан даъват этилганга қадар ҳам ўзининг юқори ижодий салоҳияти билан танилган шоир эди. Турди Ғарибий уйғур адабиётида дастлаб «Шоҳ Баҳром ва Дилором» ҳамда «Китоби ғариб» асарлари билан машҳурдир «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони Навоий «Хамса»сидан ўрин олган «Сабъаи сайёр» анъанаси асосида яратилган бўлиб, бу ҳол Ғарибийнинг Шарқ адабиёти, Шарқ «Хамса»чилиги сир-синоатларини яхши билганлигини, ўша услубда асарлар ёзишда ўзида ишонч ҳосил қилган ижодкор эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида Ғарибийнинг бу достони Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»лари билан бир қаторда уйғур адабиётида Хамсачиликка бўлган рағбатнинг нечоғлиқ кучайганлигини ҳам кўрсатар эди.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонининг яратилиш вақти ҳақида уйғур адабиётшунослигида турлича фикрлар мавжуддир. Аввало, ушбу достоннинг Низорий достонлари билан бир вақтда, яъни 1741–42-йилларда яратилган деган фикрнинг илмий ишларга сингиб кетганлигини айтиш керак. Шу муносабат билан Б.Аршиддинов «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонининг ёзилган даврини 1741–42-йиллар деб кўрсатган М. Ҳамраевнинг фикрига эътироз билдирган эди. Б.Аршиддинов «Шоҳ Баҳром ва Дилором»нинг хотимасида ўрин олган Ғарибийнинг ҳаётига оид айрим лавҳаларга таяниб, достоннинг 1741-42-йиллардан анча илгари яратилганлигини айтади. Б. Аршиддиновнинг қайд қилишича, «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонининг муқаддимасида, хотимасида шоир дунёнинг бевафолиги, ўз ҳолатининг ночорлиги ҳақидаги айрим қайдларни келтириш билан чекланади. Муаллифнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором»дан кейин ёзилган «Китоби ғариб» асарида Зуҳриддинбекка муносабат яққол қайд қилинган. Демак, «Шоҳ Баҳром ва Дилором» шоирнинг илгариги йиллар ижодининг маҳсулидир. Ғарибий бу достонини ёзиб китобхонлар ўртасида танила бошлаган йилларда шоирнинг истеъдодини пайқаган Зуҳриддинбек уни ўз ҳимоясига олган ва оқибатда «Китоби ғариб» яратилган эди.[1] «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонидан хабардор бўлган Низорийнинг «Хамса»нинг «Сабъаи сайёр»дан олдинги достонларига мурожаат қилишнинг сабабларидан бири шу бўлса керак.

Илмий адабиётларда Ғарибий ва унинг достонларига жуда кам эътибор берилганлиги кўзга ташланади. Уйғур ва ўзбек адабиётшунослигида «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонига оид тадқиқотлар жуда сийракдир. XIX аср уйғур достонларига бағишланган айрим илмий ишларда «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонига ҳам тўхтаб ўтилган ҳоллар мавжуд, албатта.

[1] Эршиддинов Б. Уйғур классиклири ижадийитидэ дастан жанри. Алмута, «Наука», 1988. 44-45-б.

Шу жиҳатдан, Б.Аршиддиновнинг «Уйғур классиклари ижодиётида достон жанри» монографиясидаги фикр-мулоҳазалар, Ғарибий достонининг Навоий «Сабъаи сайёр»и билан дастлабки муқоясалари бўйича хулосалар китобхонни баҳсга тортиш жиҳатидан муҳимдир. [1]«Уйғур адабиётининг қисқача тарихи» асари ва Мухлисовнинг «Асрлар ва асарлар» монографиясида ҳам «Шоҳ Баҳром ва Дилором»га «Муҳаббат достонлари» сирасида тўхтаб ўтилади. [2]Шундай қилиб, Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони махсус тадқиқ этилган эмас. Унинг хозирги нашрлари ҳам амалга оширилмаган.

Ғарибий ҳам «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонида Навоий «Сабъаи сайёр»ининг сюжети, образларига таянгани ҳолда қўшимча манбалар юзасидан иш кўриб, талайгина янгича талқинлар беришга эришади. Маълумки, Навоий достони Баҳром Гўр ва Дилором ўрталаридаги севги саргузаштига бағишланади. Тарихан маълумки, Баҳром Эрон шоҳлари сулолаларидан сосонийларга мансуб бўлиб, унинг подшоликдаги идора усули, қулон овига ниҳоятда ўчлиги ва ниҳоят гўзал Дилором билан ишқий можаролари жуда кўп ривоят ва афсоналарнинг юзага келишига сабаб бўлган. Баҳром Гўр ҳикояти Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си таркибида ҳам мавжуд. Ушбу мундарижа жиҳатидан ранг-баранг манбаларни Ганжавий илк дафъа катта мустақил достон сифатида ишлаб чиқди. Баҳром ва Дилоромнинг қолипловчи саргузаштномаси таркибида етти ҳикоянинг берилиши Низомийнинг асар устидаги кашфиётидир.

Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони ўзигача бўлган анъаналарни давом эттиради. Айни пайтда, «Сабъаи сайёр» туркий тилидаги биринчи «Баҳромнома»дир. Шунга кўра ҳам у деярли барча туркий халқлар ўртасида жуда кенг тарқалди. Янги-янги асарларга мавзу бўлди. Уйғур адабиётида ҳам Навоий «Хамса»си мавзулари қаламга олинган асарлар пайдо бўла бошлади. Шундай олижаноб ишга қўл ўрганлардан бири Турди Ғарибий эди. Шу тарзда уйғур «Баҳромнома»сининг илк асари Ғарибий номи билан боғланиб қолди.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» асарининг Навоий достонига асосланганлиги адабиётларда кўп мартаба қайд қилинганлиги маълум. Дарҳақиқат, Ғарибий «Сабъаи сайёр»дек кенг қамровли бир асарни ўзи ўрганган қўшимча манбалардан ҳам истифода этган ҳолда уйғур китобхонига етказиб беришни кўзда тутган. Лекин шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ғарибий ҳеч қачон асардан асар яратишдек жўн ва осон йўлдан борган эмас. Улуғ Навоийнинг «Сабъаи сайёр»идаги ғоявий нияти ва унга мувофиқ талқинларнинг моҳиятини бутун нозикликлари билан идрок этиш ва уларни шарҳлаб беришнинг ўзи катта истеъдод талаб қилади. Турди Ғарибий бу масалага бир ижодкор сифатида ёндашади. Б.Аришиддинов тўғри таъкидлаганидек, Навоий ўз достонини яратиш олдида мурожаат этган манбаларни ҳам Ғарибий ўз имкони доирасида кўздан кечиришга ҳаракат қилади.

Катта салтанат эгаси бўлган Баҳром овга ниҳоятда ўч эди. Кунлардан бирида шоҳ овга чиқар экан, йўл устида Чин манзилидан келаётган сураткаш Моний билан учрашади. Монийнинг қўлида Чинда яшайдиган бир тожирнинг қарамоғида бўлган Дилором исмли гўзалнинг сурати бор эди. Моний шу суратни Баҳромга кўрсатиш ниятида йўлга чиққан эди. Саҳродаги учрашув айни муддао бўлиб чиқди. Баҳром сурат билан танишар экан, унда сиймоси акс этган қизга ошиқ бўлиб қолади. Монийнинг айтишича, тожир Дилоромни ҳавас қилган киши Чиннинг бир йиллик хирожини тўлаш билан унга восил бўлиши мумкинлигини эълон этган. Бу хабарни эшитган Баҳром Дилором учун жаҳон молини ҳам беришга тайёрман, деб онт ичади.

---

[1] Ўша ерда.129, 140-148-б.

[2] Мухлисов Ю. Эсирлэр ва эсэрлэр. Алмута, «Наука». 1973. 77-б.

Навоий достонидаги кейинги эпизодларда руҳий дунёси мусаффо, ташқи латофати ҳаммани ҳайратга солгудек гўзал, айни замонда, катта санъат соҳиби бўлган Дилоромнинг Баҳром билан ҳаёти тасвирларига дуч келамиз. Баҳром ўзининг ов сафарларидан бирига Дилоромни ҳам олиб чиқади. Шу ов вақтида кутилмаган воқеа рўй беради. Баҳром кийик, кулон ови билан машғул экан, Дилоромга ўзининг бу бобдаги маҳоратини намойиш этмоқчи бўлади. Лекин ҳа деганда, мақтов сўзларини эшита олмайди. Шунда Баҳром бирдан ўзгаради ва унда муҳаббат соҳиби Баҳромнинг эмас, балки шоҳ Баҳромнинг қиёфаси пайдо бўлади. У жаҳолат устида Дилоромни ўлимга ҳукм этади. Саҳрога чиқариб ташланган Дилором ўзининг тадбиркорлиги билангина ўлимдан қутулиб қолади. Баҳром жаҳлдан тушгандан кейин ўзининг қилмишига пушаймон бўлади. Дилоромдан айрилиқ уни кундан кунга заифлаштириб борар эди. Навоий бу эпизодларда кишидаги севги ҳисларининг нақадар катта қудратга эга бўлишини кенг тасвирлашга ҳаракат қилади.

Шу ўринда Баҳром учун турли ранглардаги қасрларнинг қурилиши, уларда шоҳнинг ҳикоялар тинглаши ва ниҳоят энг сўнгги сайёҳ ҳикояси орқали Дилоромдан хабар топиш воқеалари берилади. Лекин улар ўртасидаги тотувлик, бахтиёрлик узоқ давом этмайди. Ов сафарларидан бирида Баҳром, Дилором ва уларнинг аъёнлари ботқоқликда ҳалок бўладилар.

Навоийнинг ўз салафларидан фарқли равишда асар устидаги ижодий иши бутун ҳикоя давомида англашилиб туради. Шулардан бири ва айтиш мумкинки, энг муҳими, Навоийнинг «Сабъаи сайёр»ида қолипловчи Баҳром ва Дилором ҳикояти таркибидаги ҳикоятларнинг бир-бири билан ички мазмун жиҳатидан боғланиб бориши ва охирги ҳикоянинг бевосита Баҳром саргузашти билан уйғунлашиб кетишидир.[1] Баҳром шу ҳикоя воситасида Дилоромдан хабар топади.

Истеъдодли уйғур шоири Баҳром ва Дилором қолипловчи ҳикоясини, унинг таркибида келган етти саргузаштномани сақлаб қолади ва бутун асар давомида ғоявий нияти асосидаги янги ўрни билан ижодий талқинларни бера боради. Жумладан, Ғарибий ўз достонида Баҳром образида мавжуд салбий хусусиятларни тасвирлашга алоҳида аҳамият берган. Навоий одам кунига бориб ўлимга юз тутади. Шунга кўра ҳам одамзод ўзидан кейин яхши ном қолдиришга одат қилиши керак деган фикрга урғу беради. Ғарибий ўз достонида Баҳром образи мисолида киши ҳаётда ўзининг ножўя ишлари, ножўя хулқ-атвори билан ўзини ўзи ёмон отлиққа чиқаради. Ҳатто ўлимини яқинлаштиради. Янада аниқроқ қилиб айтганда,ўз ўлимини ўзи таъмин этади деган талқинга диққатини тортади.

Шарқ адабиётида мамлакат тақдири учун жавобгар бўлган шоҳнинг маънавий дунёси масаласи ҳаммавақт биринчи даражали муаммолардан бири бўлиб келди. Низомий «Хамса»си достонларидан ўрин олган Хусрав Парвез, Баҳром ва Искандар каби қатор образларда шу маънавий масалани қўяди. Навоий «Фарҳод ва Ширин»даги Фарҳоди билан маънавий баркамолликнинг энг юксак намунасини яратади ва уни беқарор, худбин, жоҳил Хусравга қарама-қарши қўяди. «Сабъаи сайёр»да эса бу масала бутун жиддийлиги билан қўйилган. Навоийнинг эътиқодича, шоҳ Оллоҳ томонидан инсоният жамиятига низомшунос сифатида тайин этилган. У адолат мезонини маҳкам тутиши керак. Майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолмаслиги даркор. Баҳромда эса бу фазилатларнинг бири мавжуд, яна бири батамом йўқдир. Достонда қолипловчи ҳикоя доирасида келтирилган ҳикоятларнинг ҳаммаси Баҳромнинг кўзини очишга хизмат қилиши керак эди. Ғарибийга Навоий достонида илгари сурилган ана шу ғоявий ният ниҳоятда маъқул тушган эди. У «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонини яратар экан, анъанадан ижодий фойдаланиб, ўта

[1] Хасанов С. Роман о Бахраме. Т., 1988. Стр.70.

жаҳолатпараст шоҳ образини гавдалантирмоқчи бўлади ва бинобарин, Баҳром образидаги салбий хусусиятларни кучайтириб талқин этиш йўлини тутади.

Достонда Баҳром образининг кўпроқ салбий сифатлар билан тасвирланиши «Шоҳ Баҳром ва Дилором»нинг Ғарибий томонидан унинг Зуҳриддинбек саройига келмасидан анча илгари ёзилганлигини тасдиқ этувчи муҳим бир далилдир.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонида Кошғарда Зуҳриддинбек ҳокимиятигача бўлган давр подшоларининг мустабид идора усулига қарши норозилик оҳанглари яққол сезилиб туради.

Ғарибий айш-ишратга, овга, айниқса, майхўрликка ўч Баҳром образини яратар экан, уни одамларнинг, хусусан подшоларнинг ўтмиш ҳаётидан ҳам, бугунидан ҳам ўрнак олишини истайди. Шу маънода «Шоҳ Баҳром ва Дилором» қолипловчи ҳикоя ичидаги ҳар бир афсона шоҳга қаратилган бир пандномадек вазифани адо этади. Савдогар Ахий ва Шаҳзода Фарруҳ ҳақидаги биринчи ҳикоя шу маънода катта аҳамият касб этади. Ғарибий бу ҳикоя баёнида Навоийдан айрим чекинишларгагина йўл қўяди. Зайд саргузаштига бағишланган иккинчи ҳикояда эса Ғарибий бу ҳийлагар, товламачи, кўз бойлоғич кишини янада айёрроқ қилиб кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Зайд қилаётган ишларини шундай усталик билан амалга оширадики, подшо ҳақиқат қаердаю қабоҳат қаердалигини ажратолмай қолади. Мезон ҳудудини йўқотган шоҳнинг инқирози аниқ эди. Ҳикоя якунида Ғарибий шоҳларга, жумладан, Баҳромга теварак-атрофлардагилардан ким нажоткору ким хиёнаткорлигини донишмандлик билан ажратиб олиш ҳақида ўгит бермокчи бўлади.Шу тарзда Ғарибий достоннинг асосини ташкил қилган барча ҳикояларнинг мавзу ва сюжет чизиғини асосан сақлаб қолгани ҳолда, уларнинг ҳар бирида ўзгача талқинлар беради. Бу ҳолни Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги бешинчи ҳикояда ҳам, Муқбил ва Мудбир саргузаштномаси ҳақидаги олтинчи ҳикояда ҳам кузатиш мумкин. Б.Аршиддинов ўзининг юқорида эслаб ўтилган «Уйғур классиклари ижодида достон жанри»деб атаган монографиясида Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором»и ҳақида ҳам тўхтаб, Навоий ва Ғарибий достонларини қолипловчи ҳикоядан бошлаб, унинг таркибидаги ҳикоятларгача кузатган бўлади ва ўз диққатини Уйғур-ўзбек адабий алоқалари самараларини кўрсатишга эмас, балки кўпрок, Ғарибий достонининг оригиналлик хусусиятларини кўрсатишга қаратади[1] . Агар синчков олимимиз катта илмий кузатиш билан олиб борган тадқиқотида Ғарибий достонининг мавзу ва сюжет жиҳатидан Навоий «Сабъаи сайёр»и билан алоқали нуқталари ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашганда, икки адабиёт, икки адиб ижодлари ўртасидаги алоқалар тарихининг яна бир қатор саҳифалари ёритилган бўлур эди. Зотан, «Уйғур адабиётининг қисқача тарихи» китобида Ғарибий «Навоий асарининг руҳини ўз даврига мослаштириб, ўз замонаси билан боғлаб беради»[2] деб айтиладики, шу хулосанинг ўзи «Сабъаи сайёр»дан илҳом олган уйғур шоири унга ижодий ёндашгани ҳақида, ўз замонаси орзу-умидларини юксак даражадаги бадиият билан ифодалаб берган янги бир асар яратиб берди, демак эди. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони 5008 байтдан иборатдир. Ғарибийниш «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони эса 3900 байтни ташкил қилади. Шу далилнинг ўзи Ғарибийнинг Навоий достониига ижодий ёндашганлигини, анъанавий мавзу ва сюжетни ўзича, ўз қарашлари асосида қайта қаламга олганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонини ҳам кўзда тутганда уйғур адабиётида Шарқда машҳур «Хамса»нинг учта достони пайдо бўлди.

---

[1] Эршиддинов Б. Уйғур классиклири ижадийитидэ дастан жанри. Алмута, «Наука», 1988. 141-б.

[2] Уйғур эдебиятининг қискичэ тарихи. Алмуту, «Наука», 1983.148-б.

III БОБ

НАВОИЙНИНГ СЎЗ САНЪАТИ МАҲОРАТИ ИЗИДАН ҲИРҚАТИЙНИНГ «МУҲАББАТНОМА ВА МЕҲНАТКОМ» ДОСТОНИ

Ушбу тадқиқотнинг юқоридаги бобида уйғур Шоирларининг бевосита Навоий «Хамса»си достонлари билан алоқадорлик натижасида яратган асарлари хусусида баҳс этилди. Шарқ адабиёти ютуқлари, хусусан, Навоий меросига катта рағбат билан қараган уйғур мумтоз шоирларининг анъаналарини билан давом эттириб, янги ғоявий-бадиий мундарижага эга бўлган асарлар яратишдаги иқтидорлари хусусидаги кузатишлар баён қилинди. Уйғур адабиёти тарихида шундай асарлар ҳам борки, уларнинг муаллифлари бевосита Навоийнинг бирор асарига мурожаат этмасалар-да, ўзларининг изланишлари давомида устоз шоирнинг мавзу танлаш, образ яратиш ва тасвир услубидан баҳраманд бўлиб, янги-янги асарлар ижод этганлар. Уйғур адабиёти хазинасини муносиб равишда бойитганлар. Шундай обидалардан бири Хирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонидир.[1]

Муҳаммад Имин Ғужамқули ўғли Ҳирқатий XVII асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилган истеъдодли уйғур шоиридир. Ҳирқатийдан бизгача унинг 1670 йилда яратилган «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асари етиб келган. «Муҳаббатнома ва меҳнатком» ўз мундарижаси, композицион қурилиши, образлар тизимига кўра ўз даври адабий ҳаётининг муҳим бир ҳодисаси сифатида кўзга ташланади. Достон Оллоҳ, Муҳаммад пайғамбар ва чорёрлар таърифига бағишланган анъанавий муқаддима билан бошланади. Бироқ муаллиф шу муқаддиманинг ўзига муҳаббат ва меҳнатни ислом дини ва тасаввуф таълимоти заминида туриб, поэтик тарзда кенг шарҳлаб беради. Асарнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олганда, уни маълум маънода «Ҳайрат ул-аброр» услубидаги фалсафий-ахлоқий достон сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, ўзбек, форс-тожик ва озарбайжон адабиётларида мавжуд бўлган кўпдан-кўп фалсафий-ахлоқий мундарижадаги асарларда муаллифлар ўзларининг муҳаббат, меҳнат, адолат, қаноат ҳақидаги қарашларини баён қилганларидан кейин шу ижтимоий-ахлоқий мавзуни образлар воситасида гавдалантириб беришга қаратилган ҳикоятлар келтирадилар. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр» достонида «Салотин бобидаким...» деб бошланувчи учинчи мақолатда подшолар, уларнинг тож-тахт, мулку мамлакат соҳиблари сифатидаги жавобгарликлари, адолат қонунларига риоя қилишлари хусусидаги чуқур мушоҳадалардан кейин шу мақолат таркибида «Шоҳ Ғозий қаҳрининг сарсари бир саркаш гўшани барбод этиб, адлининг суйи ул хўша бутган бузуғ мазраани обод қилғони» ҳикояти келтирилади. «Карам васфи»даги еттинчи мақолат таркибида эса ўз караму саховати билан халқ оғзига тушган «ҳотами тойи» ҳикоятига кўзимиз тушади.

Ҳирқатий ўз достонини «Муҳаббатнома ва меҳнатком» деб атади. Шунга кўра , «Ҳайрат ул-аброр»нинг «Ишқ ўти» таърифига бағишланган тўққизинчи мақолатига қиёсан ўрганиб, Ҳирқатийнинг устозлар анъаналари билан нақадар мустаҳкам алоқада бўлганлигини яққол кўрсатади.

Ҳирқатий достони ишқ ва ишқ меҳнатига бағишланган муқаддима боби билан бошланади. Шоир ишқ таърифига киришар экан, илоҳий ишқ ҳақида ниҳоятда таъсирчан мисраларни яратади: «Ишқ ёниб турган лаҳчадир. Ишқ бўстонининг гулларига эришмоқ мушкул. Ишқ

[1] Хирқатий. «Муҳаббатнома ва меҳнатком». Эсирлэр садаси. АлмутуҚазақстан давлат гозал адабиёт нашриёти. 1963.

саҳроси поёнсиз. Унга кирган, уни босиб ўтмоқчи бўлганларни минг туман машаққатлар кутади. Унга комиллик йўлига кириш билан, унинг синовларига бардош бериш билангина эришмоқ мумкин. Ҳирқатий ана шу илоҳий ишқнинг лаззати ва муҳаббат меҳнатсиз, луқма тўзсиз бўлса, бўлар лаззатсиз. Муҳаббат тотлиқ эрур, меҳнат аччиқ» деб ҳикматона мисралар яратади. Ҳирқатий муҳаббат бор ерда унинг меҳнати ҳам борлигини, меҳнат ва муҳаббатнинг ҳамишалик ҳамдамлигини, демак, ҳақиқий ошиқ ишқ заҳматларига бардош берган тақдирдагина яратган васлига восил бўла олишини тасаввуф фалсафасидан келиб чиқиб моҳирлик билан тасвирлаб беради.

«Уйғур адабиётининг қисқача тарихи» асарида Хирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонининг ғоявий-бадиий аҳамияти хусусида анчагина муҳим кузатишларга кўзимиз тушади. Бизнинг назаримизда, ушбу «Тарих»да кўпроқ Ҳирқатий достонининг зоҳирий мундарижасига диққат қилинади. Биз «Тарих» китобидаги бундай талқинга қўшилганимиз ҳолда, масалани моҳият жиҳатидан очиб бериш учун тадқиқот доирасини янада кенгайтириш керак деган фикрдамиз. Гап шундаки, Ҳирқатий юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ўз асарида ишқ мавзусини сўфиёна фалсафа асосида ёритишни мақсад қилиб олади. Шу ғоявий ният заминида туриб, шоир «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонининг муқаддимасида ишқ мавзусини махсус бир бўлимда ёритиб, ўзининг бу хусусдаги мушоҳадаларининг бадиий тасвири учун «Шам ва парвона», «Гул ва Булбул» ҳикоятларини яратади.

Ҳирқатий тасаввуф илмидаги ишқ фалсафасининг моҳиятини ўзига хос йўл билан ойдинлаштириш мақсадида ажойиб талқинлар қўллайди. Ўз навбатида, ишқнинг моҳияти ҳақида маълумот бериш ниятида ҳаётий қиёслар қидиради ва топади. «Уйғур адабиётининг қисқача тарихи» асарида достондаги қуйидаги мушоҳадаларга тўғри диққат қилинган: «Муҳаббаттин на ишлар таваллуд қилур. Меҳнат на ишга оид бўлур ва ул сирни аён ва ул сўзни баён қилмоқда билингким, тўрт ҳарфи лафзи муҳаббат, ҳар ҳарф бўлур етти қисмат» [1]. Бу ўринда шоир муҳаббат сўзининг араб имлоси билан тўрт ҳарфдан ташкил топишига ишора қилиб, унинг ҳар бир ҳарфида еттитадан қисмат яширинган деб айтади ва уларни бирма-бир шарҳлашга ўтади. Масалан, «муҳаббат» сўзининг «М» ҳарфида мичимоқ, мубталолик, маломат, мурувват, мувофиқлик, мунислик ва мустасил қисматлари яширинган. Худди шу тарзда шоирнинг талқинларига кўра, муҳаббат сўзининг «ҳ» ҳарфида ҳам ҳаёт, ҳилм, ҳаё, ҳасрат, ҳақирлик каби маънолар яширингандир. Ушбу истилоҳларнинг ҳаммаси мазмун эътибори билан бевосита ёки билвосита тасаввуфий ишқнинг шарт ва талаби билан изоҳланади.

Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асари юқорида айтилганидек, ўзидаги ишқ ва ишқ меҳнати талқинлари билан Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» тўққизинчи мақолат мундарижасига яқинлашиб кетади. Албатта, биз «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асарини Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асари билан тенглаштириш фикридан батамом йироқмиз. Юқорида Ҳирқатий асарида дастлаб фалсафий-ахлоқий достонлари, жумладан, «Ҳайрат ул-аброр» услубига қиёс қилган эдик. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий мавзулар жуда катта бир силсилани ташкил қилгани ҳолда Ҳирқатий ўз асарида Навоий асарида қаламга олинган ишқ мавзуси хусусидагина баҳс этади, холос. Демак, Ҳирқатий достони ўзининг шу муҳим бир жиҳати билан Навоий «Ҳайрат ул-аброр»и билан ташкил қилади. Шу томондан Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асарида ишқ ва комил ошиқликнинг машаққатлари ҳақида баён қилинган фикр-мулоҳазаларни Навоий «Ҳайрат ул-аброр»инининг ишқ таърифига бағишланган тўққизинчи мақолатнинг

[1] Ўша асар. 74-б.

сарлавҳасига қиёс этиш ўринли бўлади. У ерда ўқиймиз: «Ишқ ўти таърифидаким, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва ахгари балокаш кўнгул парголаларидур ва меҳнат қаро шоми анинг тутуни ва бу шомнинг муштариқ кавкаблари анинг учқунидурур» [1]. Қуйидаги мисралардаги ҳамоҳангликка диққат қилайлик.

Алишер Навоий:

Ошиқ ани билки эрур дарднок,
Ҳам тили ҳам кўзию ҳам кўнгил пок.
Орқасидин ишқни юз ғам ўқуб,
Ҳар гириҳи бир ғам оёғин тугуб.
Дард юкидин бўлубон ҳам қади,
Дарддағи «дол» анинг ҳамқади.
Чарх киби жисми саросар тугон,
Меҳнати шомиға тонуқ ҳар тугон.
Кўкси шигофи бўлуб оташ фишон,
Шом балосиға саҳардин нишон.

Ҳирқатий:

Бадан кондур, анинг лаъли муҳаббат,
Бу тандур кон, олур ким қилса меҳнат
Муҳаббат одамийнинг дур баҳоси,
Муҳаббат бўлса йўқтур интиҳоси.
На матлубдур агар йўқ бўлса толиб,
Агар ҳусни эрур ҳарчанди ғолиб.

«Ҳайрат ул-аброр»да Навоий «Ишқ таърифи…» ишқи ҳақиқийнинг қудратини кўрсатиш учун «Шайхи Ироқий Шомда ҳусн шамъи гулин кўргач, парвонадек туташқони ва шуъласи инкор тиканларин куйдуруб мункирлар бошиға ошқони» ҳикоятини келтиради. Ҳирқатий эса ўз асарида ишқи ҳақиқийнинг шавқ ва изтироблари ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашларининг баёнидан кейин уни қувватловчи «Шам ва парвона» ҳамда «Гул ва булбул» ҳикоятларини келтиради. Ушбу ҳикоятлардан биринчиси, яъни «Шам ва парвона» нисбатан мўъжаз бўлиб, унда анъанавий Шам ва Парвона образлари орқали муҳаббатнинг оташнок кучига офаринлар ўқилади.

«Шам ва Парвона» достонлари Шарқда анча кенг тарқалган анъанавий мавзуларга асосланадилар. Биз XVI аср турк шоири Ломиийнинг «Шам ва Парвона» достонини биламиз. Бу мавзудаги асарлар бошқа адабиётларда ҳам учрайди. Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асаридаги «Шам ва Парвона» ҳикояти эса шоирнинг ўз асарининг марказига қўйган муҳаббат ва меҳнат мавзусини образли ёритиш мақсадида келтирилган кичик лавҳадан иборатдир. Ҳирқатий «Шам ва Парвона» ҳикояти орқали муҳаббатнинг ёлқинли кучи ва унинг поёнсиз меҳнат, машаққатлари ҳақидаги ўзининг ижтимоий-ахлоқий қарашларига бир мисол келтирган бўлади ва мавзуни тадрижий давом эттира бориб, «Гул ва Булбул» достонига кўчади.

«Муҳаббатнома ва меҳнатком» асаридаги «Шам ва Парвона» ҳикояти Ҳирқатийнинг ўзига хос маҳоратидан дарак беради.

[1] Навоий А. МАТ. VII ж. 187-б.

Шарқ шеъриятида куйланиб келинишича, шам қоронғу кечани ёритади. Ошиқларнинг суҳбатига оро беради. Шам ғазалларда рақибларнинг базмига нур таратиб ўтирган маъшуқага қиёс қилинади. Бироқ шам ва парвона маъжозан маъшуқа ва ошиқ рамзи сифатида Шарқ адабиётида, шу жумладан, уйғур адабиётида ҳам чуқур илдиз отган образларга айланган. Бунга ҳаётнинг ўзида шамнинг мафтункор ёғдуси, парвонанинг шу ёғдуга ўзини қурбон қилишгача бўлган фидойилиги материал берган. Ҳирқатий «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асарида ана шу анъанавий образларга мурожаат қилар экан, ўзига хос талқинлар яратишга ҳаракат қилади[1]. Кунлардан бирида тунда ташкил қилинган бир суҳбат даврасини шам ёритиб турар эди. Шам ўзини ўзи ўрташи эвазига нур таратиб, даврадагиларга хушвақтлик бахш этар эди. Лекин унинг «оташу об» ичидаги ҳолатидан даврадагилар бутун ғофил эдилар. Демак, ҳар ким ўз харидорини, дардкашини, ғамгузорини топиши керак эди. Шундай бўлади ҳам. Узоқдан шам шуъласини кўрган Парвона унинг устига етиб келади.

Баногоҳ бўлди бир Парвона пайдо,
У бўлди Шамнинг ҳуснига шайдо.

Шу шайдолик туфайли Парвона ўтга ташланишга, ҳаёт торларини куйдириб юборишга ҳам тайёр турар эди:

Уруп Шам ўтига гоҳи қанотин,
Узой дап дунёдин тори ҳаётин.

Ҳирқатий муҳаббатнинг ана шундай қалбни ўртовчи, жонни куйдирувчи шарори борлигини таъкидлар экан, нафис тасвирлар яратади:

Бўлиб Парвона Шам ўтига восил,
Кучуб маъшуқ, этиб мақсуд ҳосил.

Парвона оташин ишқ йўлида ўзини нобуд қилади.

Шароридин тушуб Парвонаға ўт,
Муҳаббат ўти бирла қўйди совут.

Ҳирқатий Парвонанинг фидойилиги тасвирларида ғоят таъсирчан образлар қўллайди:

Киши ошиқ эса, ўтдин ёнарму,
Азиз маъшуқига жонни аёрму,
Унарму дон агар нам бўлмаса яр,
Чўмиб дон бих уруб бас кўрсатар сар.

Ҳирқатий муҳаббат ва меҳнатнинг ҳамдамлиги ҳақидаги қарашларини намойиш этиш мақсадида келтирган юқоридаги жажжи ҳикояти билан ўз китобхонини муҳаббат, шу муҳаббатнинг синовлари, висол онларининг фусункор лаҳзаларини янада кенгроқ режа асосида тасвирлаган янги бир достонни тинглашга тайёрлайди. Бу «Муҳаббатнома ва

[1] Уйғур эдебиятинин қисқичэ тарихи. Алмута, «Наука», 1983, 75-б.

меҳнатком»асарининг асосини ташкил қилган «Гул ва Булбул» достонидир. Гул ва Булбул васфи Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётининг энг қадимги мавзуларидандир. Бу икки ном ошиқ ва маъшуқларнинг рамзий образлари сифатида ҳам адабиётда жуда эрта ишлана бошлаган ва даврларнинг ўтиши билан юзага келган кўплаб асарларнинг мавзуи бўлиб қолган. Ўзбек адабиётшуноси проф. Б.Валихўжаев ўзининг ўзбек эпик поэзияси тарихига бағишланган тадқиқотида тўғри таъкидлаганидек, «Ҳар бир муаллиф яратган «Гул ва Булбул»да ўзига хос хусусиятлар, образларни талқин этишда оригиналлик кўзга ташланиб туради. Шу жиҳатдан қараганда, бир хил номланган ёки қаҳрамонлари ўхшаш бўлган асарларни таҳлил қилишда, ана шу хусусиятларни асар яратилган давр, муаллиф кўзлаган мақсадни, унинг адабий эстетик тамойиллари ва умуман дунёқарашини эътиборга олиш шарт» [1]Туркий халқлар адабиётларининг кўпида «Гул ва Булбул» достонларини учратиш мумкин. Унга яқин Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз» достонидир. Кейинча туркман адабиётида Шобанданинг (XVIII аср) «Гул ва Булбул», уйғур адабиётида ҳам Ҳирқатийнинг ва Салоҳийларнинг «Гул ва Булбул» манзумалари юзага келди. Бу асарлар сюжет қурилиши, образларнинг танланиши жиҳатидан бир-бирига маълум даражада яқин турса-да, юқорида таъкидланганидек, уларнинг ҳар бири ўзига хос бир бадиий оламдир. Шу сирада уйғур шоирлари қаламига мансуб «Гул ва Булбул» достонлари, бир томондан, Шарқ адабиётининг гуманистик анъаналари билан яқиндан алоқадорлиги, иккинчи томондан, уйғур халқининг тарихи ва адабиётида муҳим бир ҳодиса сифатидаги хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради.

Ўзбек адабиётшунослигида «Гул ва Булбул» достонлари ҳақида гап борганда бу мавзудаги тўнғич асар сифатида «Гул ва Наврўз» достони қаламга олинади. Кейинча юзага келган асарлар, жумладан, Салоҳийнинг «Гул ва Булбул» достони Ҳайдарнинг «Гул ва Наврўз»и билан муқояса таҳлил этилиб, Салоҳийнинг бу достоннинг мавзу ва образларидан баҳраманд бўлгани ҳолда ўз асарида мустақил йўл тутганлиги таъкидланади. Б.Валихўжаев юқорида эслангган монографиясида уйғур шоири Ҳирқатийнинг «Гул ва Булбул» достонига ҳам қисқа тўхтайди. Айни пайтда, унинг «Гул ва Наврўз»дан талай тафовутларга эгалигини ҳам қайд этади [2]. Дарҳақиқат, Ҳирқатийнинг «Гул ва Булбул» достонини кузатганда, унда мажозий образларни қўллаш жиҳатидан «Гул ва Наврўз» билан маълум боғланиш борлиги кўзга ташланади. Илмий адабиётларда Ҳирқатий асарини мавзу ва образлар жиҳатидан Навоий асарларига яқинлиги ҳақида ҳам қайдлар мавжуд. Уйғур адабиётшуноси Р.Қодирий Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асари билан Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ўртасидаги оҳангдошлик ҳақида сўз очиб, бу ҳолни уйғур шоирининг устод сўз устасидан илҳомланиши, деб жуда тўғри кўрсатган эди[3]. Лекин бизнинг назаримизда, «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асарини «Фарҳод ва Ширин» анъаналари билан чеклаш икки шоир ижодиёти ўрталаридаги алоқаларни анчайин торайтириб қўяди. Б.Валихўжаев юқорида номлаб ўтилган тадқиқотида «Гул ва Булбул» типидаги асарларни масал-поэма сифатида характерлайди ва «Гул ва Наврўз», «Лисон ут-тайр», «Ҳусн ва Дил» каби асарларни масал-поэмага яхши мисол бўла олади» деб ёзади[4] . Шундай экан, Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида Навоийнинг бошқа асарлари, жумладан,

[1] Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Т.: «Фан», 1974, 57-б.
[2] Ўша асар, 58-б.
[3] Қодирий Р. Уйғур адабиётида Навоий анъаналари. «Адабий мерос». Т., 1968, 1-жилд. 53-б.
[4] Валихужаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Т.: Фан, 1974. 57-б.

«Лисон ут-тайр» достони анъаналари ҳақида ҳам баҳс этиш мумкин бўлади. Афсуски, «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достони уйғур адабиёти тарихига оид ишларда, айрим уйғур олимларининг мақолаларида қаламга олинган бўлса-да, у ҳали атрофлича тадқиқ этилган эмас. Биз қуйида достонга оид бугунгача мавжуд қарашларни давом эттирганимиз ҳолда, унинг Навоий ижоди билан алоқали жиҳатларига кенгроқ тўхташни мақсад қилиб олдик. Зеро, ҳар қандай асарнинг таҳлилида мавзу тарихини етарли ёритмаслик шу асарнинг ҳамма ғоявий-бадиий фазилатларини, демак, унинг муаллифи маҳоратини атрофлича ўрганишга монелик қилади. Гул ва Булбул. Буларнинг бири баҳорнинг ҳусну латофати рамзи, иккинчиси эса, мафтункор табиат мўъжизасининг куйчисидир. Баҳорнинг келиши, баҳор ёмғиридан баҳравар сабзаларнинг ерга алвон гиламлар тўшалгандай товланиши «Девону луғотит турк»дан ўрин олган шеърларда ҳам куйланган эди. Кўклам кўркини Рабгузий ҳам, Лутфий ҳам сертароват мисраларда куйлаганлар. Баҳор келиши билан турфа гулларнинг очилиши, унга мафтун булбулнинг хонишларини Навоий айниқса сермазмун ва сержило мисраларда маҳорат билан тасвирлаб беради. Жаҳон боғи кўп дилкашдир, деб ёзади Навоий «Садди Искандарий» достонида бу боғдаги гиёҳлар Чин табиатини намойиш қилгани каби у ердаги ҳар бир гул гўзалларни эслатади. Оловдай шуъла сочиб турган кўп гулни кўриб булбул бечора самандар каби куйиб-ёнади. Уёниб, шуълаланиб турган гул эмас, булбул уясига тушган ўтдир, йўқ, уясига эмас жонига тушган оташдир .[1] Гул билан булбулнинг бир-бирига вобасталиги ҳақидаги бу тасвирлар бу мавзудаги катта достонларнинг куртагидай кўзга ташланади. Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида Искандар образи талқини давомида махсус «Булбул ҳикояти ким…» деб бошланувчи кичик боб мавжуд. У ерда ҳикоя қилинишича, бир боғда булбул куйиб-ёниб фиғон чекаётганида, булбулни кузатиб турган зоғ яқинлашиб, уни эзмалиқда, саботсизликда айблайди ва дейди: «Эй булбул, сен боғда бир ой жўш уриб куйлаб, ўн бир ой ғам-андуҳда юрасан. Бу ишинг учун чаман гулларидан уялмайсанми?» Шунда булбул устки либоси каби ички олами ҳам қора бўлган қарғага қарата аччиқ-аччиқ сўзлаб, унинг оғзини тикиб қўйгандек бўлади. Булбул ўзининг ғам- андуҳларининг сабабини изоҳлар экан, чаманда гул бир ойгина юз кўрсатади ва қайта баҳор келгунга қадар мен ўн ой жудоликка маҳкумман. Оҳ-фиғонларимнинг боиси шундандир. Ишқ-муҳаббатдан бехабар сен нимани ҳам англар эдинг, деб айтади. Бу жавобдан қарға янада қорайиб кетади ва хомуш қолади [2].

Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги булбул қалбига ўт солган гул ва гул шавқида ҳамиша навҳакор булбул ҳақидаги лавҳалар билан танишганда, хусусан уердаги булбул ва зоғнинг савол-жавобидан иборат ҳикоятга қулоқ тутганда, Навоийнинг бу тасвирлари билан Ҳирқатийнинг «Гул ва Булбул» достони ўртасида мантиқий бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил қиламиз. Шубҳасиз, Ҳирқатий туркий тилдаги адабиётда, жумладан, ўз она тилидаги адабиётда ўзигача мавжуд анъаналар билан ҳам таниш эди. Шоир халқ ижоди асарларидан ҳам ижобий таъсирланган бўлиши муқаррардир. Муҳаммад Имин Ҳирқатийга яқин бир даврда яшаган тахаллусли бир шоирнинг ҳам «Гул ва Булбул» номи билан достон яратганлигини шоир Салоҳийнинг «Булбул ва Гул» достони муқаддимасида келтирилган маълумотлар орқали биламиз. Салоҳий ана шу шоир асари ҳақида фикр юритаётганда Бўлиб файз баҳори Кошғардин, Топиб табъим сафо бу сўзлардин, мисраларини қўллайди. Шунга кўра, юқорида сўз борган кошғарлик уйғур шоири деб ҳисоблашга асос бор. Муҳаммад Имин Ҳирқатийнинг эса, бу шоирга муносабати ҳақида яна қўшимча маълумотлар аниқлангунга қадар бирор фикр айтиш

[1] Навоий. МАТ. XI-жилд. 405-б.
[2] Ўша ерда.

қийиндир. Шундай қилиб, Ҳирқатий ўз достонида Шарқ муҳаббатномаларининг энг яхши анъаналарини давом эттиргани ҳолда Булбул ва Гул рамзий образларидан фойдаланиб, ўзининг жамият ва табиат ҳаётига оид қарашларини поэтик тарзда ифодаланишни мақсад қилиб олади.

Ҳирқатийнинг «Гул ва Булбул» ҳикоятидаги мажозий образлар XII аср форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонларини ҳам эсга солади. Масалан, Булбул образи Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида ҳам бор. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиш жоизки, Ҳирқатийнинг «Гул ва Булбул» ҳикояти, гарчи устодларнинг асарларига туташ ҳолда мажозий образлардан ташкил топган бўлса-да, уйғур шоирининг достонида мажозий образлар «Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр»дан фарқли равишда муҳаббат эгалари сифатида ҳаракат қиладилар. «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонининг марказий қаҳрамонлари Булбул ва Гул узоқ давом этган мураккаб севги саргузаштини бошдан кечирадилар.

Севги, ҳижрон, рашк синовларидан ўтадилар. Асарнинг тасаввуфий ботиний йўналиши ҳам ўзига хосдир. Достон воқеалари Булбул, Гул ва Сабо образлари ўртасидаги муносабатлар асносида ривожланиб боради. Сабо-тонгнинг оромбахш шабадаси - Шарқ адабиётида ошиқнинг маъшуқага ва ўз навбатида, маъшуқанинг севгилисига дуойи саломларини етказиш йўлида воситачи ролини адо этиб келган фидойи, рамзий бир образ сифатида шуҳрат тутгандир. Сабога хитоб Ҳофиз ва Саъдий, Лутфий ва Навоий ғазалларида кўп учрайди. Фурқатнинг «Сабога хитоб» деб номланган махсус маснавий мактуби мавжуддир. Шундай қилиб, дастлаб лирик асарларга кириб борган Сабо аста-секинлик билан эпик асарларнинг қаҳрамони даражасига кўтарилган. Жумладан, Сабо Гул ва Булбул образлари асосий ўринни ташкил қилган асарларнинг ҳаммасида иштирок этади. Бу асарлардаги Сабо воқеалар давомидаги вазифага кўра кўпинча «Гул ва Наврўз» достонидаги Булбул образига яқин туради. Ушбу асардаги Булбул рамзий образи Навшод шаҳзодаси Наврўз ва Фархор маликаси Гулнинг муҳаббат саргузашти давомида Наврўз томонида туриб, ошиқ-маъшуқлар ўртасида воситачилик қилади. Жумладан, Наврўз тушида Гулни кўриб, унга кўнгил қўйиб, Фархорга излаб келар экан, қўшиқчи Булбул ўз вазифасини адо этади. У Гулнинг ҳузурига бориб Наврўз номидан ғазал ўқийди.

Наврўзнинг Гулга Булбул орқали йўллаган дуойи саломлари ва севги туйғулари изҳорига жавоб қайтариш учун кўпинча Гулнинг энагаси Савсан майдонга чиқади. Ҳирқатий достонида эса «Гул ва Наврўз»даги Булбул образи вазифасини Сабо адо этади. Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Ҳирқатий асарида Булбулнинг Гулга бўлган муҳаббати можароси ҳикоянинг асосини ташкил этар экан, Булбулдай ҳамишали Гул ошиғи нега ўзи Гулга тўғридан- тўтри мурожаат этавермайди? Бу олифта ошиқнинг гапларини Гулга етказишда Сабо воситачилик қилади. Менимча Ҳирқатий ўзининг «Муҳаббатнома ва меҳнатком»дан ўрин олган «Гул ва Булбул» ҳикоятида анъанавий ишқий достонларда мустаҳкам ўрин олиб келган ошиқ-маъшуқлар саргузаштларини бир-бирига борувчи, бинобарин асар композициясида ҳам муайян ўринга эга бўлган учинчи образ воситачи образидан чекина олмаган. «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асаридан ўрин олган ва биз юқорида тўхтаб ўтганимиз «Шам ва Парвона» ҳикоятида бундай воситачи образига зарурат йўқ эди. Шопур (Навоий), Булбул (Ҳайдар) ва Сабо (Ҳирқатий) типидаги образлар кўпинча катта эпик асарларда учрайди. Сабо образининг анъанавий манбалари ҳақида гапирганда шуни кўзда тутиш керак. Лекин Ҳирқатий уни сюжетда муҳим ўринга эга бўлган катта образ сифатида ишлашга эришган. Шу жиҳатдан қараганда, Ҳирқатий ўзининг«Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида Сабо образини эпик қаҳрамон даражасида ишлаш билан уйғур

адабиётини янги бир образ билан бойитди.

Ҳирқатийнинг «Гул ва Булбул» ҳикояти бошлашдан олдин Сабо образининг манбалари, унинг достондаги ўрни хусусидаги мулоҳазаларга махсус тўхташимизнинг боиси,асар воқеаси сюжетда Сабо образининг пайдо бўлиши билан бошланади.

Сабо яхшилик, эзгулик элчисидир. У субҳи содиқдан бошлаб тоғутошларни, боғу роғларни, гулшанларни кезади. Одамларнинг қалбига ором бағишлайди. Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиёти асарларида куйланганидек, ошиқларнинг қалбини қалбига боғлайди. «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида ҳам ана шу анъанага муносиб ўрин берилган. Сабо ўзининг ҳар галги одати бўйича гулшанларни кезиб юрар экан, бир турфа гуллар билан зийнат топган боғнинг устидан чиқиб қолади. Бу Гулшаннинг алвон гуллари шу даражада гўзал ва тароватли эдики, бу ором боғига ҳамма ҳавас қилса арзирди. Сабо бу боғнинг лолалари, гулларини тамошо қилиб, қушларнинг шўхчан, бийрон хонишларига қулоқ тутишда давом қилар экан, бир дам латофат, зарофат рамзи бўлган Кўп гулга кўзи тушиб қолади. Ҳамиша ҳаммага яхшиликни, эзгуликни орзу қилиб юрган Сабо Кўп гулга яқинлашиб, унга кузатувчанлик билан назар ташлаб, «бу гулга йўлида бир содиқ керак экан», - деган фикрга келади. У Кўп гулга яқинлашар экан, сенга муносиб ёр топажакман, деб сўз беради .[1]

Достон сюжетида шу нуқтадан бошлаб Гул образи пайдо бўлади. Мажозан бениҳоя гўзал, айни пайтда беқиёс иффатга эга бўлган. Гул муҳаббат тимсолидир. Гул – гулшанда энг гўзал бўлишига қарамай, ўз кўркини кўз-кўз қилмайди. Гул ўзи билан ўзи машғул. Тонг отиши билан беихтиёр ўзининг ғунча баргларини ёза бошлайди. Кўп ўтмай улар май билан сарҳуш кишилардек ўзларини хар томонга ташлай бошлайдилар. Сабо гўзаллик хабарини олиб яна боғу роғлар аро сайр этар экан, бир манзилда тўда гуллар ва уларга парвона бўлган хушхон қушларга кўзи тушади. Сабо шу ерда чаҳ-чаҳ отиб, бийрон-бийрон қилаётган Булбулга кўзи тушади. Сабо зийраклик билан кузатиб биладики, Булбул шу яқиндаги Гулиқаҳқаҳга майл билдириб , ўзидан беихтиёр бўла бошлаган. Буни сезган Сабо Булбулга яқинлашиб, дунёда нима кўп, гул кўп, чаман кўп. Лекин «махрам» ва «ҳамдам» топиш жуда қийин. Бундай олижаноб жуфт топиш учун заҳмат даштларини учиб ўтиш, вафо ва садоқат синовларига бардош бериш керак деб айтади.

Унга ўзини қўшни бир гулшанда кўриб келган Кўп гулни таъриф ва тавсиф этади:

Эрур бисёр гули раъноу зебо,
Кўп гулдур бу гуллар ичра якто.
Яна гулларда бўлса ранг ила рўй,
Назокатта Кўп гул турфа хушбўй.

Халқда «чаманда гул кўп бўлгани билан булбулнинг севгани кўп гулдир», деган нақл бор. Достонда худди шундай воқеа рўй беради. Булбул Сабодан Қизил гулнинг таърифини эшитар экан, Булбулни Гулга ёки Гулни Булбулга етиштира қолмайди. Икки ўртада, яъни Булбул билан Гул қаршисида синовлар бошланади. Сабо уларнинг бир-бирларига йўллаган номаларини етказиб туради. Хирқатий «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонини маснавийда яраттан. Бироқ асарда Булбул ва Гул ўртасидаги номалар ғазал услубида бўлиб, Ҳирқатийнинг ҳам ғазалнависликда яхшигина истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади. Достонда воқеаларни ҳикоя қилувчи маснавий қайси баҳрда бўлса, ғазаллар ҳам асосан шу ўлчовда яратилгандир. Шундан келиб чиқиб «Муҳаббатнома ва меҳнатком» маснавийси

[1] Уйғур эдебиятинин қисқичэ тарихи. Алмута: «Наука», 1983. 76-б.

мусаддаси маҳзуф (мафоийлун мафоийлун фаулун) вазнида ёзилгани каби ундан ўрин олган ғазаллар ҳам шу ўлчовдадир деб айта оламиз. Ҳирқатий достонининг асосини ташкил қилган маснавий ва ўрни-ўрни билан қўлланган ғазалларнинг шаклий хусусиятлари ҳақидаги масала махсус диққатни талаб қилади. Гап бу ўринда асар воқеаларининг тадрижий равишда ривожланиб боришида Булбул ва Гул образларининг ҳис-ҳаяжонлари, севги ва садоқат кечинмаларини ниҳоятда нафис ифодалаб берган номалар хусусида боради. Булбул Сабо орқали Гулнинг васфини эшитар экан, унга дил изҳори сифатида ғазал тарзида нома йўллайди:

Сенинг, эй Гул, каломингни ишиттим,
Кўп ўттак жамолингни ишиттим.
Адатсиз вазфинг онглап ман Сабодин,
Жаҳондо йўқ мисолингни ишиттим.
Сучук бўлди менинг жисмиму жоним,
Ўшул дам шаҳду болингни ишиттим.

Синони ишқ бу жонимға тагди,
Бу ранг нозук наҳолингни ишиттим.
Бўлуб қул хизмитинг қилмоққа борсам,
Ғулом истар хаёлингни ишиттим.

Гул Булбулнинг мактубидан таъсирланиб унга айтишга жавоб тутинади. Гулнинг номаси ҳам бошдан-оёқ ошиқона бўлиб, уйғур адабиётидаги анъанавий ғазаллар мавзуси, образлар тизими асосига қурилгандир. Лекин Ҳирқатийнинг Гул ва Булбул образлари маънавий оламини ёритишга бағишланган ғазаллар ўзида номаларга хос хусусиятларни ифодалаб келади. Масалан, Булбулнинг номаси муҳаббатли дил изҳоридан иборат бўлса, гулнинг мактуби шу муҳаббат туғёнига муносиб бир жавоб тарзидадир. Гулнинг Булбулга жавоб номасида шу ҳол яққол кўзга ташланади:

Деди Гул: Онглидим васфингни Булбул,
Неча бўлдим муаккал сонго ман қул.
Эшит номамни, кал, андиша қилмой,
Умидинг торидин буйнумдадур гул...
Мани дап сан келур арсанг бу ярга,
Фидо айлай дилу жонимни билкул.

Булбул ва Гул ўрталаридаги номаларнинг «Гул ва Наврўз» достонидаги ошиқ ва маъшуқларнинг мактубларига яқинлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади. Тўғри, Наврўз ва Гулнинг ўзаро номалари ўзига хос бир тарзда қурилгандир. Достонда биз «Булбул тилидин ғазал ўқиғони» каби ифодаларга дуч келсак-да, асарда бирор ўринда маснавийдан чекиниш кўзга ташланмайди. Демак, у ерда «ғазал» ибораси қўйилган бўлса-да, нома маснавий йўли билан берилади. Ҳирқатий достонида эса ғазаллар ўз мазмуни ва шаклий хусусияти билан ғазалдир. Лекин улар ғоявий йўналиши билан ҳар икки асарда ҳам ошиқлар ўртасидаги ёзишмалар бўлиб қолаверадилар. Бу жиҳатдан уларни XIV- XV асрлар адабиётида кенг ўрин олган «Муҳаббатнома» (Хоразмий), «Даҳнома» (Амирий) асарларига қиёс қилиш мумкин. Бу номаларда севишганларнинг бир-бирларидан вафо умиди, васл иштиёқи, жавобсиз қолган

севги тўйғуси учун таъна- тазаррулар ва бошқа кечинмалар шалоласи ранг-баранг дилкаш тасвирлар воситасида ифода этилади. Достонларда эса эпиклик етакчи ўрин тутиши билан боғлиқ ҳолда лирик персонажлар одатдаги тадрижий ҳаракатда бўлган шахсларнинг тимсоли сифатида ҳаракат қиладилар. Улар бир-бири билан бевосита тўқнашади. Уларнинг ўрталаридаги номалар эса шу қаҳрамонларнинг саргузаштлари тафсилотлари доирасида бўлади. Ҳирқатий достонида Булбул Сабонинг раҳнамолиги билан Гулнинг қошига келар экан, улар бир-бирларини садоқат бобида синашга тутинадилар. Гулнинг синовчан сўзларига Булбул «Сени деб диёримдин кечибман», «жонизоримдин кечибман», «йўлингда ихтиёримдин кечибман» деб фидойилик билан жавоб беради. Ҳирқатий достонидаги

Булбулнинг бу сўзлари бир қадар «Гул ва Наврўз» достонидаги ғазалларини эсга солади. Наврўз Навшоддан Гулни излаб Фархорга келар экан, унга қарата: «Енар ўти ичра ўртаб хонлиғимни, қулунг бўлдум қўюб султонлиғимни», «Агарчи шоҳ эдим, эмди гадоман», «ғариблиқ дарди бирла мубталоман», деб аталди. Севишганлар ўрталаридаги мактубларда Ҳирқатий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги ёзишмалардан ҳам баҳраманд бўлгани шубҳасиздир .[1]

«Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида Ҳирқатийнинг Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига катта сўз санъати асари сифатида қараб, ундаги устоз маҳорат мактабидан баҳраманд бўлганлигини достон ҳикояси давомида яна қатор лавҳаларда кузатиш мумкин. Шулардан бири - Булбул билан Гул ўртасида узоқ давом этган савол-жавоблардан иборат айтишувдир. Сабо ўз саёҳатлари давомида гулшанда Кўп гул билан танишар экан, у ердан чиқиб Булбул ошён қурган чаманга боради ва унга Кўп гул ҳақида гапириб беради. Булбул Сабодан эшиттан таъриф-тавсифларга маҳлиё бўлиб тезда йўлга чиқа қолмайди. У олдин Гулнинг хоҳиш- иродасини билмоқчи бўлади. Гулнинг самимий гапларини эшитгандан кейингина унинг ҳузурига йўлга чиқади. Ҳирқатийнинг ҳикоя қилишича, Гул ҳам дабдурустдан Булбулга инон-ихтиёрини бериб қўймайди. Уларнинг дастлабки учрашувлари жиддий, лекин самимий савол-жавоблар билан кечади. Шу аснода севишганлар бир-бирларини яқиндан била бошлайдилар. Муҳаббат юксак синовдан ўтади.

Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида савол-жавоб эпизоди Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод ва Хусрав савол-жавобларининг таъсири остида ёзилганлиги равшан англашилади. Ҳирқатий асарида бундай савол-жавоблар икки ўринда учрайди. Улардан бири дастлаб Сабо Булбул яшаётган гулзорга борганда рўй беради.

Булбулнинг чамандаги хушилҳом, бироқ ошиқона хонишларини эшитган Сабо уни узоқ саволга тутади. Бу манзарани жонлантиришда Ҳирқатий Навоий достонидаги айтишувнинг ташқи монандлигинигина эмас, шу билан бирга мазмун оҳангдошлигини ҳам сақлаб қолишга, айни пайтда оригинал бир манзара яратишга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Маълумки, Навоий достонида Хусравнинг биринчи саволи Фарҳоднинг ватани, маконини сўрашдан иборат бўлади:

Деди: Қайдинсен, эй мажнуни гумроҳ?

Фарҳод Хусравнинг бу саволига «аҳмоқ бўлмасанг шундай савол берармидинг» деган-дай заҳарханда билан жавоб беради:

[1] Қодирий Р. Уйғур адабиётида Навоий анъаналари. «Адабий мерос»,1968, 1-к. 53-б.

Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ[1]

«Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида ҳам Сабонинг Булбулга дастлабки саволи Навоий талқинларига ҳамоҳангдир:

Деди: Қайдин бўлурсан, мурғи хушхон?

Булбулнинг жавоби ҳам Навоийчадир:

Деди Булбул: Маконим армас аён[2]

Қуйидаги муқояса ҳам ҳар икки асар ўртасидаги яқинликни кўрсатувчи муҳим далиллардир.

Навоийда:

Дедиким, ишқ ўтидин де фасона,
Деди: куймай киши топмас нишона[3].

Ҳирқатийда:

Деди: Шарҳ айлагил ҳолинг хароби,
Деди: Ишқ ўтидин боғрим кабоби[4]

Навоийда:

Деди: Бу ишқдин инкор қилғил,
Деди: Бу сўзни истиғфор қилғил .[5]

Ҳирқатийда:

Деди: Бу ишқ ўтин жондин ўчургил,
Деди: Бу сўзни кўнглунгдин кечургил[6]

Навоийда:

Деди: Қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст,
Деди: Руҳ эрмас эрди танга пайваст[7]

Ҳирқатий:

---

[1] Навоий А. МАТ, VIII-ж. 323-б.
[2] Эсирлир садаси.-Алмута, 1963. 70-б.
[3] Навоий А. МАТ. VIII-ж. 323-б.
[4] Эсирлир саласи. 72-б.
[5] Навоий А. МАТ, VIII-ж. 323-б.
[6] Эсирлир садаси.-72-б.
[7] Навоий А. МАТ. VIII-ж. 323-б.

Деди: Шарҳат май паймонасидин,
Деди: Ичтим азал майхонасидин[1]

Бу лавҳалардаги фарқ шундаки, агар Навоийнинг достонида бир-бири билан ҳар томонлама мухолифатда бўлган кучлар тўқнашса, улар от устида турган қиличбозлардек бир-бирларига сира ён бермай сўз тиғи билан ҳамлада давом этсалар, Ҳирқатий достонида Сабо савол-жавоб асносида Булбулнинг сирларидан яқиндан бохабар бўлади. Шунга кўра, улар ўртасидаги савол-жавоблар ҳам кўпинча назокатли сўзлар билан давом қилади. Масалан, Сабонинг:

…На айларсан афғон, - деган сўроғига Булбул:

…Бир гул учун боғрим менинг қон, деб жавоб беради.

Сабо Булбулга қарата:

… Ай қуш, манга васпинг баён эт, деган сўроғига Булбул:

Чеҳримни кўр, сиррим аён эт, - деб халқнинг «ранг кўр, ҳол сўр» иборасига ишора қилади. Ҳирқатий достонидаги Булбул билан Сабо ўртасидаги қуйидаги мисралар ошиқларнинг дардлашувидек таассурот қолдиради. Жумладан, Сабонинг булбулга қарата: - Сенинг дардинг оламни ўртайди, тушкун ҳолингни менга тушунтириброқ гапиргин, деган сўроғига, сен билағонлик билан гапирдинг, бағрим ишқ ўти билан кабобдир, деб жавоб беради.

Ҳирқатий ўз қаҳрамонларининг маънавий оламларини очиб берадиган содда, айни вақтда фавқулодда поэтик тафсилотлар топади ва бу билан савол-жавобнинг таъсир кучини ҳам, унинг бадиий залворини ҳам оширади. Шу жиҳатдан қуйидаги мисралар ниҳоятда характерлидир.

Сабо

Булбул

Деди: Ой хаста, ҳолинг не кечадур.
Деди: монго кундўз кечадур.
Сабо ўзини билмасликка солиб яна савол қилади:
Деди: Жонингга бу ўтни на ёқти.
Булбул ҳам вақтни ғанимат билиб, муддаога кўчади:
Деди: Бу кўз биногоҳ Гулга бақти.
Сабо Булбулнинг устки кўринишига ишора қилиб айтади:
Деди: На важҳдин кўкдур бу пайкар.
Унга Булбул ҳам ниҳоятда топағонлик билан жавоб қилади:
Деди: Ўтдур ичим, бил, тошим ахгар.
Достонда шу айтишув лавҳаларида қуйидаги характерли мисраларга кўзимиз тушади:
Деди: Жисминг надиндур печ тоби.
Деди: Жонимдадур меҳнат шароби,
Деди: Куйдурди фиғонинг.
Деди: Ишқ ўтидиндур асли онинг.

Юқоридаги парчада «жисмдаги печу тоб жондаги меҳнат азоби туфайлидир, фиғоннинг куйдирувчи таъсир кучи ишқ ўти сабаблидир», дейилиши Ҳирқатийнинг бутун достон

[1] Эсирлир саласи. 71-б.

руҳига сингдирилган «Муҳаббатнома ва меҳнатком» сўзларининг мазмунини янада ёрқинроқ очишга хизмат қилади. «Муҳаббатнома ва меҳнатком» асаридаги иккинчи айтишув бевосита Гул билан Булбул ўртасида бўлиб ўтади.

Илгари Гулиқаҳқаҳ ва бошқа гулларга ошиқ бўлиб, уларни васф этиб юрган Булбул чинакам ошиқликнинг кайфиятини эндигина сеза бошлайди.

Қуйидаги мисраларда шу ҳол кўзга ташланади:

Деди: Надин бўлуптур ранги зардинг.
Деди: Жонимни ўртар ишқ дардинг.
Деди: Надин тушукдур жисми зоринг.
Деди: Санчилди ҳар дам танга хоринг.

Савол-жавоб асносидаги:

Деди: Надин паришон бўлди ҳолинг.
Деди: Нўш атмайин ширин зулолинг,

дейилиши ва Гулнинг «нега кўз ёшларинг лаълга ўхшаб қонталаш» деган саволига булбулнинг «чунки жигарим қондур», деб жавоб бериши Булбулнинг ҳаётнинг нафосат гулига ошиқлиги белгиси бўлиб қолган рамзларда шоир ботиний мазмун билан Оллоҳга бўлган буюк ишқнинг завқ ва машаққатини куйлайди. Биз бу ҳақда Ҳирқатий достонининг муқаддима бобида муҳаббат меҳнати ҳақида баён қилинган фикрларга таяниб мулоҳаза юритган эдик. Ушбу ўринда яна ўша мулоҳазани ўртага қўямиз. Ҳирқатий достонининг ғоявий мундарижаси ҳақида гапирганда, бу ҳолатларни қайд этмаслик асарга бир томонлама ёндашув бўлади.

Ҳирқатий ўз асари воқеалари давомида бу масалаларга диққат қилишни ҳам устоз Навоийдан ўрганди. Бу хусусда Навоийдаги:

Деди: Қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст.
Деди: Руҳ эрмас эрди танга пайваст,
мисралари Ҳирқатийнинг:
Деди: Шарҳ ат май паймонасилин.
Деди: Ичтим азал майхонасидин,

байти билан юқорида ҳам эсланган муқоясаси яхши мисол бўла олади.

Юқоридаги чекинишлардан кейин яна асар воқеалари тизмасининг таҳлилига ўтамиз. Аслини олганда, юқорида Сабо ва Булбул, Гул ва Булбул ўрталаридаги айтишувдан келиб чиқиб ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар мавзудан чекиниш эмас, балки достонда муаллиф томонидан илгари сурилган ниятни равшанлаштириш, уни шарҳлашдан иборатдир. Зотан, достон ҳикоясининг ривожланиб бориши ҳам шу фикрни асослашга хизмат қилади.

Достон воқеаларининг кейинги оқимидан маълум бўлишича, Булбулнинг чин ошиқлиги, ўз ишқида фидойилигини англаган Гул унга хайрихоҳлик билан қарай бошлайди.

Булбулни «меҳрибоним», деб атайди. Икки ўртада аҳдлашувлар бошланади. Лекин кўп ўтмай Булбулнинг қўнимсизлиги, қийинчиликлар олдида ожизлиги билиниб қолади. У

кўп гулнинг тиконини баҳона қилиб, унинг ҳузуридан кетиб қолади. «Зимистон кўрмаган булбул кўп гул қадрига етмас» деган мақол мазмунидаги ҳолат рўй беради.

Гулга етишмакнинг ўзи машаққат. Энди унинг тикани заҳматларига бардош бермаган булбул ҳақиқий ошиқ эмас, бул ҳавасдир.

Булбулнинг ўзини бундай тутиши, унинг хатти-ҳаракатидаги енгилтаклик Гулни қаттиқ ранжитади. Ўртада гинахонликлар бошланади. Бир-бирини камситадиган гаплар бўлиб ўтади. Мана шу ўта зиддиятли, кўнгилни ўртовчи жудолик дамларида Сабо яна воқеага аралашади. Булбул билан Гулни енгил-елпи ҳаваслардан воз кечишга, фидойи ошиқлик йўлида қийинчиликларга бардош беришга даъват этади. Сабонинг панду насиҳатлари ва ўрни билан ачитиб гапиради» мазмунидаги хитобларидан хижолат чеккан Булбул яна Гулнинг олдига қайтиб келади.

Булбулнинг Кўп гул ҳузурига қайтиб келиб, арзу ниёзларида севгига эътиқод, муваққат араз ва адашиш пушаймон, васл онлари учун жонфидолилик англашилиб турар эди. Булбулнинг шу онлардаги арзномаси бевосита Навоий достонидаги Фарҳод ва Ширин мактубларини эслатиб туради.

Гулнинг юрак хитобларига қулоқ тутайлик:

Деди: Ай булбўли зорим, нечуксан,
Фироқ илқила афгорим, нечуксан?
Монго ардинг жаҳонла ёри дилдор,
Жамолим баъига ардинг харидор.
Фироқ ичра сенинг ҳолинг на кечти,
бирла маҳу солинг на кечти.

Булбулнинг қуйидаги сўзлари Фарҳодонадир:

Кеча-кундўз қилип ҳажрингда зори,
Кўнгулнинг йўқ эди сабру қарори.
Хиёлинг тиг уруб, жондин эқиб қон,
Назаргоҳимга бўлди ул гулистон.
Монго сандин бўлак жонон керакмас,
Бу кўнглум тахтига султон керакмас.
Оёғинг туприғи гуҳардин ортуқ,
заҳри монго кавсардин ортуқ.

Достон Булбул ва Гулнинг ҳижрон кунларидан кейинги хушбахт дамлари тасвирлари билан якунланади. Булбулнинг бутун Шарқ поэзиясида гулнинг фидойи ошиғи сифатида куйланиб келингани, ишқий-романтик достонларнинг қаҳрамонларини булбулга ўхшатиши чуқур томир отган анъанадир. Лекин ўша гулга ошиқ бўлиб, унинг бошида тонгни кутиб олувчи сайроқи булбулга тил ато қилинганида, у ўз маъшуқаси гул ҳузурида қалбини қандай ёзар эди, нималар дер эди, севги ҳасратларини, висол завқларини қандай ифода этар эди? Шарқ адиблари булбулнинг мажозий образини яратиб, унинг қалбига таржимонлик қилдилар. Агар Ҳайдарнинг «Гул ва Наврўз» достонида булбул образи одамийлик шаънини баланд тутиб, хайрли ишларга ўзини бахшида қилган бир фидойи дўст сифатида ҳаракат қилса, кейинча у «Гул ва Булбул» каби асарларда марказий қаҳрамон

сифатида гавдалана бошлади. Истеъдодли уйғур шоири Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида маълум маънода тадрижий такомиллашув йўлини босиб ўтади.

Китобхон дастлаб уни ўзи макон қурган чамандаги Гулиқаҳқаҳга мафтун бир ҳолда учратади. Булбул Гулиқаҳқаҳни гулларнинг шоҳи деб тушунади, уни энг аъло деб билади. У Сабо билан учрашгандан кейингина чаманнинг энг гўзал ва муаттар гули Кўп гул эканлигига қаноат ҳосил қилади. Шуңга қарамай, Кўп гул билан дастлабки мулоқот пайтларида унинг қадрига етмайди. Назокатли Кўп гулнинг нозу тағофулларини, янада аниқроқ айттанда, муҳаббатнинг мехнатини қўтаришга ожизлик қилади. Бироқ воқеалар давомида Кўп гулга бўлган муҳаббат Булбулни қайта тарбиялайди.

Муҳаббатнинг меҳнати уни юксак мақсадлар сари йўналтиради:

Дедиким гулга: Эй рухсори оташ,
Бошингдан ўргулай, эй нутқи дилкаш.
Маниңг сан икки олам дилнавозим,
Сенинг учун дурур сўзу гудозим.
Санинг дардинг манга лармондин ортуқ,
Санинг ўлтурганингдур жондин ортуқ.

Ҳирқатий Булбул образини яратар экан, ишқ оташида ўртаниб, ошиқлик тароналарини куйлаш унинг ҳаётининг мазмунидир, деган ғояни бадиий рангин тасвирлар орқали гавдалантиришга ҳаракат қилади. Шоир Булбулнинг кулранг танасига ишора қилиб, унинг ичида олов, чўғ бор, юзаси, танаси шу чўғ устидаги кулдир, деб айтади.

Қуръон ва Инжил китобларида айтилишича, Довуд пайғамбар жуда баланд ва ширали овоз эгаси бўлган. У ўзига Оллоҳ томонидан юборилган «Забур» китобини ўқиган пайтида учиб кетаётган қушлар ҳам ҳушдан кетиб йиқилар экан.

Ҳирқатий бир ўринда Булбул тилидан шу Довуд ва унинг ёқимли овозини эслайди. Булбул Гулга ўз севги ҳисларини баён қилар экан, ишим сени деб куйлаш, нола қилишдир. Мен шу Довуд созим билан жаҳон халқини сув қилиб эритмоқдаману, сенинг кўнглинг юмшамайди, деб зорланади. Достондаги бу тафсилотлар китобхон кўзи ўнгида Булбул образинингёрқин жонланишига хизмат қилади.

Қизил гул гўзал маъшуқа тимсолидир. Ҳирқатий унинг ва зеболигини тасвирлашга алоҳида аҳамият берган. Бироқ Кўп гул маънавий олами билан ҳам гўзал, ҳам зебо эди.

Юқорида эсланган Булбул билан савол-жавобларида унинг иффатни баланд тутиб, ақл ва тадбир билан иш тутиши, Булбулнинг севги ҳисларини қадрлай билиши аён ди.

Гулнинг ўз қалбини ўзи очиши, яширин ҳис-тўйғуларини севгилисига тўкиб солиши уни «Гул ва Наврўз» даги Гул ва «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Ширин образига маълум даражада яқинлаштиради. «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида тасвирланишича, Гул Булбул билан Сабо воситасида учрашиб кейинча ўртада аразлашувлар, кетиб қолишу қайтиб келишлар рўй берган пайтларида чуқур мушоҳада билан иш тутади. Икки ўртада бўлиб ўтган воқеалар учун фақат Булбулнигина эмас, ўзини ҳам айбдор деб билади. У Булбулга ёзган номасида «қошимда бўлган вақтларингда қадрингга етмадим, арзимни эшит, менга бўлган гиналарингни унут» деб арз қилади.

Давом қилиб, «сен гулшанга келиб май ичмоқчи бўлсанг, мен сенга соқийлик қилай», деб умид сўзларини айтади.

Шу тарзда Ҳирқатий ўз достонида Булбул ва Гул образларини уларнинг руҳий дунёлари тасвирлари орқали гавдалантириш йўлидан боради. Сабо образи ҳақида ҳам шуни айтиш керак бўлади.

Шундай қилиб, Ҳирқатий ўзининг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида Булбул ва Гул образлари ўртасидаги муҳаббат саргузашти тасвири орқали юксак ахлоқий фазилатларни тараннум этди. Севги ва садоқатни, дўстликда фидойиликни улуғлади. Шоир ўз асари марказига муҳаббат оламининг меҳнат ва машаққатлардан иборат синовларига бардош бериш, бу йўлдаги тўсиқ ва деворларни чидам ва сабот билан енгиб ўтиш зарурлиги ғоясини қўяди. Бу ғоявий ният уйғур халқининг XVII асрдаги ҳаёти шароитида ғоят муҳим эди. Зеро, Булбул ҳам, Гул ҳам ўзларининг юксак мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан, яъни эзгуликни қадрлашлари, яхшилик томон, юксак ахлоқ ва фазилатлар томон интилишлари билан китобхонлар учун ибратли эди.

Ҳирқатий «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида ана шу ҳаётий ғояларни ранг-баранг образлар воситасида ифодалаб беришда Навоийнинг «Хамса» достонларидан фойдаланди.

Навоий маҳоратидан мадад олди. Айни пайтда, «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонида анъаналарга катта эътиқод билан қараган Ҳирқатийнинг ижодий изланишлари самараси бўлган оригинал қалами қудрати яққол кўзга ташланиб туради. Шоир достон устидаги иши ва изланишларида Навоий анъаналари билан бир қаторда уйғур халқ оғзаки ижодиёти мотивларидан ҳам унумли фойдаланди. Уйғур адабиётини ўлмас мажозий образлар билан бойитди, Мажозий образлар тизимига эга бўлган достончиликнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достони хусусида фикр юритар эканмиз, бу ўринда уйғур адабиётида шу ном билан маълум бўлган бошқа асарлар ҳам диққатни тортади. Филология фанлари номзоди Р.Қодирий ўзининг «Адабий мерос» мажмуасида чоп этилган «Уйғур адабиётида Навоий анъаналари» мақоласида XVII асрда яшаб ижод эттан уйғур шоири Салоҳийнинг «Гул ва Булбул» достони ҳақида фикр юритади ва китобхон диққатини бу асарда Навоий анъаналарининг давом эттирилиши масаласига тортади .[1] Бироқ бугунги кунда фанга уйғур адабиётида XVII асрда яшаган Салоҳий тахаллусли уйғур шоири номаълум бўлиб қолмоқда. Балки ҳурматли олимимиз 1740 йилда яратилган «Булбул ва Гул» достонининг муаллифи Салоҳийни кўзда тутаётгандир. Зотан, XVIII асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган ва ўзидан кейин «Булбул ва Гул» достонини мерос қилиб қолдирган Салоҳий уйғур ва ўзбек адабиётшунослари учун танишдир.

Салоҳийнинг «Гул ва Булбул» достони Шарқий Туркистоннинг Урумчи шаҳрида нашр этиладиган «Булоқ» журналининг 1985 йил 15-сони орқали уйғур китобхонларига маълумдир. Асарни Абдурашид Исломий чоп эттирган. Ношир достон матнига ёзган сўзбошисида «Мен ушбу «Гул ва Булбул» достонини кенг китобхонларимизга таништиришни ва тил ва адабиёт тадқиқоти ишлари билан шуғулланувчи мутахассислар ва ўқитувчиларимизнинг фойдаланишини умид қилиб нашрга тайёрладим», деб ёзади.[2] Уйғур адабиётшунослари В.Ғўпур ва А.Ҳусайн «Уйғур классик адабиёти тезислари» асарида Салоҳийнинг исми Мулла Аълам бўлиб, унинг Оқсу вилоятининг Шаҳёр ноҳиясидан эканлигини хабар қиладилар.[3]

Биз шу ўринда илмий жамоатчиликнинг диққатини Салоҳий ва унинг «Булбул ва Гул» достони хусусидаги муҳим бир масалага қаратмоқчимиз. Гап шундаки, Салоҳийни уйғур шоирлари ўз шоирлари қаторида санаб, «Гул ва Булбул»нинг нашрларини амалга

[1] Қодирий Р. «Уйгур адабиётида Навоий анъаналари», «Адабий мерос».1968, 1-к. 53-б.
[2] Қаранг: «Гул ва Булбул». Муаллиф Салоҳий. Сўзбоши А.Исломийқаламига мансуб, «Булоқ» (мажмуа), 1985, 15-сон.
[3] ҒўпурВ.,Хусайн А. Уйғур классиклири адабийити тезислири, Бежин,1987, 801-б.

оширганлари каби ўзбек адабиётшунослигида Салоҳий ўзбек шоири сифатида ўрганилади. Гарчи уйғур адабиётшунослари В.Ғўпур ва А. Ҳусайн Салоҳийнинг исми Мулла эканлигини қайд этсалар-да, ўзбек адабиётшуноси Б.Валихўжаев шоирнинг исми Салоҳиддин бўлганлигини, унинг тожик тилида ҳам шеърлар, достонлар яраттанлигини тасдиқ этади.[1] Уйғур илмий адабиётларида унинг Оқсудан эканлиги айтилса, Б.Валихўжаев шоирни Бухорода яшаб ижод эттанлигини қайд қилади. Салоҳийнинг «Булбул ва Гул» достонидан парчалар «Ўзбек адабиёти» хрестоматияси, «Ўзбек адабиёти» мажмуаларидан ўрин олган[2] Манба масаласига келсак, уйғур ва ўзбек олимлари айри-айри тилга олаётган достон матни биттадир, Филология фанлари доктори Х. Расулов ўз тадқиқотларида достоннинг ФА ШИ фондида сақланаётган бир неча қўлёзмалар таснифини берган . [3]Бу манбалардаги достон матни Урумчида чиқадиган «Булоқ» журнали матни билан айнандир. Ана шу маълумотлар асосида уйғур ва ўзбек адабиётларида сўз боради. Салоҳий бир шахс ва достон нашрлари ҳам айнан бир матннинг турли манбаларида амалга оширилган нусхалари деб аташга асос беради. Лекин ҳар ҳолда бу кейинча ҳам диққат ва жиддий тадқиқот талаб қиладиган масаладир. Шарқ халқлари, шу жумладан, форслар ва тожикларда, шунингдек, туркий халқларда ҳам шундай шоирлар борки, улар таваллуд ва яшаш жойи, қайси бир адабий муҳитга алоқадорлиги, ижод муҳитининг жуғрофияси жиҳатидан бир вақтнинг ўзида икки халққа, икки халқ адабиётига мансуб бўладилар Фирдавсий, Ҳофиз форсларнинг ҳам, тожикларнинг ҳам шоиридир. Бугунги тил ифодаси билан айтганда, форс-тожик шоирларидир. XVIII асрда яшаб ижод эттан Андалиб эса ўзбекларнинг ҳам, туркманларнинг ҳам шоиридир. Садриддин Айний-чи? У тожик ва ўзбек халқларининг буюк адиби. Бизнингча, XVIII асрнинг кўзга кўринган туркигўй шоири Салоҳийга ҳам уйғур ва ўзбек халқларининг адабиётига тенг хизмат қилган шоир сифатида қарашимиз мақбул кўринади. Бизнинг шоир Салоҳий ва унинг «Гул ва Булбул» достонига қизиқиш билан қарашимизнинг боиси, уни ўзбек адабиётидан ажратиб олиш эмас ёки зўрлаб уйғурлаштириш ҳам эмас. Биз уни икки қардош халқнинг, яъни уйғур ва ўзбек халқларининг тенг шоири деб атадик. Яна тарих ўз вақти билан бу хусусда ўз фикрини айтади, албатта. Салоҳий ва у яратган достоннинг бири гул ва бири булбул бўлган икки халқ мероси бўлиб қолиши ниҳоятда фараҳлидир. Ҳамма гап шундаки, биз тадқиқотимиз мавзуи тақозоси билан уйғур адабиётида Навоий анъаналарининг ўрни хусусида сўз юритар эканмиз, Салоҳийнинг достонида ҳам Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лисон ут-тайр» достонлари анъаналарига риоя қилинганлигини, уларни ижодий давом эттирганлигини кузатамиз. Жумладан, Салоҳийнинг «Булбул ва Гул»достонидаги Булбул ва Гул образлари ўртасида узоқ давом этган севги саргузашти, ўзаро хабарлашув, мулоқотлар, савол-жавоблар «Фарҳод ва Ширин» анъаналари таъсирини кўрсатса, Булбулнинг Ҳумоюн, Товус, Кабк, Ҳудҳуд каби қушлар билан мубоҳасалари бевосита Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони ғоявий мотивлари билан алоқадордир. Хулосада Салоҳийнинг, XII аср форс-тожик адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарлари билан яқиндан таниш бўлган ва устозларнинг сўфиёна қарашларидан таъсирлангани ҳолда «Булбул ва Гул» достонини яраттан дейишга

[1] Валихужаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Т.,Фан, 1974, 63-б.
[2] Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. 2-жилд. Т., 1945, 124-б. Ўзбекалабиёти, 3 ж. 1959, 341-б.
[3] Расулов Х.Ўзбек эпик шеъриятида халқчиллик. Т.;Фан, 1973.11-12-б

ҳамма асос бор. Зеро, достонда Гул билан Булбулнинг ҳикоятларидан ташқари Булбулнинг қуш билан мулоқоти, мунозараси «Лисон ут-тайр» йўналишига мувофиқдир. Салоҳийнинг «маълум даражада сўфиёна фалсафа билан суғорилган бўлганлиги учун образлардаги аллегория кучли». [1]

Салоҳийнинг «Булбул ва Гул» достони ўз мундарижасидаги ана шу хусусиятлари билан Ҳирқатийнинг достонидан фарқ қилади. Бу ҳар бир янги давр ижодкорининг анъанавий сюжет, мавзу ва образлардан ижодий фойдаланиб, янги-янги ғоявий мақсад ифодаси бўлган асарлар яратиш йўл изланишларини кўрсатар, уларнинг ўзига хос маҳорат даражасидан хабар берар эди.

[1] Валихужаев Б. Кўрсатилган асар, 66-б.

«РОБИА ВА СУЛЬДИН» ДОСТОНИДА НИЗОРИЙ МАҲОРАТИ МАСАЛАСИ

Тадқиқотимизнинг олдинги бобида бевосита Навоий «Хамса»си мавзу ва сюжетларидан ижодий баҳраманд бўлиб яратилган асарлар ҳақида фикр юритган эдик. Шу муносабат билан Навоий «Хамса»сининг уйғур адабиётидаги фаол давомчиларидан бўлган Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонлари атрофлича тадқиқотга тортилди. Илмий ишимизнинг мазкур бобига асос қилиб олинган «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достонидан маълум бўлишича, бир қатор уйғур шоирлари бевосита «Хамса» достонларига мурожаат этмай, ўзлари танлаган мавзу, сюжет ва образлари асосида ғоявий-ижодий тамойилларига амал қилганлари ҳолда яхшигина бадиий асарлар яраттанлар. Уйғур адабиётининг кўзга кўринган муҳим ютуқларидан бири бўлган Низорийнинг «Робиа ва Саъдин» достонини ҳам шундай асарлар сирасидан деб айтиш мумкин. Ўз навбатида, шуни ҳам таъкидлаш керакки, адабиётида Навоийга издошлик билан яратилган «Робиа ва Саъдин»дан юксакроқ асар кам топилса керак. Шу жиҳатдан «Робиа ва Саъдин» достонини Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари билан бир қаторга қўйиш мумкин. «Робиа ва Саъдин» достондир. Низорий унга 1833-1834 йилда Кошғарнинг Кўкча маҳалласида бўлиб ўтган реал воқеани асос қилиб олган.

«Уйғур классик адабиётлари тезислари» китобинини муаллифлари В.Ғўпур ва А.Ҳусайн «Робиа ва Саъдин» достонига асос қилиб олишган воқеанинг санасига оид тарих мавжудлигига диққатни тортадилар. В.Ғўпур ва А.Ҳусайн қайд этишларича, достонда Саъдиннинг вафотидан қалби туғёнга келган Робиа тилидан айтилган қуйидаги мисрадаги «чироғим» сўзи таърихдир.

Дер эрдики титраб чу боди хазон,
Ки: учти чироғим, нетай, оҳ жон.

«Чирор» сўзидан ҳосил бўладиган ҳарфларнинг сон эътибори билан кўздан кечирганда, Робиа ва Саъдин фожиасининг муддати, яъни ҳижрий 1254 йил келиб чиқади. Бу милодийда 1833-1834 йилга тўғри келади[1]. Низорий ўз достонига асос бўлган реал воқеликнинг тасвирига Шарқ мумтоз достончилиги анъаналари асосида ёндашади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, Низорий замондошлари бўлган Робиа ва Саъдиннинг фожиавий ишқий саргузаштлари талқинига «Лайли ва Мажнун» рухи услуби билан ёндашади. Асарни ўз замонасининг «Лайли ва Мажнун»и даражасида ишлашга эришади. Бинобарин, достонда реалистик тамойил анча кучлидир. «Робиа ва Саъдин» достони Д.Рўзиева ва С.Муллаудовнинг Низорий меросига бағишланган тадқиқотларида муносиб баҳоланган.[2] Достоннинг дастлабки нашри ҳам шу олиманинг саъй-ҳаракатлари билан амалга ошган эди.[3] «Робиа ва Саъдин» достонига «Уйғур адабиётининг қисқача тарихи» китобида ҳам диққат қилинади .[4] Бу асарга бўлган эътиборни Шинжонг автоном райони олимларининг асарларида ҳам кузатиш мумкин.[5] Бироқ «Робиа ва Саъдин»даги анъана ва кашфиёт

[1] Гупур В., Ҳусайн А. классик эдебийити тезисдири. Бежин, 1997.921-б
[2] Д.Рўзиева. Алишер Навоий традициялари Низорий ижодида. Т.1974.; С.Муллаудов. Низорийнинг «Робиа на Саъдин» достони ҳақида Уйгур филологияси масалалари. Алмуту, 1961.
[3] Каранг: Низорий. Достонлар. Нашрга тайёрловчи Д.Рўзисва, Т., 1970.
[4] Уйғур элэбийитининг қисқичэ тарихи. Алмуту: Наука, 1983.
[5] Ғўпур В., Ҳусайн А. Кўрсатилган асар, 1987,

масаласи янада кенгроқ режа асосидаги тадқиқотга муҳтождир. Биз ўзимизгача бу асар хусусида баҳс юритган олимларимизнинг тажрибаларидан ҳам баҳраманд бўлганимиз Низорийнинг «Робиа ва Саъдин»даги маҳорат масаласига диққатни қаратмоқчимиз. Низорий ижодига оид тадқиқотларда «Робиа ва Саъдин» достонига ҳам қисман ўтилганлигини юқорида эсладик. Уларда «Робиа ва Саъдин» достони бош қаҳрамонлари Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ининг образлари ўртасидаги баъзи ўхшашликлар хусусида сўз боради. [1]Биз бу ўринда «Робиа ва Саъдин» билан Навоий асарлари муқоясаларидан келиб чиқиб, бошқа бир хулосани ўртага ташламоқчимиз. Гап шундаки, «Робиа ва Саъдин» достонига асос қилиб олинган воқеа ўз моҳияти жиҳатидан анъанавий «Лайли ва Мажнун» афсоналари, мумтоз адабиёт достонларига анча яқин туради. Бинобарин, Низорий «Робиа ва Саъдин» достонини ёзишга киришар экан, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони шоирнинг кўз ўнгида бўлган. Робиа қисмати Лайли қисматини, Саъдин тақдири Мажнун образи талқинларини эслатиб турган. Бу ўз достонини «Лайли ва Мажнун»га тақлид қилиш йўлидан сўз эмас, албатта. Низорий замондошлари бўлган Робиа ва Саъдиннинг аччиқ қисмати шоирни ўз даврининг «Лайлинома» ва «Мажнуннома»сини яратишга рағбатлантирган. Шарқ мумтоз алабиётининг катта донишманди ва биринчи навбатда Навоийнинг мухлиси бўлган Низорий ўз даври ҳаёти воқеасини навоиёна романтик оҳангда тасвирлаб бериш йўлини тутган. Табиийки, Низорий ўзининг воқеий бу достонини жозибали яратишда ҳам алоҳида маҳорат кўрсатади. Биз қуйида «Робиа ва Саъдин»нинг ғоявий-бадиий таҳлилига киришар эканмиз, тадқиқотимиз мухлисларини толиқтириб қўймоқчи эмасмиз. Таҳлил давомида «Робиа ва Саъдин»нинг «Лайли ва Мажнун» билан туташ нуқталарини таъкидлаб бориш фикридан йироқмиз. Достон воқеаларини кузатиш жараёнида Низорийнинг Навоий «Лайли ва Мажнун»идан қай даражада илҳомланганлиги ва умуман улуғ устоз маҳоратидан қай тарзда баҳраманд бўлганлиги англашилиб боради, деган умиддамиз. Низорий достон воқеаларини қаламнинг варақ устида жўш уриб икки севишган ёшнинг саргузаштини рақам қилишга киришуви билан бошлайди. Агарда асос қилиб олинган мавзу, яъни фожиавий ишқий саргузаштнинг воқеий ҳодиса эканлигини, уни Кошғарнинг Кўкча маҳалласида рўй берганлигини таъкидлайди:

Басе дард сўзу ажойиб сухан,
Магар Лайли - Мажнун навойи сухан.
Вафо маъданикинг эрур гавҳари,
Сапо махзанининг ғариб жавҳари.
Кўюб ишқ водии аро чун қадам,
Ки нокомликда бўлубдур адам.

Низорий шу тарзда достонни ишқнинг қудрати, унинг қувонч ва ташвишлари ҳақидаги муқаддима характеридаги дебоча билан бошлайди. Воқеаларнинг огозидан эътиборан китобхон кўзи ўнгида ошиқлик билан ошуфта Саъдин образи гавдаланади. Саъдин шу ерлик бир шикаста ва художўй Иброҳим деган деҳқоннинг ўғли эди. Саъдин йигитликнинг хушбахт кунларидан бирида Робиа исмлик сурат ва сийратда гўзал бир қизни учратиб қолади.

Икки ўртада ёш қалбларни тўлқинлантириб, туғёнга келтирувчи покиза бир муҳаббат пайдо бўлади:

[1] Низорий достонлари, Д.Рўзисванинг кириш сўзи. Т., 1970. 9-б.

Магар бирси Мажнун, бири Лайли ҳам,
Онинг майли кўпрак, мунинг майли ҳам.

Саъдин дастлаб ўзининг кундан-кун кучайиб бораётган муҳаббатини ота-онасидан сир тутади. Лекин унинг «Робиа» дея чекаётган оҳлари, заъфарий юзи ички сирларини ошкор қила боради. Ота ҳамма сирдан бехабар, она эса ўз ўглининг паришон ва айни пайтда безовта ҳолини кўриб, унинг қалбида яширин нималардир борлигини англар, вақти-вақти билан фурсат топиб сўроққа тутар эди. Ниҳоят ота ва она Робианинг Кошғарнинг Яъқуб исмли номдор бойлардан бири эканлигини билгач, чўчиб тушадилар. Уларнинг дилини фарзандларининг тақдири ғами чулғаб олади. Ота хаёлга чўмиб фикрлайди: «Бой билан олди-берди қилишга кўп оқча керак. Бундай пул бизда йўқ. Лекин худойимнинг ўзи карам қилиб еткурса, ҳеч гап эмас.

Қизнинг отасига сўз оча қолайлик. Гапимизни тўғри англаса, никоҳга ҳам ҳаракат қила қолармиз.» Ота шу сўзлар билан тонг отиши билан Яъқубнинг ҳузурига равона бўлади. Лекин бойлик билан кибр отига минган Яъқуб катта умид ва орзу билан қудачилик ниятини изҳор қилган Иброҳимни қуруқ қайтаради.

Ана шу дамлардан бошлаб Саъдиннинг покиза муҳаббат ниҳолини авайлаб парвариш этаёттан қалбига нола ва афғон уя қуриб олади.

Саъдиннинг бу шикаста ҳолини Низорий ўтмишдаги жафокаш ошиқлар тарихини эслаш билан жуда ҳаяжонли бир ҳолда тасвирлаб беради:

Бу андуҳ сўздин етиб кўп малол,
Дариғ, мумкин эрмас экан ул висол.
Ки Фарҳод янглиғ бўлуб хаста дил,
Париваш фироқи била баста дил.

Шоир Саъдиннинг руҳий тушкун ҳолати билан ёнма-ён Робианинг ҳам изтиробларини нозик ҳислар оқими сифатида тасвирлай боради. Демак, Робиа ҳам отасининг рад жавобидан хабардор бўлган эди. Агар шу дамлардаги Саъдин ва Робианинг сертаҳлика вазияти тасвирларини саҳнага кўчирадиган бўлсак, икки ёш севишганлар бир бирлари билан ўз ёғларига ўзлари қоврулар эдилар. Низорий тасвирлари шундай бир мантиқий манзарани жонлантиради:

Ки қиз ҳам йигитга гирифтор эди,
Анинг ишқи бирла йиғи зор эди.
Бу маҳвашни Ширин каби қил хиёл,
Магар бўлмас эрди онго мунча ҳол.
Бўлуб ишқ ўти бўларғо бало,
Бу қисми балога бўлуб мубтало.

Низорий достонининг бошиданоқ ижтимоий муҳим бир масалани ўртага ташлайди. Демак, ёшларнинг покиза муҳаббатларини замона авайлай билмади. Яъқуб каби мол-давлат эгалари бундай ишқни эъзозлаш фикридан йироқ эдилар. Ҳижрон Саъдин юзини заъфаронга

айлантира бошлайди. Робианинг аҳволи бундан ҳам оғир эди. У ҳамма дардларини ичига солиб яшашга ҳукм қилинган аёл. Лекин бу ўринда ҳам Лайлининг қисматига ўхшаш ҳолат рўй беради. Робианинг ишқини одамлар маломат қила бошлайдилар.

Беribдур бу янглиғ аломат анго,
Етиб кўп улусдин маломат онго.

Робиа шунда ҳам ўзини эмас, дастлаб надоматзада Саъдинни ўйлайди. Унинг дарвишваш кишилардек кўча-кўйларда ишқ оташи, ҳижрон балоси оғушида фиғон чекиб юрганлиги ҳақида хабар топади. Фурсат топиб у билан учрашиш режаларини тузади. Шу ўринларда Робианинг сурат ва сийратида қум саҳролари қўйнидаги Мажнуннинг ошиқона қўшиқларига жон қулоғини тутиб юрган Лайли сиймоси гавдалангандай бўлади:

Эшитсаки маҳбуб бу овозни,
Турор эрди тингшоб қўюб розни.
Агар вақт топса қилиб жўстижў,
Бўлуб зор Саъдин била рўбарў.
Гаҳи мунгдошибу, гаҳи йиғлашуб,
Оқизғон ёшиники оғирлашуб.
Ениб ёна турпа надомат била,
Неча кунлар ўтти бу одат била.

Ҳикоядан маълум бўлишича, ошиқ-маъшуқларни ҳали бундан ҳам машъумроқ кунлар кутар эди. Робианинг ҳусну жамолини эшитиб юрган Жобир деган одам Яъқубга куёв бўлиш ниятида унинг даргоҳига келади. Яъқуб уни очиқлик билан кутиб олади. Тўйга розилик беради. Шу ўринда Жобир деган ном китобхонни қаттиқ ўйлантириб қўйиши табиий бир ҳолдир. Жобир бу Робиага уйланмоқчи бўлган кишининг ўз номими ёки Низорийнинг хаёли маҳсулотими? Чунки биз Жобир деган ном билан Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги бешинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг «Меҳр ва Суҳайл» ҳикояси орқали ҳам танишамиз. У ерда тасвирланишича, бир-бирига катта эътиқод билан кўнгил қўйган Меҳр билан Суҳайлнинг мураккаб саргузаштлари давомида воқеага қароқчи Жобир аралашади. Усевишганларнинг бахтига чанг солишни кўзлаб қабиҳ ишларга қўл уради. Лекин у маҳф этилади. Низорий «Робиа ва Саъдин» достонидаги Жобир образи устидаги ишида Навоий йўлини тутган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу ерда ҳам Жобир бахт қароқчиси сифатида ҳаракат қилади. Жобир луғатда ҳам жабр қилувчи, золим маъноларини англатади. Ҳар ҳолда Низорий бу номга ва унинг соҳибига катта вазифа юклайди. «Робиа ва Саъдин» асари «Лайли ва Мажнун» сирасидаги киши руҳий ҳолати таҳлили асосига қурилган достондир. Бу жиҳатдан Низорий ўз достонининг марказий қаҳрамонлари Саъдин ва Робиа образлари устида жиддий ишлаган. Уларнинг бутун достон давомида руҳий дунёлари билан гавдаланиб туришларига эришган. Саъдин Жобирнинг Робианинг отаси Яъқуб билан аҳдлашувларини эшитгач, ер кўкни ларзага солгудек фарёдга келади:

Дедиким: Онингсиз жаҳонни нетай,
Жаҳон йўққи, балки бу жонни нетай.
Ва гар катта ул ой қошимдин йироқ,
Гудоз атса тонг йўқ, танимни фироқ.
Жудо бўлса моҳи агар наҳридин,

Ва ё наҳр, балки улуғ баҳридин.
Онга етгусидур самуми мамот,
Қочон турғусидур насими ҳаёт.

Мажнуннинг Каъбага боришига ўхшаган бир ҳолат рўй беради. Саъдин уйдан, ота-она ҳузуридан чиқиб, шоир таъбири билан айтганда, «жунун отига миниб», Кошғарда яшаб ўттан машҳур шайх мозори томон йўл олади. Мозорга юз-кўзларини суртади. Яратган тангрига ёлбориб, ўзига ўлим тилайди. Саъдиннинг бу ҳолатини кўрган мозор зиёратчилари унинг қисматига афсус чекар эдилар. Ота-она Саъдинни излаб бориб мозордан топадилар ва бошқа бирор манзур қизга уйлантириб қўйиш панд-насиҳатлари билан уни уйга қайтариб олиб келар эдилар. Саъдин ўз умрининг тугаб бораётганлигини сезар эди. У охирги маротаба Робианинг дийдорини кўриш, у билан арзи ҳол қилиш учун тўғри унинг уйига қараб йўл олади. Бу вақтлар Робиа отасининг жабр-ситамлари остида Жобирга узатилган ва у мудҳиш зўравонликка чидолмай уйига қочиб келган эди. Робиа ҳам Саъдинни кутар эди:

Етиб калди Саъдин онинг жойиға,
Қороб доғи ҳасрат била ойиға.
Вале хойил ўлди ситамгар фалак,
Бўлуб Робианинг дилига аҳак.
Кўрушмакка ул ҳам эди интизор,
Дебон: лаҳза кўрсам агар чиқса ёр.

Саъдин уйга қайтар экан, беморлик тўшагида ётиб қолади ва оқибатда ҳижрон азоби билан ўртана-ўртана тилида, дилида Робиа ёди билан жон беради. Робиа Жобирни ўзига яқинлаштирмай, ота уйига кетиб қолар, яна ситамлар билан орқага қайтар экан, Саъдиннинг ўлими хабарини эшитиб қолади ва «Саъдиндай ошиқ жаҳондан кетибди, яна ундай одам қайтиб бино бўлармикан. Кўзим нури кетиб, олдимда олам қоронғулашди. Гулшандан булбул учиб кетди. Энди унинг ўрнини зоғу зағанлар эгаллаши турган гап. Бу хазон ўрнида янгидан сабзазор бўлмай туриб, бу ерларга булбул қайтиб келишни ихтиёр қиларлики? Танимни ғам қўшини шунчалар заифлаштирдики, хор-хаслар билан тенг бўлиб қолдим. Кошки, ҳеч бўлмаса, қабрини бориб кўрсам эди. У билан ўлимни қарши олсам эди», деб зорланади. Бу ният Робианинг дил амрига айланади ва уйидан чиқиб кетиш олдидан у онасига васият қилади. Онани даҳшатга солган бу юрак нидоси Навоий Лайлисининг васиятини эслатади. Робиа онасига ўз изтиробларини баён этар экан, ўлсам Саъдин билан ёнма ён кўйинглар, деб айтади.

У шиддат билан ёнига синглисини олиб йўлга чиқади ва тўғри бориб ўзини дарёга ташлайди. Юқорида достон воқеаларининг баёнларидан Низорийнинг устоз Навоийнинг тасвир услубига нақадар яқинлашиб равшан кўзга ташланиб турибди. Ёшларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, омадсиз муҳаббатдан ошиқнинг изтироби, уйдан чиқиб кеттан Саъдинга оташин муносабати, Саъдиннинг яратганга илтижоси ва ниҳоят ҳаёт фожиаси, ўз навбатида эса Робианинг севгига содиқлиги, Жобирга эрк бермай унинг уйидан кетиб қолиши, Саъдин билан дийдор кўришишга ошиқиши ва оқибатда фожиали ўлим лавҳалари, ошиқларнинг ёнма-ён дафн қилиниши - достон асосини ташкил қилган бу

воқеаларнинг ўзи Навоий куйлаган. Лайли ва Мажнуннинг қисматини эслатади. Низорий реалистик воқеаларни юксак романтик пафос билан тасвирлашда ҳам Навоийнинг ижодий тамойилларига таянади. Низорий Саъдин, Робиа ва Иброҳимнинг кечинмаларини тасвирлашда, айниқса, Навоий маҳоратидан унумли фойдаланган деб айтиш мумкин. Шу маънода Робианинг юзини мўз қоплай бошлаган дарё соҳилида туриб ич ичидан қилган нолалари ниҳоятда характерлидир:

Фано манзилига хиром атти ёр,
Тирикликни бизга ҳаром атти ёр.
Онинг орқисидин тез амди кетай,
Висол ҳаримига потроқ етай.
Чу ул ёр бирла бугун бўлди тўй ,
Қилурмизки, ёрим била гуфту-гўй.
Кани ишқ элидин бурун кечган ал,
Фано жомини ишқ аро ичган ал.
Йиғилиб келинг, борча ушшоқлар,
Ки бўлғон бурун зери туфроқлар.
Тафарруж қилинг тўй ҳангомани,
Отимга тутунг ишқ аро номани.
Аё Лайли, тўй бошлангиз бу кеча,
Ки қилсун тамошо жаҳон ўзгача.
Вафо кони Ширин лиқолар мени,
Вафодор ёримга бошлонг мени.
Дебон нақш Узро дангиз ёр-ёр,
Кўшуқ атибан айтингиз ёр-ёр.

Йигитлар била келса ул Саъдиним,
Фидо макдомита бу жону таним.

Шоирнинг бу оташин мисраларини хаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Робианинг сўзларидаги чуқур маънога разм солинг. Висол тўйини кўрмай кетаётган қиз хаёлида ўз тўйини жонлантирмоқда. У тўйда ҳамма жафокаш ошиқларнинг иштирок этишларини истайди. Низорий Робиа тилидан тўй куни қизни олиб кетиш учун йигитнинг ўз жўралари билан келиши одатини ҳам эсламоқда. Робиа тўй куни худди шундай одатга мувофиқ Саъдиннинг кириб келишини ҳам тасаввурида жонлантиради. Узрони «Ер-ёр» дейишга даъват этади. Робиа тилидан айтилган шу монологнинг ўзи катта бир достонга мавзу бўла олади. Келтирилган лавҳага диққат қиладиган бўлсак, у ерда Навоий «Лайли ва Мажнун»идаги қатор ибодатлардан ҳам истифода этилганини кузатамиз. Достонда Робианинг юқорида эслашган ўзини дарёга ташлаш эпизоди тасвирларидан кейин унинг номидан гўзал бир ғазал келтирилади. Бу Робианинг ўз ишқномасига хотимаси эди. Бу мазмун ғазалнинг мақтасида ўз ифодасини топган:

Аё дард аҳли, хасратлик сўзумни айлангиз аврод,
Путунг бошимга келган дардни лавхи мазоримга.

Биз Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларидан она йиғисини яхши биламиз. Низорий ҳам Саъдин вафоти кунларидаги она йиғисининг мумтоз бир намунасини келтиради. Мисол учун бир қиёс келтирамиз.

Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»ила Лайли онасининг йиғиси:

Деб навха била бу тортибон вой,
Ким «Не уйкудур бутам, хой.
Сен кеч бориб ул батанг келса,
Истаб сени бедаранг келса.
Сўз айтса не қилай хитобин,
Сурса сени не берай жавобин.
Ҳам мени, ҳам они зор килма,
Андин мени шармисор килма».
Ул бўйла қилиб жахонни тийра,
Охи била осмонни тийра.

Низорий достонида Робианиг онаси йиғиси:

Оё ай жигарбанд, бошим афсари,
Отонг обрўйи, кўзум гавҳари.
Ки пажмурда бўлғон жамолингга дод,
Хазон боди яткан нихолингга дод.
Килибсанки, ошик учун жон фидо,
Киёматда ажрингни баргай худо.
Нетонг бўлсам энди хазин булбулинг,
Чу девона қилди коро кокулинг.

Низорий ўз достонининг курилмаси, боб номларининг берилиши, бароати истихлоллар қўллаш каби қатор жихатларда ҳам Навоий маҳоратига таянади.

Навоий «Лайли ва Мажнун»ида дастлабки боблардан бирининг аталиши: «Ул тун маҳобати таърифидаким, савдойи ишқ аждаҳоси доми ўтининг бухори ва анжуми ул оламсўз ўтининг шарори эрди ва мундок тунда хаёл мусофири савдо адҳамига миниб, хар ён азм этмок ва ишқнинг юз офатлик даштига етмоқ ва офат ёғинларидин бало тўфонига қолмоқ ва бало чокинлари анинг жонига шавк ва мухаббат ҳарорати солмоқ ва ишқ нури шабчароғин ул кеча топмоқ ва Лайли хаёли била кўришмоқ ва Мажнун савдосига тушмоқ». Энди Низорийнинг «Робиа ва Саъдин» достонидаги ҳикоятнинг бошланишига оид сарлавҳага диққат қилайлик: «Ул ошиқи зору нотавон Саъдини пурхазин ва маъшуқаи баркарор, бехонумон Робиа бевоя таърифида сўз оғоз қилмоқ ва улар аҳволидин авроқ саҳифасига назм силкида қалам сурмоқ ва Саьдин Робианинг ишқ силсиласига гирифтор бўлганда отоси аҳд жонибидин такаллум сурмоқ ва Робианинг отоси онинг жавобига тил синони бирла тазаллум айламак». Бу ўринда гапнинг услуб ўхшашлиги устида бораётганлигини унутмаслик керак. Низорий мумтоз достончилигимиз, хусусан, Навоий достонларининг ҳамма таркибий қисмларига рағбат билан қарайди. Шуни ҳам айтиш керакки, Низорийнинг ўз достони устидаги ишида бундай йўл тутиши зинхор-базинхор ижодкорнинг тақлидчилиги белгиси эмас. Низорий анъанавий достонларнинг мавзу ва сюжетлари асосида ҳам, Ўз даври жамиятининг ҳаётидан олинган воқеалар асосида ҳам

юксак ғоявий-бадиий мундарижага эга бўлган оригинал достонлар яратиб, китобхонларга манзур қила билди.

Юкори даражадаги бадиийликка эга бўлган ва бинобарин ўз даврининг муҳим бир воқеасига айланиб қолган асарга жавоб ёзиш, унинг мавзу ва сюжетини ўзича ишлаб, янги бир ғоявий мақсадлар йўлига йўналтириш осон эмас. Ҳаёт берган реал материални мумтоз адабиётга хос достонлар услубида ишлаш ҳам ундан кам ижодий мехнат талаб қилмайди. Низорий ўзининг «Робиа ва Саъдин» достони билан шундай ижодий иш тажрибасига қўл уриб ҳам катта муваффақият қозонди. Низорий «Робиа ва Саъдин» достони устидаги изланишида ўзининг бор қобилиятини ишга солиб, Навоий маҳоратидан ўринли ва унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Навоий «Лайли ва Мажнун» достони хотимасида ўз достонига асос қилиб олинган Мажнун билан Лайлининг саргузаштини кўзда тутиб «йиғлай-йиғлай тугатдим охир», деб ёзган эди. Бизнинг назаримизда Низорий ҳам «Робиа ва Саъдин» достонини «йиғлай-йиғлай» тугатган бўлиши керак. Шоир ўзига замондош бўлиб яшаган Саъдин Робианинг ишқ йўлидаги фожиаларини шундай ғоявий-бадиий тасвир юксаклигига кўтара олган. Достон билан танишиш шундай хулосага тўла асос беради. Биз юқорида «Робиа ва Саъдин» достонининг мавзу, сюжет талқини жиҳатидан Навоий асарларига қай даражада уйғунлашиб кетиши ҳақида гапирдик. Шу ўринда биз Низорийни Навоийдан киши руҳий оламининг ҳудудсиз бойликларини маҳорат билан тасвирлаб бериш санъатини ўрганишга алоҳида диққат қилганлиги мисолига диққатни тортмоқчимиз. «Робиа ва Саъдин» достонининг дастлабки ютуғи ҳам шунда кўзга ташланади. Низорий достон воқеаларини хикоя килиш жараёнида китобхонни Саъдин ва Робианинг руҳий дунёларига маҳорат билан олиб киради. Шу йўл билан уларнинг реал ҳаётдаги фожиаларининг заминларини очиб беришда кенг имкон топади. Навоий яратган Мажнун ва Лайли каби қаҳрамонларнинг покиза ва шаффоф ниятларини, инсоний қадриятлар томон интилишларини замона сиғдирмаган эди. Низорий ўзининг «Робиа ва Саъдин» достонида бундай баланд қарашлар ҳамон оёқости қилиб келинаётганлигини моҳирона бир тарзда ифодалаб берди. Адолатсизлик ва жаҳолатнинг одамлар тақдиридаги ўта хунук окибатларини сўз санъати воситасида жонли тасвирлаб беришга эришди. Саъдин ва Робиа «вафо маъданининг гавҳари, сафо махзанининг жавхари эдилар». Лекин уларнинг боши риёзатда ўтди. Боиси у замонларда «гулларнинг шохина булбуллар эмас, зоғлар қўнарди». Шу сабабли «Саъдин ва Робианинг ҳаёт сабзалари хазонга айланди». Достоннинг ғоявий мазмуни Робианинг ўлими олдида айтган қуйидаги сўзларида равшан акс эттан:

Тазаллум тири даврондин, кутулмай ох-афғондин,
Туюбман ёр учун жондинки, бокмонг интизоримга.

Тарихдан шу нарса маълумки, замоннинг созлиги ёхуд носозлиги шу замонда яшаёттан меҳнаткаш кишиларнинг тақдирига қараб белгиланади. Шундай одамларнинг ҳаётида жилла бўлса ҳам безовталик бор экан, демак, замонанинг қонунларида зўравонлик, жаҳолат излари бор. Хастдаги адолатни ҳам, иллатни ҳам шоирлар ҳаммадан аввал пайқайдилар. Яхшига ривож бериб, ёмонни фош қилиш пайида бўладилар. Бу ҳол Навоийдек мутафаккир шоирларгагина насиб бўлган. Низорий ҳам шундай ғоявий вазифани ўз зиммасига олди. «Робиа ва Саъдин» достони билан ёшлар фожиасини замона фожиаси даражасида тасвирлашга эришди. Хулосада уйғур мумтоз достончилигининг катта тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўттанлигини айтиш керак бўлади. Унинг илдизлари Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» достонига бориб тақалади. Шу тадрижий тараққиёт

жараёнида уйғур адабиёти Шарқда кенг шуҳрат тутган «Хамса» анъаналари билан алоқада бўлган достонларга ҳам эга бўлди. Уйғур адабиётига бу анъананинг кириб бориши ва шу асосдаги янги-янги асарларнинг юзага чиқишида Навоий «Хамса»си достонларининг ўрни каттадир.

Уйғур адабиётида XVI-XIX асрлар давомида достончиликнинг Шарқда мавжуд ҳамма типларининг ажойиб намуналари яратилди. Булар ўртасида «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Шох Бахром ва Дилором», «Мухаббатнома ва мехнатком» каби достонлар алоҳида ажралиб туради. Шарқ адабиётида ижодкорнинг ўзи яшаб турган давр ҳаётидан олиб ёзилган асарлари жуда сийрак учрайди. Низорийнинг «Робиа ва Саъдин» достони маълум давр ҳаёти билан алоқада бўлган энг мукаммал бир достон сифатида юзага чикди. Бу Низорийнинг катта истеъдоди маҳсули эди. Демак, уйғур достончилиги ўз тараққиёти давомида Шарқ алабиётига дахлдор катта мавзу ва образлар билан бойиб қолмай, достончиликда мавзу ва образларнинг янгиланиш жараёни юз берди. Улар уйғур адабиёти тарихининг ўзига хос муҳим саҳифаларини ташкил этиб бордилар.

IV БОБ

НАСРИЙ БАЁН ЖАНР СИФАТИДА

Шарқ адабиётида бадиий ва хатто илмий асарларга шарҳ ёзиш, уларнинг оммабоп баёнларини яратиш узоқ даврлар оша давом қилиб, ўзига хос бир анъана тусини олиб келди. Куръони Каримга форс ва туркий тилларда қатор шарҳлар ёзилгани маълум. Ўрта Осиё олим ва адиблари қадимги юнон файласуфларининг асарларига шарҳлар битганлар. Бадиий адабиёт соҳасида эса поэтик асарларнинг оммабоп насрий баёнларини тузиб чиқиш анъанаси анча кенг тарқалган эди.

Форс-тожик адабиётининг Фаридиддин Аттор, Саъдий, Шерозий каби буюк намояндаларининг поэтик асарлари юзасидан тузиб чиқилган шарҳ ва насрий баёнлар ижод оламининг ҳамма мураккабликлари ва нозиклигини, бадиий образ даражасига кўтарилган ҳар бир сўзнинг мазмун ва латофатини тадқиқ этиб китобхонга қулай бир шаклда етказиб бериши жиҳатидан ҳайратланарлидир. Ўзбек адабиётида ҳам Навоий асарлари хусусида худди шундай фикрни айтиш мумкин. Навоий асарлари қўлёзмаларининг шундай нусхалари ҳам борки, уларнинг хошияларида фарқлар ҳам, қийин сўзлар ҳам, луғатлар ҳам учрайди. Улар катта иктидорли сўз усталари, билим соҳиблари томонидан амалга оширилгани англашилиб туради. Навоий асарларининг насрий баёнларини яратиш анъанаси ҳам анча кенг йўлга қўйилган эди. XIX асрнинг аввалларида яшаган ўзбек ва уйғур адиби Умар Бокий Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ҳамда «Лайли ва Мажнун»ларининг насрий баёнларини яратди. Ўзбек адабиётида Навоий асарлари насрий баёнларини тузиш анъанасининг бугунги кунгача давом қилиб келаётганлиги характерлидир. Ўзбек адабиётида ўттизинчи йилларнинг охирларидан бошлаб бугунги кунгача Навоий «Хамса»сидан ўрин олган ҳамма достонларининг насрий баёнлари тузиб чиқилди ва чоп этилди. Шоир ғазалларини мисрама-мисра шарҳлаш тажрибаси кенг кўлам касб эта борди. Навоий асарларининг насрий баёнлари хусусида сўз борар экан, бу борада уйғур адабиётида жуда катта ва муҳим ишлар қилинганлигини қайд этиш керак бўлади. Шарқий Туркистонда Навоий меросини ўрганиш, тарғиб этиш ва ўз навбатида шоир асарларига хос анъаналарни муваффақиятли равишда давом эттириш хусусида олиб борилган ишлар, бу ишларнинг кўлами, ранг-баранг ҳарактери мазкур тадқиқотимизнинг юқоридаги бобларида ўтилди. Шу ўринда уйғур адабиётида юзага келган Навоий достонларининг насрий баёнлари алоҳида диққатни тортади. Уйғур адабиётшунослигида насрий баёнларнинг тарихи, уларнинг ҳарактери ҳақида дастлабки фикрлар айтилган. Жумладан, Д.Райҳонов ўзининг XVII-XIX асрлар уйғур адабиётида Навоийнинг ўрни масаласига бағишланган тадқиқотида насрий баёнларга ҳам тўхтаган ва ўз мавзуси доирасида бу хусусда ҳам аҳамиятга молик мулоҳазаларни айтган. Лекин юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, бу дастлабки фикрлар эди.

Насрий баёнлар уйғур адабиётида ўз тарихига эга. XIX асрларда эса унинг энг яхши намуналари яратилди. Бу асрларда уйғур адабиётида бир қатор кўзга кўринтан адиблар бу ижодий ишга қўл урдилар. Жумладан, XVIII асрнинг охири, XIX аср аввалларида яшаб ижод қилган ва ғазал ҳамда соқийномалари билан танилган уйғур шоири Мулла Сиддиқ Ёрқандий Навоийнинг «Хамса»си таркибидан ўрин олган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садлди Искандарий» ҳамда ўзбек мутафаккир адиби умрининг охирида ёзган «Лисон ут-тайр» достонларининг насрий баёнларини яратди. Мулла Сиддиқ ушбу катта миқёсдаги мураккаб ишнинг юзага келишида Ёркент ҳокими Мирзо Муҳаммад Ҳусайнбекнинг ҳомийлигини кўзда тутиб, ўзининг юқорида эсланган насрий баёнлари

мажмуасини «Насри Муҳаммад Ҳусайнбек» номи билан атади. Навоий шу даврда яратилган насрий баёнларинииг яна бир туркуми олим ва адиб Мирза Муҳаммад Сабурий қаламига мансубдир. Сабурий Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Сабъаи сайёр» ва «Лисон ут-тайр» достонларининг насрий баёнларини тузиб чиқиб, уларга умумий тарзда мақолот деб ном берди.

Юқорида эсланган Ёрқандий, Сабурий ва Умар Боқийлар томонидан амалга оширилган ишлар моҳият эътиборига кўра умумий ном билан насрий баёнлар деб аталса-да, улар ҳарактер жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эгадирлар. Д.Райҳонов уйғур тилида мавжуд насрий баёнларни мундарижа жиҳатидан икки гуруҳга ажратади. Улардан биринчиси - Навоий достонларини бобма-боб, мисрама-мисра баён қилиб беришга асосланган ишлар. Бу туркумга Ёрқандий томонидан амалга оширилган насрий баёнларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчи гуруҳ насрий баёнларда, масалан, Сабурий насрларида боблар таркибидаги алоҳида воқеаларииинг умумий мазмуни мухтасар бир ҳолда баён қилиб берилади.

Умар Боқийнинг насрий баёнлари бир қадар ҳарактерга эгадир. Уйғур адиби Б.Аршиддиновнинг қайд қилишича, Умар Боқийнинг «Фарҳод ва Ширин»и ҳамда «Лайли ва Мажнун» асарлари шу мавзуда халқ ўртасида мавжуд бўлган афсоналардан ҳам баҳраманддир. Б.Аршиддинов Умар Боқийнинг «Лайли ва Мажнун»и ҳақида сўз юритиб, унга асос бўлган манбаларга ҳам ишора қилади. Умар Боқий ўз «Фарҳод ва Ширин»ида, биринчи навбатда, Навоий достонига асосланган. Буни Умар Боқий томонидан бажарилган ишдаги ҳикоянинг умумий йўналиши, образлари, ҳатто Навоий достонидан олинган шеърий парчалар унинг дастлаб Навоий достонига асосланганлигини яққол тасдиқ этади. Тўғри, Умар Боқий насрий баёнга анча эркин ёндашади, бу мавзуга оид халқ ўртасида мавжуд ривоятлардан ҳам фойдаланади. Бу ҳолни «Лайли ва Мажнун» насрий баёнида ҳам кузатиш мумкин.

Бу билан муаллиф ўз ижодий ишини халқ афсоналари услубига яқинлаштиради. Навоий матнига ёндашувдаги яна бир эркинлик шундаки, муаллиф ҳикоя давомида асар қаҳрамонларининг муайян ҳолатларини қулай ифодалаш мақсадида ўзининг шахсий қаламига мансуб бўлган шеърий парчалар ҳам қўллайди. Бундай услубни Мирза Муҳаммад Сабурий томонидан яратилган насрий баёнлар таркибида ҳам учратиш мумкин.

Насрий баён - адабий ҳодисадир. Унинг турлича кўринишлари, энг муҳими, ички талаб ва тамойиллари бор. Масалага Шарқ адабиёти манбалари асосида ёндашадиган бўлсак, мисол учун форс ёки туркий тилда ҳодиса даражасида бўлган бирор мумтоз асар яратилди, дейлик. Бундай асар ўз мухлисларини оҳанграбодек тортиб олади. Унда ҳар ким ўз дардини, қувончини, орзу-умидларини кўради. Унда юксак даражадаги бадиийлик билан ифода этилган умумбашарий даврлар, замонлар учун ардоқли бўлиб қолади. Шунга кўра ҳам ўша асарга ҳамнафас бўлган замондошлар ёки ҳатто ундан анча узоқ жуғрофий ҳудудларда яшаган ижодкорлар унга бир намуна асари сифатида қараб, баҳоли қудрат ким унга жавоб ёзади, ким уни таржима қилади. Ёки бу асарда илгари сурилган ҳаётбахш ғояларнинг кенг халқ оммасига боришини ният қилган ижодкор-адиблар уларнинг насрий баёнларини яратадилар. Навоийнинг асарлари, биринчи навбатда, унинг достонлари ана шундай шоён қисмат эгалари бўлдилар. «Хамса» достонларининг насрий баёнлари яратилди. Жумладан, уйғур адабиётида Навоий достонларининг энг кўп ва хўб насрий баёнлари яратилганлиги уйғур китобхонининг улуғ ўзбек меросига бўлган меҳр-муҳаббати ва чексиз эътиқодини кўрсатиб турар эди. Бу меҳр-муҳаббат ва эътиқоднинг ёрқин ҳосиласи сифатида Навоий достонлари асосида юқоридаги бобларимизда кўриб ўтганимиз Низорий

ва Ғарибийларнинг қатор достонлари яратилди. Навоий достонларининг уйғур тилидаги насрий баёнлари ҳам худди шундай бақувват бир замин асосида юзага чиқди.

Насрий баён ҳам ўзига хос ижод жараёнидир. Унга ҳеч қачон асл манбанинг сояси, ўшандан пайдо бўлган иккинчи даражали бир нарса деб қарамаслик керак. Бир муаллиф асарининг насрий баёнини яратишни ният қилиб олган бошқа бир адиб ўша муаллифнинг ижодхонасидан, тасвир услубидан, шунингдек, ўша асар яратилган давр ва муҳитнинг бош белгиларидан хабардор бўлмоғи талаб этилади. Қайси бир асарнинг насрий баёнини тузишга жазм қилган киши шу асар тааллуқли бўлган халқнинг оғзаки ижодидан, мифологиясидан, ёзма адабиётининг тараққий оламидан воқиф бўлмоғи лозим. Тил бойлигидан хабардор бўлмоғи талаб этилади. Ана шундай шарт-шароит ва заминдан баҳраманд бўлган шахсгина насрий баёнга қўл урмоғи жоиз бўлади. Акс ҳолда, насрий баёнда юзакиликка йўл қўйилади. Асл манбада ўз ифодасини топган муаллифнинг ғоявий нияти баёнда равшан акс этмай қолади.

Шу жиҳатдан ёндашганда Ёркандий, Сабурий ва Умар Боқий қаламларига тегишли бўлган насрий баёнларни муаллифларнинг катта тайёргарлик изчил ижодий изланишлари ва маҳоратлари ҳосиласи бўлган мукаммал асарлар сифатида баҳолаш керак бўлади. Туркий халқлар адабиёти тарихини кузатиш шуни кўрсатадики, насрий баён дастлаб уйғур адабиётида пайдо бўлган ҳодисадир. Унинг ўзига хос йўл-йўриқлари ҳам илк дафъа шу адабиётлар юзага чиққан насрий баёнлар асосида таркиб топди.

Ерқандий, Сабурий ва Умар Боқий каби адиблар ўзлари амалга оширган ўзига хос ижодий ишлари билан Навоий меросининг тарғиботчилари, моҳир насрий баён муаллифлари сифатидагина танилиб қолмадилар, балки Шарқ адабиётида ўзига хос ўрин тутиб келаётган баёнчиликнинг назарий ва амалий жиҳатларини ҳам асослаб бердилар. Насрий баён алабиётда сийрак учрайдиган ҳодисалар доирасидан чиқиб, ижодий жараённинг воқеасига айланди. Ўзига хос жанр қиёфасини олди.

Шундан келиб чиқиб биз Шарқ адабиёти, жумладан, уйғур адабиётида салмоқлигина ўрин тутиб келган насрий баённи шартли равишда жанр сифатида таърифлаш керак деган хулосага келдик. Бундай хулоса учун уйғур ва ўзбек адабиётларида юзага келган насрий баёнларнинг ўзи етарли асос яратиб берадилар.

Биринчидан - насрий баён Шарқдаги бир қатор адабиётларда бошқа жанрлар қаторида анъанавий тус олиб, ўзининг ўзигагина хос қонун ва тамойиллари асосида яшаб келади.

Иккинчидан - насрий баён катта ғоявий-бадиий қимматга эга бўлган поэтик асарнинг наср билан ифодалаб берилган нусхаси бўлганлиги сабабли асл манбага хос ҳамма компонентларини сақлаб қолади. У асл манба билан тенглаштириладиган даражада бадиий қиммат касб этмаса-да, ўзида образлиликни, демак, бадиийликни сақлаб қолади. Ўзи мустақил олинган тақдирда ҳам бадиий асар қиёфасига эга бўлади.

Учинчидан - насрий баён у ёки бу даражада унинг муаллифнинг хаёл ва орзуларини ҳам акс эттиради. Насрий баёнлардаги ана шу хусусиятни назарда тутган уйғур адабиётшуноси Д.Райҳонов «Мулита Сиддиқ Ёркандий «Насри» асл манбанинг жўнггина насрлаштирилган нусхаси бўлмай, балки оригинал асардир», деб ёзган эди[1]

Тўртинчидан - насрий баён унинг муаллифининг ижод жараёнига аралашуви, катта, мураккаб сюжетга, ички ва ташқи олами билан ўзига хослик касб этган образларни ўз услуби билан жонлантириб берганлиги билан ҳам мустақил асар сифатида қарашга лойиқ. Бешинчи ва энг муҳим жиҳатларидан бири, у адабиётда насриинг тараққиётида муҳим

[1] Райханов Д. Место и значение произведений Навон в литературном жизни уйғуров. АКД - Алма-Ата, 1992. Стр. 12.

омиллардан бири сифатида юзага чиқади. Шу жиҳатдан насрий баёнлар ҳақида сўз очиб, бу асарлар «ўз давридаги ва ундан кейинги даврлардаги уйғур прозасининг тарихий тараққиётига чуқур таъсир кўрсатди», деб айтган уйғур адиби Абдуқаюм Хўжанинг фикри асослидир.

Олтинчидан - насрий баённинг тил хусусиятлари шу баён яратилган тил билан боғлиқ равишда ўрганилиши керак бўлган муҳим соҳа бўлиб қолади. Ана шу хусусиятлар уйғунлашгани ҳолда насрий баённинг жанр табиатини юзага чиқаради.

Шундай қилиб, Шарқ адабиётида, жумладан, уйғур адабиётида насрий баён бошқа жанрлар қаторидаги бир ҳодиса сифатида мустаҳкам ўрин олади. Бу жараёнга уйғур адиблари катта ҳисса қўшдилар. Насрий баённинг қурилмаси, аҳамияти ҳақидаги юқоридаги фикрларни асослаш учун қуйида

Ёркандийнинг «Насри Мирза Муҳаммад Ҳусайнбек» мажмуасидан ўрин олган «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Садди Искандарий» насрий баёнларига тўхтаб ўтамиз.

Мулла Сиддиқ ўзининг Навоий достонлари асосидаги насрий баёнларини «Насри Мирза Муҳаммад Ҳусайнбек» номи остида бир мажмуага уюштирганлигини юқорида ҳам эслаган эдик. Шу насрлар жумласидан бўлган «Садди Искандарий»ни нашрга тайёрлаган Абдуқаюм Хўжа Мулла Сиддиқ меросини мўъжаз тарзда характерлаб беради. Мазкур муаллифнинг «Садди Искандарий» нашрига ёзган кириш сўзидан англашилишича, Ёркандий насрлари бир муқова ичига олинган мажмуа сифатида қўлёзмалар ҳолида анча кенг тарқалган эди. Ношир шундай қўлёзмалардан бирининг Уйғур автоном райони осори атиқалар мўзейида сақланаётганлигини хабар қилади. Ушбу қўлёзма 1861 йилда Ёркентда кўчирилган бўлиб, чарм муқовага олинтан. Насрлар «Хамса» достонлари қай тартибда келган бўлса, шу изчиллик асосида ўрин олган.

Мулла Сиддиқ ўз насрларининг яратилган йили ҳақида ҳам аниқ қайдлар қолдирган. Уйғур адабиётшунослари илмий ишларида ҳам учраганидек, Абдуқаюм Хўжа насрларининг ёзилган санаси Мулла Сиддиқ томонидан тарих йўли билан ифода этилганлигини таъкидлайди. Бу сана асарнинг бағишлов соҳиби Ҳусайнбек номидан ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан келиб чиқади. Ҳусайнбек номидан ҳосил бўладиган ҳарфларнинг сон қиймати йиғиндиси ҳижрийда 1228 йилни ҳосил қилади. Мелодий ҳисобида эса бу сана 1813 йилга тўғри келали. Шу асосда Мулла Сиддиқ насрий баёнларини 1813 йилда яраттанлиги маълум бўлади. Асарнинг уйғур автоном райони мўзейида сақланаётган анча мукаммал нусхаси мавжуд қўлёзмалар ўртасида мўътабардир. Уйғуристонда Мулла Сиддиқ насрининг нашрлари хусусида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1984 йилла «Булоқ» адабий мажмуасида «Садди Искандарий» насрининг Абдуқаюм Хўжа томонидан тайёрланган матни босилиб чиқди.

Кейинча эса Муҳаммад Турсун Баҳовалдиннинг саъйи кўшиши билан шу адабий мажмуада “Фарҳод ва Ширин”нинг насрий матни кенг китобхонларга ҳавола этилди.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» НАСРИ

Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг Навоий достонлари асосидаги насрий баёнлари ўртасида «Фарҳод ва Ширин» алоҳида ўрин тутади.

«Фарҳод ва Ширин» достонини насрга қай мукаммаллиқдаги қўлёзмадан фойдаланганлиги бизга маълум эмас. Насрий баёндан аён бўлишича, Мулла Сиддиқ ўзи ишга жалб этаётган қўлёзманинг тўлиқлигига ҳам, саводли кўчирилиши масалаларига ҳам талабчанлик билан ёндашган. Биз Мулла Сиддиқ баёнини Навоий «Фарҳод ва Ширин»ининг

1962 йилда Тил ва институтида таниқли матншунос Порсохон Шамсиев томонидан амалга оширилган матни билан қиёс қилганимизда шундай бир хулосага келдик.

Дастлаб шуни айтиш керакки, Мулла Сиддиқ «Хамса» достонларининг насрий баёни учун пухта ҳозирлик кўрган.

Ўзи Шарқадабиёти матнлари бўйича билимдон бўлган Мулла Сиддиқнинг форсий ва туркий тилларга оид луғатларни муҳайё қилгани ҳолда иш бошлаган бўлиши шубҳасиздир. Зеро, у бажарган иш мисрама-мисра насрлаштиришга асосланган ҳолда матн мураккаблиги ёки бошқа бирор сабаб туфайли бирор ерда асл матндан чекиниш, ташлаб кетиш, ўз ўзича тўқиб юбориш ҳоллари учрамайди. Муаллиф ўз иши устида мислсиз матонат ва маҳорат кўрсатиб меҳр сарф қилган ҳамда уни китобхонга тўлиқ ишонч билан ҳавола эттан. Мулла Сиддиқ насрининг мукаммаллиги ва унда Навоийнинг ғоявий-бадиий оламининг тўла-тўкис акс эттирилишини муқоясали тарзда кузатиш учун «Фарҳод ва Ширин»нинг қирқинчи йилларда Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан Ғулом томонидан амалга оширилган ва кейинча профессор А.Ҳайитметов томонидан янги таҳрир ва тузатишлар билан чоп эттирилган насрий баён матнига мурожаат этдик. Бу кузатиш икки катта давр оралиғида, бир-биридан узоқ масофа ва манзилларда ижод қилган муаллифларнинг услубий яқинлик ва айни пайтда ўзига хосликларни белгилаш жиҳатидан жуда муҳим маълумотлар бериши шубҳасиздир. Бу иш алоҳида тадқиқот манбаи бўлиши мумкин. Ёркандийнинг насрий баёнида «Фарҳод ва Ширин» достонининг воқеалари Чин хоқонлигининг таърифи, фарзандсизликнинг изтироби ҳамда оилада Фарҳоднинг дунёга келиш лавҳалари билан бошланади. Мулла Сиддиқ ўзининг Навоий достони асосидаги баёнини Арманияда Фарҳод ва Ширинниng вафотларидан кейин бу ерларга Чиндан Баҳромнинг етиб келиши, Фарҳод мозорини ўзининг доимий қўналғасига айлантириб, шу ерда макон тутиб қолиши воқеалари тасвири билан якунлайди. Шу ўринда мазкур воқеалар тизмасига оид баёнлардан кейин Навоийнинг қуйидаги соқийга мурожаати асл матнга мувофиқ тўлиқ келтирилган:

Навоий фони бўл, истар эсанг ком,
Нечукким бўлдилар Фарҳоду Баҳром.
Кетур соқий, манго жоми фано бер,
Начукким они сипқорсам яно бер.
Магар қилғай мени бу жом пайваст,
Улар янглиғ фано тупроғига паст.

Насрий баёнда шундан кейин «тугади» деб ҳам қайд этилган. Демак, муаллиф шу ерда достоннинг асосий воқеалари тугалланганлигига қаноат ҳосил қилган. Демак, матнда боблар деярли даражада мукаммал, воқеалар мисрама-мисра баён этилади. Фикрий, мантиқий боғланишлар ҳам ҳикоянинг ўзидан келиб чиқади. Шу ўринда насрий баёнга хос бир муаммо ўртага тушади. Ёркандий насрий баённи бомба-боб давом эттирар экан, Навоий достони бобларига қўйилган сарлавҳаларни баён этиб боришни лозим топмаган. Баёнда ҳар бир боб Мулла Сиддиқ томонидан ёзилган мухтасар муқаддима билан бошланиб, кейин матнга мувофиқ бароати истиҳлол мазмуни ифодаланиб, унга туташ ҳикоянинг ўзи бошланиб кетади. Мулла Сиддиқнинг ўз иши устида бундай йўл туттанлигининг сабабини аста-секин англай бошлаймиз.

Мулла Сиддиқ Навоий назми асосида насрий матн яратишга киришар экан, Навоий достонидаги насрда битилган сарлавҳаларни такрорлаш йўлини тутмайди. Акс ҳолда, бу насрнии насрлаштириш бўлар эди. Зотан, бугунги китобхон учун маълум даражада мураккаб

ифодаларга эга бўлиб қўринган достондаги сарлавҳалар Мулла Силдиқ замондоши бўлган туркигўй китобхон учун тушунарли эди.

Мулла Сиддиқ Навоий достонининг баёнига киришар экан, ҳар бир бобнинг сарлавҳаси ўрнида қуйидагича бериб ўтади: «Сирлиқ маънилардин ривоят қилгувчилар ва йўшурун белгилардин бишорат баргувчиларнинг бири, ошу ишқ-муҳаббат ҳам мехр-шапқат саҳипилирининг муаллипи, маънавий дунёнинг ҳукмрони ҳазрати Амир Мирзо Алишер кўнгулларига шодлик бағишлагучи бу ажойиб ёқимлик, таъсирлик қиссидин мундоқ ривоят қилиду».

Шундан сўнг бобда тасвирланган воқеаларнинг баёни бошланади. Ўз навбатида ҳам қайд этиш керакки, Мулла Сиддиқ «Фарҳод ва Ширин» насрининг аввалида қўллаган «муқаддима»ни бутун асар боблари ўрнида такрорлаб боришни лозим кўради. Китобхон достон воқеаларининг биринчи бобида қўлланган юқоридаги «муқаддима»ни унинг энг охирги боб сарлавҳаси ўрнида ҳам кўради ва ниҳоят бу Мулла Сиддиқ насрий баёни услубидаги анъанавий бир ҳолга айланади. Ёркандий насрий баёнининг мисрама-мисра, байтма-байт ҳарактери ҳақида юқорида айтган эдик. Мисрама-мисра баённинг ҳам жуда қулай, ҳам мураккаб томонлари бор. Шунда кўзга ташланадики, насрий баённинг ижодкори, яъни муаллифи тайёр материал билан иш кўради. Насрий баён муаллифининг ишини садафдан ёқут чиқариш, XIV аср адабиётнинг кўзга кўринган намояндаси Қутб иборалари билан айтганда, «болдан ҳалво пишириш» билан тенглаштириш мумкин. Агар муаллиф билим, тажриба ва истеъдод эгаси бўлса мисралар, мисралардаги образлар устида тафаккур отига мингани ҳолда илгарилаб бораверади. Сўзларнинг мағзи чақилган сайин, ҳар бир образни ифодалаш учун халқона иборалар топилган сайин сўз майдонининг сатҳи кенгаяверади. Насрий баён устидаги ишнинг мураккаблиги эса муаллиф асл манба доирасидан чиқиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан ҳам Мулла Сиддиқнинг иши Мирза Муҳаммад Сабурий ва Умар Боқий баёнларидан фарқ қилади. Масалан, Сабурий ва Умар Боқий Навоий достонларининг мазмунини ҳикоя қилиб бериш йўлини тутганликлари учун Навоийдаги мураккаб образларни ўзлари маъқул топган янги ибора ёки образли тушунча билан алмаштиришга ўзларини ҳақли деб билганлар.

Маълумки, «Фарҳод ва Ширин»нинг изчил насрий баёнини беришни мақсад қилиб олган Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг бундай йўл тутиши мумкин эмас эди. У ўз матни устида ишлар экан, ҳар бир сўзнинг асл маъноси, кўчма маънолари устида фикр қилади. Албатта, Мулла Сиддиқ ҳам Навоий достонидаги сўз ўйинлари, қочиримлар, сўздаги шоир кўзда тутган ҳамма маъно товланишларини беками-кўст бера билиши мумкин эмас эди. Насрий баёнда бундай йўл тутиш, яъни сўзнинг Навоий кўзда тутган ҳамма жилоларини бир текисда баёнга тортилиши мумкин эмас эди. Буни яхши идрок қилган Мулла Сиддиқ баённинг ҳар бир лавҳасида Навоий кўзда тутган бош маънони ойдинлаштиришни мақсад қилиб олади.

Зеро, баёнда ҳар бир сўз ўз ўрнида, ҳар бир образ ўз поғонасида бўлиши керак. Масалан, Навоий «саҳар Суқроти тутди» дейиш ўрнига оддийгина қилиб, «қуёш чиқди» деб айтиши образни пасайтиради. Унинг китобхонга етиб бориш қуввати ўз таъсирчанлигини йўқотади. Жумла бадиийликдан маҳрум бўлиб қолади. Бу қабилдаги юзакилик Мулла Сиддиқ баёнига ётдир. У насрий баёнда Навоий матнига хос бутун таъсирчанлик, бутун нафосатни сақлаб қолишга ҳаракат қилади ва кўп ўринларда бунга муваффақиятли равишда эришади. Мисол учун Ширинниng Армания қамали кунларида Хусравнинг асирига айланган Фарҳодга йўллаган мактубининг муқаддимасига мурожаат қилайлик. «Ишқ-муҳаббат хазинасининг нури ва илҳоми, мехр-шапқат конининг нишони ва мўъжизаси,

умидсизлик кўчасининг бенаво қаландари, жаҳонни куйдуруб, жонни ўртигувчи, жапо ва меҳнат ўтининг бепарво самандари, висолим давлатидин маҳрум бўлуб, ғам-ғусса тоғларнинг сепили ичида тоғ-тоғ дард ва пироққа мубтало бўлғучи ошиқу бечора Фарҳодқа маломат қалъасига посбон бўлған мандик заип ва хаста жондин минглорча салом». Насрий баённи бошдан охиригача ўқиб, унга қулоқтутиб, воқеаларни кузатар эканмиз, муаллиф бизни Навоийнинг ижодхонаси ғаройиботлари билан таништира боргандай бўлади. Бизни Фарҳоднинг туғилиши, камолоти шодиёналари билан, сирлар олами бўлган Юнонга сафарию Арманиядаги висол ва фироқ, меҳнат ва машаққат, севги майдонидаги вафо ва жаҳолат ўрталаридаги курашлар билан бирма-бир таништиради. Қаҳрамонлар ҳаётидаги ҳар бир лаҳзанинг асл манбага мувофиқ маҳорат билан очади. Насрий баён шу даражада тузилганки, гарчи воқеалар бобларга бўлингани ҳолда бароати истиҳлол билан бошланиб, хотимада соқийга мурожаатдан нборат ўзига хос қурилма асосида давом этса-да, Мулла Сиддиқ баёнида ҳикоя бутунлиги, ҳикоянинг изчиллиги китобхонни ўзига ром қилиб олади. Бу насрий баённинг энг муҳим фазилатларидандир.

Эпик шеъриятдаги ўзига хос маъно ва шакл уйғунлигининг ҳиссиётига алоҳида таъсирчанлиги бўлганидек, насрнинг ҳам воқеа ва ҳодисаларни тасвирлашдаги, айни ҳолда уларнинг марказида турган инсон ҳам сурат, ҳам сийратини жонлантиришдаги имкониятлари каттадир. Мулла Сиддиқ Навоий «Фарҳод ва Ширин»ининг насрий талқинини тузар экан, китобхон кўзи ўнгида маҳоратли бир қиссахон намоён бўлгандек бўлади. Навоийдек буюк даҳо назмиятинӣ насрда тўлиғича ифодалаб бериш ва ўша насрнинг китобхонбоп бўлиши учун Шарқ қиссачилиги анъаналарини ишга солиш, баённинг таъсирчанлигини ошириш йўлида изланиш Мулла Сиддиқдан катта ижодий меҳнат талаб қилганлиги шубҳасиздир.

Мулла Сиддиқ Навоий сўзларининг луғатга мувофиқ оддийроқ шаклларининг танловчиси эмас, балки ҳар бир сўз устида катта масъулият билан мушоҳада қилиб, ҳикояни қисса услубида тасвирловчисидир. Биз насрий баённинг қайси бир саҳифасини варақламайлик, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз. Баён муаллифининг фикрлари тиниқ, услуб равон, тил ширали ва халқонадир. Бир-икки лавҳаларга диққат қилайлик: Хусрав Ширинниг гўзаллик хабарини элдан эшитиб ошиқлик шиори билан Армания устига келади ва Меҳинбонунинг ҳузурига совчиларини киритади. Кугилмагандаги бу хабар Меҳинбонуни чуқур ўйлантириб қўяди. Навоий Меҳинбонунинг шу лаҳзалардаги ҳолатини тасвирлар экан, бир томондан, Армания тақдири учун жавобгар бўлган ҳокимият бошлиғи, иккинчи томондан, ўзи тарбиялаб вояга етказган Ширинниг қисматини ўйлаб танг аҳволга тушган шахснинг ниҳоятда мулоҳаза билан иш юритишини, руҳий ҳолатнинг сокин, бироқ дардли лаҳзаларини моҳирлик билан ифодалаб берган. Мулла Сиддиқ киши руҳий дунёсининг шундай дамлардаги манзарасини Навоий йўлича, бироқ қисса услубида ифодалаб беради: «Меҳинбону тапаккур сири ҳайронлиқ олимига тушуп қолди. Агар Хусравнинг дувлат асосини ғанимат билиб, бу ишқо розилиқ билдирай деса, жапокаш Парҳод ёдига келиб, кўнгли паришон бўлотти, Мубодо алчининг сўзини рат қилой деса, ўзро этишлиқо мувопиқ сўз тополмойти. У Хусрав биздин кам эмас, агар ўзум рози бўлуп алчининг сўзини қубул қилсам, у шўх қулгунчак рози бўлорму бўлмасму? Мубодо у ойдин зўрлаш йўли билан розилик олинса, унинг охири қондоқ бўлор? Бу ишқа кўнмай тўхтатиб қўйсоқ, у ҳолда гўёки ғазапкор шердин кийикка озор яткай. Юз минг шиша бўлгондинму сандалнинг алдидо синмой қолмайду. Шунғо алчига кўплиган яхши сўзлар билан ўзро этқинимиз тўзук, дегонга ўхшаш хиёлларнинг уруқини кўнглулининг зиминига чочти. Охири ул ойнинг роёиғо боқмоқчи бўлди».

Асл манбанинг, яъни ҳикоянинг моҳияти англанар экан, баёнчи тасвирларида мантиқ кучаяди Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Мавлоно Лутфий ғазалларидан бирида ошиқлик ҳолатини ҳис этиш хусусида сўз очиб, «хораға кирмак керак лаъли Бадахшон олмаға» деб ёзган эди. Демак, Бадахшон лаълини олиш учун тошни ёриб унинг ичига кириш керак. Насрий баён муаллифидан ҳам худди шундай меҳнат талаб қилинади. У асл манбани бобма-боб, саҳифама-саҳифа баён қилиб бериш учун лаъл излаган одам тошни ёриб унинг ичига киришдек машаққатли ишни адо этиши керак бўлганидек, носир асл манбанинг моҳиятини чуқур идрок этиши, ҳикоянинг мағзига кириши, қаҳрамонлар билан яшаши, халқ тилидан ўринли ва унумли фойдалана билиши керак бўлади. Ёркандий бундай сермашаққат ишга қўл урар экан, ижобий натижага кўз тутган. Бу ишга бутун дониши ва ижолкорлик маҳоратини сарф этган. Шунинг учун у қадам-бақадам Навоий матни изидан бориб, воқеалар ичига сингиб кетади. Арманияда Хусрав босқини давом этар экан, худбин шоҳнинг шафқатсизлиги, мунофиқлиги орқасида бутун Арман заминнинг, шунингдек, бу муқаддас юрт фидойилари бўлган Меҳинбону, Ширии ва Фарҳоднинг ҳаёти оғирлашиб борар эди. Жаҳолат Фарҳоддек ишқ қалъаси, ирода устуворлиги биносини ҳам кемира бошлаган эди, Навоий «Фарҳод ва Ширин»да ўз севимли қаҳрамонининг шу кунлардаги оғир ҳолатини «Фарҳод умри шомининг қаролиги» сифати билан атайди. Достондаги шу саҳифалар баёнида Мулла Сиддиқ алоҳида бир санъаткорлик кўрсатган деб айтиш мумкин. «Фарҳоднинг беши мушаққат тошларидин жароҳатланиши, балки у тошлорғиму унинг бошлоридин шикоста етип туротти. ғусса тоғлиридин унинг қонап, балки оёглиридинму утоғлар қонап кетатти. Ҳижрон чангалида унинг қўллири синип, ҳатто бошгин-ойиғиғича захмдор бўлотти. Бу озоплар унинг заип тениго емак-ичмак учун йўл бермигого, унинг терисидин сўнгаклари оён бўлўп қолғонди. Унинг жисми ичида шамдек ёниб турғон маъюс жени, тера ва сўнгаклири қўшулуп шуъла чечип турғон понусқа кўринатти.

Жопокор палак унинг жисмиға тош ва ўқлорни ёғдурғанида, унинг жисми понуси тушук-тушук, балки чул-сул бўлотти».

Мулла Сиддиқ ўз насрий баёнига туркий халқлар қиссалари баён услубига хос бир мунча элементларни киритганлиги кўзга ташланади. Жумладан, юқорида насрий баёндан келтирилган лавҳалар мисолида кўриб ўтганимиздек, ўз матнида асл манбага хос бадиий латофатни сақлаб қолишга, ҳикояда қиссалар учун ҳарактерли ҳамма имкониятлардан унумли фойдаланишга азм қилганлигини кўздан кечирдик.

Муаллиф қиссалар баён услубига хос элементлардан ҳам истифода этиш билан китобхоннинг диққатини ҳикоя этилаётган воқеалар тутиб туришига, уни асар қаҳрамонлари рўй беражак галдаги воқеалар оламига тайёрлаб боришга эришади. Шу жиҳатдан Мулла Сиддиқнинг ҳикоя давомида китобхон диққатини тортиб, ўрни-ўрни билан «Алқисса» иборасининг қўллаши ҳарактерлидир.

Навоий «Фарҳод ва Ширин»ининг тилида бирор ерда воқеаларни бир-бирига боғлаб борувчи «Алқисса» иборасининг истифода этилганлигини учратмаймиз. Насрий баёнда эса юқорида кўриб ўтилганидек, воқеалар баёни давомида бу ибора тез-тез кўзга ташланиб туради. «Фарҳод ва Ширин» достонида Хусравнинг Армания устига ёпирилиб келиши сабаблари тасвирлари давомида шоҳнинг бундаи илгари ҳам уйланганлиги, ўғил ҳам кўрганлиги, лекин бу никохдан кўнгли тўлмай «дона сочқоли ёхши ёр» қидириб юргаилиги қайд этилади.

Агарчи ақди завж айлаб муқаррар,
Бўлуб эрди анга гавҳар муяссар.
Ва лекин эрмас эрди лойиқи тож,
Ки бўлғайлар анга тож аҳли муҳтож.
Никоҳ ичра тилар эрди такаррур,
Ки топқай тожга шойиста бир дур.

Хирад деҳқони нуктае дер:

«Ки дона сочқали яхши керак ер».

Навоий Хусравнинг оилавий ҳолатини шутарзда китобхонга англатгандан кейин унинг кейинги режалари ҳақида яна ёзади:

Бу маъни кўнглида чун топти ором,
Бўлуб бу комнинг кейнича ноком.
Мамолик ичра мунҳилар ўзотиб,
Анингдек бир самин гавҳар сўротиб.

Мулла Сиддиқ юқорида кўриб ўтганимиздек, Навоий матнига мувофиқ Хусравнинг олдинги никоҳи ва ундан топган фарзандидан кўнгли тўлмай келаётганлигининг баёнларидан кейин «аҳвол шундай экан, Хусрав янгидан уйланиш режасини туза бошлади», деган фикрга ўтишда «Алқисса» иборасини ўз баёнига ҳикояни бошловчи бир элемент сифатида қўшади:

«Алқисса, Хусравнинг кўнглига бу мазмунлар чуқур урилишип олғон бўлсиму, мақсад хазинасидин баҳра ололмайди. Охири бир қиммат боҳолик гуҳарни излап тапип, хуплук ипиго тизиш учун отропитики юртлорғо кишиларни эватти».

Китобхон кейинча ҳам баённинг турлича саҳифаларида «Алқисса» иборасининг қўлланилишига дуч келади. Масалан, Хусравнинг вазири Бўзрук Уммид образи хусусида сўз борганда Навоий тасвирларига қистирма сифатида «Алқисса» бошланмасига кўзимиз тушади: «Алқисса Хусравнинг Бўзрук Уммид отлиқ бир вазири бор эди». Кейинги воқеалар давомида яна: «Алқисса Хусравни ғазап лашкири мағлуп қилди». «Алқисса ман даврларнинг ҳадди-ҳисопсиз вороқлирини эхтуруп мундоқ бир ривоятни топтим». Мулла Сиддиқ ўз насрий баёнида қиссахон сифатида бундай йўл тутиб хато қилмаган. Қиссахоннинг ўз тингловчиси билан жонли мулоқотини таъминлаб борувчи бундай чекиниш қиссалар учун анъанавий бир ҳол бўлиб, баённинг зарурий бир мафҳумига айланиб қолган эди.

Мулла Сиддиқ Ёрқандий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» шеърий ҳикоятини насрга ўгирар экан, айрим мифологик номлар, жўғрофий, астрономик атамаларни баён давомида қандай тушунтириб беришустида кўпўйланган, изланган бўлиши табиийдир. Зотан, «Фарҳод ва Ширин» достонида Шарқ адабиётининг катта билимдони, «Хамса»га муваффақиятли равишда жавоб қайтариб устозлар олқишига сазовор бўлган катта истеъдод эгасининг қалами ўзини кўрсатиб туради. Б.Бафоевнинг тадқиқотларидан англашилишича, «Навоий ижодида қайдланган сўзларнинг 35,7 фоизини умумий, 64, 30 фоизини ўзлаштирилган сўзлар ташкил қилади». Улуғ мутафаккир асарларида қадимги ёзма манбаларда қўлланган

кўплаб сўзлар ҳам мавжуддир. Булардан ташқари, шоир асарларида турли фан соҳалари, касб-хунар ва маиший ҳаёт ҳарактеридаги изоҳталаб, луғатталаб қанчалар сўзларни ҳам учратамиз. Насрий баёнга азм қилган кишининг қанча катта ҳажмдаги сўз ва атамалар тизмаси билан тўқнашиши, уларни шарҳлаш, баён қилиш йўлидаги машаққатини тасаввур қилиб кўрайлик.

Мулла Сиддиқнинг «Фарҳод ва Ширин» насри матнини чопга тайёрлаган Муҳаммад Турсун Баҳоваддин йўл-йўлакай айрим атамаларни изоҳлаб боради. Биз бу изоҳларнинг муаллиф эмас, балки ношир таҳририга оид деб китобхонга тушунтириб боришимиз керак. Матнда изоҳларга ҳам муайян ўрин бериш табиий бир ҳол бўлиб, насрий баён талабларига жавоб беради. Янада аникроқ қилиб айтганда, баён талабларидан келиб чиқади. Фикримизни асослаш учун қуйидаги мисолга диққат қилайлик. Фарҳод Салосил қўрғонида экан, оромини йўқотган киши ҳолига тушади. Бутун борлиқдан Ширинниг нишонини сўрайди. Шунда у кажрав фалакка, тоғ-тошларга, кўқдаги юлдузларга мурожаат қилиб, ногаҳон кўзи Тир юлдузига тушиб қолади:

Солур эрди назар кўкларга бир-бир,
Ки ногоҳ кўзларига учради Тир.

Мулла Сиддиқ шу мисралар баёнида «Фарҳод иккинчи осмонга кўз тикди. Унинг кўзига бир ўқ кўринди», деб ёзади.

Ношир эса шу ернинг ўзида ўқ сўзидан кейин унга қавс «бир юлдузнинг номи» деб изоҳ беради. Муаллиф Тир юлдузини Уторуд деб ҳам ўгириши мумкин эди. Лекин у ўз китобхонига уни бир Ўқ кўринди, деб изоҳлай қолади. Айтайлик, шу ерда Тийр юлдузи маъносини ўқ сўзи билан ифодалаганча баёнда давом этавериши мумкинмиди? Йўқ, албатта. У китобхон матндан «Фарҳод кўкка қараган экан, кўзига ўқ кўринибди», деб тушуниши мумкин эди. Демак, ўқ сўзи ўз ўрнида изоҳлангандагина китобхон чалғимайди. Ношир шундай қилади ва тўғридир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, наср муаллифи ўз баёни давомида «Фарҳод ўқ деб номланувчи бир юлдузни кўрди», дейиши ҳам мумкин эмас эди. Агар у шундай йўл тутса, мисрама-мисра, сўзма-сўз баён чегарасидан чиқиб кетган бўлар эди.

Демак, баён давомида ношир томонидан берилган изоҳ тўғридир. Матнни кузатиш давомида яна шундай изоҳларга дуч келамиз. Шулардан бири «чанг» сўзига берилган изоҳдир. Фарҳод юлдузларга мурожаатини давом эттирар экан, кўзи

Зуҳра юлдузига тушади. Қадимги тушунчада Зуҳра юлдузи чангчи қиз сиймосини акс эттиради:

Кўрунғоч Зуҳра ун тортиб дамо-дам,
Қадин афғондин айлаб чантдек ҳам.

Мулла Сиддиқ мазкур мисраларни насрга ўгирар экан «Фарҳод учинчи осмонга назар ташлаб Зуҳра юлдузини кўрди», деб ёзади. Шу ерда Зуҳра юлдузига баён давомида изоҳ бериб ўтилади ва «Зухра юлдузи бўлса палакнинг созандиси эди», деб талқин этилади. Шоир Фарҳоднинг кўзи Зухра юлдузига дер экан, айни пайтда, унинг сифатлари таърифига кўчиб, уни «овозинг жонбахшу, нағманг кайф бергувчидир», деб айтади. Ношир «Зуҳра юлдузи палакнинг созандаси» дер экан, шундан келиб чиққан эди. Навоий «Фарҳод Зуҳра юлдузини билан оҳ чекиб қаддини чангдек букти», дер экан, Фарҳоднинг букилган

қаддини чанг, яъни мусиқа асбобига ташбиҳ этиш билан ифодалайди. Насрий баёнда чанг сўзига изоҳ бермаслик мумкин эмас эди. Масалан, бугунги китобхон чанг-мусиқа асбобини бир хил тасаввур этади. Навоий даврида чанг қандай кўринишда бўлган? Ношир чангни ўз ўрнида изоҳлаш йўлини тутиб иш қилган. Насрий матнда Навоий достонидаги «Калин афғондин айлаб чангдек ҳам» мисраси «Нола-пиғоңдин унинг қалди чонгдак игилганди» тарзида ўгирилар экан, чанг келгач қавс ичида «чанг боши тарпи агри бир хил чолғу асбоби» деб изоҳ берилади. Насрий баёнда Миррих юлдузининг номи қавс ичида изоҳ тарзида келтирилган бўлиб, «фалак қаҳрамони» деб аталади.

Навоий эса уни «қўрғон қаҳрамони» сифати билан атаган. Навоий достонда қўрғонга ўхшатар экан, Миррихни шу қўрғон қаҳрамони дейди. Ношир эса қўргоннинг кўчма маъноси фалак эканлигини китобхонта осонроқ тушунтириш йўлидан боради. қаҳрамони бўлган Миррих уруш, қон тўкиш юлдузи деб тасаввур этиб келингани маълум. Шунга кўра, «фалак қаҳрамони» бирикмасининг қавс ичида Миррих сайёраси қандай тутилади, деб характерланиши ўринлидир. Шу ерда бизни изоҳлар хусусида ўйлантириб келаётган бир масалага аниқлик киритилиши зарурга ўхшайди, деб биламиз. Зеро, наср ичидаги айрим изоҳларда ҳаддан ташқари замонавийлаштириш ҳоллари учрайди. Бироқ ҳамма гап китобхонта Навоий матнини баён, баён ичида изоҳлар билан мукаммал ҳолда етказиб берилишида, тингловчига қулайлик туғдирилишидадир. «Фарҳод ва Ширин» насридаги кўзга ташланиб турувчи яна бир саҳифа унда Навоий қаҳрамонлари тақдирида ислом дини ва тасаввуфнинг ўрни масаласидир. Биз бу ўринда мазкур мавзуни махсус муҳокама этмоқчи эмасмиз. Зотан Мулла Сиддиқ Навоий матни асосида иш тутар экан, улуғ устознинг дин ва тасаввуфга муносабатини ёрқин акс эттирувчи лавҳаларни ҳам худди асл манбада бўлганидек баён этиб беради. Бу ерда гап Навоийнинг шу масалага оид талқинлари оммабоп тарзда тўлиқ акс этганми, шу хусусда бориши керак.

«Фарҳод ва Ширин» достонида асар бош қаҳрамонларининг фожиаси, вафотларидан кейин қирқ аъённинг бир вақтда туш кўриши эпизоди мавжуд. Тушга кўра улар жаннатнишин эдилар. Бунинг мажоз орқали ҳақиқий ишқ йўлини тутган «Фарҳод ва Ширинниng шоҳлик»дан, ҳою ҳавасдан кечиб топган мақомлари туфайли рўй бергани ҳикоя қилинади. Туш оина бўлиб қаҳрамонларнинг тақдирларини акс эттириб беради.

Навоий шу муносабат билан ёзади:
Эшиттиким, ҳамул ақшом гуруҳе,
Риёзат бирла қўзғолғон шукуҳа.
Ададда қирқ ул хайли кироми,
Бу туш кўрубтурлар тамоми.

Мулла Сиддиқ Навоий асарида Фарҳод, Ширин ва уларнинг қавм қариндошларининг қирқ аъён томонидан туш кўриш воқеасини эслар экан, у ерда достондаги юқорида мисол сифатида келтирилган парчадаги «риёзат бирла қозғолғон шукуҳе» мисрасини «тақводорлик билан шуҳрат тутган кишилар» тарзида беради. «Шу кечаси тақводорлардан қирқ киши мундоғ туш кўрди». «Ҳолиги тоқводорлар бу тушни кўруп уйғонди». Мулла Сиддиқ Фарҳоднинг мажозий ишқ босқичини ўтиб, ҳақиқат билан уйғунлашиб борувини Навоий иборалари асосида анча оммабоп образлар воситасида «У тангрининг зотида шундоқ йўқолдики, у йўқлик кўкининг порлоқ юлдузига айланди», «Фарҳоднинг пок жони ваҳдатга тангри даргоҳига улошти» иборалари билан ифодалаб берган. Баҳром билан Шопур Фарҳоднинг қабри устида макон тутиб қолар эканлар, улар ҳам тангри висолига

муқорин бўла бошлайдилар. Носир бу воқеаларга якун ясар экан, шундай тасвир яратади. «Қачонки улар йўқлиқ туприғи билан ўзини танг қилди - борлиқнинг пайзини услуксиз суришга бошлиди. У шоҳликни ташлап, камтарликни қабул қилди, ёхшилоп қориғонда шунинг ўзи шоҳлик эди». Эй Навоий, агар сен Фарҳод билан Баҳромнинг йўлидан монгмоқчи бўлсанг йўқликни изла.

Эй соқий, сан монто қадаҳини сўнгин. Уни қанча тез ичиб тугатсам, яна баргин, токи бу қадаҳлар мани туприқ билан тенглаштиради. Матн хотимасида шундан кейин достондан юқоридаги баёнга асос бўлган мисраларнинг ўзи ҳам келтирилади. Насрда юқоридаги соқийномадан олдин келувчи жумлада

Баҳром «шоҳлиқни ташлап, камтарликни қабул қилди» жумласи бор. Шу баёндаги «шоҳлиқни ташлап, камтарлик сўзи асл матндаги маънони тўлиқ ифода этмайди».

Навоий достонида ўқиймиз:

Қўюб шаҳлик, чу қилди хоки роҳлик,
Чу яхши боқти худ ул эрди шоҳлиқ.

Демак, Навоий матнига мувофиқ фикр юритадиган бўлсак, у ҳолда «шоҳлиқни ташлаб оёқ остидаги тупроқ бўлди» деган мазмун келиб чиқади. Бинобарин, Мулла Сиддиқ матнидаги «камтарлик» асл нусхадаги оёқ остида тупроқ бўлиш мафҳумини ифодаламайди. Бизга илгаридан маълум бўлган баёнларда насрнинг вақти-вақти билан шеърга алмашиниб бориши ҳарактерли бир ҳолга айланиб қолганлиги кўзга ташланади. Масалан, Умар Боқийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» насрий асарларида Навоий достонидан катта, кичик шеърий парчалар ҳам учрайди. Мазкур насрлардан ўрин олган шеърлар ўртасида халқ термалари, шунингдек, Умар Боқийнинг қаламига мансуб бўлган шеърларни ҳам учратиш мумкин.

Наср ўртасида асл манбага оид шеърлардан ҳам истифода этиш Мулла Сиддиқ «Фарҳод ва Ширин»и учун ҳам ҳарактерлидир. Умар Боқий фарқли равищда Мулла Сиддиқ насри ўртасида учрайдиган шеърий парчалар (улар баъзан катта-катта бўлаклардан ҳам иборатдир) фақат Навоий достонининг ўзидан олингандир. Муаллиф баён ўртасида Навоий шеърларига мурожаат этишда қандай тамойилни кўзда тутади? Масалан, Мулла Сиддиқ Навоий достони боблари хотимасида келадиган соқийнома (соқийга мурожаат) ларни ўз ҳолича истисносиз равишда баёнга кўчиришга қарор қилади.

Бундан ташқари, Мулла Сиддиқ Навоий достонини насрлаштиришда давом этар экан, воқеаларнинг серҳаяжон нуқталари, қаҳрамонлар ҳаётининг кескин бурилиши ўринларида ҳам асл манбадан парчалар келтиради. Масалан, Хусравнинг Ширинни сўратиб Арманияга келиши воқеалари, Хусрав совчиларининг Меҳинбону ҳузурига келиб-кетишлари можаролари тасвирларидан иборат бобни олиб кўрайлик.

Ушбу боб насрнинг бошқа боблари каби асл манбага мувофиқ бароати истиҳлол билан бошланади. Шу ҳол ҳарактерлики, Мулла Сиддиқ баённинг ҳар бир боби хотимасидаги соқийномаларни асл манба бўйича қолдиргани ҳолда бирор ерда бароати истиҳлолнинг бобнинг насрий баёни изоҳи учун кўп материал бермаслигини англагани ҳолда иш тутади. Соқийнома эса, шоирга у ёки бу бобда ҳикоя қилинган воқеа ҳақида ўз лирик кечинмасини ифода этишга восита бўлади. Насрда қаҳрамонлар тақдиридаги воқеалар тизмаси билан

танишиб келаётган китобхон ёки эшитувчи шу ўринга келиб бир нафас бўлса-да тин олади. Янги бобдаги ҳикояни тиинглашга ҳозирланади. Шунга кўра баён муаллифи

Навоий матнини айнан келтиради. Жумладан, Хусравнинг Арманияга келиши боби хотимасида қуйидаги соқийнома билан танишамиз;

Кетур соқий, қадаҳ огоҳлиқдин,
Ки андин журъа хушроқ шоҳлиқдин.
Ичиб май, салтанат илмай кўзумга,
Қилай зулм, элга қилғунча, ўзумга.

Маълумки, юқоридаги боб ҳикояси давомида шоҳлиқ ва ишқ бир-бири билан тўқнашди. Фарҳоддек юксак даражадаги муҳаббат эгасининг йўлидан чиқиб қолган шоҳ қаҳрамонлар тақдири тасвирларидан иборат бўлган воқеалар йўналишини бошқа томонга буриб юборади. Соқийноманинг тасаввуфий мазмунига диққат қиладиган бўлсак, ишқ йўлида шоҳлигини ҳам йиғиштириб қўйган Фарҳод ҳою ҳавас эгаси Хусрав билан тўқнашмоқда. Соқийномада Навоийнинг шу воқеалар муносабати билан афсуси ҳам, ички изтироби ҳам мавжуддир. Мулла Сиддиқ насрида Навоий соқийномасининг келтирилиши шу фалсафий хулосани юзага чиқаришга хизмат қилади. Юқорида таҳлилга тортилган бобнинг баёни давомида Навоий достонидан олинган яна бир шеърий парчага дуч келамиз. Маълумки, Хусрав Ширинга уйланиш режасини эълон қилиш билан Меҳинбону, Ширин ва Фарҳодни чигал жумбоқлар гирдобига тортди. Шу ўринда Ширинниng Меҳинбонуга қарата айтган пурмағз, аммо дардчил сўзлари мавжуд. Бу хусусда қисман юқорида ҳам қайд этиб ўтади.

Мулла Сиддиқ ҳикояга жонлилик бахш этиш учун Ширинниng шу лаҳзалаги сўзларидан қуйидаги парчани келтиради:

Ки эй наълайинг ўрни қиблагоҳим,
Ҳарими нўзҳатинг ғамдин паноҳим.
Нача яткай санго мандин малолат,
Нача қалғай манто ондин хижолат.

Ширин бу таҳликали дамларда бир нафас бўлса ҳам Фарҳодни унутмайди. У икки ўртадаги ҳижрон етмаганидек, Хусравдек офат қаердан пайдо бўлди, деб фарёд чекади. Шу баён муаллифи яна достоннинг ўзига мурожаат қилади:

Қолибман ҳам йироқ ул нотавондин,
Нечукким мандин ул, ул доғи мандин.

Мулла Сиддиқ Ёркандий ўз насри давомида Фарҳод билан Хусрав ўртасида бўлиб ўтган машҳур айтишувни тўлиғича келтиради, Фарҳоднинг Салосил қўрғонига ташланиши воқеалари қунида Ширинга ундан хабар олиб келган Шопурга Ширинниng хитобномаси ҳам каттагина шеърий парчани ташкил қилади. Ширинниng Фарҳодга ёзган биринчи мактубидан олинган катта парча ўттиз икки мисрадан иборатдир. Мулла Сиддиқ мактублардан мисралар танлашда бир хил қоидага амал қилган бўлса керак. Чунки Фарҳоднинг Ширин мактубига жавобномасидан ҳам ўттиз икки мисра сайлаб олинган. Маълумки, Арманиядаги Фарҳод фожиасидан хабар топган Баҳромнинг бу ерга етиб келиши, Фарҳод дафн этилган мақбарага кириб фиғон билан айтиб-айтиб йиғлаши

достоннинг энг серҳаяжон лавҳалари ҳисобланади. Шунга кўра ҳам наср муаллифи ўша мисраларни тўлиғича келтира қолган.

Насрий баённинг достон хотимасидаги Навоийнинг ўзига-ўзи мурожаат этиб айтган гаплари билан якунланиши ҳам характерлидир. Демак, ўзи ижодкор бўлган Мулла Сиддиқ Ёркандий киши руҳий ҳолатини акс эттиришда шеъриятнинг ўрнига катта баҳо беради. Бинобарин, «Фарҳод ва Ширин» баён қилинган воқеаларнинг тўлқинланиш нуқталарида сўз навбатини Навоийнинг ўзига беради.

Фикримизни шундай бир мисол билан қувватлашимиз мумкин. Хусрав Ширинниng ватанига муҳаббат соҳиби, ҳусну жамол ошиғи, ўзига муносиб вориснинг бўлажак онасини қидириб келади. Лекин у Меҳинбонубилан муносабатда, айниқса, Фарҳод билан бир неча мартаба рўй берган юзма-юз мулоқотда ўзининг тубан руҳий дунёсини ошкор қилиб қўяди. Фарҳод сўз қиличи кучи билан унинг юзидаги ясама «ошиқлик» ниқобини чилпарчин қилади. Хусрав Армания устига бостириб келиб, шаҳар қўргонини ўраб олиб, ҳаммани, биринчи навбатда, Ширин ва Меҳинбонунинг адабини бериб қўйиш нияти билан жар сола бошлаганда, Фарҳоднинг қаттиқ зарбасига учрайди.

Фарҳод унга қарата, - агар Ширинни севадиган бўлсанг, севгилингнинг юрти устига бостириб кириб талон-торож ва хунрезликка йўл тутасанми, тамизингга, ниятингта, адолатингта «балли-е» деб истеҳзо қилади, Мулла Сиддиқ ўз насрида асл манбадаги шу фикрларнинг ниҳоятда жозибали бир манзарасини чизиб берган. Лекин муаллиф китобхонга кучли таъсир кўрсатиш учун шу ернинг ўзида достондаги ўта қамчиловчи мисраларни ҳам келтиришни зарур деб билади.

Одолат ушбу бўлғой лавлашаллоҳ,
Шижоат мунча бўлғой боракаллоҳ

Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосидаги насрий матни таркибидан ўрин олган шеърий парчалар ҳусусида сўз борар экан, баёнда муаллиф қўллаган яна бир хил усул китобхон диққатини тортмай қўймайди. Гап шундаки, насрий матн муаллифи бутун ҳикоя давомида Навоий достонидан истифода этилган шеърий парчалар билан уларнинг айнан баёнини ҳам бериб боради. Бу нарса истисносиз ҳолда изчил давом этади. Бу ҳолни шундай изоҳлаш мумкин. Мулла Сиддиқ Навоий достонининг насрий матнини яратишта қўл урган экан, юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, орасира шеърий парчалар ҳам қўллайди. Бироқ муаллиф Навоий достонидан олинган шу шеърий парчаларнинг баёнини бермай ўтиб кетишни насрий матннинг нуқсони деб ҳисоблайди. Аксинча йўл тутилганда эса, насрий баён билан қадам-бақадам танишиб бораётган китобхон шеърий парчаларни тушунишда қийинчиликка учраши мумкин эди.

Китобхон Мулла Сиддиқ матни билан таниша борар экан, муаллифнинг ижодхонаси сирларидан яқиндан хабардор бўлади. Бу ҳолни муаллифнинг насрий матнида Навоий достонида шеърлар ҳам берилиши ва бу парчалар ўзининг баёни билан ёнма-ён ўрин олганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида Мулла Сиддиқ Ёркандий ижодхонасига дахл қилганимизнинг боиси шуки, муаллифнинг насрий матнида ҳам баённинг, ҳам шу баёнга асос қилиб олинган шеърий парчаларнинг ўрин олиши китобхон учун уларни қиёсий ўрганиш имконини ҳам беради. Китобхон шу восита билан Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг маҳоратига баҳо бериш имкониятига ҳам эга бўлади.

Бир-икки мисолларга диққат қилайлик. Мулла Сиддиқ Навоий достонини насрлаштиришда давом этар экан, шеърий парча қўллаш зарур бўлган ўринда ўзидан шунга ишора қилгувчи сўзлар қўшади ва ҳар гал «Назма» сўзидан кейин шеърга кўчади.

Ширин Шопурга қороп бу бойтларни ўқиди.

Назма:

Ки эй Шопур, қондин бўйла яттинг,
Калипсан фард, ҳамроҳингни наттинг?
Ҳамулким, меҳр кўсин урмиш эрдим,
Борур чоғдо санго топшургон эрдим.
Рафиқу ёрлиқ мундоқ бўлурму?
Амонатдорлиқ мундоқ бўлурму?
Монго ўз гойибимдин бир нишон ат,
Десангким, ҳажридин ўлмай, равон ат.
Гар атсанг макис, ногаҳ чиқса жоним,
Ёқин билким, эрур бўйнунгта қоним.

Шу мисралардан кейин юқоридаги воқеаларнинг давоми сифатида яна насрий матн келаверади. Лекин бу гал баён далил учун олинган шеърий парча асосида давом қилади.

«Ҳой Шопур, - деди Ширин зор-зор ҳолдо, - сан қаёқлардин бундоқ капқолдинг. Ёлғўз капсан, қондоқ қилдинг? Ман меҳру муҳаббат ноғирисини чолғон ошу куни қойтор чогда уни сонга топшургондим.

Дўстлуқ, қариндошлиқ деган мушундоқ бўломду? Агар унинг ҳижронидин мани ўлмай ёшисун десанг, ўзумнинг йўқотган у одамимдин бир учур баргин. Агар сан янило мушундоқ жим туриверип, мубодо жоним чиқип кетидиғонг бўлсо, бўлинг қон даъвоси санинг бўйнунгго ўйло».

Юқоридаги баёнда дастлабки сатрлардан бошлабоқ услубга оид бир нуқта яққол кўзга ташланади. Бу ҳам бўлса халқ китоблари ва халқ афсоналари учун хос бўлган ҳолатлардир. Агар Навоий достонидан келтирилган парчанинг биринчи мисраси билан Мулла Сиддиқ баёнини қиёс қиладиган бўлсак, бу ҳол яққол кўзга ташлана қолади. Юқоридаги парчадан кўринадики, у ерда Ширинниng Шопурга тўғридан-тўғри мурожаати акс этган. Мулла Сиддиқ Ширинниng Шопурга мурожаатини ифодалашда унинг Шопур билан кўришмасдан илгариги фиғонли ҳолатини ҳисобга олади ва юқоридаги мисра баёнига «зор-зор йиғлаш» мафҳумини қўшади. Бу баёнга жонлилик бағишлаган. Китобхон у орқали кўзи ўнгида Фарҳоднинг тақдири учун куйиниб, нола чекиб, кўз ёши қилиб ўтирган Ширин тимсолини гавдалантиради. Мулла Сиддиқ Ёрқандийнинг насри билан танишар эканмиз, фақат «Фарҳод ва Ширин» баёнининг фазилатлари ва бу бобда муаллифнинг маҳорати билангина танишиб қолмаймиз. Айтиш керакки, Мулла Сиддиқ Ёрқандий «Хамса» достонлари насрини амалга ошириш билан асарларнинг насрдаги баёнини яратишнинг назарий асосларининг ишланишига ҳам муносиб ҳисса қўшди, унинг айрим масалаларига асосли йўналиш яратиб берди. Қандай шеърий асарни насрга ўгирганда унинг ғоя ва образларини мукаммал сақлаб қолиш, бироқ матнга турғун ҳолда ёндашмаслик, баёнда асл манбада қўлланган тасвир воситаларининг етакчи маъносини олиб, имкон борича уларнинг ётган қўшимча маъноларини ҳам очиб

бериш ва ҳоказолардан иборат. Аслини олганда, насрий баён олдига қўйиладиган талаблар ҳам шулардан иборат. Яна шу нарса аниқки, муаллиф асл манбада тасвирланаётган лавҳалар, образларни имкон доирасида тўлдириб бориши ҳам баённи мукаммаллаштиради. Баҳром Фарҳоднинг вафотини эшитар экан, Арманияга етиб келиб тўғри ўз кўкалдошининг мақбараси томон йўл олади. Шу Бахромнинг серҳаяжон айтиб йиғлаш лавҳаси бор. Баҳром Фарҳоднинг баҳодирлиги, диловарлигини эслаб, зорланиб йиғлайди. Шундай паҳлавон бир кишининг маккор ёв қўлида ҳалок бўлишидан афсусланади.

Асл манбадаги қуйидаги байтларга диққат қилайлик:

Қани ул аждаҳога сурмак охир,
Қани ул Аҳрамон ўлтурмак охир.

Наср муаллифи бу байтдаги «аждаҳога сурмак» иборасини «от сурмак» ва «Аҳраман» иборасини «Аҳраман дев» деб тўлдириши ўринлидир. Наср муаллифи учун баён давомида ўринли, ўз ўрнига ярашадиган иш тутиш эркинлиги вожибдир.

Баҳром йиғидан тинар экан, мақбарадан ташқарига чиқади:

Чу бу ошуби бир дам топти ором,
Ўпуб ер, қўйди уйдин ташқари гом.

Наср муаллифи юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасидаги «ер ўпуб» бирикмасини «таъзим бажо келтириб» сўзлари билан алмаштиради, «Ер ўпуб» ибораси Навоий матнидаги Баҳромнинг Фарҳод мақбарасидан чиқиб кетиш ҳолатида жуда ўринли ишлатилган. Уни насрда ҳам шундай қолдириш мумкин бўлар эди. Бироқ оммабоп насрий мати устида ишлаётган Мулла Сиддиқ «ер ўпиш» иборасининг жонли тилига яқин бир ифодасини топиш йўлида изланган ва «таъзим бажо келтириб» бирикмасини яхши топган. Бахром Фарҳод мақбарасидан ташқари чиқиш олдида ўз дўсти руҳига яна бир марта таъзим этган, қабрни тарк этиш олдидаги одатни адо этган.

Мулла Сиддиқ Ёркандий матнида насрий асарларнинг талабларидан келиб чиқиб, сўз орттирилган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонида боблар охирида келиб, муаллифнинг ўша бобда тасвирга олинган муносабатини лирик хотима тарзида ифода этувчи соқийномалар ҳамма вақт байт бошланишида «Кетур соқий» «Кетургил соқиё» тарзида берилган бўлса, Мулла Сиддиқ насрида кўпинча «Ҳай соқий» бирикмаси қўшалоқ ундов билан келади. Масалан, «Ҳай соқи, манго шороп келтуруп, ғам қўшинини янггин, чунки муҳаббат олдида шоҳ билан гадой тангдур. Ишқ-муҳаббат олдида шоҳликнинг нима лаззити бўлсун…» Насрий баённинг аҳамиятта молик томонларидан яна бири шундаки, у ёки бу шеърий асарнинг мағзини чақиб бериш кенгроқ доирадаги китобхонларнинг эстетик манфаатларига хизмат қилиб қолмай, юқорида ҳам қайд этиб ўтилганидек, асл манба муаллифи бўлмиш атоқли сўз усталарининг асарларини янги жўғрофий ҳудудларга ёяди, адабиётлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилади. Бироқ насрий баённинг яна бир жуда муҳим жиҳатини унутмаслигимиз керак. Зеро, насрий баён бизни асл манба муаллифи бўлган шоирнинг ижодхонасига олиб киради. Гарчи тўлиқ бўлмаса-да, асл манба соҳиби бўлмиш шоирнинг истеъдодини намойиш қилиб беради. Ўша шоир асарининг бизга номаълум бўлган, сирли бўлиб туюлган, калити топилмай турган хазинадай бўлиб келаётган томонларини кенг китобхонга кўрсатиб боради. Асл манба соҳиби бўлган улуғ устоз билан китобхон ўртасида адабий ходим бўлган таржимон вазифасини ўтайди. Биз Навоийни севамиз. Асарларини ардоқлаб ўқиймиз.

Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонини қўлига олиб, варақлаб, ундаги теран мазмун, сержило шакл ва тасвир гўзаллигидан баҳраманд бўлмаган одам туркий халқлар ўртасида деярли учрамаса керак, Бироқ шоир асарини ўқиш билан ундаги ғоялар олами, образлар силсиласи, тасвир воситалари мукаммаллигини ҳамма вақт ҳам уқиб олишга муваффақ бўлавермайди. Навоий асарларини ўқиган сайин уларнинг ҳудудсиз олами китобхонни кўпроқ ўзига торта боради. Бинобарин, насрий баёнга қўл урган муаллиф Навоийни яқиндан тушунишга ёрдам беради. Навоий қаҳрамонлари билан қандай сирлашиш йўлларини кўрсатади.

Айтиш мумкинки, Мулла Сиддиқ ўз насри билан шундай ғоят шарафли бўлган вазифани адо этди. Ўзи бажарган насрий асарлари билан Навоий ижодхонасинингадабий эмакдошига айланди.

Мулла Сиддиқнинг «Фарҳод ва Ширин» насрий баёни мисолида Навоийни тушуниш ва тушунтиришдаги салоҳиятига оид бир-икки мисолга мурожаат этайлик.

Биз қатор ўзбек ва уйғур навоийшуносларининг шоирнинг лирикаси ва «Хамса» достонларига бағишланган тадқиқотларини биламиз. Уларнинг ҳар бири ўзи танлаб олган мавзу доирасида Навоий меросини бизга яқинлаштиради. Бизни устоз шоирнинг ижодхонасидаги ҳайратомуз образлар билан таништиради. Шу жиҳатдан Мулла Сиддиқ насрини адабий баён сифатида ҳам, илмий тадқиқот сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Бу фикрни шарҳлашга ўрин ҳам бўлмаса керак. Бизга мазкур уйғур шоири - Навоий достонидаги ҳар бир лавҳа, ҳар бир тасвир мана бундай ғаройиб сирларга, ҳайратомуз тасвирларга эга деб айтиб беради.

Фарҳод Хусрав қўшинлари томонига шундай зарб билан тош отар эдики, у «агар минг ғулоч йироқлиқтики бир тол кўкнор уруқини нишонго олса, унинг теши шу нишонго дал тегатти. Техиму ожапланарлики шуки, унинг отқон теши

Илбирис тағига топса, тоғ уруқидек чечилип кетатти» Канчалар чиройли ва ҳайратланарли муболаға бор бу ерда. Яна бир мисол: «Хусрав ва Фарҳоднинг марвойит чочқандек посоҳатлик сўзлирини онглади-да, ичига бир ўт чушуп ҳушини йўқутушқо оз қолди. Ўтхонидин чиққон ёлқундек тили билан деди». «Унинг ожиз жисмида куйдургучи ҳорорат шу қадар кучайдики, унинг қизитмиси ўтининг ҳароратидин таскин топотти. Унинг жисми тупроқ устита билоило, унинг ҳорорotидин тупроқ шу ҳомонла кулга айлинотти». Фарҳод ҳаётининг қоралиги ҳақида ҳикоя қилувчи бобда Навоий одам бахтининг қоралигини тун қоралиги билан ён кўйиб, такрори йўқ бир пейзаж яратади. Мулла Сиддиқ ўз насрида асл манзарасини тиклашда жиддий маҳорат кўрсатган. Ўша лавҳалардан бирида шундай ўқувчи қалбини ларзага солувчи тасвир бор: «Бу маккор палак бечора Парҳодни куйлуриб, унинг кули билан ҳовони қаро қипту. Йўқ уни қора дема, у ғам чирогнинг куюндиси бўлуп, уни эзиб оламни корайтипту», Қуйидаги юксак даражадаги одамийлик, хос ор-номусни сақлаш хусусида Ширин тилидан айтилган ҳикматона гапга қулоқ тутайлик: «Ошиқ- маъшуқлар ҳар қончо мушкул аҳволга қолсиму шарми-ҳоё, ор-номус мизонига риоя қилиду. Уларни оҳ-зорлари ятти қот осмоннинг пардилирини йиртип ташлишиму, лекин улор ўз юзлиридин шарм-ҳаё пардисини очмайду». Бу Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг бутун туркий адабиёт олдидаги катта хизмати эди.

Биз «Фарҳод ва Ширин» насрининг ҳарактери, муаллифининг услубига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, Мулла Сиддиқ қаламига мансуб баённи баҳолашда меъёрдан ошириб юбориш ёки уни Навоий билан ёнма-ён қўйиш фикридан йироқмиз. Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг ўзи ҳам ҳеч қачон бундай даъвода бўлган эмас. Бинобарин, биз ўз нуқтаи назаримиз бўйича, мазкур муаллиф насрий баёнининг фазилатлари ҳақида фикр юритиш

билан бирга, унда кўзга ташланиб турувчи етишмовчиликлар, қиёмига етказиб ўгирмаган, асл манба руҳини тўлиқ ифодалай олмаган ўринлар борлигини ҳам қайд этиб ўтишни лозим деб биламиз.

Мисолларга диққат қилайлик. «Фарҳод ва Ширин» достонида Арманда Хусрав қамалида бўлган Фарҳодга Ширинниng йўллаган мактуби мавжуд. Номада Ширин Салосил қўрғонида ҳижронзада бўлиб кун кечираётган Фарҳод тақдири учун ич-ичидан ачинади.

Маъшуқа ўзининг самимий севган ошиғига меҳр-муҳаббат туфайли нима дейиш керак бўлса, шуларни айтади. Шу ўринда Ширинниng қуйидаги гаплари ҳам бор:

Кўруб хору хас ўрнунгда ниҳони,
Сочим бирла супурсам эрди они.

Бу ерда Ширин ўз севгилиси Фарҳодга камоли муҳаббатдан, агар сен ўтирган ерни хору хас кўрсам, уни сочим билан супурсам, - деб халқона иборалар воситасида вафодор қалб нидосини баён қилади. Мулла Сиддиқ насрида шу ўрин ўгирилган. Баён муаллифи, жумладан, шундай деб ёзади: «Агар ётқон ўрнингдо йўшурун ахлатларни кўруб қолсам, уни чечим билан супурсам». Насрда муаллиф томонидан «хорухас»ни «ахлат» деб олиниши мақбул эмас, албатта. У ерда Навоий халқ қўшиқларидаги «Ёра юрган кўчаларни супурай сочим билан» мисраларидан истифода этиб, Фарҳоднинг ўтирган ерини хору хас босган бўлса сочим билан супурсам деб айтмоқда.

Баҳром Фарҳоднинг фожиали вафотини эшитиб, Арманга келар экан, унинг қабри устида дод солиб йиғлайди. Унинг Хусравга ғазаби чексиз эди. Шу ўринда у Фарҳодга ишора қилиб, сенинг қонингни талаб қилиб нималарга қўл урсам руҳинг шод бўлади, деб айтади.

«Фарҳод ва Ширин» матнида шундай мисралар мавжуд:

Сенинг қонингта тортиб тиғи кинни,
Тенг этсам ер била Магараб заминни.

Бу ерда «сенинг гуноҳсиз тўкилган қонинг эвазига нималар қилсам», деган гап бор. Унинг баёнида Мулла Сиддиқ матнида «сенинг хунингни талап қилип эдовот қиличини тортсам», деб ёзилади. Насрий баён яратаётган Мулла нусхадаги «қон» сўзи ўрнида форсий «хун» иборасини қўллаши номуносибдир.

* * *

Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг «Хамса» достонлари баёнларини XIX аср уйғур насрининг энг яхши намуналари қаторига қўшиш мумкин. Шу ҳол ҳарактерлики, туркий халқлар адабиётининг ҳеч бирида наср уйғур адабиётида бўлганидек равнақ топган эмас. Илмий тадқиқот ишларида эса Шарқ адабиётида ва ўз навбатида уйғур ва ўзбек адабиётлари тарихида насрнинг кам ривожлангани ва ҳатто мутлақо тараққий этмагани, том маънодаги насрни эса Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида маданият ва адабиётда рўй берган янгиликлардан бири сифатида юзага чиққанлиги зўр бериб таъкидланар эди. Кейинги йилларда ўзбек олимлари наср тарихига оид махсус тадқиқот ишлари олиб бориб, ўзбек насрининг илдизлари, юксалиш йўллари масалаларини анча кенг ёритиб бердилар,

Тақдири бир ва даврлар оша тарихи бир-бирига туташ бўлиб келган туркий халқлар адабиётлари ўртасида уйғур адабиёти ўзига хос бой насрга эгадир.

Уйғур насри тарихи ҳали ҳар томонлама ўрганилган эмас. Мозийдан ўзига хос йўл билан бизгача етиб келган уйғур халқ эртак ва афсоналари, мумтоз адабиёт бисоти ичида илдиз отиб келган уйғур насрий асарлари китобхонларнинг севиб ўқийдиган асарларидир. Ҳеч муболағасиз айтиш керакки, уйғур насрининг равнақида насрий баён асарлари алоҳида ўрин тутадилар. Биз тадқиқотимизга асос қилиб олинган мавзу муносабати билан юқорида қайд этилган Навоий достонлари асосидаги насрий баёнлар бу фикрнинг ёрқин далиллари бўла оладилар. Зотан, Мулла Ёрқандий, Мирзо Муҳаммад Сабурий ва Умар Боқийлар яраттан баёнларнинг ҳар бири ўзларининг насрга хос хусусиятлари билан алоҳида кўзга ташланади.

Мулла Сиддиқнинг «Фарҳод ва Ширин» баёнида уйғур насрининг энг яхши жиҳатлари акс этган деб айтиш мумкин. Гарчи муаллиф Навоий достонининг мисрама-мисра баёнини тузган бўлса-да, юқорида мазкур бобнинг муқаддимасида қайд этилганидек, улар у мисраларнинг бир-бирига мантиқангина боғланадиган баёни эмас, балки бир бутун қисса кўринишига эгадир. Мулла Сиддиқ талқинида достон қиссалар, афсоналарга хос баён услуби билан бир-бирига боради.

Зотан, бунга Навоий достонининг ўзида мустаҳкам замин яратиб берилган. Навоий «Фарҳод ва Ширин»ини шеърий роман деб баҳоланиши бежиз эмас, албатта. Бу мавзу ўзбек романлари тарихига оид тадқиқотларда ҳам қайд этилади. Мулла Сиддиқ ҳали XIX асрдаёқ Навоий достонларининг ана шу хусусиятларидан моҳирона истифода этгани ҳолда, уларни ўша даврнинг уйғур маҳаллий романига айлантирди. «Наср роман тили хусусиятларига эга»-«Садди Искандарий» насрининг ноширн Абдуқаюм Хўжанинг асар тили муносабати билан айтган бу гапларини тўлиғича «Фарҳод ва Ширин»га ҳам тааллуқли деб таъкидлаш мумкин.

Мулла Сиддиқ Навоий достонини насрлаштиришни бошлар экан, ҳар бир бобнинг муқаддимасида Амир Мирзо Алишер қиссадин ривоят қилиду», деб ёзади. Муаллиф кейинча ҳикояга изчиллик бахш этиш ниятида Навоий матнидан жилла йўл қўйиб, «ҳикояни давомлаштурди», «шубилан сўзини тупатти», «Меҳинбону Шопурга қараб тувандагидек сўзларни бошлади», «Ондин кейин Ширин яна насрий ибораларга қалам суруп, тувандикилирни ёзди», каби боғловчи жумлалар қўллайди. «Фарҳод ва Ширин» насри XVIII - XIX асрлар тилининг бутун ранг-баранглиги ва латофатини ўзида намойиш қилган асардир. Шубҳасиз, Навоийдек даҳонинг достонини насрга ўгираётган Мулла Сиддиқ улуғ ўзбек шоири достони тилида қўлланган араб ва форс сўзларидан ҳам фойдаланади. Баёнчи мумтоз уйғур адабиёти тажрибалари асосида иш тутади. Лекин муаллиф ўз насрий асарининг вазифаси оммабоп иборатлигини чукур идрок этган ҳолда иш тутиб, кўпроқ халқ жонли тили бойликларига таянади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» насрий баёнида персонажлар «таъзим ва миннатдорчилик» маъносида «салламно» сўзини қўллайдилар. Муаллифнинг ўзи форсий тилидаги «кажрав фалак» сўзини «терс фалак», «тезрав чарх» сўзини «тез айлангувчи чарх» тарзида муваффақиятли равишда туркий тилга ўгириб ишлатади. Халқона билимдон зиёлига ҳам, оддий адабиёт мухлисига ҳам манзур тушадиган бу баён Мулла Сиддиқ ижодининг ҳам халқчил йўналишидан дарак беради. Д.Райҳонов уйғур шоири Мирза Муҳаммад Сабурий томонидан Навоий достонлари асосида амалга оширилган насрий баёнлар ҳақида гапирганда, уларнинг тилида муваффақиятли равишда ишланган саж усулини ҳам эслатиб ўтган эди. Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг «Фарҳод ва Ширин» насрида ҳам саж намуналари учрайди. Муаллиф Фарҳод ва Ширинннинг вафотлари онлари ҳақида ёзади: «Уларнинг ҳаёт кучити синди, улардин замоннинг кўнглиму тинди».

Хулоса қилиб айтганда, Мулла Сиддиқнинг «Фарҳод ва Ширин» насри қадимги маданият ўлкаси Шарқий Туркистонда инсонпарвар ўзбек шоири Алишер Навоий меросига бўлган жуда катта эътиборни кўрсатибгина қолмай, Навоийдек улуғ ижодкор достонини насрга ўгирган Мулла Сиддиқнинг ҳам катта муваффақияти эди. Мулла Сиддиқ ўз насри билан уйғур китобхонига ўз даврида Шарқ алломалари билан «Хамса» бобида беллашган ўзбек шоирининг даҳосини намойиш этди. Шу даҳо асарининг бутун ғоялари, образлари, тасвир дунёси ранг-барангликларини оммабоп бир тилда сўзлаб бериш Мулла Сиддиқнинг катта маҳорати сифатида баҳоланиши керак.

Мулла Сиддиқ ўз насри билан шеърий асарнинг насрий баёнларини яратишнинг назарий ва амалий асосларини кўрсатди. Уйғур адабиётида Навоий меросининг фаол тарғиботчисигина бўлмай, унинг ўзи уйғур насрининг етук вакили сифатида танилди. Натижада, уйғур насри бошқа туркий халқлар адабиётлари ўртасида ўз даврига кўра янги бир поғонага кўтарилганлигини намойиш этди. «Фарҳод ва Ширин» насрининг айрим камчиликларига қарамай, Мулла Сиддиқ мазкур асари билан ўзининг Шарқ адабиётининг катта донишманди, Навоий ижодий оламининг муносиб тадқиқотчиси эканлигини кўрсатади. «Фарҳод ва Ширин» насри уйғур-ўзбек адабий алоқалари равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ» НАСРИ

Мулла Сиддиқ Ёркандий қаламига мансуб «Хамса»си достонлари асосидаги насрий баёнлар ўртасида «Садди Искандарий» кўпгина ўзига хос жихатлари билан ажралиб туради. Достон насрий баёнининг ана шу хусусиятлари назарда тутилгани ҳолда, тадқиқот учун «Фарҳод ва Ширин» насридан кейин «Садди Искандарий» танлаб олинди. Навоийнинг Искандарга бағишланган достони асосида яратилган насрий баённинг «Булоқ» мажмуасидаги нашрларида бир англашилмовчилик кўзга тапіланади. Насрий баённинг «Булоқ» журналининг 1984 йил 12-сонида чоп этилган дастлабки қисмида у «Садди Искандарий» деб тўғри номланган ҳолда унинг шу журналнинг ўша йил 14-сонидаги матнида у «Искандарнома» деб кўрсатилган. Бу «ғалати машҳур» Навоий достонининг кўпгина қўлёзмаларида учрайди. Биз Санкт- Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари фондида сақланаётган

Навоийнинг замондоши машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган «Хамса» қўлёзмасида ҳам «Садди Искандарий» достонини «Искандарнома»сидан бошлаб Искандар образи яратилган кўпчилик асарларни умумий ном билан «Искандарнома» деб юритиб келинганлигининг оқибатида рўй берган ҳодиса бўлиши керак. Бинобарин, Мулла Сиддиқ Ёркандий насрининг «Булоқ» нашрида унинг «Искандарнома» деб юритилиши одатий бир ҳол деб қаралиши керак. Биз асарни тадқиқот давомида бундан кейин ўз номи билан «Садди Искандарий» тарзида аташга қарор қилдик.

«Фарҳод ва Ширин» насри Мулла Сиддиқ томонидан «Насри Мирзо Муҳаммад Ҳусайнбек» мажмуасига киритилган «Хамса» достонларининг биринчиси бўлса, «Садди Искандарий» унинг охиргисидир. Жанр хусусиятлари жиҳатидан эса «Фарҳод ва Ширин» ишқий саргузашт достон бўлса, «Садди Искандарий» қаҳрамонлик-саргузашт асардир. Маълумки, достоннинг бу ҳар икки кўриниши бир жанрга тааллуқли бўлса-да, уларнинг бири арузнинг анъанавий ишқномалар баҳрида, иккинчиси эса қаҳрамонлик достонлари ўлчови бўлган мутақорибда ёзилган. Дастлабки қарашда наср учун асос бўлган асарнинг қайси жанрда, қайси ўлчовда ёзилганлиги фарқсиздай кўринади. Лекин ишқномаларнинг руҳий ҳолатлари тасвирларида ўзига хос томонлар мавжуд бўлганидек, жангномалар ҳам насрда тасвирнинг табиати жиҳатидан бир-биридан фарқланиб туради. Қолаверса, «Садди Искандарий» Искандар тўғрисидаги қурилма жиҳатдан ўзга бир манзарага эга бўлган асардир. Проф. А. Қаюмов ҳақли таъкидлаганидек, «Садди Искандарий» Искандар тўғрисидаги воқеалар хроникаси эмас, балки фалсафий-дидактик достондир. Шунга кўра, у алоҳида бир тартибда тузилган. Асарда Искандар ҳақидаги қисқа эпизоддан сўнг фалсафий фикрлар изҳоридан иборат бир боб келади. Сўнг шу фикрнинг тасдиғига хизмат қилувчи ҳикоя ва хулоса тарзидаги ҳикмат келтирилади. Мулла Сиддиқ Ёркандий ўз насрий баёнида ҳикояни бобма- боб бир-бирига давом эттира бориб, Искандарнинг ҳаёти, шоҳлик фаолияти ва ҳарбий юришлари ҳақидаги қисмни ҳам, ундан сўнг келадиган Искандар билан Арасту ўртасидаги савол- жавобларни ҳам ва уларга боғлиқ ҳолда берилган ҳикоя ва ҳикматларни ҳам асосан аслиятга мувофиқ тарзда сақлаб боради.

Натижада, Навоий достонининг руҳи асарнинг бошидан охиритача бир маромда давом этади. Асар Навоийдагидек ғоявий-бадиий савияда бўлмаса-да, ўзига хос тасвир услуби билан китобхонга эстетик завқ бағишлайди. Бугун ҳикоя давомида ўқувчи аслият руҳини ва руҳни маҳорат билан ифодалаб бораётган Мулла Сиддиқ қаламининг кучини ҳис қила боради. Наср муаллифи ўз ижодий ишини бошлаш олдида «Садди Искандарий»нинг нодир

қўлёзмаларини ўрганиб чиққан ва улардан баён учун сарасини танлаб олган дейишга асос бор.

Айни пайтда, Мулла Сиддиқ достоннинг бир неча қўлёзмасига қиёсий йўл билан мурожаат эттан деб айтиш ҳам мумкин. Зотан, насрий баён матни анча мукаммал. Уни «Садди Искандарий» достонининг бизнинг даврмизда катта матншунос П.Шамсиев томонидан тайёрланиб, кейинча филология фанлари доктори М.Ҳамидова томонидан яна янги қўлёзмалар билан муқояса қилинган ва тўлдирилган илмий-танқидий матни билан солиштирилиб ўрганилганда боблар таркибида айрим тафовутларгина кўзга ташланади. Мулла Сиддиқ истифода этган матннинг асосий қисмига тааллуқли гап. Мулла асарининг Урумчида «Булоқ» мажмуасида чоп этилган матнни тайёрловчи Абдуқаюм Хўжанинг гувоҳлик беришича, у нашр учун сайлаб олган ва кўчирилиш жиҳатидан муаллиф даврига яқин турган наср қўлёзмасининг охирги бир неча варағи сақланмаган. Шунга кўра ҳам у насрий баённинг ўша тушиб қолган саҳифаларини кейинги даврларга оид қўлёзма билан тўлдириб нашрга тайёрлаган. Ношир бу ҳақда қуйидагича хабар беради: «Ҳикоянинг охирида бир неча варақ кам. Шунга автоном районлуқ тарихи мўзейида соқлинивоткан ҳижрий 1292 йили кўчирилган яна бир қўлёзма нусхадин кам варақларнинг тексти тўлуқлонди. Бу қўлёзманинг тили ҳозирки уйғур тилига асосан ўхшойду. Шунго кўчирилган қўлёзма нусхого селиштургондо тили ва мазмуни жиҳатида хели парқларнинг бўлуши аниқ». Ношир томонидан кейинча қўшилган бу бир неча варақ достоннинг хотима қисмига оид бўлиб, Искандарнинг ўз ўлими яқинлашиб бораётганлигини сезиб, онасига хат ёзиши, ниҳоят ўлими, Искандар ҳукамоларидан етти.

Искандарнинг онаси Бону олдига келиб насиҳат қилиши воқеалари тасвирларидан иборатдир. Табиийки, Мулла Сиддиқ «Садди Искандарий» насрига киришган экан, достон хотимасида «Хамса»нинг ёзиб тугатилиши муносабати билан баён қилинган лавҳаларни олмаган. Мулла Сиддиқ матнини чопга ҳозирлаган Абдуқаюм Хўжа муаллиф матнининг охирги қисмини бошқа қўлёзма асосида тиклаганда ҳам «Хамса» якунига оид талқинлар олинмаган. Демак, қўлёзманинг ҳам йўқ эди, деб айтишга асос бор. Ношир Абдукаюм Хўжа таъкидлаганидек, наср матнининг юқорида таъкидланган тикланган кичик бўлимида тил хусусиятларида айрим тафовутлар кўзга ташланиб туради.

Мулла Сиддиқ Ёркандийнинг «Садди Искандарий» насри билан таниша бошлар эканмиз, муаллифнинг «Хамса» достондарининг талқинларини яратишда ҳар гал янги-янги тамойилларга амал қилганлигини кўрамиз. «Фарҳод ва Ширин» билан «Садди Искандарий» мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Дастлаб сарлавҳалар масаласини олиб кўрайлик. Юқорида «Фарҳод ва Ширин» насри таҳлилига бағишланган фаслдан ҳам маълумки, Мулла Сиддиқ «Фарҳод ва Ширин» баёнида Навоий достонида мавжуд бобларга қўйилган сарлавҳаларнинг бирортасини насрга олмаган. Тушириб қолдирилган сарлавҳалар ўрнида ҳар гал Навоий «Сирлиқ маънилардин ривоят қилгучи ва ёшурун белгилардин башорат қилгучилардин бири, муҳаббат ва меҳр-шафқат саҳипилирининг муаллифи ажойиб ёқимлиқ, ғаройиб таъсирлик қиссалардин ҳикоят қилгучи» сифатлари билан аталиб, сўнг бевосита бобда қаламга олинган воқеаларга ўтиб кетилади. «Садди Искандарий» насрида эса Навоий достонидаги боблар асосан сақланади. Матннинг ўзида ҳам жиддий қисқартиришлар кўзга ташланмайди. Мулла Сиддиқнинг «Садди Искандарий» насри билан яқиндан таниша бошлар эканмиз, муаллифнинг ўз ижодий ишида қандай тамойилларга асосланганлигини кўпроқ тушуна бошлаймиз. Юқорида насрий баёнда Навоий достонининг матни, боблари асосан сақланган дедик. Эндиўша «асосан сақланган»

деган иборанинг замирига кўз ташлайлик. Мулла Сиддиқ «Садди Искандарий» достонини насрийлаштиришга киришар экан, диққат марказида мисрама-мисра, байтма-байт баённи кўзда тутади. Муаллиф асарнинг бош йўналишини ташкил қилган Искандарнинг ҳаёти, юришлари саҳифаларини тасвирлаган бобларни мустасносиз насрга ўгиради.

Ўгирганда ҳам Искандар образини унинг руҳий дунёсини очиб берувчи лавҳаларга алоҳида диққат этади. Муҳим бадиий тафсилотларни назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилади. Натижада, ўқувчи кўз ўнгида Навоий тасвирларига хос ҳамма манзара бирма-бир жонлана боради. Мулла Сиддиқ Навоий достонининг моҳир ҳикоячиси сифатида тингловчини Искандар саргузашти билан боғлиқ ажойиботлар оламига олиб киради. Навоий достонда ўз ўқувчисини сира толиқтирмай, Искандар ҳаётига оид лавҳалардан ўшалардан келиб чиқадиган фалсафий-дидактик мушоҳадаларга, улардан ҳикматомўз хулосаларга ўтгани каби Мулла Сиддиқ ҳам бўлимдан бўлимга мантиқий йўл солиб, унга панд-насиҳат ҳам қилади. Қиссадан ҳиссалар чиқаради. Шу йўл билан Навоийнинг «Садди Искандарий»дек фалсафий мундарижага, мураккаб қурилмага, «жангнома»ларга хос бадиий пафосга эга бўлган асари ўз мухлислари шуурига сингиб боради, уларнинг маънавий дунёсини бойитади. Бу катта санъаткорлик талаб қиладиган ижодий ишнинг уддасидан Мулла Сиддиқ муваффақиятли равишда чиқа олган.

Муқояса учун Искандарнинг Ҳинд мулкида Ройи ҳинд ҳузурида ўтказган кунлари тасвирлари мисолига диққат қилайлик.

Достонда:

Бу янглиғ деди ноқили нуктасанж,
Басе тортқон нукта нақлида ранж.
Ки чун бўлди Искандари номжўй,
Киш ул турфа марз ичра оромжўй.
Ўзи худ эди кишвароров Ҳинд,
Яна мажлис оро анга Ройи Ҳинд.
Бориб гоҳ шаҳар ичра ҳаммом учун
Иморат аро бодау жом учун.
Солиб Рой қасрида ишратқа пай,
Тараб бирла оғоз этиб руду май.
Гаҳи беша ичра шикор айлабон,
Шикор ичра май ихтиёр айлабон.
Гаҳи абр уруб, гоҳ шер ўлтуруб,
Ва тар пилу карк ул далер ўлтуруб.
Гаҳи соз этиб базм дарё аро,
Кириб киштийи баҳрпаймо аро.
Тутуб шаст ила моҳийи сиймгун,
Қилиб жоми сиймин ичардин нигун.

Насрда:

«Ул ноқили нуктасанж нукта нақлида кўп ранжларни тортип, бу дедиким: вақтики, Искандар ул турпа ичра қиш куни ором олип, ўзи Ҳиндуға кишвароролиқ қилип, мажлисоро

бўлди. Гоҳи шаҳар ичро ҳоммом учун иморатларда боданўш бўлуп, Ройнинг қасрига кирип, тараб бирла май ичмакни оғоз қилур эрди. Гоҳи башаралар ичра шикор айлап, шикор ичра майни ихтиёр қилип, йўлборсларни ўлтуруп, пиллар на карклар ва каркидонларни сайд қилур эрди. Гоҳи дарёға кирип, базм айлап, кемаларда ўлтуруп, болиқларга тўр солип, тамошо қилур эрди».

Юқоридаги парчаларни кўздан кечириш Мулла Сиддиқнинг ўз насрида Навоий достонини мисрама мисра кузатиб борганлигини кўрсатади. Тўғри, достон матнига хос даража ҳамма ерда ҳам бирдай ўз ифодасини топган деб айтиш қийин.

Масалан, достондан олинган юқоридаги парчанинг учинчи мисрасида «Искандари номжўй» бирикмаси насрда «номжўй» сифатловчиси тушириб қолдирилгани ҳолда, оддийгина «Искандар» деб кетаверилган. Ёки достондан келтирилган парчанинг охирги байтидаги «Моҳийи сиймгун» бирикмасини олайлик. Насрда «моҳи» сўзигина жонли сўзлашув тилига яқинлаштирилиб «балиқлар» деб қўя қолинган. Навоий матнига кўра эса у «кумушранг балиқлар» тарзида бўлиши керак эди.

Шубҳасиз, ушбу тафсилотлар насрий баённинг бош масаласи эмас. Мулла Сиддиқмисралар, байтлар оша асл манба ҳикоясини насрга ўгириб борар экан, тасвирдаги фикрларнинг узилишига, баённинг тарқоқлигига, тасаввурнинг мавҳумлашиб кетишига йўл қўймайди. Насрда тасвир «Фарҳод ва Ширин»да бўлгани каби қиссаларга хос услубда давом қилади. Насрда ўқиймиз: «Алқисса, Искандар Чин тарафига азмайлап, хоқон ўзи баркиттан қўрғонни йироқдин кўруб, дашт ичра лашкарини ёсоп, ондоқ ораста қилдиким, таърифга рост келмас.

Лекин лашкарнинг тўлоликкини қонча деса, шунча бор эрди. Ҳаммасини лутфлар билан мол берип, кўнглини хуш кулди. Зиннат билан маҳкам бўлуп бир сурон солдиларким, палак тоқиға зилзила тушди. Искандарнинг шиддат билан калгани, яна сурон солғонидин хоқоннинг кўнгли ваҳимнок бўлуп кўрдиким,

Искандар лашкари билан ажап шижоатлиқдурлар». Навоийнинг «Садди Искандарий» асари «Хамса»нинг бошқа достонлари каби бугунги маънодаги мукаммал романдир. Бу тасвирга тортилган воқеаларнинг қамровида ҳам, сюжет мураккаблиги, образлари силсиласи, тасвирнинг батафсиллигида ҳам кўрсатади. Навоий достонининг бу хусусияти Мулла наср устидаги ишида, бир томондан мураккаблик бўлса, иккинчи томондан баён учун катта қулайликлар туғдириб берар эли. Мулла Сиддиқ насрда воқеалар баёнининг навоиёна таъсирчанлигини сақлашга эришади. Чин хоқони мамлакат ҳудудига яқинлашиб келаётган Искандар ва унинг қўшинларининг овозасини эшитар экан, саросимали бир тушиб қолади. У тадбир билан иш ҳаракат қилар экан, саройдан чиқиб; элчи усти бошида

Искандарнинг олдига бормоқчи бўлади. Бу манзарани Мулла Сиддиқ қисса услубида ниҳоятда таъсирчан баён қилиб берган:

«Хоқон ўз маҳрами фармон қилип, сиропарданинг ёниға келтурди. Чиқиб отланганда маҳрами хосни бу асрорға имин қилип ўлтурғўзуп, қоронғуда сипоҳлардин чиқип, қўрғоннинг ўзини олди. Дарбозобонларга бир дастак берип,

«Хоқон мени ишга буюруптур, мани бу дарвозанинг тошига чиқарип беринглар», дап айтти». Мулла Сиддиқ ўз насрида асл матн тилида ишлатилган образли иборалар, образли тафаккур жилоларини кўп ҳолларда гўзал бир йўсинда жонлантиришга эришади. Чин хоқони билан Искандарнинг юзма-юз бўлиши жуда серташвиш, серхаяжон бир тарзда кечади. Чин хоқони ўз ўлкасига юриш қилиб келаётган Искандардан ниҳоятда чўчиган эди. У бу жаҳонгир Чинга ҳам солади, деб ўйлаган эди. Кўпчиликнингҳам фикри эди. Улар дер эдилар: «Чиний оёқ билан Румнинг санги хораси рўбарў бўлганда, чиний оёқ ул тошқа қочон танг бўлур».

Бу парчада қанчалик замирли сўз ўйини яширингани кишини ҳайратга солади. Чиний идишни рум тоши билан уриштириш қандай оқибатга олиб келади. Чиний идиш - бу мажозан чин хоқони ва унинг қўшинига, рум тоши Искандар ва унинг кудратли қўшинига ишора бўлиб, уларнинг тўқнашуви чиний идишни рум тошига уриш билан тенг эди.

Ки чиний оёқ бирла хоройи Рум,
Қачонким, уруштурса дороий Рум.
Неча кимса ақп ичрадур зердаст,
Билурким қаён тушгусидур шикаст.

Шу тарзда Мулла Сиддиқ насрий баёни асос-эътибори билан Навоий матнининг мағзини чақиб, китобхонга унинг бағридаги маъноларни равшанлаштиришга хизмат қилади. Мулла Сиддиқ «Садди Искандарий»ни насрийлаштириш жараёнида боблар таркибидаги баъзи бир мисраларни қисқартириш йўлини ҳам тутади. Яъни, муаллиф насрлаштириш давомида воқеа ривожида катта ўринга эга бўлмаган мисраларни ҳеч қандай изоҳсиз тушириб қолдиради. Навоий матни ва Мулла Сиддиқ матнларини муқоясали ўрганишга киришар эканмиз, насрий баёнда тушириб қолдирилган деганимиз мисралар Мулла Силдиқ наср учун фойдаланган қўлёзмага тааллуқли эмасмикин, деган фикрда ҳам бўлдик. Лекин матнларни кузатиш шундай тўхтамга олиб келмоқдаки, юқорида қайд этиб ўтилган қисқартиришлар наср муаллифининг хоҳиши билан рўй берган. Зотан, Мулла муфассал тасвирлар давомидаги айрим кичик лавҳалар, қаҳрамонлар характерига оид сифатлашлар, баъзан эса лирик чекинишлар билан боғлиқ мисраларга кўрагина шундай йўл тутади ва муаллиф ўзининг бу ишини ҳикоя яхлитлигига, қаҳрамонлар оламига салбий таъсир этмаслигини аниқ ҳис этгани ҳолда амалга оширади. Мисолларга диққат қилайлик. «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг Чин сафари вақтида Равшанак ва Мехрнозга ақд қилиниши лавҳалари мавжуд. Ҳикоя давомида Искандарнинг бу икки гўзални севиши, Равшанак ва Мехрнознинг бир-бирларига рашк билан қарашлари, серҳаяжон висол онларининг елдек тез кечиши эпизодларининг муфассал тасвирлари берилади.

Мулла Сиддиқ шу тасвирлар асносида асл матндан айрим чекинишлар қилади. Янада аниқроғи, асл матндаги баъзи ўринларни насрга олмайди. Жумладан, наср муаллифи асл матндаги қуйидаги мисраларнинг мазмунини бермайди:

Жамолу малоҳат кўнтул комидур,
Узун турра тақво қуши домидур.

Куйидаги мисралар ҳам насрга ўгирилмай қолган:

Ул сифат шер қилтач шикор,
Шикорига меҳр айлади ошкор.
Мамос ўлди чун шохи сандалта ож,
Не бўлганини эрмас демак эҳтиёж.
Скандар бу хилватқа мафтун эди,
Паричеҳра ёрига мафтун эди.

Искандар ўз сафарлари давомида чумолиси махлуқлар маконига йўл олар экан, улардан

ҳайратга тушади. Достонда қахрамоннинг шу ҳолати асносида Навоий томонидан берилган қуйидаги тасвир ҳам насрга ўгирилмай қолган:

Таолиллоҳ ул сонийи зулжалол,
Ки ожиздур аҳли камол.
Эрур сунъи ҳушу хираддин фўзун,
Не ҳушу хирад, балки ҳалдин фўзун.

Мазмуни:

Оллоҳу таолонинг қудрати шундай улуғки, унинг қудрати олдида ҳар қандай ақл, билим ва камолот эгаси ожиздур. Наср муаллифи бу пурмағз мисраларни нега ташлаб кетди экан, деган андишага борасан киши.

Чумолисимон махлуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи бобда мазкур мисраларнинг ҳам баёни йўқдур:

Кўз азрақ, сақол сориғу тийра юз,
Чиқиб борчанинг мантлайидин мунгўз.

«Садди Искандарий» насрининг бошқа бобларида ҳам шу йўсиндаги йўл-йўлакай туширib қолдирилган ўринлар учраб туради. Лекин улар юқорида ҳам қайд этиб ўтилганидек, ҳикоянинг умумий руҳига, давомийлигига салбий таъсир этмаган. Мулла Сиддиқ шундай салбий ҳолатнинг рўй бермаслигига ишонч ҳосил қилгани ҳолда иш тутган. «Садди Искандарий»нинг насрий баёнида Навоий достонидаги бутун-бутун бобларининг туширib қолдирилиши ҳоллари ҳам учрайди. Юқорида насрийлаштириш давомида аслиятдаги боблардан баъзи мисраларнинг тушиб қолиши ҳақида сўз борди. Наср муаллифи томонидан туширib қолдирилган парчаларнинг умумий ҳикояга муносабати хусусида фикр юритилди.

Мулла Сиддиқ ўз насрларида матнни аслиятта мувофиқ кузатиб беришни кўзда тутади. Бу ҳол муаллифнинг «Хамса»нинг дастлабки достонлари асосидаги насрларида яққол кўзга ташланади.

«Садди Искандарий»да эса боблар таркибидаги байтлардан ташқари яхлит бобларнинг ўзи ҳам қисқаришга учраган. Насрий баёнда қисқартирилган бобларни ўрганиш шундай тўхтамга олиб келмоқдаким, Мулла Сиддиқ ўз ижодий ишига киришар экан, мазкур қисқартиришлар ўйлаб кўрган. Кисқартиришларнинг асарнинг умумий руҳига салбий таъсир этмаслиги масаласида чуқур мушоҳадаларга борган ва кейинча анча пухта, ўйланган режа асосида иш тутган.

«Садди Искандарий» Навоий «Хамса»си достонлари ўртасида мавзу салмоғи, фалсафий-ижтимоий ва хлоқий мундарижаси, воқеаларнинг кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта ва мураккаб асардир. Юқорида асарнинг қурилмаси ҳақида сўз борганда ҳам айтилганидек, достонда Искандарнинг фаолияти мунтазам ҳикоя қилинмайди. Навоий ўз бош қаҳрамонининг сиймосини, руҳий дунёсини яратар экан, уларни алоҳида воқеалар, саргузаштлар жараёнида жонлантиради. Бунинг сабаби шуки, Навоий асарнинг бошланишидан эътиборан айтайлик Искандарнинг тарбияси, отаси вафотидан кейин унинг тахтга ўтириши, ўзи учун дунёни очиш, раиятлар, ҳокимлар, подшолар ҳаётида адолат ва маърифат қонунларининг қай даражада эканлигини кузатиш, улардан ибрат олиш, ҳамма ерда қурби оқилона давлат тартиблари учун кураш мақсадидаги юришлари лавҳаларини ҳикоя қила боради. Шоирнинг мақсади Искандар ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир эпизодни

ҳикоя қилиш билан бирга ундан фалсафий-дидактик хулоса чиқариш, ўзига замондош бўлган шоҳларга, вазир-вузаролар, элчилар, хос маҳрамларгача панднома яратиш, раиятта нима яхшию нима ёмонлигини кўрсатиб, уларни маърифатли ҳаёт учун рағбатлантиришдан иборатдир. Демак, Навоий учун ўз асарида Искандар ҳаётидан лавҳалар яратиб, унинг ибратини фалсафий- ахлоқий йўл билан асослаш ва шу юзага келган ниятни яна асарга қўшимча равишда тортилган ҳикоялар воситасида намойиш қила боришдан иборатдир.

Мулла Сиддиқ «Садди Искандарий»ни насрий баёнини яратиш жараёнида Навоийнинг катта ҳажмдаги асарини баъзи ўринларда мухтасарлаштириш йўлини тутар экан, муаллиф достоннинг қурилмасидан имкон қидиради. У насрийлаштиришда достон бобларининг асосини ташкил этиб келган Искандарнинг ҳаёти билан юришлари эпизодларини айнан сақлаб қолади. Маълумки, ҳар бир бобда Искандарнинг ҳаёт лавҳасидан кейин шу билан ахлоқий-таълимий бўлим келади. Мулла Сиддиқ Навоий достонидан қисқартиришлар қилган айрим ҳолларда ана шу фалсафий-ахлоқий бўлимни қисқартиради. Ундан кейин келадиган ҳикоят эса қолади. Агар шу қисқартириш қилинган бобга диққат қилинса, унда китобхон у ерда Искандарниг ҳаётидан бир манзараю бир ҳил гувоҳ бўлади. Аслида мазкур ҳикоя ўша тушириб қолдирилган фалсафий-ахлоқий қисмда илгари сурилган ниятни намойиш қилиш учун келтирилган эди. Энди у муаллақ бўлиб қоладими, деган фикр ҳам туғилиши мумкин. Буни Мулла Сиддиқ ҳам чуқур мушоҳада қилиб кўрган, албатта. Ҳамма гап шундаки, боб таркибида келтирилган ҳикоя ўша бобнинг асосини ташкил қилган Искандар саргузашти билан алоқадордир.

Яна бир қисқартиришни Навоий матни бўйича тиклаб кечирганимизда унда айрилиқ, ҳижрон шомининг аламлари ҳақида сўз бораётганлигини кўзатамиз, Навоий васлни, дийдорлашувни инсон ҳаётининг мукофоти сифатида тасвирлар экан, сўнгра ҳажр аччиғи, заҳмати, изтироблари баёнига кенг ўрин беради ва ёзади:

Ажаб умр эрур рўзгори фироқ
Ки юз қатли аңдин ўлум яхшироқ.

Боб давомида шундан кейин «Мажнун ҳикоятиким, фироқ тоғи оғирлиғидин ўзни тоғдин ташламоқ тилади ва Лайли номаси илик тутуб ва қосида камарин тутуб ташламоққа қўймади» сарлавҳали ҳикоя ўрин олади. Юқорида эсланган ҳажр шоми аччиғлиғи ҳақидаги қисмга бадиий илова бўлиб келган Мажнун ҳикояти бундан олдин рўй берган қисқартиришнинг мазмунини ҳам ифодалаб беради. Матндаги кўстлик деярли даражада билинмай кетади.

Наср муаллифининг ижодий жараёндаги мазкур бу иши китобхонга аслиятнинг умумий руҳини етказиб бериши билан катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам Мулла Сиддиқ насрлаштириш услубида анъанавий тажрибалардан узоқлашиб кетган эмас, деб ҳисоблаймиз.

Шубҳасиз, Навоий достонини бутун мукаммаллиги билан истисносиз баён қилиб бериш учун Навоийдек маҳорат талаб қилинади. Юқорида эсланган қисқартирилган бобларда Навоий даҳоси билан мазмун чизилган қанчадан-қанча ибратли сюжетлар, ҳикматлар мавжуд. Масалан, ўша қайд этганимиз тушириб қолдирилган «Тўзлук таърифидаким...» деб бошланувчи қисмни олайлик. У ерда ростгўйликнинг фазилатлари ҳақида юксак даражадаги ибратомуз ҳикматларга кўзимиз тушади.

Навоий ўгит бериб айтади:

Биров даҳр аро давлатойин эрур,
Ки ҳар сўзким ул айтқай, чин эрур.
Худо комин анинг раво айлагай,
Ки ҳар ваъда қилса, вафо айлагай.
Не назр этса қилғай вафодин адо,
Ки «Юфуна бин-назри» дебтур худо.

Навоий асарида ёлғончиликни инсонни шармисор этувчи иллат сифатида қоралайди.

Қаю кимсаким, сўзни ёлғон дегай,
Инсонмаслар ар насси қуръон дегай.
Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман ичрадур нописанд.

Навоий шу ўринда уйига ўт тушган бир ёлғончининг фожиасини эслайди. Одамлар ўртасида ёлғончилиги билан бадном бўлган бир кишининг уйига ногаҳон ўт тушади. Ёлғончи дод солиб одамларни огоҳлантирмоқчи бўлади. Лекин теварак атрофдагилар буни «навбатдаги ёлғон» деб эътиборга олмайдилар, натижада у уй-жойидан айрилади. Навоийнинг шу муносабат билан айтган ҳикмати ниҳоятда ибратомуздир:

Ки ёлғон ангаким фаровондурур,
Чини ҳам эл оллида ёлғондурур.
Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзунгдин керакдур шикоят санға.

Ушбу лавҳаларнинг ҳам насрий баёндан ўрин олиши, шубҳасиз равишда унинг мундарижасини бойитган бўлур эди деган фикрдамиз. Насрий баёндаги сарлавҳалар хусусида сўз борар экан, унда Навоий достонидаги баъзи бир бобларнинг бир-бирига қўшиб юборилганлигини ҳам айтиш керак бўлади.

Искандар қуруқликни фатҳ этиб бўлтгач, ўз аъёнлари, қўшинлари билан дарё сафарига отланади. У ниҳоят, ўзи сув қаърига саёҳат қилишга қарор қилади. Узоқ юришлар ва сўнггида дарё қаърига саёҳат Искандарнинг саломатлигига путур етказади. Унинг умри поёнига етиб борарди. Навоий Искандар ҳаётидаги бу таҳликали дамлар ҳақида хабар берар экан, умрнинг вафосизлиги ҳақида махсус бир боб келтиради. Сўнгра эса Искандарнинг ўлими олдида онасига йўллаган мактуби ҳам бир бобда берилган. Искандар вафот этгач, онанинг таъзияли кунларида унинг олдига кўнгил сўраш учун ҳукамолар келадилар. Уларнинг ҳар бири Искандарнинг онаси Бонуга таъзия изҳор этиб, унга таскин беришга ҳаракат қиладилар. Оламда инсон умрининг қисқалиги, ўлимнинг барҳақлиги ҳақида сўз юритиб, Искандарнинг ҳаётида донишмандлик ва адолат билан олиб борган ишларини эслайдилар.

Достон воқеалари шу билан ниҳоясига қараб боради. Мулла Сиддиқнинг насрида юқорида эслаб ўтилган учта сарлавҳа бир-бири билан қўшиб юборилган.

Шу ўринда Мулла Сиддиқ насрини «Булоқ» мажмуаси учун чопга ҳозирланган Абдуқаюм Хўжанинг матннинг охирги қисмига онд юқорида қайд этилган эслатмасини ёдга олиш жоиз бўлади. Ношир Мулла Сиддиқ насрининг ўзи ўрганган ва манзур деб билган қўлёзмасини

нашрга тайёрлар экан, достон хотимаси олдидаги бир неча саҳифанинг тушиб қолганлиги сабабли унинг қолган қисмини кейинги даврга оид бир қўлёзмадан олганлигини айтган эди. Искандар умрининг сўнгги дамлари ҳақида ҳикоя қилувчи боблар шу «бир янги қўлёзмага» тўғри келади. Бинобарин унинг Мулла Сиддиқ қаламига мансублиги ҳақида аниқ бир фикр билдириш қийин. Юқоридаги ҳол, яъни асар хотимаси олдида уч бобнинг бир-бирига қўшиб юборилиши турли котиблар томонидан кўчирилган қўлёзмаларнинг ноқислиги орқасида юз берган бўлиши ҳам мумкин. Лекин муҳими шундаки, насрий баён Навоий аслиятига мос равишда якунланади. «Садди Искандарий» асарининг тили хусусида. Мазкур тадқиқотнинг Мулла Сиддиқнинг «Фарҳод ва Ширин» насрига бағишланган қисмида бу асарнинг тил хусусиятлари масаласига махсус диққат қилиб, унинг XIII -XIX асрлар уйғур тили тараққиёти даражасида халқона ифодалардан кенг фойдаланиб ўгирилган асар сифатида баҳолаган эдик. Шундай фикрни «Садди Искандарий» насри ҳақида ҳам айтиш мумкин бўлади. Ушбу асар матнини нашрга тайёрлаган Абдуқаюм Хўжа ҳам ўзининг кириш мақоласида «асарда айни даврдаги уйғур жонли тилининг лексик алоҳидаликлари тўлиқ акс этади», деб ёзган эди. Айни пайтда насрий баёнда уйғур тилининг узоқ тарихига оид сўзлар ҳам учрайди.

«Садди Искандарий» жангнома асаридир. Бинобарин, достоннинг тилида ҳам жангномалар учун хос бўлган сўз ва атамалар қай даражада қўллантанлиги адабиёттарихчилари учун маълум бир ҳолдир. Қолаверса, «Садди Искандарий» Алишер Навоийнинг фалсафий-ахлоқий асари бўлиб, Навоий даври бадиий адабиёти ва унинг тил хусусиятларидан бехабар ўқувчи учун уни тўла-тўкис тушунишда қийинчиликлар бўлиши табиийдир. Насрий баённинг вазифаси ҳам адабиётда ҳодиса сифатида из қолдирган асардан кенг китобхонлар, тингловчилар оммасини хабардор қилишдан иборатлиги маълум. Мулла Сиддиқ устоз Навоийнинг «Садди Искандарий»дек мураккаб сюжет, қурилма ва чуқур мундарижага эга бўлган асарини насрийлаштиришдек мушкул ишга дадил киришган, ҳикоянинг мукаммаллигига эришиш, уни тилининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда насрийлаштириш хусусида кўп изланган. Достоннинг тилидаги маънодорлик, жозибадорликни сақлаб қолгани ҳолда юксак бадиий тасвирларнинг серзамир маъноларини имкон яратувчи сўзлар қидирган. Мулла Сиддиқнинг баён бу ўринда ҳам «Фарҳод ва Ширин» насрида бўлганидек, тингловчи билан суҳбат тарзини эслатади. Навоий достонидаги поэтик образлар билан жило топган катта ва мураккаб жумлалар Мулла Сиддиқ матнида ҳикоянинг узлуксиз мантиқий оқими билан жилов билмас даражада давом қилиб боради. Лекин кўп ҳолларда иборалар жонли сўзлашувга яқин бўлгани учун китобхонни сатрлар аро тўхтатиб қўймайди, толиқтирмайди, балки унинг бутун диққатини ўзига тортиб олади, эргаштириб боради. Мулла Сиддиқ боблар муқаддимасидаги бароати истиҳлолни ҳам моҳирона насрга ўгириб, шу ердаги навоиёна мазмун ва оҳанг билан ўз ўқувчиси қалбига йўл топади.

Искандарнинг Ҳиндистонга сафари лавҳаларида, жумладан, ўқиймиз: «Аҳли тарихлар бу тарихта андоқ рақам чакдиким, Искандар маслаҳат билан Фирўзшоҳга Кашмирни берин, тахт- тож билан сарафроз айлап, божу хирожини муайян қилип, ўз шаҳрига подшоҳ қилиб қўйди». Мулла Сиддиқ бизни жангномаларга хос услуб ва ширали тил билан Ҳиндистон бешалари томон етаклайди. Уларнинг филларини кўз ўнгимизда жонли бир ҳолатда гавдалантириб беради. Жангномаларга хос бадиий тасвирлар ва уларнинг ифодаси учун танланган сўзлар тизмасига диққат қилайлик: «Ҳар фил тоғдек кучи билан тоғларни кул қилур эрди. Ҳар бирининг жисми фалакдан нишон бериб, хартуми ҳам куҳкашондек, балки карнайдек, салобатда аждаҳо кўринур эрди».

Мулла Сиддиқ халқ жонли сўзлашув тилининг энг нозик ифодаларини топади: «Искандарнинг кўнглига бунукта уссоп қолғон кишиғо сув хуш калганидек хуш бўлди». «Савдогар жигаргўшасини топмаслиқтин ғамзада бўлуп, жигардин оҳларни чекил, бу ғамдин юриги пора бўлуп дедиким, овора бўлмоқтин ўзга чора йўқтур, қуюндек ҳар тарап ўзумни ургум». Савдогарнинг ўғлини «қонликқо топпурди». «Бир канизак эрдиким, жаҳонго ўт солип, жонларни куйдирар эрди».

Эртакларга хос тасвир: «Бул бор ичра бир олий иморат бор эрдиким, ул иморатнинг пояси палак баландроқ, равоқига булут сояси чушмас, томлири йеғиндин нам кўрмас, токлари ҳам чоқиндин шухла кўрмас эди». Таом емакка мойил бўлуп, газакларни элип, ошни тоттиларким, яр юзи ул неъматларга хон бўлуп, юз рангда неъматларини қуюп, ош билан тўққиз минг от учаси, яна қўй учасининг ҳадди- ҳисоби йўқ эдиким, юз мингдин ортукроқ эрди». «Айшнинг додининг бериб хурсандликка машғул бўлди». Садди Искандарий» насрининг тил хусусиятлари ҳақида гап борар экан, матнда юқоридагидек халқоналикнинг изчил эмаслигини ҳам қайд этиб ўтишга тўғри келади. Зотан, «Садди Искандарий» насрининг тили Мулла Сиддиқ қаламига мансуб «Фарҳод ва Ширин» баёнидан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Таъкидлаш керакки, «Садди Искандарий»нинг тили маълум даражада китобийдир. Мулла Сиддиқ ўз насрий баёнида мавжуд сарлавҳаларни асосан сақлайди, лекин улардан бирортасининг насрий баёнини бермайди. Мисолларга диққат қилайлик. «Садди Искандарий» достонида: «Қамарсайёҳсари ус-сайри қуёш била қирон қилгондек, хоқон Искандарга рисолат учун муқорин бўлғони ва ул муқоринадан муболаға борғач, қамардак нур ва сафодин тўлғони». Насрий баёнда: «Қамарсабоҳис сариус-сайри қиёш бирла қирон қилғондск, хоқон Искандарга рисолат учун мақорин бўлғони ва ул мақоринатдин мақобалаға боргоч, қамардек нурусафодин тўлгони». Шундай сарлавҳаларнинг насрдаги кўриниши Навоий аслияти билан ҳар икки асарнинг дастлабки саҳифаларидан эътиборан охиригача давом қилади. Сарлавҳаларни ўз ҳолича қолдиришда Мулла Силдиқнинг қандай бир тамойилга амал қилгани номаълум бўлиб қолади. Ҳар ҳолда бир поэтик асарни насрга ўгириш, унинг оммабоп нусхасини яратиш мақсад қилиб олинар экан, унинг ҳамма таркибий қисмларга бир хил назар билан қараш тақозо этилади. Насрий баён билан танишмоқчи бўлган китобхон ишни дастлаб сарлавҳадан бошлаши турган гап. Асарни тушунишда унинг дастлабки сарлавҳасидан эътиборан қийинчилик туғдирар экан, унинг остида турган матн ҳам ўз қимматини сақлаб қололмайди.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган мисолда кўриб ўтганимиздек, сарлавҳадаги «Қамарсабоҳис сариус-сайри қиёш бирла қирон қилғондек», «мақоринатдин мақобалаға боргач» «Қамардек нурусафодин тўлғони» каби ифодалар китобхоннинг насрдан кўзда тутган талабини қондира олмайди. Масалан, Мулла Сиддиқ насрида «ҳикмат номи остида берилган «Искандарнинг Аристодин суоли ул бобдаким, йигитликта табъ навчун ибораттин мутанаф-фидурур ва қорилиқто димоғ тааллукдин қосир ва ҳакимнинг пирона рой била шоҳи йўл кўргўзгони» сарлавҳасини ҳам шарқ адабиёти бўйича маълум ҳозирликка эга бўлмаган китобхон тушунишга қийналади. Тўғри, Мулла Сиддиқ Навоий достонини насрийлаштиришда бугунги китобхонини эмас, балки ўзига замондош бўлган адабиёт мухлисларининг билим даражасини кўзда тутган. Биз «Фарҳод ва Ширин» насрининг тил хусусиятлари муносабатлари билан ҳам шундай фикрни илгари сурган эдик. Лекин биз «Садди Искандарий» насри матни билан иш тута бошлаганимиздан кейин тилдаги орасира учраб турадиган луғатларга эмас, балки сарлавҳалардаги мураккабликларга дуч кела бошладик. Асарни тушунишда сарлавҳалар иккинчи даражали масала, гап наср матнининг ўзида дейдиган бўлсак, қарашлар бир қадар ўзгариши мумкин. Чунки юқоридаги мисоллар

воситасида асослашга ҳаракат қилинганидек, Мулла Сиддиқ боблар таркибидаги воқеа ва ҳодисалар талқинида, қаҳрамонларининг маънавий оламини очишида Навоий достонининг моҳир ҳикоячиси сифатида танилади. Навоий асарини оддий китобхонга тушунтиришда қиссалар, афсоналар услубини қўллашга ҳаракат қилади. Халқ жонли сўзлашув тилидан унумли фойдаланишга азм этади. Бироқ ана шу фазилатларга қарамай Мулла Сиддиқнинг «Садди Искандарий» насрий баёни тилида оммабоплик ҳамма ўринда ҳам бир хил савияда сақланавермайди. Бу ўринда ҳам ўқувчи анча-мунча изоҳталаб ибораларга, тушуниши қийин бўлган араб ва форсий сўзларга дуч келади. Мумтоз адабиётимиз тилида ўзлашиб кетган бу сўзларнинг айримларини луғатларсиз тушуниш қийиндир. Мана «Садди Искандарий» насри тилидаги шундай сўз ва сўз бирикмаларидан айримлари: «Шоҳи оламнинг бу янгилиғ алтофидин калган солиҳлар лутф-қарамини кўруб, хокироҳ булдиларким...», «Искандар дуямбора қучоқлашиб...», «Искандар фалак эҳтишом подшодурким, олам юзини мусаххар қилип, забардастларни сарафканда айлаб...», «абри-шимдин йупукларини боғлаб...», «Ул тошикоф бўлуб, қиличга ғилоф бўлур эрди».

Шу ўринда мумтоз адабиётимизда мавжуд насрий асарларнинг услуби ва тили хотирга келади. Улардаги мураккаблик ҳам нечоғликдир, Насрий баёнлар ўзига хос бир жанр, оммабоплик уларнинг энг ҳарактерли хусусиятидир. «Фарҳод ва Ширин» насрида бўлганидек, Мулла Сиддиқ «Садди Искандарий»да ҳам достоннинг ўзидан қатор шеър парчаларига мурожаат қилади. Наср муаллифи Искандарнинг Меҳрноз ва Равшанак билан бирга бўлишига бағишланган бобда Навоийга мурожаат қилиб, Меҳрноз ва Искандар ўртасидаги муҳаббат ва ҳижрон онларининг можаросига оид шеърлардан намуналар келтиради. Ҳарактерли жиҳати шундаки, Мулла Сиддиқ у ёки бу қаҳрамон тилидан айтилган гапни тўғридан-тўғри келтира қолмайди, балки халқ китоблари, халқ достонлари услубини қўллаб, қаҳрамонлар ҳаёти лавҳаларини сўзлаб келиб, лирик мурожаатлар чоғида навбатни Навоийнинг ўзига беради. Масалан, Искандар ва Меҳрноз мулоқоти ҳақидаги тасвирлар асносида Искандарнинг хитобномаси келтирилади. «Фарҳод ва Ширин» насрида муаллифнинг достоннинг ўзидан олинган талайгина шеърий парчалар баёнини ёнма-ён бериб боришни режалаштирилганлиги кўзга ташланган эди. «Садди Искандарий» насрида эса достондан олинган шеърий парчаларнинг баёни берилмайди. «Садди Искандарий» насрига Навоий достонининг боблари хотимасидан ўрин олган соқий ва муғаннийга мурожаатдан иборат лирик хотима лавҳаларининг ҳаммаси олинган. Уларни Мулла Сиддиқ «Соқийнома» сарлавҳаси билан атайди. Наср таркибида келган Навоий қаламига мансуб шундай соқийномалардан бирида шу соқийномага илова тарзида Мулла Сиддиқ томонидан битилган мисраларнинг учраши ҳарактерлидир. Наср муаллифи бобларни муқаддимавий байт билан бошлаб берувчи бароати истиҳлолларни аксарият мазмун теранлиги билан баёнга ўгириб бергани ҳолда айрим ўринларда Навоий матнидан чекинишга йўл қўяди.

Искандарнинг Меҳрноз ва Равшанак билан мажлисороликларига багишланган боб достонда қуйидаги бароати истиҳлол билан бошланади:

Бу пайкарни улким намудор этар,
Гўзориш ишин мундоқ изҳор этар.

Кўрамизки, мазкур мисралар бобнинг мазмунига шундай ишора қилиб турибди.

Мулла Сиддиқ «Садди Искандарий» достонини насрийлаштириб, оммабоп ҳолда китобхонларга тақдим этиш билан туркий халқлар маданияти олдида жуда катта

бир вазифани адо этган. Зотан, «Садди Искандарий» «Хамса»нинг энг залворли достонлариландир. «Садди Искандарий»нинг ғоявий-шаклий хусусиятлари билан қанчалик теранлик касб этишини тасаввур этмоқнинг ўзи қанча катта билим, иқтидор, малака ва салоҳиятни талаб қилади.

Мулла Сиддиқнинг Навоий асарлари асосида яратган насрий баёнлари уйғур адабиётида шу йўналишда юзага келган обидалар ўртасида залворли ўрин тутади.

***

Биз юқорида уйғур халқининг қадимий ва бой алабиёти равнақида маҳаллий омиллар билан бир қаторда жаҳон адабиёти бойликларининг ҳам муайян даражада ижобий роль ўйнаб келганлигини кўриб ўтдик. Хусусан, уйғур адабиёти тарихида

Навоий мероси ижобий роль ўйнади. Одатда даҳо сўз санъаткорлари ўзларининг ижодий ишлари жараёнида халқ донолигининг маҳсули бўлган халқ оғзаки ижодидан унумли равишда фойдаланадилар. Жаҳон адабиёти тарихининг тажрибасидан англанилишича, ўз навбатида буюк даҳолар халқ оғзаки ижодининг бойишига ҳам муносиб ҳисса қўшадилар. Бу тажрибанинг маъноси шуки, ўшандай катта истеъдод эгаси бўлган шоирларнинг достонларига хос бўлган сюжетлар, мавзу ва образлар вақтларнинг ўтиши билан халқ оғзаки ижодиётига кўчади ва халқ ривоятлари, халқ эртак ва афсоналари тусини олади. Истеъдод эгалари ўз ижодий тажрибаларида халқ мақолларидан фойдаланадилар ва уларнинг ҳикматона сўзлари ўз навбатида халқ мақолларини бойита боради. Бундай ҳолни Шарқадабиётининг Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Навоий ва Фўзулий каби йирик намояндалари мерослари мисолида кузатиш мумкин. Навоий халқ оғзаки ижоди билан маҳкам боғланган сўз санъаткоридир. Навоий ижодини дурру гавҳарларга тўлиқ денгизга қиёс қилади. Фольклорни чаман деб билади ва бу поёнсиз заминда «гул кўп, чаман кўп», деган эътиқодда бўлади. Шуниси ҳарактерлики, Навоий эътиқод қўйган халқ оғзаки ижоди шоир асарларини зебу зийнат бўлиб ёзади. Навоий асарларига халқ донолигини олиб кирди, халқ орзу-умидларини олиб кирди. Шоир асарлари, у яратган образларнинг умрбоқийлик касб этиб қолишининг бир сабаби шудир албатта, ўз навбатида эса даҳо сўз санъаткори ўзининг ҳақ ва ҳақиқатни куйлаган асарлари билан халқ ижодини муносиб равишда бойитди.

Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун, «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» каби достонларининг сюжет ва образлари афсоналар, эртаклар оламига кириб борди. Турли мундарижага эга бўлган халқ асарларининг юзага келишига асос бўлиб хизмат қилди. Шоирнинг ҳикматлари халқ мақоллари даражасига кўтарилди. Бу масаланинг ўзбек адабиётшунослигида махсус ўрганилганлигини эслаш жоиздир. Уйғур адабиёти, уйғур халқ оғзаки ижодиёти ривоятлар, афсоналарга ниҳоятда бойдир. Шу сирада Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайли, Дилором ва Меҳинбону образларига эга бўлган афсоналар ҳам учрайдики, улардан айримлари манбаларини уйғур халқининг ота-боболари тафаккурида жонланган асотирлардан, қадимги ривоятлардан олади. Илмий адабиётларда кўп мартаба олинган Туркистондаги минг уй тарихий обидасининг пайдо бўлиши афсоналарда бевосита Фарҳоднинг бунёдкорлик фаолияти билан боғланади. Кучар ва Бой шаҳарлари ўртасидаги қадимдан машҳур Шаҳриёр мавзеи, у ердаги дарё Фарҳод, Ширин ва Меҳинбону образларининг фидойиликлари билан дунёга келганлиги ривоят ва афсоналарда ҳамон нақл қилинади. Б.Аршиддинов ўзининг юқорида эсланган «Уйғур классиклари ижодиётида достон жанри» китобида Низорий ва Умар Боқийларнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби достонларига манба бўлган халқ оғзаки ижодиёти асарларини эслайди. Шубҳасизки, Навоийгача халқ орасида маълум бўлган афсоналарнинг ёнига Навоий

достонлариниг Шарқий Туркистонда кенг тарқалиши муносабати билан яна янги-янги афсоналар қўшилди. Бу фикрни Р. Сабитов ўзининг юқорида эсланган мақоласида келтирилган «Фарҳод ва Ширин» афсонасининг сюжети ҳақидаги фикр мулоҳазалари билан яна бир карра исбот этади. Меросининг халқ оғзаки ижодиётидаги хусусида илмий адабиётларда юқоридагидек фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, мазкур масала ҳали кенг кун тартибига қўйилган эмас. Шарқий Туркистонда Навоий ҳақидаги мавжуд ҳикоятлар, Навоий мавзулари заминида халқ оғзаки ижодиётида пайдо бўлган афсоналар, эртаклар ўрганила бошланган. Лекин ҳали фольклоршунослар олдида турган вазифалар чексиз-чегарасиздир. Уйғур адабиётшунослиги олдида эса мавжуд бой манбалар асосида «Навоий ва ижодиёти» мавзуини кенгкўламда тадқиқ этиш масаласи турибди. Бу масаланинг ишланиши «Навоий ва уйғур адабиёти» мавзуининг тадқиқ этилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади деган фикрдамиз. Зеро, биз ўз тадқиқотимизга оид манбалар устидаги ишимиз давомида Шарқий Туркистон, шунингдек, Марказий Осиё республикаларида сақланаётган қўлёзмаларда, ўз навбатида ва энг муҳими, халқ оғзида сақланиб келаётган мероси билан алоқали бир қатор афсоналарга дуч келдик. Уларни тўплашда, шунингдек, тадқиқ этишда фаол бўлиш вазифаси олдинда турибди.

Биз илмий ишимизга танлаб олган мавзунинг кўлами кенг бўлганлиги сабабли «Навоий ва фольклори» муаммосини қамраб ололмадик. Зеро, бу махсус тадқиқот мавзуи бўлмоғи керак.

ХУЛОСА

Ҳар бир адабиётнинг сарчашмаси дастлаб ҳаётдир. Шу билан бирга адабиётнинг тараққиётида воситачилик омилига эга бўлган шарт-шароитлар ҳам бўлади. Булардан биринчиси, шу адабиётнинг бутун тарих давомида шаклланган мумтоз анъаналари бўлса, иккинчиси, халқ оғзаки ижодиётидир. Адабиёт тараққиётининг яна бир муҳим омили бор. Бу турли эллар, элатлар адабиётлари ўртасидаги алоқалардир. Алоқалар ўзларининг мустаҳкам маҳаллий замини асосида тараққий этиб келаётган адабиётга дунё адабиётини танитади ва шу жаҳон адабиётининг энг нодир ютуқларини ташкил қилиб бораётган обидалардан баҳраманд этади. Уни адабиётнинг умуминсоний қонуниятлари билан бойитади.

Натижада ўзининг маҳаллий, миллий доирасидан юқори кўтарилиб, қўшни қардошлар билан алоқага киришилган адабиёт бошқалардан ўрганибгина қолмай, уларга қудратига ҳам эга бўла боради. Унинг жаҳоний эътирофи кучаяди.

Бу қайд ва хулосалар тўлиғича уйғур адабиётига ҳам тааллуқлидир Жаҳонннинг кўҳна ва бой адабиётларидан бири сифатида танилиб, дастлаб Шарқда шуҳрат қозонган уйғур адабиёти асрлар оша дунё адабиёти хазинасини ўзининг умрбоқий «Кутадғу билиг» асари билан бойитган Юсуф Хос Ҳожиб каби мумтоз сўз санъаткорини етказди. Бой оғзаки ижодиёти билан муштарак асосларда тараққий этиб келган туркий фольклорга муносиб ҳисса қўшди. Уйғур адабиёти тарихининг тараққиёт йўллари, алоҳида босқичларини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, у бошқа туркий халқлар адабиёти, шунингдек, форсий тилдаги адабиёт билан яқин муносабатлар жараёнини бошдан кечирди. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» асарида унинг тожиклар орасида «Шоҳномаи туркий» номи билан маълум бўлганлигини фахрланиш билан қайд этади. Ўз навбатида, китобхонлари

Шарқнинг Фирдавсий, Низомий, Жомий каби сўз санъаткорларидан ва биринчи навбатда улуғ устоз Навоий асарларидан маънавий озиқ олдилар. Улуғ мутафаккир шоири Навоийнинг мероси Шарқий Туркистонда кенг тарқалди. Кўп асрлик мумтоз анъаналари заминида мустаҳкам туриб, ажойиб асарлар яратган Абдурашидхон, Низорий, Ғарибий, Зиёий ва Билол Нозим каби уйғур қалам аҳллари ўз адабиётларининг Навоий даҳосидан ўрганишларига ижобий назар билан қарадилар.

Маълумки, Навоий шарқ адабиётининг нодир асарларига, у қайси бир халққа дахлдор бўлмасин, катта рағбат билан қаради. Шарқнинг даҳо сўз санъаткорлари қаламларига мансуб асарларни ўзбек китобхонлари ўртасида ташвиқ этди. Шарқ адабиётида кўплаб ишланаётган сюжетлар, машҳур бўлган образлардан ижодий фойдаланиб, янти ғоявий-бадиий мундарижага эга бўлган асарлар яратди. Ўзбек адабиётининг Шарқадабиётлари ўртасидаги мавқеини оширищда бу асарлар фавқулодда роль ўйнадилар. Навоийнинг Шарқ адабиёти олдидаги катта хизматларидан бири - у Низомий, Деҳлавий ва Жомий каби буюк сўз санъатқорлари изидан бориб, бадиий анъаналарнинг умуминсоний ҳарактерини кўрсатиб берди. Ўз асарлари билан лирика ва достончилик соҳасидаги анъаналарнинг ҳаётийлигини, ижодийлигини намойиш этди. Бирор адабиётда пайдо бўлган мумтоз асарнинг анъанасини қабул қилиш, шу асосда янги ғоявий-бадиий мундарижага эга бўлган асарлар яратиш тажрибасини кенг ёйди.

Улуғ устознинг бу сабоқлари жуда катта мазмунга эга эди. Уйғур китобхонлари, уйғур сўз усталари ўз ижоди билан туркий тилдаги адабиётни бадиий тафаккур ҳосилалари билан бениҳоя бойитган ва уни юксак поғоналарга кўтарган Навоий сиймосига ўз муршидлари сифатида қарадилар. Устознинг маҳорат сирларини ўрганиш йўлини тутдилар. Шу ҳол алоҳида таъкидга лойиқки, уйғур шоирлари Навоийнинг ижод оламига чуқур кириб бориб,

ундан баҳравар бўлиб қолдилар. Навоий адабиётнинг нуфузини кўтариш адабиётида катта анъаналар даражасига кўтарилган сайёр сюжетлар, мавзулар асосида асарлар яратиб муваффақият қозона билишда деб сабоқ берди. Бунинг учун эса маҳаллий адабиёт доирасидан юқори кўтарилиш, маҳаллий анъаналарни ўз анъаналари билан бойитган ҳолда иш кўриш талаб қилинар эди. Навоийнинг Низомий, Деҳлавий ва Жомийлар асарларига муносабати, улар томонидан айлантирилган мавзулар, образларни танқидий ўрганиш билан янги кашфиётлар йўлини тутиши, лирика ва эпик поэзия соҳасидаги бетакрор муваффақиятлари уйғур қалам соҳиблари учун ана шундай маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Адабиётда ижодий изланувчиликка даъват этиш Навоийнинг қалам соҳибларига қолдирган энг катта навбатдаги сабоғи эди. Уйғур адиблари устознинг шу сабоғи асосида иш тутдилар.

Низорий жиддий ижодий изланиш билан яратган «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонлари билан маҳаллий манбаларнинг Навоий анъаналари билан уйғунлаштиришнинг ижобий бир тажрибасини кўрсатди. Биз бу масалани тадқиқотда атрофлича таҳлил этдик. Шу билан бирга, Низорий уйғур

Фарҳодномасини яратишга киришар экан, Навоий достонидан узоқлашишни кўзда тутмайди. У «Фарҳод ва Ширин»нинг марказий қаҳрамонларининг ишқий сарузаштлари баёнида Навоий томонидан айтилганларни такрорлаш фикридан ҳам узоқ эди. Низомий Ганжавий ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонида бу қиссани ўзининг «Шоҳнома»сида мўъжазгина олган устоз Фирдавсийни эслаб, «мен ўз асаримда (Фирдавсийнинг демоқчи) айтганларини такрорламадим, агар у айттанларини мен ҳам такрорлаб, унинг қадрини синдирсам, менинг ҳам қадримни синдирувчилар топилиб қолади», дейди. Низорий устознинг шу ўгитига қулоқ тутгандай бўлади ва Навоий достони сюжети ва образларини ўзи янги ўрганган манбалар билан уйғунлаштиргани ҳолда ўзига хос талқинлар йўлидан боради. Фарҳод ва Ширин ўртасидаги муфассал севги саргузашти билан танишиш ихтиёрини китобхоннинг ўзига ҳавола қилади. Унинг диққатини Навоий «Хамса»сига тортар экан, туркий тилдаги адабиётлар ўртасидаги алоқаларга таянади. Натижада Низорий ўзининг бу иши билан уйғур адабиётида «янги бир услуб»га асос солади. Шоирнинг бу услуби унинг «Лайли ва Мажнун» достонида ҳам кузатилади. Бу Низорий достонларининг оригиналлик хусусиятларини кўрсатувчи жуда муҳим бир белгидир.

Шарқ адабиётида «Гул ва Булбул» қиссаларининг манбалари узоқларга бориб тақалади ва унинг тадрижий тараққиёти мураккаб бир жараённи ташкил қилади. Туркий адабиётда тугал «Гул ва Булбул» достони уйғур шоири Ҳирқатий қаламига мансубдир. Ҳирқатий ўз асари устидаги ишида халқ ижодиёти, ёзма адабиётида юзага келган «Гул ва Наврўз» каби достонлардан қанча бахраманд бўлган бўлса, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ига ҳам шу даражада таянади. Талқиқотда бу масала атрофлича ўрганилар экан, биз «Гул ва Булбул» достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари асосида Ҳирқатийнинг катта ижодий кашфиётларга эришган сўз санъаткори сифатидаги ўрнини ҳам ҳаракат қилдик. Шоир уйғур адабиётини мажозий образлар асосидаги янги бир достон билан бойитар экан, Шарқ достончилигини ўзининг муносиб усули билан бойитди. Низорий қаламига мансуб «Робиа ва Саъдин» достонини ўз даври адабиётининг мумтоз асари сифатидаги муваффақиятида ҳам анъаналар билан боғланишининг самарали натижалари кўзга ташланиб туради.

Туркий тилдаги насрий баёнларнинг тамал тошини илк дафъа уйғур адиблари қўйдилар деган хулосани алоҳида таъкидлаш керак. Насрий баёнларнинг назарий ва амалий

тажрибалари ҳам дастлаб уйғур адабиётида юзага келди. Мулла Сиддиқ Ёркандий, Сабурий, Умар Боқий каби адибларнинг бу йўналиш бўйича олиб борган ижодий изланишлари насрий баёнларнинг ўзига хос адабий ҳодиса сифатидаги характерини намойиш этди. Уйғур шоирлари ўз тажрибаларида Навоий асарларига мурожаат этиш билан адабиётда ворисийликнинг аҳамиятини юқори кўтардилар. Ворисийликнинг катта кашфиётларга йўл очиб беришини ўз ижодлари мисолида исбот этдилар. Шундай қилиб, улар томонидан Навоий «Хамса»си мавзуларининг янгидан қаламга олиниши ва муваффақиятли ишланиши ўз моҳияти билан уйғур достончилигининг тадрижий тараққиётида муҳим омилга айланди. Уйғур адабиётида Навоий достонлари насрий баёнларининг юзага келиши туркий адабиётда шундай бир йўналишнинг пойдеворини яратди ва бу тажриба ўз оқибатлари билан уйғур насрининг тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ушбу наср намуналари Шарқ алабиёти ва ўз навбатида, туркий адабиётлар тарихида насрнинг заифлиги ҳақидаги бирёқлама қарашларнинг асоссизлигини исбот этди. Уйғур мумтоз адабиётига хос бу хусусиятлар бугунги уйғур адабиётида ҳам ижодий давом эттирилмоқда. Мулла Сиддиқ Ёркандий каби адиблар томонидан амалга оширилган наср намуналари бугунги уйғур романлари муваффақиятини таъмин этган муҳим омиллардан бири сифатида ҳам аҳамиятга молик.

Уйғур-ўзбек адабий алоқаларининг бугунги босқичида мумтоз адабиётларимизнинг тарихдаги тажрибаларига таяниш, уларни давр талаби асосида давом эттириш ниҳоятда муҳимдир.

МАЪМУРА РАШИДОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ “НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚОТИ

монография

КИРИШ

Улуғ мутафаккир шоир ва олим Алишер Навоийнинг адабий-бадиий меросини ҳар томонлама ва янада чуқурроқ ўрганиш адабиётшуносликнинг доимий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Навоий ижоди ва фаолиятига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, унинг серқирра ва чуқур мазмунли ижод самараларини янада мукаммалроқ тадқиқ этиш учун яна бажарилиши лозим бўлган ишлар мавжуд. Бу иш Навоий асарларининг энг қадимги қўлёзма нусхаларини илмий асосларда ўрганиб, муаллиф матнини тиклашдан иборатдир.

Маълумки, Навоий асарлари беш юз йил давомида фақатгина қўлда кўчирилиб кўпайтирилган. Бу ишни билими, уқуви ва тажрибаси ҳам ҳар хил даражада бўлган хаттотлар амалга оширганлар. Улар матнни кўчириш жараёнида маълум сабаб ёки мақсадларда унга айрим ўзгартишлар, қўшимчалар киритганлар. Шунинг учун ҳам ҳар бир нусханинг ўзига хослиги, бошқа қўлёзмалардан фарқли томонлари бўлиши табиийдир. Ҳатто бир қўлёзмадан ёки бир-биридан кўчирилган бир неча нусхалар орасида ҳам тафовутлар бўлади. Аввалги кўчирилган нусхада йўл қўйилган ноаниқликлар, хатолар кейинги нусхаларга табиий равишда ўтиши ва яна кейинги хаттотнинг ҳам унга қўшимчалар киритган бўлиши эҳтимолини ҳисобга олсак, михбосма ва тошбосма усулда чоп этиш учун битилган қўлёзмаларнинг асл нусхадан қанчалик узоқлашганлигини тасаввур қилиш мумкин. Қўлдан-қўлга ўтиб кўчирилган нусхаларда вақт ўтган сари қўшимчалар, камчиликлар, ўзгартишлар, ноаниқликлар, хатолар тобора кўпайиб борган. Демак, асарлардан нусхалар қанчалик кўп кўчирилган бўлса, улар муаллиф матнидан шунчалик йироқлашган.

Шунинг учун ҳам Навоий ижодини ўрганишда муаллиф матнини тиклашнинг аҳамияти каттадир. Бу иш асарларнинг ижодкор қаламига мансуб нусхалари мавжуд бўлмаган тақдирда муаллиф яшаган даврда ёки шунга яқинроқ вақтда кўчирилган нусхалар асосида амалга оширилмоғи лозим. Муаллиф матнига яқин нусха ана шундай қадимий қўлёзмалараро содир бўлган фарқларни илмий асосда текшириб, қўшимча ва ўзгартишлар аниқланиб, хатолар, камчиликлар бартараф қилинган тақдирдагина вужудга келади.

Навоий асарларининг мукаммал матнларини тузиш матншунослар олдида турган муҳим долзарб масаладир. Чунки“текстология (матншунослик) фани янги тажрибалар билан бойиб бормоқда. Ўтмиш маданий меросга, шу жумладан Навоий ижодига бўлган қизиқиш... тобора ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам энди навоийшунослик кун тартибига Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш масаласи биринчи бўлиб кирмоқда”[1].

Навоий асарларининг академик нашри илмий-танқидий матнлар асосида амалга оширилмоғи керак. Бу соҳада матншунос олимлар таҳсинга лойиқ бир қанча ишларни амалга оширганлар[2]. Улар томонидан Навоийнинг қатор йирик асарлари илмий-танқидий матнлари яратилган бўлса-да, лекин хали ҳамма асарларининг ҳам матни илмий-танқидий асосда тузиб чиқилмаган. Шулар жумласига шоирнинг “Назмул-жавоҳир” асари ҳам киради.

[1] Ҳайитметов А. Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1976 йил, 1-сон, 32-сах.

[2] Кононов А.А. Алишер Наваи. Возлюбленный сердец (сводный текст).Изд-во АН, М.,Л.,1948; Иззат Султонов. Алишер Навоий, Мезонул-авзон. Танқидий текст. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1949; Шамсиев П. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. ЎзФА нашриёти, 1948; Алишер Навоий. Хамса. Сабъаи сайёр. Илмий-танқидий текст. Тошкент, Ўз ФА нашриёти, 1956; Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Илмий-танқидий матн. Тошкент, 1963; Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тошкент. 1970; Ҳамид Сулаймон. Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Тошкент. ЎзФА нашриёти, 1959; Ғаниева С. Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий текст. Тошкент. ЎзФА нашриёти, 1961; Эшонхўжаев Ш. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Илмий-танқидий текст. Ўз. “ФАН” нашриёти. Тошкент, 1965.

“НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ ТАРИХИЙ-АДАБИЙ ШАРҲИ

Асарнинг ўрганилганлик даражаси. “Назмул-жавоҳир” дастлаб Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан чоп этилган шоир асарларининг 15-жилдида қисқарган ҳолда босилган. Асарни матншунос олим Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган. Асар ҳақида бир неча илмий мақолалар эълон қилинган. Жумладан, юқорида тилга олинган нашр учун академик Азиз Қаюмов сўзбоши ёзиб, унда “Назмул-жавоҳир” асари ҳақида қимматли фикрлар билдиради[1]. Асардан намуналар келтирилиб, таҳлил этилади.

“Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг II жилдида ҳам “Назмул-жавоҳир” асари ҳақида мақола мавжуд. Унда мақола муаллифи филология фанлари номзода Суйима Ғаниева асарнинг аҳамияти тўғрисида, унинг ёзилиш сабаблари ҳақида тўхтаб ўтади[2]. Шунингдек, олима томонидан “Ўзбек тили ва адабиёти” (1991 й., № 1) илмий тўпламида “Назмул-жавоҳир” асари муқаддимаси эълон қилинди. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан чоп этилган 20 томлик асарлар тўпламининг 15 томида берилган “Назмул-жавоҳир” асари ҳам муқаддима, тўртликларга асос бўлган арабча ҳикматли сўзлар ва уларнинг изоҳи билан муҳтарама олима С.Ғаниева томонидан нашрга тайёрланган.

Адабиётшунос олима Тамила Ғофуржонова “Навоий ва адабий таъсир масалалари” мақолалар тўпламида ЎзФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган XIX асрга мансуб “Назмул-жавоҳир”нинг тўртта қўлёзмаси ҳақида маълумот беради[3].

И. Ҳусанхўжаевнинг “Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида” номли китобчасида бошқа асарлар қатори “Назмул-жавоҳир” тўртликларидан ҳам кўплаб мисоллар келтирилади[4].

Туркиялик навоийшунос олим Огоҳ Сирри Лаванд томонидан 1968 йили Анқарада, Навоий асарлари тўпламининг IV жилдида “Назмул-жавоҳир” асари чоп этилган. У жилднинг 37-42-саҳифаларидан жой олган бўлиб, асарнинг муқаддима қисми қисқарган ҳолда, баъзан ноширнинг шарҳлари билан аралаш ҳолда нашр этилган[5]. “Назмул-жавоҳир”ни асосан ташкил қилувчи тўртликлари эса чоп этилмаган. Олим асарнинг яратилиш сабаби ва мақсадларини ёритиш билан кифояланган.

Бундан кўринадики, Алишер Навоийнинг “Назмул-жавоҳир” асари мақолалар ҳажмида таҳлил этилган. Асардан олинган парчалар кўпгина илмий мақолаларда мисол сифатида келтирилган бўлса-да, у яхлитлигича, мукаммал ва ҳар томонлама тадқиқот объекти бўлган эмас.

“Назмул-жавоҳир” муқаддимасида илгари сурилган ғоялар

Алишер Навоий “Назмул-жавоҳир” асарига каттагина муқаддима ёзиб, унда бу асарни ёзишдан кўзда тутган мақсади, вақти ва унинг кимга бағишланганлиги ҳақида муфассал маълумотлар беради. Унда шоирнинг диний, фалсафий ва маънавий дунёқараши яққол акс этган. Ҳар бир насрий фалсафий мушоҳада бир тўртлик билан мустаҳкамланади.

Муқаддима анъанавий наът, тангри мадҳияси билан бошланади. Сўнг шоир бу асарни битувчи кишининг кимлигини жуда камтарлик билан маълум қилади. “Ул саҳифа

---

[1] Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 15-том.
[2] Ўзбек адабиёти тарихи, 5 томлик, II том. Ўз. “ФАН” нашриёти. Тошкент, 1977 й., 195-201-бетлар.
[3] Навоий ва адабий таъсир масалалари. Ўз. “ФАН” нашриёти. Тошкент, 1968 йил.
[4] Ҳусанхўжаев И. “Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида”, “Ўрта ва олий мактаб” Давлат нашриёти. Тошкент, 1963 й.
[5] Agah Siirri Levend. Alisher Nevai. IV jilt. Turk tarih kurumu basimevi. Ankara. 1968.

нуктаоройларининг гадойи ва бу ҳадиқа чаманпиройларининг дарюзанамойи фақири ҳақир, яъни Навоий” баён этадики, то унинг айтганлари баданларга жон бағишласин, жондек кишининг қалбига жойлансин.

Навоий сўз мадҳига алоҳида ўрин ажратади. У инсоннинг маҳлуқотдан ажралишига, одамзоднинг ҳамма ҳайвонотдан устун, улуғвор бўлишига нутқу мақол, яъни сўз сабабдир, деб ёзади: “Инсонни сойир маҳлуқотдин мумтоз ва мажмуъ офаринишқа сарвару сарафроз қилдиким... мунга жиҳати шараф нутқу мақол эрди ва мужиби лутф каломи фархунда маол, ҳар оина бу жавҳари жонбахш башар хилқати конидин ва лулўи равонбахш инсон вужуди уммонидин зоҳир бўлмаса эрди Исо била маркаби аросида не тафовут ва Солеҳ била ноқаси ўртасида не муғоярат бўлғай эрди”.

Агар гўзал мазмунли лутфу калом – бу қимматбаҳо, жон бағишловчи жавҳарлар одамдек қадрли зот қалбидан, жонбахш дурлар инсон вужуди қаъридан юзага чиқмаганда Исо билан улови орасида не фарқ ва Солеҳ била туяси ўртасида қандай тафовут бўлар эди.

Ҳақиқатан, инсон мавжуд ҳайвонот орасида онглилиги билан, фикрини сўз аталмиш бебаҳо гавҳарлар орқали намойиш қила олиш қобилияти билан энг олий хилқат ҳисобланади. Сўзнинг қудрати, унинг гоҳида идрок чегарасидан чиқиб кетажак қуввати беқиёсдир.

Навоийнинг сўз ҳақидаги насрий мушоҳадалари ушбу рубоий билан мустаҳкамланади:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Жамии Шарқ мутафаккирлари сингари Алишер Навоий ҳам Инсонни илоҳиётнинг энг сўнгги кашфиёти деб билади. У устоз салафлари – Низомий, Деҳлавий, Жомий ва бошқа классик шоирлар талқинига ҳамоҳанг фикр юритади: Аллоҳ оламни яратди, лекин уни қандай тажҳизот (станок) ила яратди, ёлғиз ўзигагина маълум. Ана шу яратилган борлиқни, жамъи мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилиш учун катта мазмундаги Одамни яратди ва унга ақлу фаросат, тил берди. Демак, барча орифлар сингари Навоий ҳам “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин” деб ҳақиқат мажозини эътироф этади. Кишининг тириклигидан нишон берувчи ҳам сўз, жонондан жонга хабар етказувчи ҳам сўз, инсонни ҳайвондан ажратган ҳам сўз, хуллас, сўздан улуғроқ, қадрлироқ гавҳарнинг ўзи йўқ.

Навоий сўзни уч қисмга ажратади: юқори (аъло), ўрта (авсат) ва паст (адно) даражаларда қўлланиладиган сўзлар. “Сўзга маротиб бор ва ҳар мартабада ҳунару маойиб ва ул маротиб ижмол юзидин идрок диққатойинлари ва уқул хурдабинлари қошида уч қисм била минқисмдур ва лекин тафсил ҳисобида кўпрак мутафарриъ бўлур. Чун бу мухтасар мақолотда сўз мартабаси баситининг кунжойиши йўқ эрди ва бу муҳаққар калимотда сўз мадорижи рифъатининг оройиши сиғмас эрди. Ҳар ойинаким, ижмол тариқи била ихтисор қилилдиким, аъло ва авсат ва адно бўлғай”.

Агар сўз ҳақида янада чуқурроқ, кенгайтириб сўзланса, унинг тармоқлари жуда кўпдир. Лекин шоир бу қисқача мақолотда сўз даражаларининг барчасини таҳлил этиш имконига эга эмаслигини билдириб, қисқача бўлса-да, уч тоифа сўзга таъриф беради. Сўз даражалари хусусидаги фикрини якунлар экан, шоир хулоса сифатида ушбу тўртликни келтиради:

Рифъат аро фавқ арши аъзам сўз эмиш,
Жонбахш дам масиҳи Марям сўз эмиш.
Маъни дури анда барча мудғам сўз эмиш,
Улким анга маъни ўлмағай ҳам сўз эмиш.

Навоий сўз боғи шундай бир гулистондирки, унда жон бағишловчи, ёқимли ҳидли чиройли дарахтлар ва роҳат, ором берувчи ранг-баранг хушбўй ўсимликлар жуда кўпдир, шу билан бирга фойдасиз хасу хашаги, ҳатто зарарли тиканлари ҳам бордир, дейди.

Шоирнинг "булбул табъи" сўз гулистонини ўзига манзил қилди, гул иси димоғига ғулғула, гул бутоғининг ёқимли шабадаси жониға фиғон солди. У хасу хашакка қарамай, тикан озорларига парво қилмай сўз жамолини маъқул кўрди ва ажойиб, маъноли сўзлар гўзаллиги билан машғул бўлди.

Навоий шундан сўнг "Назмул-жавоҳир" асарининг ёзилиш сабаблари ва ёзилган вақтини муфассал баён қилади: "Ложарамким, кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли ва онинг тафсири қийлу қоли била ўтар эрди. Ё аҳодис дарёсиға ғаввослиқ қилур эрдим ва ондин гаронмоя гавҳарлар иликка кивурур эрдим, ё ҳазрат Амир сўзлари равзалари тамошосиға қадам қўёр эрдим. Ҳар равзада... висолларидин баҳра топар эрдим, батахсис "Насрул-лаолий"ким, ул ҳазратнинг вилояти дарёсидин чиққан самин лулўлардур".

Шубҳасизки, кўпроқ вақтим Каломуллоҳни мутолаа қилиш ва унинг сўзлари мағзини чақиш билан ўтар эди. Ёки ҳадислар дарёсида ғаввослик қилар эдим, ундан қимматбаҳо гавҳарлар қўлга киритар эдим. Ёки ҳазрат Амир сўзлари боғи тамошосига қадам қўяр эдим. Айниқса "Насрул-лаолий" асари ул ҳазратнинг вилояти дарёсидан чиққан қимматбаҳо бир жавҳар эди, деб ёзади Навоий. "...Бу лулўларниким, Араб шоҳ вилоятининг баҳри кафи сочибдур, форси услуб била назм силкига тортадур ва ул инжуларниким, Мағриб дарёси ёқосиға тўкулубтур, интизом риштасига чекадур. Паришон хотирға ва ошуфта замирға бу савдо кўп дағдаға солур эрдиким, туркий тил била мен ҳам ул лаолини ораста қилғаймен ва бу муддао кўп тараддуд еткурур эрдиким, мўғул услуби била мен ҳам ул жавоҳирни пироста этгаймен".

Англашилишича, бу ҳар бири бир гавҳарга тенг, қимматбаҳо сўзлар араб тилида битилгандир. Уларнинг ҳар бири асосида форс тилида бир тўртлик яратилган. Мағриб дарёси бўйларига тўкилган инжуларни, яъни араб тилидаги ҳикматли сўзни тартиб билан назм ипига (форс тилида) терилган. Демак, ҳазрат Амир яратган "Насрул-лаолий" ўз номи билан насрий гавҳарлар (ҳикматли сўзлар) араб тилида бўлиб, форс тилида ҳар бир ҳикматли сўз бир тўртлик шеър ҳажмида ўз бадиий ифодасини топгандир. Навоий кўнглида энди ана шундай назмий жавоҳирларни туркий тилда яратиш муддаоси туғилади: "То ондин турк улусиға ҳам хатти шофи ва баҳраи вофи муяссар бўлғай. Аммо машаққату меҳнат касратидин, балки бизоату фароғат қиллатидин бу мурод этагига ва бу мақсуд зайлиға илигим ура олмас эрдим". Аммо ишларим кўплигидан ва бўш вақтнинг камлигидан мақсадимни амалга оширишга қўл ура олмас эдим, - деб ёзади Навоий. Ана шундай бир вақтда тарих 890 йил (1585) эди, Султон Абулғози Ҳусайн Баҳодирхон бир рисола яратиб, унда кўп эътиборни Навоийга қаратади. Бундан ҳайратланган шоир ўз ҳаяжонини мана бундай ифодалайди:

Не сафҳаи иқбол саодатдур бу,
Алфози аро не зебу зийнатдур бу.

Маънисида ҳар сари не диққатдур бу,
Олам элига мужиби ҳайратдур бу.

Навоий ижодий фаолиятининг равнақи йўлида Ҳусайн Бойқаронинг таъсири ва эътибори бениҳоядир. Ҳусайн Бойқаро Навоийга дўст сифатида ҳам, буюк олим ва файласуф шоир сифатида ҳам шундай юксак бир эътиқод билан қарар эдики, ўз навбатида Навоий ҳам унга нисбатан меҳр ва ҳурмат-эъзозини кам қилмади. Бу дўстлик, меҳру оқибат Навоийнинг деярли барча асарларида тилга олинади, шоир Ҳусайн Бойқарога чуқур миннатдорчилигини ва у туфайли эришган ютуқларини доимо ёд этади.

Жумладан, “Назмул-жавоҳир” муқаддимасида ҳам Навоий Ҳусайн Бойқаро васфига муносиб ўрин беради:

Жисм ўлди жаҳон, бу жисмнинг жони ҳам ул,
Тахт ўлди фалак, бу тахт султони ҳам ул.
Баҳр ўлди маоний, гуҳарафшони ҳам ул,
Олам элининг шоҳи суҳандони ҳам ул.

Шу билан бирга Ҳусайн Бойқаро “Рисола”сига ўзининг муносабатини, ундаги ўзига бағишланган сатрларга нисбатан миннатдорлик ҳиссини жуда камтарона ўхшатмалар орқали билдиради: “...фазлу камол ва ҳусни мақол аҳлиға марқум эрдиким, илмлари дарёсидин сипеҳрнинг гунбад обгуни ҳубоб ва анжумнинг қатарот сиймобгуни дурри ноб бўла олғай ва фазллари гулистонидин ҳар ҳақир гулбунни гунбад нилуфари, ҳар камина сориғ гулни хуршид ховари деса бўлғай ва назмларининг жонбахш ва равонлиғидин чашмаи ҳаёт оғзида сув ва насрларининг тафриҳ ва нашотангизлиғидин субҳи содиқ лабида кулгу ва бу жамъ аржуманд зумрасида ва бу хил бемонанд орасида жавоҳир силкида чашми захм дафъи учун шабани тортқондек ва бу тийра рўзгорни ҳам сиғуруб ва раёҳин дастасида айнул камол газанди манъи учун хошокни чеккандек бу хоксорни ҳам киюруб эрдилар... хошоки хоксор таърифида байзораваш сафҳа баёзида ахтар монанд жавоҳир тўкубтур”, - деб ёзади Навоий. Бу фикрларининг барчасини хулосалаб ушбу тўртликни битади:

Бир заррани меҳри зарфишон васф этмиш,
Бир қатрани баҳри бегарон васф этмиш,
Бир хастани Исое замон васф этмиш,
Бир бандасини шоҳи жаҳон васф этмиш.

Басират аҳли тааммул қилсунлар ва ҳамийят хайли тафаккур айласунларки, бу пешайи заиф юз пил боло мавҳибат муқобаласида не қила олғаймен ва бу гадойи наҳиф минг ганж сипеҳросо саховати узрин етиб қўла олғай, агар дуоға иктифо қилсам, фарзанки, ҳаётим минг йил бўлса ва ҳар сари мўюм ўрниға минг тил ва ул тиллар барча дуоға жорий ва ул дуолар ўқи истижобат ҳадафиға корий, юз мингдин бирининг муқобаласида бўлмағай...

Навоий Ҳусайн Бойқаронинг унга кўрсатган буюк эътироф ҳамда эътибори қаршисида лол бўлиб, ўзининг фақирона аҳволини шундай баён қилади: Мен бир ҳунари заиф юз фил янглиғ баланд эҳсон қаршисида не қила оламан, агар ҳаётим минг йил бўлсаю, ҳар соч толаларим ўрнида минг тил ва бу тиллар фақат дуо қилсалар, бу дуолар эса фақат кор қилган тақдирда ҳам (Ҳусайн Бойқаро эътирофининг) юз мингдан бирига тенг келмас.

Қўлимдан келсайдики, тўққиз осмоннинг юлдуз жавоҳирларини ва марварид юлдузларини ул ҳазратнинг оёғи остига сочар эдим, булар ул ҳазрат сочган дурлар олдида ҳеч нарса эмас, деб ёзади Навоий.

Шоҳ эътиборига муносиб жавоб бериш ҳақида Навоий кўп мулоҳаза юритади:

Бу фикр ғам ўтиға кабоб этти мени,
Бу дағдаға бетоқату тоб этти мени,
Бу қайғу асиру изтироб этти мени,
Ҳосилки бу андиша хароб этти мени.

У ... боқиб турай десам ҳамийят рухсат бермас ва боқиб турмасам ҳеч иш онинг чораси эрмас, деб ҳайрон турганда, ғойибдан бир нидо келади: "Бу навъ лулўларким, шоҳ бошининг нисориға лойиқ бўлғай тиларсен ва андоқ инжуларким, шаҳоншоҳ фарқининг исориға мувофиқ истарсен".

Шундан сўнг Навоий ҳазрат Амир "Насрул-лаолий"сини туркий тил билан назм этишга киришади ва буни шоҳга бағишлашни лозим топади.

Бизгача бу асарни ўрганган навоийшунос олимлар ўз тадқиқотларида Навоий тўртликларига асос қилиб олинган арабий ҳикматлар мажмуи "Насрул-лаолий"ни ҳазрати имом Алига нисбат берадилар. Улар бу борада француз шарқшуноси Белен фикрига суянадилар. Бу ҳикматлар ҳақиқатан Алига тегишлими? Биз бу саволга жавобни Навоийнинг ўз сўзларидан топамиз. "Назмул-жавоҳир" муқаддимасида Навоий "Насрул-лаолий" асари ҳақида гапирганда икки мартаба ҳазрат Амир номини тилга олади. Шу ўринларни келтирамиз: "...Ҳазрат Амир сўзлари равзалари тамошосиға қадам қўёр эрдим... "Насрул-лаолий"ким ул ҳазратнинг вилояти дарёсидин чиққан самин лулўлардур... Ҳазрат Амир "Насрул-лаолий"си таржимаси азиматин қилдим". Очиқ кўриниб турибдики, "Насрул-лаолий" ҳазрат Амирул-мўминин, яъни ҳазрати имом Али қаламига мансубдир.

Алишер Навоий ҳазрат Амир "Насрул-лаолий"си таржимаси азиматин қилдим, деб ёзса-да, унинг "... бурунғи нозим таржима қилғандек ва аввалғи мутаржим назм этгандек (афсуски, биз аввалги назмга солинган таржима ва таржимон ҳақида бундан ортиқ маълумотга эга эмасмиз. – М.Р.) ҳар нуктани бир рубоий била адо қилилди", "ул вилоят дарёсининг ғаввоси (ҳазрати имом Али – М.Р.) ҳар лаоликим, дурфишон хомасидин наср қилибдур... Ул сочилған дурарни ... вазн каффасиға қўйдум" каби сўзларидан муаллифнинг асарга қанчалик ижодий ёндошганлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам шоирнинг ўз асарини таржима деб атаганидан қатьи назар биз уни асл нусха деб ҳисоблаймиз. Чунки, "в средние века переводные произведения вполне можно было отнести к оригинальным, ввиду наличия общих тем, интересующих многих поэтов"[1].

[1] Нагиева Дж. "Бакинские рукописи Алишера Навои". Баку-Элм, 1973 г. С.100.

“НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” РУБОИЙЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ МАЗМУНИ

“Назмул-жавоҳир” Алишер Навоийнинг илғор ижтимоий, фалсафий, этик ва эстетик қарашлари ифода этилган дидактик характердаги асардир.У одоб-ахлоқ қомусидир. Унинг ўзига хослиги шундан иборатки, асар бошдан-оёқ ҳар бири алоҳида, тўлиқ, тугалланган фикрни ифодаловчи тўртликлардан – рубоийлардан ташкил топган. Уларнинг сони жами 268 тадир. Шоирнинг ўзи асар муқаддимасида таъкидлаганидек, тўртликларнинг (ҳар бири бир арабча ҳикматли сўз асосида яратилиб) тўрттала мисраси ҳам қофияланиб келган, яъни улар “таронаи рубоий”дир. 268 рубоийдан 221 таси радифли бўлиб, шундан 33 таси икки сўзли, 188 таси бир сўзли радифлар, 47 та рубоий эса радифсиздир.

Ахлоқий-фалсафий, чуқур ғоявий мазмун тўрт мисрадан иборат шеърий шаклда ўзининг тугал назмий ифодасини топади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир тўртлик бир арабча ҳикматли сўз асосида яратилган. Навоий араб тилидаги ҳикматли сўзни туркий тилда шарҳлаб, атрофлича, кенг ва чуқур, таъсирчан ифодалаб беради.

Масалан: (ҳижжату-лмаръи туҳликуҳу)

Кишининг тезлиги уни ҳалок қилади, деган арабча ҳикматга Навоий шундай рубоий битади:

Табъ ичра эрур таҳамуломизлиги,
Ондин ортуқки ваҳшат ангизлиги,
Жон қасди этар кимса ғазабрезлиги,
Алқисса, кишини ўлтурур тезлиги.

Холаф нафсака тастариҳу – Нафсингни тийсанг, роҳат топасан мазмунида Навоий ушбу тўртликни яратади:

Нафс амрида ҳар нечаки талпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлук тиласанг синғайсен,
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингга хилоф айлаким, тинғайсен.

Далилу ъақли-л-маръи қавлуҳу – Киши ақлининг ҳужжати унинг сўзидир:

Одамки демак била киромийдуру бас,
Сўз дурри ишининг интизомидуру бас,
Сиҳҳат анчаки аҳли ақл комидуру бас,
Ақлига далил анинг каломидуру бас.

Занабун воҳидун касирун ва алфу тоъатин қалилун – Битта гуноҳ кўп, аммо мингта тоат кам:

Гар эрмас эсанг зуҳдға дамсоз ҳануз,
Фисқ ичра қилур эсанг таку тоз ҳануз,
Кўп англа бир ўлса журми носоз ҳануз,
Гар минг бўлса тоат эрур оз ҳануз.

Найлу-л-манйи фи-л-ъино – Муродга ранж билан эришилади:

Ғамдин дурур ўзни шод топмоқ билгил,
Бетўшалиғ ичра зод топмоқ билгил,
Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичра дурур мурод топмоқ билгил.

Кўриниб турибдики, арабча ҳикматли сўзлардан англашиладиган фикрлар тўртликларда ўзининг бадиий, мукаммал ҳамда батафсил аксини топгандир. Ҳар ҳикматли сўзнинг мазмуни бир "тарона", яъни шеър ҳажмида баён этилади. Ҳар бир тўртлик шу мазмунни ёритувчи Навоийнинг ўз қарашлари, фалсафаси билан йўғрилган. Шоир:

Ёраб бу жавоҳирники марқум эттим,
Чектим анга ҳар нуктаки, маълум эттим,
Ҳар нуктага бир тарона манзум эттим,
Кўп гавҳар анинг зимнида мактум эттим,

деб бежиз таъкидламайди.

Шунинг учун ҳам тўртликларда илгари сурилган ғояларни, тараннум этилган инсоний фазилатлар ҳамда ибратга зид хислатларга танқидий қараш каби масалаларни бевосита Навоий тафаккурига қиёс қилиш мумкин.

"Назмул-жавоҳир" тўртликларининг ғоявий мазмуни хилма-хил бўлса-да, мантиқан бир-бирини тўлдиради. Улардан кутиладиган мақсад бир. Бу – инсон камолоти. Тарбиявий-ахлоқий мазмун касб этмиш ҳар бир тўртликда инсон шахси феъл-атворининг бир қирраси баён этилади, ибратли хусусиятларнинг афзаллиги, унга зид хислатлардан эса ўзни олиб қочиш лозимлиги ҳақида сўз юритилади. Бу тўртликларда инсоннинг ички дунёси ва ундаги кайфиятни туғдирган ҳаёт шароитлари акс этади. Шоир воқеликни илғор ижтимоий мукаммаллик нури билан ёритадиган кечинмалар, фикр ва туйғуларни тараннум этади.

Навоий инсоннинг чинакам баркамоллик касб этиши учун лозим бўлган шартларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Бу – одоб, ота-онага ҳурмат, каттаю кичикка иззат, ширинсўзлик, ҳилм, дўсту ҳамкорлик, ростгўйлигу ҳалоллик, ҳиммату саховат, сабру қаноат, адлу адолат, оқиллик, меҳнатни севмоқ, касб-ҳунарни эгалламоқ, илмга интилмоқ (бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин) каби ибратли фазилатлар бўлиб, улар кишиларни маънавий покликка чорлайди.

Бир мавзуда баъзан бир-иккита тўртлик битилса, бошқа мавзудаги рубоийларнинг сони беш-ўнтагача ҳам боради. Энг кўп эътибор софдиллик, виждон, имон поклигига, сўз ва тил, хирад, илму ҳунар, одоб, эҳсон ва ҳиммат масалаларига қаратилади. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу бўлганидек, қадимдан ҳам бу нурли фазилатларнинг соялари – уларга зид, қарама-қарши томонлари бўлган. Навоий барча қора иллатларни унинг муқобили билан таққослаб, уларни қаттиқ таъқиқлайди. Қоранинг ҳақиқатан қора эканлиги оқ билан чоғиштирилганда равшанроқ кўринганидек, яхшининг яхшилиги ёмонликка нисбатан янада ойдинлашади. Шунинг учун ҳам Навоий қарама-қарши қўйиш усули билан афзалликни юқори кўтаради. Бунинг эса тарбиявий аҳамияти каттадир.

Рубоийлар ғоявий мазмуни жиҳатидан турли тоифаларга ажратилмаган. Айрим қўшбайтлар яхлит бир мавзу ғояларини мужассам этса-да, атайлаб улар бир қолипга солиниб, турланмаганлиги мутолаа жараёнида кўзга ташланади. Бундан шу нарса маълум

бўладики, муаллиф мазкур тўртликларни катта иштиёқ ва шошилинч тарзда тахайюлот нафосати баҳрлари тўлқинларида ботинан бир ширин кайфият ила ижод қилган ва кейинчалик ўз мундарижаси билан китобат қилинган. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий эҳтимол ёлғиз ўзигагина маълум бўлган қандайдир сирли сабаб боисидан "Назмул-жавоҳир" манзумасини турфалаб, панду насиҳату илму ҳикмат, ота-она ва ишқу муҳаббат мавзуидаги рубоийларни фаслма-фасл беришни эътиборга молик деб билмаган ҳамда туркий халқлар адабиёти тарихида беш юз йилдан ортиқроқ умр кўраётган назмий жавоҳирлар бирор котиб томонидан айрича килк риштасига тизилмаган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган "Назмул-жавоҳир" қўшбайтлари таҳлили жараёнида унинг мазмун ва ғоялари китобхонга яхлит етиб бориши нуқтаъи назаридан ўхшаш мавзулар тоифаларга ажратилди ва баҳоли қудрат шарҳланди.

Сўз ва тил таърифида. Ҳазрат Навоий айниқса эътибор билан қаламга олган мавзулардан бири сўз ва тил масаласига бағишланган рубоийлардир. Сўзнинг қудрати ҳақида Навоий муқаддимадаёқ фикр юритган эди. "Ширин сўз ила илон инидан, аччиқ сўз ила қилич қинидан чиқади", - дейди доно халқимиз. Барча инсоний муносабатлар, тинч-тотувлик, ҳатто ғаразу фитна-фасод барчаси сўзга боғлиқ. Навоий эзгулик ғояларини тараннум этар экан, у ширинсуханликни бебаҳо фазилат деб билади. Яхши сўз бамисоли тонг қуёши янглиғ рутубатли дилларни чароғон этади. Бадгўйлик, бадсуханлик, яъни қўполсўзлик эса бунинг аксидир. У бамисоли тиниқ осмонда пайдо бўлган қора булутлардек киши қалбига изтироб сояларини ташлайди, шикаста кўнгулларга озор беради.

Хушхулқ ва доно кишилар билан мунтазам мулоқотда бўлиш фойдадан холи эмасдир. Зеро, улар ҳар доим сўз дуру гавҳарларини сочиб эшитувчининг маънавий бой инсон бўлишини таъминлайди:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

Инсонга фикрини сўз орқали ифодалай олиш қобилияти берилган экан, бу имкониятдан иложи борича яхши мақсадларни ифодалашда фойдаланиш даркор. Халқимизда "Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз", "Тил югуриги бошга", "Ўн ўйлаб бир гапир", "Оз сўзлаю соз сўзла" каби ўнлаб мақоллар мавжуд. Навоийнинг сўз ва тилга оид тўртликларида халқнинг ана шу неча минг йиллик ўгитлари ўзига хос ифодасини топган.

Сўз одамнинг юрагида, кўнглида ўтаётган ҳисларни маълум қилади. Тил қалб кечинмаларини юзага чиқариб ошкора қилувчи воситадир. Сен кишининг сўзидан унинг ҳолини англайсан, токи у кўнглидагини сўз ва тил воситасида етказса.

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

Навоий яхши кишилар билан суҳбат тутиб ўрнак ол, сўзлашганда ҳамиша юмшоқ, ширинсўз бўл, шунда сен халққа манзур бўлгайсан, деб ўгит беради.

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халқға марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.

Яхши ва ширин сўз кўнгилларнинг малҳами бўлса, қаттиқ, қўпол, аччиқ сўз қалбларга озор етказади. Кўнгилнинг оғриғи жон оғриғидан кам эмас. Тилдан етган оғриқ тиғдан етган азобдан қаттиқдир. Шунинг учун ўн ўйлаб бир сўзламаклик, кишининг юрагига оғир ботмайдиган сўзларни топиб гапирмоқ шарт.

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас онинг оғриғи жон оғриғидин,
Ҳар не сенга етар лисон оғриғидин,
Билгилки, қаттиқдурур синон оғриғидин.

Навоий сўздан, ёмон сўздан ғаму бало ҳосил бўлади, ҳаддан зиёд гапирмоқ одамга нохушлик келтиради, дейди:

Сўздин кишиким ғаму бало ҳосилидур,
Ҳар нукта тили деса бало дохилидур,
Бесирфа деган кишига тили қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Шунинг учун оз ва мазмунли сўзламоқ керак. Ортиқча сўзламаклик кишининг обрўсини тўкади:

Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга,
Ҳаддин ўта ҳар кимга калом ўлди анга,
Ул навъ каломдин малом ўлди анга.

Бирор нима демоқчи бўлсанг, фикрингни маъноли сўзлар ила ифода этгил, токи бемаъни ва тутуруқсиз калом хашакларидан сўз дурининг озу мухтасари авлодир:

Ҳар кимсаки сўз демак шиоридадурур,
Маъни гули нутқининг баҳоридадурур,
Сўз кам десун улки ихтиёридадурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисоридадурур.

Эзма одамнинг ягона қусури унинг сергаплигидир. Кўп гапирган киши доим маломатга қолгай ва ҳеч ким эзмаликдан эътибор топмаган. Шунингдек, тилини тийган одам пушаймонликдан фориғдир:

Ҳар кимсаки нуктаси фаровон бўлмас,
Тил ранжига қолмоқлиғи имкон бўлмас,

Кўп сўзлагучига ғайри нуқсон бўлмас,
Ҳар кимки хомуш ўлди, пушаймон бўлмас.

Иложи борича сўзни қисқа қилмоқлик даркор. У қанча чўзилса, шунча айби топилар, кўп гапирилган сайин кўп хато ҳам ўтади:

Бермас татвил чун сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.

Жонингга яхшилик тиласанг озроқ гапир, инсонлар даврасига яхшилик қилиш ҳам тилнинг ихтиёридадир. Кўп гапиргувчи одамнинг тингловчиси кам бўлади ва у эътиборини тез йўқотади.

Оз нукта дегил тилар эсанг жонға салоҳ,
Ташвиш ғалат биймидин имонға салоҳ,
Инсон они билки ком эрур анга салоҳ,
Тил ҳифзизадур зумраи инсонға салоҳ.

Тилнинг тезлигидан охир пушаймонлик ҳосил бўлади, оз сўзламаклик тўғрироқ, лекин сукут сақламоқ кўпроқ фойдалидир:

Тил илдамидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз навъ маломату надомат ҳосил,
Оз сўзлаганидин истиқомат ҳосил,
Сокитлигидин вале саломат ҳосил.

Одамнинг заҳар еб оғзи ачимоғидан совуқ турқлининг башарасини кўриши юз бор ёмонроқ. Аччиқ таомни емакдан кўра аччиқ каломни тингламоқ одамга ёмонроқ таъсир этади.

Гар заҳр била кишига ком ўлса ачиғ,
Юз ончаки юз била мудом ўлса ачиғ.
Ҳар неча мазоқ аро таом ўлса ачиғ,
Хушроқдурур ондинки калом ўлса ачиғ.

Ҳар кимнинг тили аччиқ бўлса ундан эл қочади, суҳбатидан юз ўгиради. Ҳар кимки ширинсўз бўлса, унинг атрофида доимо эл-улус тўпланади, токи ширин сўзларини тинглаб лаззатлансалар.

Ҳар кимки ачиғ ўлди сўзи алқоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси,
Ҳар кимки чучук нукта эрур иншоси,
Қошидадур албатта улус ғавғоси.

Одамки демак била киромийдуру бас,
Сўз дурри ишининг интизомидуру бас,
Сиҳҳат ончаки аҳли ақл комидуру бас,
Ақлиға далил онинг каломидуру бас.

Саховатли, карамли буюк инсонлар қимматли, бамаъни сўзларни сўзлайдилар. Уларнинг айтаётган гапларидан, берадиган маслаҳатларидан ақлли эканликлари яққол билиниб туради.

Нутқунгни улусқа ўйлаким шаҳд айла,
Сўз талх демасга ҳақ била аҳд айла,
Жонингни худо маҳзи учун маҳд айла,
Жаннат талабида жид била жаҳд айла.

Гапирмоқчи бўлсанг, элга сўзингни бол айла, аччиқ сўз айтмасликка аҳд қилгин ва бу аҳдингни бажаргилким, жаннатга боргайсан, деб ўгит беради Навоий.

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,
Ҳар навъ ишида истиқомат бўлмоқ,
Сўздур анга мужиби ғаромат бўлмоқ,
Тил забтидадир анга саломат бўлмоқ.

Кимки ҳар қилган ишининг тўғри бўлмоғини истаса, унинг тўғрилигини олдиндан кўра билмоғи керак. Кўп сўзлагандан ақл билан узоқни кўзлаб ишлаган яхши, чунки кўп гапирмоқликнинг охири пушаймон. Ундан сақланишнинг қуроли эса – тил. Шунинг учун тилга кўп ихтиёр бериб бўлмас, деб ёзади шоир.

Хуллас, сўзнинг, айниқса чучук ҳамда маънилик, мухтасар сўзнинг кишиларнинг ўзаро муносабатларида, фаолиятларида аҳамияти каттадир. Ёмон гап эса ёмон оқибатларга олиб келади. “Яхши сўзла киши етар муродга, ёмон сўзла киши қолур уётга!” – деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Одиллигу адолат хусусида. Адолатпарвар, халқпарвар шоир Алишер Навоий бутун умрини инсонлар учун, уларнинг бахту саодати, фаровонлиги йўлида хизмат қилишга бағишлади. У бутун ижодий фаолиятида халқ манфаати, улус нафъи, уларнинг ўзаро ҳамкорлик, дўстлик муносабатлари ва юксак маънавий дунёқарашларини ҳимоя қилди. Ҳаммага маълум ва машҳур “Хамса” достонларида ҳам, эл оғзида қўшиқларга айланиб кетган ашъорлари тўпланган “Хазойинул-маоний”да ҳам Навоий юксак фазилатли кишилар, олижаноб инсонлар васфини қилди, одатларга инсонлик сифатларининг қандай бўлишини гоҳ намунавий образлар, гоҳ панду насиҳатлар орқали ўргатиб келди.

Навоий халқнинг фаровон яшаши, тинч ва бахтиёр умр кечиришлари учун энг аввало мамлакатни бошқараётган подшоҳ адолатли, ҳақиқатгўй, халқпарвар бўлиши керак деб билди. Шоҳ мамлакат аҳолисига одиллик билан боқса, ақллилик ва зукколик билан халқ манфаати ва тинчлиги учун қайғурса, албатта, бундай ўлка обод, юрт бахтиёр бўлади.

Навоий ҳеч қачон шоҳу амалдорлар ва оддий кишиларни табақага ажратмайди. У одам хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо, барибир, инсондирлар, деб қарайди. Одам хулқу атвори, одобу муомаласи билан азиздир. Кўнглида бошқаларга нисбатан яхшилик, эзгулик нияти бўлган кишилар улуғдирлар. Шоҳ бўлса-ю, кўнглида яхшиликка мойиллик, одиллик бўлмаса, у тубандир.

Алишер Навоий “Назмул-жавоҳир” тўртликларининг бир қисмини ана шу мавзуга бағишлади.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги рубоийларида давр, ҳукмрон амалдорлар фаолиятларига муносабатлари акс этади. Навоий бундай тўртликларида подшо ёки амалдорларни номма-ном тилга олмайди, албатта. Унинг бу ихчам, мазмундор рубоийларида улар умумлашган образлар орқали ифодаланади. Шоир одиллик ва адолатни турмушнинг зарур шартларидан бири деб билди. Мамлакат ҳукмдорининг адолат билан иш тутиши халқ ҳаёти, турмуши билан яқинлиги халқнинг маънавий-иқтисодий бойлигига, ўзаро тотувликка, ҳамжиҳатликка олиб келади:

Адл айлаки ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким адл сифоти бўлмиш.
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

Адолат ҳукмрон бўлган юртда эл яхши ҳаёт кечиради. Одиллик сифати бўлган киши яхши одамдир. Бундай олижаноб шахс мулк билан адолатни барқарор этиб, ҳам адлу саховат ила ўз давлатини мустаҳкам этади.

Ҳукмдору подшоҳлар раиятпарвар бўлиши, улар ҳамиша ўз фуқароларига ғамхўрлик қилиши, ғарибу бенаволар кўнглини олиши хайрли эканлиги ҳақида шоир мана бундай дейди:

Ким элга жафо чоҳин томуғ зайли қилур,
Кавсар суйин ўзига ўлум сайли қилур,
Ўз хайлиға кимки яхшилиғ майли қилур,
Эҳсон они билки, қавм сархайли қилур.

Ким элга, халққа кўп жабру жафо қилса, яъни жафо чоҳини қазиб, дўзах азобларини етказса, унинг учун жаннат булоғи суви ҳам ўлим тўфонидек даҳшатли бўлади. Ўз элига кимки яхшилик қилса, бу эҳсонлардан у тобора юксалиб ўз қавмига, халқига раҳнамо, йўлбошчи бўлур. Эл дуоси унинг қалбан соф, руҳан пок, балою қазолардан асрагувчи саодатманд соҳибқиронга айлантирур.

Подшоҳнинг улуғворлиги, иззат-ҳурмати унинг адолату саховати, илму фандаги донишу заковати билан белгиланади. Шоҳнинг шону шавкати, қудрати, сипоҳсолорлигию баҳодирлиги ҳам унинг адолатпешалигига вобастадир. Адолатпарвар соҳибэҳсон, маърифатли шаҳаншоҳ саодатлиғ Аллоҳ бандаси ва худонинг рубъи маскундаги соясидир. Олам элининг тинчу фаровонлигию фақиру боёнлар ризқу рўзларининг қандай бўлиши ҳам замона ҳукмдорининг адолату инсофларига боғлиқ.

Шаҳ уббуҳату ҳашматидур адли била,
Иқбол доғи шавкатидур адли била,
Олам эли амниятидур адли била,
Султонларнинг давлатидур адли била.

Адолатли шоҳ, албатта, ўз фуқароларига озор етказмайди, зулм ўтказмайди, деб ҳисоблайди Навоий. Одил киши элнинг катта-кичигини баб-баробар эъзозлайди, бу унинг ўзига ҳам ҳурмат-эътибор келтиради. Золимлик ҳеч бир кишига хайрли оқибат келтирмас, деб шоир кишиларни бир-бирларига, айниқса салтанат акобирларини оддий халққа золимлик қилмасликка чақиради.

Одил кўзига бу каъба, ул дайр ўлмас,
Золимда жафо қилурда эл ғайр ўлмас,
Одилға бажуз хайр сори сайр ўлмас,
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

Одил одамга бу каъба (яъни, сиғинадиган илоҳий зот маъносида) ва у ёмон бўлмайди. Унга ҳамма тенг ва у барчага бирдек адл кўзи билан қарайди. Золим кишига эса зулм қилиши учун қандай эл бўлиши фарқсиз. Одил кишининг хайр, яхшилик қилишдан ўзга мақсади йўқ ва у охиратда эҳсонларига яраша эъзозланади, золим эса охир-оқибатда ўз қилмишларига яраша жабру жафолар чоҳига ташланади. Шоир бу дунёда ҳеч нарса оқибатсиз қолмаслигини таъкидлайди.

Ҳар кимдаки илм қийлу қоли бўлмас,
Илм аҳлиға сўз дерга мажоли бўлмас,
Олам мулкининг интиқоли бўлмас,
Шаҳ олим агар бўлса заволи бўлмас.

Агар кишида илму дониш ила уқув бўлмаса айтар фикрини ҳам, муроду муддаосини ҳам сўз билан ифодалаш қудратига эга бўлмайди. Шунинг учун ўқиб-уқиб, чуқур билим олишга интилмоқ даркор. Зеро, бу билимлар эл нафъи, раият турмуши фаровонлиги йўлида хизмат қилади. Шоҳнинг одиллиги илму дониш тўнини кийиб саховатпешаликка мойил бўлса, салтанат ривожию мамлакат тараққиёти ду чандон ошади. Одилу оқил шоҳ давлат бошида турса, бундай мамлакат ҳамиша обод ва фаровон бўлади.

Золимки шиор этти жафо поясини,
Ўз воясин истаб олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрининг соясини.

Шахсий манфаати йўлида имонидан кечиб, кўпчилик ҳақига хиёнат қилмоқ золимликнинг бир кўринишидир. Бировга зиён-заҳмат етказувчи, жафо қилувчи кишилар узоққа бормайдилар. Ҳақиқат албатта устундир. У золимнинг умрини қисқа, бенаволар кўз ёши денгизларига ғарқ қилади.

Золимки эрур зулму жафо ҳосил анга,
Зулм этгали-ўқ хотир ўлур мойил анга,
Бўлмоқ хуш эмас қилғонидин хушдил анга,
Ўз зулмидин-ўқ бўлғусидур қотил анга.

Золим зулму жафо қилишда давом этаверар экан, хотири фақат зулм ўтказишга мойил экан, охир-оқибат шу қилмишлари ўзига қайтади. Унинг қотили ҳам фақат ўз зулму жафоларидир. Бировларга жабру зулм қилаётган кимсалар алҳол зуғум пайтида лаззат туйганлари билан уларнинг диллари доим мудҳиш ўйлар макони бўлгани учун таъблари хира ва бокира ҳаёт завқидан бенасиб бўладилар.

Ким зулм ила бўлса тийра авқотлиғи,
Бор лозими умр тулининг ётлиғи,
Бот бўлғай ажал бисотиға мотлиғи,
Золимға уқубатдур ўлум ботлиғи.

Ҳар кимки ўз вақтини бировларга ситам ўтказиш билан кечирса, зулумот кечадек ҳаётининг кундузи бўлмайди. Ҳаёт ундан тез юз ўгиради ва бу янглиғ золимлар ажал палосида тез мавҳ бўлиб, қилган жабру жафолари учун қийналиб, оғир азобда рамақи жон бўлиб ўладилар.

Даврон кишига кўп зулм ҳам, машаққатлару қийинчиликларга кўп рўбарў ҳам қилмайди. Бир эл бошқа халқни зулм билан мағлуб қила олмайди, чунки зулм оқибатда юзи қораликка, шармандаликка олиб келади.

Даврон кишига зулми фузун айламагай,
То ани таабға раҳнамун айламагай.
Эл зулм ила халқни забун айламагай,
Ким зулми-ўқ они сарнигун айламагай.

Шунинг учун зўрлик-зўравонликдан, куч билан зулм ўтказишдан ўзни тийиш керак. Чунки бу нарсалар адолатнинг топталишига, норозилигу ғалаёнларга, қирғин урушларга сабаб бўлади.

Даврон аро кимса ранж паймудалиғи,
Бушмас гар эмас фароғ камбудалиғи,
Ноамнлиғ ўлди халқ фарсудалиғи,
Амн ичра бўлур маош осудалиғи.

Агар замона тинч бўлса, бу дунёда машаққату меҳнат билан кун кўраётган кишилар ҳаёти бир даража енгил бўлади, роҳат-фароғат камлигидан ранжишмайди. Чунки тинчлик бўлмаганда, юртда уруш кўланкаси кезиб юрса, унинг мудҳиш сарфу харажатлари, нон беришдан жон беришгача халқ бошига тушади. Тинчлик бўлса, рўзғор осуда.

Алишер Навоий ҳамиша юртда тинчлик, фаровонлик, адолат бўлишини истар, бу эзгу мақсад йўлида ишлаш, ижод қилишни, қолаверса яшашни бани башар учун фахр деб биларди.

Бир-бирига зид уч сифат ҳақида. Алишер Навоий инсонийликнинг энг зарур шартларидан учтасини алоҳида таъкидлайди. Буларнинг биринчиси ҳаёдир. Халқимизда “Ҳаёси борнинг вафоси бор”, “Беҳаёда шарм йўқ” каби ибратли ҳикматлар мавжуддирки, Навоийнинг ишонч, эътиқоднинг мустаҳкамлигида ҳаёнинг ўрнини юқори қўйиши ҳам бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам одоблиликнинг, ахлоқий комилликнинг биринчи белгиси ҳаёдир. Улуғлик чўққиси узра офтоб ўлди ҳаё, яъни ҳаё ҳамма улуғликлардан ҳам

юқори, мисоли офтобдекдир. Саодат бўстонини ҳаё булут мисоли ўраб туради, у гўё бир пардадирки, унинг ортидаги кўринмас. Ситамдийда, зулм кўрган, эзилганлар сифати ҳаё ортида яшириндир, эл айбини беркитган ҳам, уни эътиборга молик қилган ҳам ҳаёдир. Демак, ҳаёли одамнинг гўзаллиги ҳам шундандир.

Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатқа саҳоб ўлди ҳаё,
Мазмуми хасоилға ҳижоб ўлди ҳаё,
Эй айбиға гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

Одамийликнинг иккинчи зарур шарти – вафо. У кенг маънодаги вафодир, яъни эътиқодга, дўстликка, ватан ва ёрга бўлган садоқат ҳам демакдир. Сахо энг зарур шартларнинг учинчисидир. Навоий халқ манфаати, ожизларга марҳамат, зарурларга ёрдам, қолаверса, маънавий ва маърифий озуқа билан баҳраманд этиш каби хизматларни “сахо” сўзига жам қилди:

Уч қисм ила имонға бино фаҳм айла,
Аввалғисини онинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла.

Қўли очиқлик, мурувват, саховат инсонийликнинг энг нозик фазилатларидандир. Саховат майдонида жавлон ур, нимаики эҳтиёждан ортиқдир, зарурларга беришга одат қил. Агар нафсинг ғолиблик ила бухл йўлига кирса, унга қарши эҳсон байроғини кўтар, чунки саховат одамийлик тожининг жавоҳирлик безагидир, - деб насиҳат қилади Навоий:

Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амриға одат кўргуз,
Бухл айласа нафсингга адоват кўргуз,
Ҳар нечаки топилса саховат кўргуз.

Уч ижобий фазилатга қарама-қарши ўлароқ Навоий уч ёмон хислатни ҳам санаб ўтади. Кишининг уч хил феъл-атвори уни ҳалокатга олиб боради, чунки улар ўткир ва аччиқ заҳардекдирлар. Биринчиси бахилликдир. Хасислик кишини шундай тубанлаштирадики, ундайлар ўзларининг бу қилмишлари қандай оқибатларга олиб келишини ҳатто тасаввур қилолмайдилар ҳам. Тубанликнинг иккинчи белгиси ҳаволаниб кетмоқдир. Озгина муваффақияту эътибордан кишининг ўзига ортиқча баҳо бериб, кибру ғурурга берилиб кетиши одамийликдан эмасдир.

Ҳаво кибру ғурур, манманликдир. Лекин у очиқ ва пардасиз. Ужб эса ўшанинг ўзи, лекин яширин, парда остида. Агар такаббур ўзини очиқ тутса, у ҳаволидир. Аммо ўша такаббур кўринишда камтар ва оддийга ўхшайди. Ичида эса ўта ҳаволи ва такаббур. Ана шуни ужб дейилади.

Уч феълдурур кишига қотил охир,
Қотиллик аро заҳри ҳалоҳил охир.

Бухл англа бирин, бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларға дохил охир.

Навоий бу уч ёмон хислатнинг кишига келтирувчи зарарини таъкидлаб, ундан қочишга, бундай сифатлардан ибрат олмасликка чақиради.

Ганж узра аёғингга мурур ўлди ғурур,
Гулгашт эта гулшанда ҳузур ўлди ғурур,
Дунё саридин санга сурур ўлди ғурур,
Бу барча ғурур ўлди, ғурур ўлди ғурур.

Ғурур ила оёғинг остидаги ганжни кўрмай ўтиб кетасан ва у туфайли гулшанда гул териб ҳузур қилолмайсан, дунёдан ғурурланиб, шодлигу севинч нималигини сезмайсан, ғурурланиб такаббурлик ила барча нарсадан айриласан, - дейди шоир.

Илму ҳунар хусусида. Инсон ғафлатда яшамаслиги, дунёвий сир-синоатларни англаши, кашфиётлар яратиши, қолаверса борлиқнинг жавҳари деган номга муносиб бўлиши учун илм олмоғи, сабоқ ўрганмоғи ва ҳунар эгалламоғи лозимдир. Зеро, оламдаги барча мушкулотлар калити илмдир. Устоз ҳазрат Жомийнинг “Нодонлардек на сен банди падар бўл, отангдан кечу фарзанди ҳунар бўл” деган байти Навоийнинг эътиборидан четда қолмаганлиги шубҳасиздир. Унга жавобан Навоий илм олиш, уни ҳаётда тадбиқ этишни ҳамда ўз билимларини бошқаларга етказишни ҳар қандай наслу насаб, авлодий шажаралардан устун қўйиб шундай ёзади:

Ҳақ берди чу элга илм сармоясини,
Хуршед уза солди уламо соясини,
Олғонлар онинг рутбасидин воясини,
Билдинг боридин бийик онинг поясини.

Худо инсониятга илм манбаини, билимлар сармояси – асос ва негизини берди, у ориф, донишманду уламоларни офтоб қадар юқори чўққиларга кўтарди. Унинг илмидан баҳраманд бўлганларнинг, маънавий озуқа олганларнинг мартабалари улуғ ва қутлуғ бўлди.

Ҳар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Ондин билгилки топти тазйини хирад,
Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуқки, топти талқини хирад.

Ҳар кимсада чидам ва сабот намоён бўлмоғи ақлу дониш туфайлидир. У илму фан дуру гавҳари билан зийнат топмиш. Ҳар кексаки, агар фаҳму фаросат ва илму донишдан йироқ бўлса, ундан илмли ёш йигит ҳар жиҳатдан ортиқроқдир, дея шоир ақлли, уқувли кишиларга нисбатан ўз нуқтаи назарини ҳам билдириб ўтади.

Билимдон, оқилу фозил кишиларнинг суҳбати – ўзи бир мактаб. Чунки бундай даврада одоб, тавозуъ, маданият ҳоким. Уларнинг бир-бирлари билан орифона муносабатлари ҳам ибрату эътиборга молик. Шоир илмсиз кишиларни аҳмоқ дейишдан ўзини тиймагандек, донишманд, олимлар мажлисини илҳом билан жаннатга қиёс қилиб ёзади:

Ким олим эса нуктада барҳақ де они,
Гар базм тузар биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсада йўқ илм анга аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де они.

Ким ҳақиқатни билмоқни истаса, илм ўргансин. Илм икки жаҳон шоҳлигидан ортиқроқдир. Илм кишини олам сирларидан огоҳ қилади. Илмсиз кишининг (зуҳди) тоат-ибодати оқибатсиз гумроҳликдир. Бу янглиғ кимсалар ҳақ ва ҳақиқат, инсонийлик йўлларидан адашгандирлар. Қуйидаги тўртликда шоир ана шу ҳақда фикр юритади:

Ким бор эса ҳақга хок даргоҳлиғи,
Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиғи,
Олам фисқида бордур огоҳлиғи,
Оми киши зуҳди бўлди гумроҳлиғи.

Алишер Навоий барча илмлар “бисмиллоси” фиқҳ илмини – диннинг йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илмини эгаллаш хусусида ҳам таълим беради, илми илоҳий ва илми мажозий (дунёвий) тафаккур хазиналари инсоният учун ҳаво ва сувдай зарурлигини уқдиради, кишиларни ҳар томонлама билимли бўлишга чорлайди.

Қолғон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиқҳ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбат аро,
Ким, сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

Дунёвий илмлар заҳмати ичра қолган киши ҳаракат қилиб, машаққатлар эвазига бўлсада, фиқҳ – дин илмини ўргансин. Илмлар ичра энг шарафлиси дин илми бўлиб, қолган илмлар ичра нисбатан у шоҳ илм ҳисобланади. Бу илмнинг билимдони, олими ҳамиша уммат аро (ислом динига мансуб кишилар) сарвар – йўлбошчи, раҳнамодир.

Навоий илмли бўлмоқни ва уни амалда татбиқ этмоқни, касбу ҳунар ўрганиб, улус манфаати йўлида меҳнат қилмоқни инсоний фазилатлар сифатида улуғлайди. “Йигит кишига етмиш ҳунар оз” дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам “ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг”. Шунинг учун ҳунарни эгалламоқ, уни такомилга етказиб меҳнат қилмоқ даркор. Ҳунарманду меҳнаткашларнинг қўллари бойликлар мезонидир. Бу ҳақда Навоий ёзади:

Косиб кунжи кафи зар олғинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур,
Ким бўлса ҳунарсиз иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, эр ҳунари ганжи эрур.

Шоир ўз меҳнати билан кун кўрувчи, жамият манфаати учун садоқат билан ишловчи, халқ бахт-саодати учун курашувчи, эл турмуши равнақига, ривожига катта ҳисса қўшувчи соф виждонли, меҳнатсевар, ҳунарманд кишилар олижаноб инсонлардир, деб ҳисоблайди. Унингча, меҳнат бахтли ҳаёт манбаидир. Жамиятнинг бойлиги ҳам меҳнатдандир.

Аёллар ва оила ҳақида. Алишер Навоий бир қатор тўртликларини аёллар васфи, ота-она ва фарзанд муносабатлари таърифига бағишлади. Навоий ижодида аёллар, айниқса оналарга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиром доимо сезилиб туради. Жумладан "Назмул-жавоҳир"да шоир ёзади:

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ,
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил ани ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Отангни деб жонингни фидо қилсанг, онангга ҳам шунча эътибор қилгин, ўзинг учун қадрли, эҳтиётли нарсангни ҳам ота-онангга эҳсон қил, деб уқдиради Навоий.

Иффатли, ширинсўз, хушмуомала, ақлли ва гўзалхулқ аёллар ҳамиша қут-барака, ширин ҳаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбуба тиласанг, унинг тўғрисўзлиги, ҳақгўйлиги, юриш-туришига боқ, деб ёзади Навоий:

Маҳрам тиласанг сидқ ила гуфториға боқ,
Пир истар эсанг сулуку атвориға боқ,
Ғавр айла кишига доғи рафториға боқ,
Не қилсанг онинг шонида миқдориға боқ.

Ёрга етишдингми, бошида парвона бўл, ҳатто жонингни фидо қилишга тайёр тур. Ҳар сафар унинг қошига борганингда қалбингда унга бўлган меҳринг тобланиб турсин, дейди Навоий.

Ҳар кимки ҳабибинг ўлса уйрул бошиға,
Маҳв ўл юзиға, жонни фидо қил қошиға.
Тош урса равонингни туфайл эт тошига,
Таждиди муҳаббат англа бормоқ қошиға.

Шоир мунис аёлларга, покиза ёрга, меҳридарё оналарга ҳамиша муносиб эътибор, иззат-ҳурмат, эъзоз бўлмоқлигининг чин тарафдоридир.

Заъф аҳлиға алтоф таваққу билгил,
Лутфунг била ул элга тараффуъ билгил,
Бу нуктани нас йўққи тасомуъ билгил,
Ул қавм зиёратин тавозуъ билгил.

Заъф аҳли – яъни заифаларга, аёлларга лутф кўрсатинг, марҳаматлар қилиб уларни юқори кўтаринг, улуғланг, - дейди Навоий, - бу сўзларни икки қулоғингиз билан тинглаб, "ул қавм" зиёратини, унинг ҳолидан хабардор бўлиб меҳрибонликлар қилиш билан одобингизни намоён қилинг.

Севикли ёр, маҳбубанг билан турмуш аталмиш бу ҳаёт манбаини қуришга эришдинг. Унга аввало марҳамату лутфлар кўргузгил, яхши одобу яхши қилиқ еткургил, - деб ёзади Навоий яна бир рубоийсида:

Топтинг чу аёл яхшилиғ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиғ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса қаттиғ еткургил,
Хайлингға адаб қилиб осиғ еткургил.

Фарзанд оиланинг таянчи, қувончи ва ҳаётнинг давомчисидир. Фарзанд билан хонадон обод, ота-она бахтиёр. Қуйидаги рубоийда шоир шу ҳақда фикр юритади:

Ҳар кимсаки тифл ўлса эрур кўзи очуқ,
Шуғли била хотири ғамандузи очуқ,
Бўлмоқ не ажаб базми дилафрўзи очуқ,
Ким тифли бор эрса бор анга рўзи очуқ.

Фарзанд отасини ҳурмат-эътибор ила кўнглини олса, итоатда бўлмоқни одат қилса, у бу одати билан саодатга эришгай. Навоийнинг бу байти “Ота рози, худо рози” деган мақолни эслатади.

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Шоир фикрини ривожлантириб, ҳар ким ўз отасини қанчалар иззат-ҳурмат қилса, у ўз фарзандидан шундоғ ҳурмат-эътибор, меҳрибонлик кўради, - дейди.

Улуғ шоирнинг бу панду ҳикматлари ҳамма вақт ўзбек халқи, бутун Шарқ халқлари учун ибратли насиҳатномалар янглиғ катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Хушхулқу одоб ҳақида. Инсон ўз одоби билан қадрлидир. Одоб одамнинг олижаноб фазилатларидан биридир. Одобли киши очиқ юзли, хушмуомала, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун иккиюзламачилик, дағаллик ётдир. Одамни безайдиган ҳам унинг одоби, ахлоқидир.

Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил,
Ҳар кимки адабсиздур ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил.

Навоийнинг фикрича, инсон учун тож, юксак мартаба, давлат ва молу мулк эмас, балки энг яхши фазилатлар, жумладан одоб ва ҳаё зийнатдир. Одобсизнинг иши ҳамиша оқибатсиздир. Одамий фазилатлар ҳар қандай бойликдан афзал.

Олтун кумуш этма касб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни накбат тунидин,
Гар йўқтур адаб не суд олтин унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

Олтин-кумуш, бойлик тўплашга кўп ўрганма, бу интилиш шундай машаққатдирки, ундан сени фақат одобгина қутқара олади. Одоб шундай бир бебаҳо бойликдирки, у ҳар қандай сийму зардан юқорироқдир.

Ҳақ йўлида нафсингға таабдур яхши,
Неким санга амр этти талабдур яхши,
Дема талаб айларда заҳабдур яхши,
Ким ондин эл истарга адабдур яхши.

Ҳа, эҳтиёж ҳаётнинг узвий бўлаги. Уни таъминлаш мақсадида худо ризқ-рўз, насибани ҳам яратди. Инсон ўз ризқини териб, насибасига эришиб кун кечиради. Худонинг яратган бу эҳсонидан баҳраманд бўлмоқ жоиз. Лекин нафсингга қулоқ тутиб, эҳтиёждан ортиқ нарсаларни талаб этма, одоб сақла, - дейди улуғ шоир. Одоб ила юксак мартаба ҳам, обрў-эътибор ҳам қозониш мумкин. Ҳеч бир давру замонда одоб хўрланмаган. Ҳатто ўта жоҳил амалдорлар тазйиқидан ҳам одоб ва ҳалимлик ила қутулиб кетмоқ мумкин. Навоий бундай фалсафий умумлашмаларни ўртага ташлар экан, тўрт сатрга биз зикр этган барча гапларни сиғдириш иложи бўлмаса-да, ана шуларни тахайюл қилишга фикр дарчаларини очиб беради. Шоирнинг санъаткорлиги ҳам шунда, у ўз дарди, ўз даври таассуротларидан мушоҳада юритса, унинг таъсирида китобхон ўз билмаган нарсаларини кашф эта бошлайди. Унинг тафаккур доиралари кенгайиб, одоб бу яшаш омилларидан бири эканлигини англайди ва одобли бўлишга интилади.

Бадхўйки ўз қилғани заҳматдур анга,
Озарм халойиқ сари туҳматдур анга,
Ким хўйи ямон бўлса машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши ғаниматдур анга.

Бундан олдинги тўртликда одоб ва эзгулик ҳақида гап борган бўлса, бу қўшбайтда бадхўй – хулқи ёмон ва феъли яхши одам ҳақида зикр қилинади. Феъли ёмон кимсанинг қилмиши унга зиён-заҳмат етказади. Халойиқнинг унга берган танбеҳи, эзгуликка чорлаши ичи қора одам учун туҳматдек ёмон таъсир қилади. Шу боисдан ким хулқибад бўлса, машаққатдан чиқмайди, зеро, ҳар бир жамиятда кўпчилик яхшилик ва хайрихоҳлик тарафдоридир. Ўт билан сув бирика олмагандай, яхшилар билан ёмонлар ҳам бирлаша олмайди. Кимки феъли яхши бўлса, бу ҳам бир ғаниматдир, - дейди шоир фикрига якун ясар экан.

Бундан бурунги тўртликдаги одоб сабоғига энди феъли яхшилик қўшилса, кишида қўш фазилат пайдо бўлади. Бу бамисоли олтин узукка зумрад кўздек.

Кўнглингни орит барча ёмон хислатдин,
Ким, яхши қилиқ далил эрур раҳматдин.
Бадхўйлиқ ул ваҳшат эрур шиддатдин,
Ким элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин.

Кўнглингдан барча ёмон хислатларни чиқариб ташлагил ва яхшиликларни дилингга жойла, зеро, эзгулик раҳмат далилидир, у инсониятга ато этилган худонинг марҳаматидир. Бадхўйлик – феъли ёмонлик эса беаёв даҳшатдирким, бунга мойиллик кўргузган кимса

оқибатда ваҳму даҳшатлардан, азобу уқубатлардан қутула олмайди. Бу тўртликнинг асл маъноси: “Яхшилар жаннатга, ёмонлар дўзахга” равона бўлажак демакдир.

Яхши эл ила эрур мадори ҳикмат,
Ҳар сўзлари дурри шоҳвори ҳикмат,
Қил базмларида ихтиёри ҳикмат,
Мажлислари чун эрур ҳисори ҳикмат.

Яхши эл – одамлар ҳикмат мадоридир, яъни улар фақат ҳикмат сўзлайдилар. Уларнинг ҳар бир каломи шоҳона ҳикмат дурларидир. Яхшилар базмидан ҳикмат сирларини ўргангил, мажлислари ҳикмат қўрғони янглиғ мустаҳкамдир.

Асҳоб аросида ани билгил шарлиқ,
Ким шарр сари айлагай далил оварлиқ,
Яхши ул эрурки айлабон ёварлиқ,
Қилғай санга яхшилиқ сари раҳбарлиқ.

Суҳбатдошлар орасида фитна-фасод ва тубанликлардан сўз очган ва ёмон нарсаларга яхшидек муносабат билдирган одамдан ҳазар қил. Яхши киши эса улдурки, сенга мададкор бўлиб, эзгу ишларга раҳбарлик қилгай, яхшилик ила сени муродингга етказгай.

Майл айла ҳамиша меҳрибонлар сари,
Яхшилару турфа кордонлар сари,
Дол ўлди ёмон кишига қонлар сари,
Озди кишиким борди ёмонлар сари.

Ҳамиша меҳрибонлар сари интил, яхшилару турфа ишбилармон-ҳунармандларга яқин бўл. Ёмонларга яқинлашганлар эса йўлдан озиб, ҳасратдан қонли ёшлар тўкадилар, қадлари букчаяди.

Шоирнинг ҳар сатри ўткир шамширдек товланади. Унда эзгуликлар эъзозланиши, ёмонлик ва бадбинликларга муносиб жазо қайтиши акс этади.

Эҳсону ҳиммат ва таънаю миннат ҳақида. Эҳсонли, ҳимматли, мурувватли бўлмоқ китоби каримда ҳам, барча уламою фузалолар китобларида ҳам шоҳу гадолар, барча учун ҳам бирдай зарур бўладиган фазилатлар ҳисобланади. Аксинча, таънаю миннатнинг ёмон қусур эканлиги қаттиқ таъкид қилинади. Алишер Навоийнинг бу ҳақдаги нуқтаи назари ушбу назм жавоҳирларида жуда яхши акс этади:

Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин,
Офоқ элига жуди бепоёндин,
Гар мужтаниб ўлса давр аро нуқсондин,
Жудиға камоли узр билгил ондин.

Инсон учун хайру эҳсон қилишдан яхшироқ феълу атвор бўлмагай, олам элига ҳисобсиз саховат айламак бирор нуқсони бор кимсанинг бу камчилиги қилган лутфу карами соясида қолиб кетишини, уни тўла-тўкис, комил инсон эканлигини шоир шеър мунчоғига тизади.

Эҳсонки йилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улуқ иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилғил икки онча эътизор айлаб ани.

Эҳсон айлаб, қилган саховатингдан ифтихор, кибру ғурур қилсанг, оламда буни улуғ иш деб мақтаниб эътиборга эга бўлмоқчи эсанг, бу хатодир. Элга ҳеч бундоғ кибру ғуруру фармойиш ила дилхиралик билан эмас, икки бора узру маъзур ва ширинсуханлик ила мурувват қил,- дейди Навоий, токи бу хайру саховат саналур.

Ҳиммат элининг гарчи хулқ кисвати бор,
Чарх атласидинки не бийик рифъати бор.
Беқиймат эрур улки бийик ҳиммати бор,
Гарчи нечаким ҳиммати бор, қиймати бор.

Ҳиммату эҳсонли кишиларнинг хулқ-ахлоқ либоси бўлгай, бу улуғворлик, виқор тўни чарх атласидан, яъни илоҳ қудратидан тикилгандир. Кимки ҳиммату саховатда тенгсиз бўлса, у шунчалик камтариндир, аммо у қанчалар ҳиммат этса, шунчалар қийматга эга бўладир, камтарлигига қарамай у обрў-эътибор ва шукуҳга эга бўлгай.

Шоир ҳимматли одамни камтарин бўлишга чорлайди ва унинг бу хусусияти янада камолотга эришувига боис бўлгай деб ишора қилади.

Ҳар кимки анинг ҳиммати дунроқ бўлди,
Қайғуларининг тори узунроқ бўлди,
Ҳам ҳиммати рифъати фузунроқ бўлди,
Билким, ғамининг нахли нигунроқ бўлди.

Ҳимматсиз, разил ва бадбин кимсаларнинг ҳар доим ғаму аламлари зиёда бўлгай, баракс кимки олийҳиммат ва саховатпеша бўлса, уларнинг ғаму андуҳ дарахтлари таназзулга юз тутгай ва шоду хуррамлик баҳори улар кўнглини масрур этгай.

Навоий бу тўртликда ҳам ҳимматли кишиларнинг саодатманд ва тубанларнинг бадбахт ва гумроҳликлари ҳақида фикр юритади.

Бир садқаки толеъингни маймун айлар,
Қатрангни ҳавоси дурри макнун айлар,
Жисминг уйига ҳаёт мақрун айлар,
Яъни, бақои умрунга афзун айлар.

Бир садақа айласанг, муборак бахту иқболга эришгайсан ва унинг савоби томчингни яширин дурга айлантиргай, жисминг уйи – вужудингни ҳаётга мақрун этгай – яқинлаштиргай, яъни бақойи умрингни зиёда қилгай, ширин ва бардавом ҳаёт ато қилгай, - дейди Навоий.

Ким садқа берур агарчи Афридундур,
Гар миннат этар бу феъл ила матъундур,
Миннат била улки садқа айлар дундур,
Ким журми анинг савобидин афзундур.

Садақа айлагувчи Афридундек улуғвор шоҳ бўлса ҳам берган ҳадясини миннат қиладиган бўлса, таънаю маломатга қолган. Садақасини миннат қиладиган одам пасткашдир, унинг гуноҳи қилган савобидан кўпдир.

Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсоки сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиғу демакни дохил қилса,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма.

Ушбу рубоийда эса "Фақат эҳсону саховатдан бошқа иш қилма, хасислик қилиб саховат айламакдан юз ўгирма, яхшилик қилгилу қилдим деб айтма, миннат билан қилган яхшилигингни мавҳ айлама", - дейди шоир.

"Яхшилик қилу дарёга сол" – дейди доно халқимиз. "Яхшиликка – яхшилик, ёмонликка ҳам яхшилик қайтар" леган гаплар ҳам бор. Улуғ Навоий эса фақат яхшилик, олийҳиммат, саховатпешалик, лутфу эҳсон – эзгуликлар тарафдори. Шоир ўз замондошлари мозий ва келажак қаламкашларига нисбатан хайрихоҳлик ва меҳр-оқибат ҳақида кўпроқ маънавий дурдоналар қолдирган.

Сабру қаноат ва ҳирсу нафс ҳақида. Алишер Навоий сабру қаноат ва унга қарама-қарши ўлароқ ҳирсу нафс ҳақида ҳам ибратомуз рубоийлар битади, мана улардан бири:

Қонеъға махзани саодат кам йўқ,
Жуз зумраи эъзозу шараф ҳамдам йўқ,
Хурсандлиғ ойини киби олам йўқ,
Ҳар кимсадаким бўлса қаноат, ғам йўқ.

Қаноат этмоқдан ортиқроқ бахту саодат хазинаси йўқдир, дейди Навоий, - чунки қаноатли киши эъзозу ҳурматда бўлгай, азизу қадру қийматли киши оламда беармон шод яшагай. Демак, кимки қаноатли бўлса, у ғам чекмайди. Ғам чекмаган одам хурсанддир, хурсандлик эса бахту саодат манбаидир.

Қуйидаги қўшбайтда эса икки хислат ҳақида гап боради:

Ҳар нечаки кимса фақр помоли эса,
Ғам йўқтур агар сафо кўнгул олий эса,
Гар кисса аро тўла жаҳон моли эса,
Хушроқ андин агар кўнгил холи эса.

Шоирнинг маънидод қилишича, киши ҳар қанча фақр помоли – яъни камбағал бўлишига қарамай, кўнгли олий – соф, қаноатли бўлса, ғам чекмагай. Одамнинг чўнтагида жаҳон молига етадиган пули бўлиб, маънавий қашшоқ бўлгандан чўнтаги бўш ва қалбан бой бўлмоқлиги яхшироқдир.

Навоий ўзининг бу ақидаси билан ҳар доим хасис боёнлардан ҳамиятли камбағалларни устун қўйиб келган, оз бўлса-да бойларга инсоф киришига таъсир этган.

Шоир ушбу рубоийда нафс ҳақида фикр юритади:

Нафсинг нечаким ишда тажоҳул қилди,
Давронда ташаддудинг тасалсул қилди,

Бор ўлди санга улки таҳаммул қилди,
Кўргузди мувосову тағофул қилди.

Агар нафсинг ҳар қанча хуруж қилса, уни тиймасанг сени даврон занжирбанд айлагай. Агар сен сабр-тоқат ила ўзингни тиёлсанг, нафс сени ўз домига тортолмагай ва тинчгина яшайсан.

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб сийм харидори азиз,
Халқ оллидадур фақр талабгори азиз,
Ҳақ оллида фақрнинг эрур хори азиз.

Ушбу тўртликда эса “ҳаргиз салтанат ва зару жавоҳир гадоси азиз бўлмагай, ҳатто у жонини бериб сийм олганда ҳам. Халқ олдида фақрлик, камтаринликнинг талабгори ва ҳақ (худо) олдида фақрнинг хори – фақирроғи азиздир”, - дейди Навоий.

Нафс амрида ҳар нечаки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлук тиласанг синғайсен,
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингга хилоф айлаким, тинғайсен.

Нафс амри билан ҳар қанча интилсанг ҳам, очкўзлик билан ҳаддан зиёдлик тилаганинг билан бир кун фалокатга учрагайсан. Муродингга етмоқ учун ҳар кимга ялиниб, хору зор бўлиб юргандан кўра нафсингга хилофлик – қаршилик қил, уни енг. Шунда сен ҳам тиниб-тинчигайсан, ҳам муродингга етгайсан. Эриша олмаган нарсасидан кечган шахснинг тинч яшаши ва осуда ухлаши ҳеч кимга сир эмас.

Жудеки хирад буюрса тобеъ бўлғил,
Нафс ила бухл амриға монеъ бўлғил,
Оз кўп аро бир сўзумга сомеъ бўлғил,
Кўп бергилу озға лек қонеъ бўлғил.

Ақлинг саховату эҳсон қилмоқни буюрса, уни бажо этгил. Бахиллик ва нафс амрига қарши тур. Сўзни кўп тинглаб оз жавоб қайтар, кўп бериб лекин олишда озига ҳам қаноат қилғил.

Шоир бу тўртликда киши кўнглида ҳар доим икки ўй кечиши, эзгулик ва қабиҳликнинг эргашиб юриши, шайтон ила раҳмон ҳар доим одамзотни ўз томонига чорлаб туришига ишора қилади ва одамларни ғафлат уйқусидан бедор этишга уринади.

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлиғин анинг шарорат англа,
Иш сабр сари анга ишорат англа,
Сабрини зафар сари башорат англа.

Нафс уйига сабр иморатини қур, юрагингдаги нафсу ҳирсни сабру таҳаммул билан алмаштир, бесабрлиғни ёнаётган олов деб билгил. Ҳар ишни сабр ила бажар ва бардошли

бўл, сабрни зафар (муродга етмоқ) йўлида хушхабар деб билгил, - деб ёзади Навоий. “Сабрнинг таги раҳмон”- деган ўзбек халқ мақоли ҳам шоирнинг бу фикрини далиллайди.

Ҳар кимки фалак зулму инодиға етар,
Чун бўлди сабур тенгри додиға етар,
Сабр айлаган охир эътиқодиға етар,
Собир киши оқибат муродиға етар.

Ҳар кимнинг бошига фалакнинг жабру жафолари тушса ва у сабр-бардош ила қийинчиликларни енгса, худо унинг додиға етгай. Сабр айлаган киши охири эътиқодига, яъни кўзлаган режасига, интилган даражасига етажак ва сабрли киши оқибат муродига етар, - дейди Алишер Навоий. “Сабр қилсанг ғўрадин ҳалво битар” – дейди доно халқимиз. Бу уйқашлик Навоий ижодининг халқчиллигидан далолат беради.

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар,
Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарға мақрун айлар.

Сабру тоқат ила киши кўп азобу уқубат чекса ҳам оқибатда ул бахту саодатга эришади. Сабрдан гарчи кўнглинг ғамга тўлиб сиқиласан, аммо келажакда у сени зафар қозонишинг омили бўлади. “Сабрнинг таги роҳатдир”, “Сабр ила садафда қатра дур бўлур”, - дейди машойихлар. Навоий эса уни далил-исботлар ила шарҳлайди, нисбатан ботиний маъноларда сабрли бўлмоқни кишилар қалбига сингдиради. Бевосита китобхон сабр-бардошли бўлиш йўлларини ўйлай бошлайди. Шоирнинг маҳорати ҳам ана шунда!

Ибратга зид сифатлар. Алишер Навоий ибратга зид сифатлар, салбий феъл-атвор хусусида ҳам назм ришталарини моҳирона тизади:

Ҳирс аҳлиға ғайри ниш санчилмас ҳеч,
Бағридин анинг бу ниш айрилмас ҳеч,
Бу маҳлака ичра фикрини қилмас ҳеч,
Ҳирс ани ҳалок этти ва ул билмас ҳеч.

Баднафс, очкўз одамлар юрагига ўз феъли ниш – бигиздек санчилган, унинг бағридан бу ниш айрилмай, ботиб тураверади. Баднафс ва очкўзлигидан у бу нишни жигаридан суғуриб ташлаш ўрнига яна очофатлик қилиб бойлик жамғара бошлайди ва бу ҳирс тиғи уни қандай ҳалок қилганлигини билмай қолади.

Дунё сари ҳирс ҳар ёмондин ортуқ,
Тарк этмак ани кавну макондин ортуқ,
Сувсизға сув шавқи бўлса жондин ортуқ,
Бил сифлаға мол шавқи ондин ортуқ.

Дунёда ҳирсдан ёмонроқ нарса йўқдир, уни тарк этмоқ кавну макон (борлиқ)дан кечмоқдан оғирдир. Сувсиз, ташна кишига сув жондан ортиқ бўлганидек, молу дунё шавқи сифла (тубан, пасткаш)га ундан ортиқроқдир.

Ҳирс ўлса қаноат ўтиға ёқ они,
Яъники адам риштасиға тоқ ани,
Не рахнаки ҳирс айлагай боқ ани,
Маҳкам қилғай магарки туфроқ ани.

Ҳирсинг бўлса уни қаноат оловида ёқ, яъни адам (йўқлик) риштасига тоқ (воз кечгил), кўргилки ҳирс қанчалар тешиб ўпқормади, фақатгина уни тупроқ маҳкам қилди – яъни “оч кўзни тупроқ тўйдиради” деган нақл ушбу рубоийнинг яратилишига асосдир.

Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,
Қўймоқ ани ақл муддаоси билгил,
Нафсингға алам ҳирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

Ҳирс офатини, фалокату даҳшатини нафс иштиёқидан деб билгил ва ундан воз кечмоқни ақл муддаоси эканлигини англа. Ҳирс нафсинг балоси, яъни бедаво дарддир, ундан кечмоқни эса касалинг давоси билгил, деб таърифлайди шоир.

Гар айтур эсанг бўлай жувонмард охир,
Қил ҳирсни фақр йўлида гард охир,
Ҳирс ўтидин ўлма дардпарвард охир,
Ким нафсқа ҳирсдин етар дард охир.

Эҳсону саховатли, олийҳиммат бўлай десанг, ҳирсни фақирлик йўлида гард (чанг)дек тўзит, ҳирс ўтидан дардчил бўлма, чунки ҳирсдан нафсингга дард, иллат етар, дейди шоир.

Тамаъ.

Ҳар кимки тамаъдурур гирифторлиғи,
Не суд анга аҳли сахо ёрлиғи,
Иззат бермас нақду дирам борлиғи,
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи.

Ушбу тўртликда Навоий “ҳар кимки тамаъга гирифтор, мубтало бўлган бўлса, унга саховатли кишиларнинг мададкорлигидан фойда йўқдир, пулу дирҳам иззат-ҳурмат келтирмас, тамаъдан киши оқибат хору зор бўлгай”,- деб ўгит беради.

Ҳасад. Навоийнинг айтишича, жаҳондаги фақирлик йўлига кирмаган барча ҳавойи одам бахту саодатсиздир. Кимки ҳасадчи бўлса, у роҳатсиз умр кечирар ва қаноатсиз киши асло иззат топмас:

Олам элида биров саодатсиз эрур,
Ким, фақр йўлида иститоатсиз эрур,
Иззат топмас кимки қаноатсиз эрур,
Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз эрур.

Ҳар кимки ҳасад хислатидур рой анга,
Иқбол ила фарқ ўлса фалаксой анга,

Ҳеч офатдин бўлмаса парвой анга,
Ҳам ўз ҳасади офатидин вой анга.

Боши кўкка етганда ҳам ҳасадчи куйинаверади, офату фалокат бировлар бошига тушса парво қилмайди, аксинча суюнади, аммо ўз ҳасади офатидан қочиб қутулолмай, охири ҳоли вой бўлади. Ҳасад илони юрагини кемириб, охир обу адо қилади.

Ҳар кимки ҳасуд эрур сазодур ҳасади,
Ҳақдин бўлғай ёмон қазодур ҳасади,
Ўз жониға етгунча балодур ҳасади,
Билким, анга дарди бедаводур ҳасади.

Ҳар кимки ҳасадчи бўлса ўзгалар бахтидан, ютуғидан ранж чекаверади, ундайларга ҳақдан (худо томонидан) охир оқибат аянчли қисмат берилгай. Билингки, кишининг ҳасади дарди бедаво бўлиб, у ўлгунча ҳам бу балодан қутулолмайди ва ҳасад уни ажалидан бурун ўлдиради.

Ғазаб.

Табъ ичра эрур таҳаммуломизлиги,
Ондин ортуқки ваҳшат ангизлиги,
Жон қасди этар кимса ғазабрезлиги,
Алқисса, кишини ўлтурур тезлиги.

Сабру тоқатли ва мулоҳазали бўлмоқ ваҳшатангезлик – тез ва жанжалкашликдан афзалдир, ғазабу дағдаға этгувчи шахс ўз жонига қасд қилгай, алқисса, кишини тезлиги, жаҳлдорлиги ҳалок қилур.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ибратга зид сифатлар баён этилган тўртликларида китобхонни бу тубан хислатлардан ҳазар қилишга ва эзгуликлар сари интилишга ундайди. Шоир дарди - оламу одам дарди, башарият дарди. У оламу одамни, еру осмонни, жумла жаҳонни поку беғубор, мусаффо бўлмоғини истайди.

Алишер Навоий ҳам барча буюк Шарқ алломалари сингари ўз давру замони фарзанди эди. У биринчи туркий аллома шоир бўлиш билан бирга кўп асрли илдизга эга бўлган форс-тожик классик шуаролари Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Аттор ва Абдураҳмон Жомийларнинг салафи, шогирди эди. Маълумки, юқорида тилга олинган шоирларнинг ҳар бири эл орасида пайғамбар даражасида ҳурмату эъзозга эга эдилар, дину ислом ғояларини ўз назмларида тарғиб қилардилар. Шу боисдан Шайх Саъдий, Шайх Низомий ва ҳоказо деб улуғланардилар.

Улуғ диний раҳнамо ҳисобланган Хожа Баҳовуддин Нақшбандий Навоийнинг устози Жомийнинг пири эди. Шундан маълумки, Навоий ҳам тавфиқ ва ихлоси билан ўз жамиятининг илғор намояндаларидан бири эди.

Табиийки, Алишер Навоий одоб-ахлоқ нормаларини дин ва тасаввуфдан ташқарида деб билмайди. Барча инсоний фазилатлар – эътиқод, ҳалоллик, ростлик каби тушунчалар дин билан боғлиқдир. Виждон, софлик, эҳсон, ҳиммат, ҳаё, вафо, сахо каби фазилатларнинг бари имон тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ.

“Назмул-жавоҳир” тўртликларининг бари ана шу йўлда – ҳақиқат ва эътиқод йўлида битилгандир. Зеро, бу тўртликларнинг ҳар бири бир арабий ҳикмат асосида яратилганлиги ҳақида ҳам юқорида таъкидлаган эдик.

Ким олам аро диёнати йўқтур анинг,
Дин нуктасида фатонати йўқтур анинг,
Диндор улким, хиёнати йўқтур анинг,
Йўқ дин ангаким амонати йўқтур анинг.

Кимнингки диёнати бўлмаса, улар динга ётдирлар. Хиёнати бўлмаган кишилар ҳақиқий диндордирлар. Бу билан шоир дин аҳли омонатга хиёнат қилмайдилар, ҳалол одамларгина динга мансубдирлар, дейди.

Гар бўлса асоси қасри давлат олий,
Имонға бўлур равони ҳашмат олий,
Ҳиммат топар имон била рутбат олий,
Имондин эрур гар ўлса ҳиммат олий.

Ҳиммат имонли кишиларнинг биринчи сифатидир. Ҳар бир қалби тоза, соф виждонли инсон ҳиммат билан имон топади. Уларнинг саховати ва ҳиммати имонидан дарак беради.

Ҳар кимсаки дин ичида қувват йўқ анга,
Жазм айлаки, ойини футувват йўқ анга,
Дин аҳли била расми уҳувват йўқ анга,
Ул кимсада йўқ динки, мурувват йўқ анга.

Ҳар кимки дини мазҳаб йўлида ожизу қудратсиздир, унда эҳсону саховат ва олийҳимматлик йўқ деб билгил. Дини йўқ кимсанинг муруввату лутфи бўлмаганидек, диндор кишилардан ҳам дўсту биродари бўлмайди.

Имони анингки куфриға сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки имон ишида моҳир эрур,
Имонини билки сўзидин зоҳир эрур.

Кимнингки юрагида, қалбида пок имони бўлса, у ҳамиша чин сўзни дегай. Доимо ҳақиқат ва адолатни ёқловчи кимсанинг ҳар сўзидан унинг имони намоён бўлгай, дейди Навоий.

Улким туну кун кўнгли муроди ҳақдур,
Ҳар ғуссада ороми фуоди ҳақдур,
Юз ҳар сариким кетурса ҳоди ҳақдур,
Хуш вақти онингки, эътимоди ҳақдур.

Улким туну кун ҳақ (худо) орзусини қилса, ҳар бир ғуссада қалби ороми ҳақдир. Ҳар неки унга юзлашса, ҳақдан деб билур, ҳар вақт унинг ишонгани ҳақдир, дейди шоир ва худога ишонган мўмин-мусулмонларнинг барча келгуликлар худодан эканлигига эътиқоди борлигини таъкидлайди.

Дин заъфини англа буғз ила кинға далил,
Ислом аро нописанд ойинға далил,

Дин қуввати сўз дерда эрур чинға далил,
Чин сўзни қабул этмак эрур динға далил.

Ёмонлик ва гина-кудуратнинг авжига чиқиши диннинг заифлашганлигидан далолат беради. Дин мустаҳкам бўлганда фақат чин сўзларгина эътироф этилади. Ростлик, тўғрисўзлик, ҳалоллик ва беғаразлик динга хосдир.

Имон топқай кишига ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасаси заҳматидин,
Имонға мадор ўлди кўнгул қувватидин,
Кўнгул аро қувват ўлди дин сиҳҳатидин.

Имони, эътиқоду ишончи мустаҳкам кишилар шайтон васвасасига учмайдилар. Дини, имони бутун инсонлар қабоҳатдан, разолатдан, хиёнатдан йироқдирлар.

Ҳақиқатан ҳам Навоийнинг ҳар бир тўртлиги, айниқса эътиқод ва ҳалолликка оид байтлари агар кўнгилларнинг тубидан жой олса-ю, ҳар дақиқада уни дилларда такрорланса, улар кишини барча нохушликлардан, кўнгилхиралик, сўнгги пушаймондан, барча ёмон ишлардан, ҳатто жиноятдан сақлаб қолишга қодир.

“Назмул-жавоҳир” рубоийларининг бор мақсади, руҳи инсонийлик шарафини улуғлаш, худо унга ато этган барча фазилатлар соҳиби бўлиб камол топмоқ. Одамийлик чегарасидан ташқари чиқмаслик, ёт хислатлардан холи бўлиб, инсон руҳининг поклигига, софлигига эришмакликдир. Ойдай равшанки, бу таълимот, маънодор панду ўгитлар ҳар бир авлоднинг, поку беғубор фарзандларимизнинг ёшлигидан қалбларига жо бўлса, ўйлаймизки, ўзаро ҳурмат, биродарона муносабатлар, меҳру оқибат, тинчлик ва дўстлик асослари пайдо бўлади, инсон қадр-қиммати, эъзози қарор топа бошлайди.

“НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ШАРҲИ

“Назмул-жавоҳир”нинг қўлёзма нусхалари

Маълумки, Навоий ижоди адабиётшунос олимлар, зиёлилар томонидан шоирнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан кенг ўрганишга киришилди. Алишер Навоий асарларини ўрганиш ва уларни оммалаштириш ишлари кенг кўламда ривож топа бошлади. Навоий ижоди ва унинг сермаҳсул адабий мероси билан қизиқиш натижасида беш асрдан бери қўлда кўчирилиб кўпайтирилган ва ҳар томонга тарқалиб кетган шоир асарларини жамлаш ва халқ мулкига айлантириш ишлари авж олди.

Мамлакатимизнинг бир неча манзилларида ва ҳудудимиз ташқарисида ҳам Шарқ адабиёти ва маданиятига оид адабий, маънавий меросимизнинг йирик-йирик сақланиш фондлари вужудга келиб, уни тобора бойитиш ишлари олиб борилди. Навоий ижодини ўрганиш сари дастлабки илмий қадамлар ана шу қўлёзма хазиналарида тўпланган шоир асарларининг қисқача шарҳи билан бошланди

Навоий асарларининг, жумладан, “Назмул-жавоҳир” асари қўлёзмаларининг таърифларини “Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами”[1], “Ўзбекистон Давлат кутубхонасида сақланаётган Навоий асарлари тавсифи”[2], “Ленинград тўпламидаги Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи”[3], “Алишер Навоий асарларининг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари”[4], Ўзбекистон ФА Ҳ.Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти фондидаги “Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи”[5], “Бокуда сақланаётган Навоий асарлари”[6] шарҳи ва бошқа каталогларда учратиш мумкин.

Улардан маълум бўладики, Шарқ адабиёти ва маданиятига оид қўлёзма асарларни сақловчи энг йирик марказларда, жумладан, Салтикор-Шчердин номли Ленинград Давлат кутубхонасида “Назмул-жавоҳир”нинг 3 та нусхаси, Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида 4 та, Шарқшунослик институтида 2 та, Озарбайжон ФА Низомий номидаги Боку қўлёзмалар хазинасида 2 та, Тошкент, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 4 та, Ўзбекистон ФА Ҳ.Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти қўлёзмалар фондида 2 та нусхаси мавжуд экан.

“Назмул-жавоҳир”нинг юқорида таъкидланган хазиналарда сақланаётган қўлёзмалари ичида энг тўлиқ, тарихийлик жиҳатидан юқори поғонада турадиган асл нусхаси ЎзФА Ҳ.Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти (ҳозирда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи) қўлёзмалар фондида 8-тартиб рақам билан ҳужжатланган экан. Қолган нусхаларнинг аксарияти XIX асрда кўчирилган. Жумладан, Бокуда сақланаётган “Назмул-жавоҳир” қўлёзмалари ҳам навоийшунос олима Ж.Нагиеванинг маълумотича, тахминан XVIII-XIX асрларда кўчирилган бўлиб, ҳажм жиҳатдан қадимий қўлёзмаларга нисбатан мухтасарроқ[7]. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида

[1] Собрание восточных рукописей АН Уз. Т.IV/ Ташкент, 1954.
[2] Семенов А.А. Описание рукописей произведений Наваи, хранящихся в Государственной публичной библиотеке Узбекистан, Ташкент, 1940 г.
[3] Волин С.Л. Описание рукописей произведений Наваи в Ленинградских собраниях, Сборник «Алишер Наваи», М.,-Л., Изд-во АН. 1946 г.
[4] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий асарларининг ЎзФА Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари, Тошкент, 1970 й.
[5] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент, 1983 й.
[6] Нагиева Дж. “Бакинские рукописи Алишера Навои”. Баку-Элм, 1986 г.
[7] Бу ҳақда тўлиқ маълумот учун қаранг: Нагиева Дж. “Бакинчские рукописи Алишера Навои”, Баку-Элм, 1986,

сақланаётган асарнинг 4 та нусхаси дастлаб Семенов А.А., кейин Т.Ғофуржонова ва Қ.Мунировлар томонидан тавсиф этилган. Ҳар учала тавсифда ҳам қўлёзмаларнинг тўлиқ, бутунлиги таъкидлангани ҳолда, асар ҳажмининг тўлиқлиги ҳақида маълумот берилмайди. Шунинг учун ҳам муҳтарам олимларимиз тадқиқотига қўшимча киритилиши илмий заруратдан деб қабул қилинмоғи лозим:

1743-I ҳужжат рақамли асар нусхасида 1-б варақдан муқаддима бошланиб, у 16-б варақда ниҳоя топган. Шу жойдан рубоийлар бошланади, 43-б варақда асар тугайди. Ҳар саҳифага 13 сатрдан ёзилган. Адабий иборалар ҳамда мисралараро тиниш белгилари қизил, асосий матн қора рангда битилган. Тўртликлар икки устун, арабча ҳикматли сўзлар алоҳида сатрда қизил рангда. Рубоийлар сони 132 та.

7386-I. Асар муқаддимаси ҳар саҳифага 13 қатордан қора сиёҳда, арабий, адабий иборалар ҳамда мисраларни бир-биридан ажратиш учун қўйилган белгилар қизил рангда битилган. Тўртликлар икки устунда, арабча жумлалар алоҳида қаторда келтирилган. Рубоийлар сони 228 та. Саҳифадан саҳифага ўтишда бир тўртликнинг 2-байти қайтариқ келган. Асар тўлиқ эмас. Бу нусха ҳам юқоридаги қўлёзма нусхаси каби “Ҳар кимки хирад тариқининг нисбати бор” деб бошланувчи тўртлик билан тугаган.

9944-III. Асар матни ҳар саҳифага 11 сатрдан жойлашган. Тўртликлар икки устунда, уларнинг сони 229 та. Қўлёзма бутун бўлса-да, асар тўлиқсиз. Бу нусха ҳам “Ҳар кимки хирад тариқининг нисбати бор” деб бошланган тўртлик билан тугайди.

9361-II ҳужжат рақамли “Назмул-жавоҳир” асари 135-б – 151-б варақларда жойлашган. Матн ҳар саҳифага сидирғасига 13 қатордан ва яна ҳошияларга ҳам тўлдириб ёзилган. Муқаддима, хотималар тўлиқ. Тўртликлар сони 265 тани ташкил этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу тўрттала асар нусхаси XIX асрда Ўзбекистон ҳудудида Қўқон қоғозига битилган. Улардан иккитасининг кўчирилган йили аниқ кўрсатилса-да, тўртталасининг ҳам котиби номаълум. Шу қўлёзмаларнинг учтаси (1743-I, 7386-I , 9944-III) нокомил бир манбадан ёки бир-биридан қисқартирилган ҳолда кўчирилган.

9361-II нусханинг бошқаларга нисбатан афзаллиги унинг тўлиқлигидир.

Қўлёзмалар институти қўлёзма фондидаги 2770-I тартиб рақами билан сақланаётган “Назмул-жавоҳир” асари ҳам тўлиқ эмас. Рубоийлар сони 215 тани ташкил этади. Бу нусха ҳам юқорида санаганимиз уч нусха каби бир хил, яъни “Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор” деб бошланган рубоий билан тугайди. XIX аср, котиби номаълум[1]. Бу қўлёзма ҳам Шарқшунослик институти фондида сақланаётган учта тўлиқсиз нусханинг яна бир кўчирмаси эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Хуллас, мамлакатимиз қўлёзма фондларида мавжуд асар нусхаларидан Қўлёзмалар институти фондидаги 8-сақланиш рақамли мажмуани энг мўътабар, қадимий ва илмий-танқидий матн учун муносиб асос бўлади, деб ҳисоблаш мумкин.

Шарқшунослик институти фондидаги 9361-II нусха ҳам илмий-танқидий матн тузишда қиёсий-таҳлилий ёрдам кўрсата олади.

Фидойи манбашунос олимларимизнинг тинимсиз изланиши уларни Ватанимиз чегарасидан четга чиқиш, қўлёзма хазиналар билан яқиндан танишишдек машаққатли, ҳам масъулиятли ишга мушарраф этди. Жумладан, таниқли навоийшунос, матншунос олим, профессор, марҳум Ҳамид Сулаймоннинг бу соҳада эришган ютуқлари таҳсинга

стр. 100.

[1] Қўлёзманинг тўлиқ тавсифига қаранг: Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Т., 1983, 181-с.

лойиқ. У заҳматкаш инсон боис, чет элларда сақланаётган Шарқ адабиёти ва маданиятига оид қўлёзма хазиналарида Навоийнинг йирик-йирик асарлар тўпламлари, куллиётлари мавжудлиги аниқланди, уларнинг тасвир нусхалари қўлга киритилди. Масалан, Туркия мамлакатининг пойтахт шаҳри Истанбул, Тўпқопи, Реван кутубхонасида 808-тартиб рақам билан, Франция пойтахти Париж Миллий кутубхонасида 316-317 тартиб рақамлари билан сақланиб келинаётган Навоий асарлари куллиётларининг тасвир нусхаларига эришишнинг ўзи матншуносликда катта бир воқеа бўлди. Бу куллиётларнинг қадри жуда юксак. Шу боисданким, биринчидан, улар тарихи, санаси жиҳатидан Навоий яшаган даврга бориб тақалади; иккинчидан, бошқа тўпламларга нисбатан анча мукаммал, асарлар мундарижаси кенг; учинчидан, бу куллиётларни кўчирган хаттотларнинг нафис ҳунари, хушхатлиги, саводлилиги ҳам уларнинг қимматини янада оширади[1].

Биз ўз олдимизга Алишер Навоийнинг “Назмул-жавоҳир” асари илмий-танқидий матнини тузишни мақсад қилиб қўйдик. Асарнинг муаллиф матнига яқин нусхасини яратиш учун энг қадимий, ноёб қўлёзмаларни жалб этдик. Бунинг учун энг қадимги қўлёзмалардан бир нечтасини кифоя деб билдик. Қўлёзмалар бир-биридан ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилиб, бир котиб қилган хатони унинг салафлари такрорлагани ва хаттотдан хаттотга ўтган сари асл нусхадан йироқлашиш ҳоллари содир бўлганлигини ҳисобга олиб кейинги даврларда кўчирилган ҳамда босма усулда чоп этилган асар нусхаларидан фойдаланилмади, чунки “матнга жаҳон кутубхоналарида мавжуд бўлган барча қўлёзмаларни жалб этиш ортиқча ўзгаришларга олиб келган ва оригинал текстга яқинлашишга йўл қўймаган бўлар эди”[2].

[1] Бу куллиётларнинг тўлиқ тавсифига қаранг: Ҳ.Сулаймон. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан. “Адабий мерос”, 3-жилд, 83-92-саҳифалар.

[2] Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т. I, под редакцией Е.Э.Бертельса. М., 1960, с.9.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР» АСАРИ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ТУЗИШГА АСОС БЎЛГАН ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАР ТАВСИФИ

«Назмул-жавоҳир» асари илмий-танқидий матнини тузишда учта қўлёзма асос вазифасини ўтади. Булар:

Истанбул шаҳар, Тўпқопи, Реван кутубхонасида сақланувчи Навоий асарлари куллиёти;

Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидаги Навоий асарлари тўплами;

Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган шоир асарлари куллиёти.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 9361-II рақамли асар нусхасидан илмий-танқидий матн тузишда ёрдамчи-текширувчи нусха сифатида фойдаланилди.

Илмий-танқидий матнга асос қилиб олинган тўплам ва куллиётлар бутунлигича илмий таъриф қилинган. Биз эса шу тўпламлардаги «Назмул-жавоҳир» асари тавсифларини беришга ҳаракат қилдик.

1. Истанбул шаҳар, Тўпқопи, Реван кутубхонасида 808-тартиб рақами билан сақланувчи Навоий асарлари куллиётида «Назмул-жавоҳир» асари нусхаси учинчи тартиб рақами билан келади. Бу куллиёт 1496-1499 йилларда ўз даврининг машҳур хаттоти Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчирилган. Бу куллиётнинг мусаннифи Алишер Навоийнинг ўзидир. Бунга куллиётнинг махсус «Муножот» билан бошланганлиги, асарларнинг тартиби шоир дунёқарашларига мувофиқ ҳолда тузилганлиги ҳамда куллиётнинг кўчирилиш даври – бошланиш ва тугалланиш вақтларининг аниқ кўрсатилганлиги ёрқин далилдир. Биз ана шу куллиётдан олинган «Назмул-жавоҳир» асари матнининг тасвир нусхасидан фойдаландик. Бу нусхада «Назмул-жавоҳир» 16 (10бҳ19а) саҳифага жойлашган. Асар матни майда, чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳда ёзилган. Тўртликлар олдидан келтирилган арабча ҳикматли сўзлар атрофи нақш билан безатилган. Муқаддима - насрий қисм ҳар саҳифага 27 қатордан битилган, жами 3 саҳифа. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, асарнинг муқаддима қисмида 11 а,б саҳифалар тушиб қолган экан. Асар варақлари тасвир нусхаси рақамланаётган вақтда бу камчилик пайқалмаган, натижада кейинги варақ 11 деб рақамланиб кетаверилади. Биз тушиб қолган матнни бошқа қўлёзмалардан олиб тўлдирдик. Текст 12 а саҳифадан давом этади. Бу нусхада муқаддима (бизнингча, техник нуқсон сабабли) бир оз тўлиқсиз бўлса-да, асосий матн бошқа барча қўлёзмаларга нисбатан энг тўлиқ, тўртликлар ва ҳикматли сўзлар сони - 268 та. Улар ҳар саҳифага 27 қатордан тўрт устун қилиб жойлаштирилган. Хотима тўлиқ. Бу нусха матнида айрим ўринларда котибнинг ўз иши устидан тузатиш ҳоллари ҳам учрайди. Булар тушиб қолган мисра ёки жумлаларни тиклаш мақсадида нуқта-нуқта (.....) қилиб ўралган ҳолда ўрнига қўйиш, мисралар ўрин алмашиб қолган тақдирда (муқаддам) ва (охир) белгилари билан тузатиш орқали амалга оширилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзма фондидаги 8-тартиб рақамли мажмуа Алишер Навоийнинг «Арбаин», «Назмул-жавоҳир», «Хамсатул-мутаҳаййирин» ва «Вақфия» асарларидан тузилган. Котиби номаълум. Кўчирилган вақти қўлёзманинг қоғози, хати ва бадиий безаклари - унвон ва жадвалларига биноан XV аср охири ёки XVI аср бошларида деб асосланган. Қўлёзма қизил чарм билан муқоваланган. Қўлёзманинг дастлабки икки варағи кейинчалик Қўқон қоғозига ёзиб тикланган. Ҳирот услубига хос чиройли настаълиқ хатида қора, ҳикматли сўзлар зарҳал

сиёҳлар билан битилган. Асар тексти тўлиқ, ҳар саҳифага 15 қатордан икки устунда жойлашган. «Назмул-жавоҳир» асари жами 32 варақдан (7а-39а) иборат. Муқаддима 19 саҳифани (7б-16б) ташкил этади. 16б-38б варақлар оралиғида асосий текст - жами 265 та ҳикматли сўз ва шунча тўртликдан иборат. 39а саҳифадан хотима.

Бу қўлёзма ўзига хос ҳуснихат ва гўзал услубда битилган. Настаълиқ хатининг имкониятларидан бири хатни чўзиб маълум чегарага етказиш ва ўша ўлчовдан ўтиб кетмаслик учун хатни қисқартириш мумкинлигидир. Ушбу нусхада кўпроқ жойни иқтисод қилиш мақсадида бу имкониятдан кенг фойдаланилган, тўртликлардаги радифлар биринчи мисрадагина битилиб (гоҳо иккинчи мисрада ҳам берилади), кейинги мисраларда тушиб қолади. Матнни ўқиган вақтда вазн талаби билан радиф қўшиб ўқилаверади. Бошқа нусхаларда эса бундай ҳодиса деярли учрамайди. Қўлёзманинг яна бир афзаллик хусусияти шундаки, котиб айрим ўқилиши ва тушунилиши қийин бироз қусурли битилган ёки сиёҳи суркалган сўзларни ҳошияда тузатиб кўрсатади.

3. Париж Миллий кутубхонасида 316-317 тартиб рақамлари билан сақланувчи Навоий асарлари куллиёти 1526-27 йилларда кўчириб ёзилган. Котиби Али Ҳижроний. Бу нусханинг ҳам фото тасвиридан фойдаландик. Матн ниҳоятда гўзал ва жозибадор настаълиқ хатида битилган, у ҳар саҳифага 25 қатордан, назм қисми тўрт устун шаклида, наср эса сидирғасига ёзилган. Арабча ҳикматли сўзлар насх ва сулс хатлари билан ажралиб туради. Бу нусхадаги «Назмул-жавоҳир» асари 20 саҳифага жойлашган бўлиб, муқаддимада тушиб қолдирилган айрим ўринлар учрайди, 12б деб рақамланган саҳифада матн йўқ (бу камчилик фото нусханинг саҳифа рақамларини қўйиш вақтида маълум бўлган). Муқаддима 8а-10б саҳифаларга жойлашган. 11а саҳифадан асосий матн бошланиб, 17б саҳифада тугайди. Ҳикматли сўз ва тўртликлар жамъи 248 тадан. Хотима тўлиқ.

“Назмул-жавоҳир” асари матни танқиди, уни тузиш қоидалари ва ишдаги белгилар

“Назмул-жавоҳир”нинг уч қўлёзмасини қиёсий ўрганиш асар матнини тўлдиришга, хато жумла ва ибораларни тузатишга самарали таъсир кўрсатди. Ҳар учала манбадан асос сифатида фойдаланар эканмиз, энг қадимий – Истанбул нусхасини таянч деб қарашимиздан қатъий назар, барча нусхалар танқидий ўрганилди. Матншуносликнинг асосий қоидаларидан бири ҳам ана шу. Таянч нусха кўчириб олиниб, бошқа нусхаларнинг фарқли томонлари санаб борилиши матншунослик қонуниятларига зиддир. Таянч нусханинг муаллиф матнига қанчалик яқинлигидан қатъий назар танқидий ёндошилиши тўғридир. Чунки ҳар бир ишончли, комил нусхада ҳам айрим қусурлар бўлиши мумкин. Мисол учун биз қиёсан ўрганаётган матнларнинг энг мукаммали – Истанбул нусхасидаги асарнинг биринчи саҳифасидаёқ бир тўртликнинг икки мисраси тушиб қолганлигини келтирамиз:

Улким баданиға то жон бўлғусидур,
Жондек бадани ичра ниҳон бўлғусидур,
Килки нечаким нуктафишон бўлғусидур,
Ҳар нуктада манқабат аён бўлғусидур.

рубоийсида иккинчи ва учинчи мисралар тушиб қолган. Бу камомад бошқа икки нусха асосида тўлдирилди. Бундай камчиликлар қўлёзма қадрини бироз камайтирса-да, унинг афзаллик томонлари тарози палласини босиб кетади. Масалан: танқидий матннинг иккинчи саҳифасида пайғамбар саҳобалари – чаҳорёрлар ҳақидаги арабча ибораларбилан улар

мадҳ этилган тўртлик Париж нусхасида тушиб қолганлиги аниқланиб, бу қисм таянч нусха асосида тикланди.

Илмий-танқидий матннинг бешинчи саҳифасидаги "...аларнинг зулфи сунбулидин чеҳралари узра мундоқ мушк сочарким..." жумласида Тошкент нусхасида икки фарқ борлиги маълум бўлди. Биринчиси "сунбулидин" сўзининг "сунбулларин" тарзида битилганлиги бўлса, иккинчиси "мундоқ мушк" сўзларининг тушиб қолганлигидир. Тошкент нусхасида бу жумла "...аларнинг зулфи сунбулларин чеҳралари узра сочарки..." тарзида бўлиб, мазмун мавҳум, сўзлар ҳам қовушмаган. Агар уни Истанбул нусхаси асосида тузатиб ўқисак, уларнинг сунбул зулфларидан чеҳраларига шундай хушбўйлик етарки... деган маъно англашилади.

Илмий-танқидий матннинг 12-саҳифасида 9-тартиб рақамли тафовут биргина элементнинг камлиги билан содир бўлиб, мазмунга катта таъсир кўрсатган. "Тўкулубтур" сўзи Тошкент нусхасида "тўлулубдур" шаклида ёзилган бўлиб, бу сўз инжуларнинг "Мағриб дарёси ёқасига" тўкилганлигини бузиб кўрсатади. Агар биргина, масалан, Тошкент нусхаси асосида матн тузилганда, кўриниб турибдики, қанчалик хатоликка йўл қўйилган бўлар эди. Қиёсий таҳлилнинг афзалликлари ана шунда ҳам кўринади.

Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати, сўз санъати турларидан моҳирона фойдалана билиши, устакорона сўз танлаш усули қўлёзмалараро фарқларнинг тўғрисини аниқлашда кўп қўл келади. Масалан, Навоий саъж санъатидан кенг фойдаланганлигидан матннинг ўқилиши равонлик ва мутаносиблик касб этади, бу нарса сўзларнинг ўринли, ўринсиз ишлатилганлигини яққол кўрсатиб туради. Далил: танқидий матннинг 12-саҳифаси 11-фарқ. Тошкент нусхасида – орзу, Париж нусхасида – савдо. "Паришон хотирға ва ошуфта замирға бу савдо кўп дағдаға солур эрдиким... бу муддао кўп тараддуд еткурур эрдиким..." жумласида "хотир-замир", "савдо-муддао", "солур-еткурур" сўзлари ўзаро қофияланиб, "савдо" сўзининг ўрнига "орзу"ни қўядиган бўлсак, бу мутаносибликка зарар етган бўлар эди. Яна бир мисол: 14-саҳифада "...маони сарву гуллари била руҳпарвар ва мақосид шамшоду сунбуллари била руҳгустар..." жумласи бор. Бунда "сарву гуллари – шамшоду сунбуллари", "руҳпарвар – руҳгустар" сўзлари саж санъати билан яратилган бўлиб, Тошкент нусхасидаги "сунбулу шамшодлари" тартибида сўзларнинг ўрин алмашиб келиши (гарчи мазмунга зарар етказмаса-да) оппоқ саҳифадаги қора доғдек кўзга яққол ташланади.

Илмий-танқидий матннинг 29-саҳифасидаги "...бу навъ лулўларким, шоҳ бошининг нисориға лойиқ бўлғай тиларсен ва андоқ инжуларким, шоҳаншоҳ фарқининг ийсориға мувофиқ бўлғай истарсен..." жумласида "лулўларким – инжуларким", "нисориға – ийсориға", "лойиқ бўлғай – мувофиқ бўлғай", "тиларсен – истарсен" сўзлари қофияланиб келган. Истанбул ва Париж нусхаларида "фарқининг" ўрнига "фарқиға" сўзи ёзилган бўлиб, "ийсориға" сўзи тушиб қолгандир. Бу сўзни ўрнига қўйиш натижасида Навоий бадиий маҳоратининг жозибаси тикланди.

Қуйида "Назмул-жавоҳир" асари илмий-танқидий матнини тузишда қўлланилган амаллар баён этилади:

Алишер Навоийнинг "Назмул-жавоҳир" асари илмий-танқидий матнини тузиш учун ҳали ўрганилмаган, энг қадимий, текстлари нисбатан тўлиқ ва мукаммал қўлёзма нусхалар танлаб олинди.

Тарихийлик принципига амал қилинган ҳолда сараланган бундай қўлёзмаларнинг учтасини илмий-танқидий матн тузиш учун етарли деб топилди.

Таянч нусха сифатида энг қадимий, мукаммал нусха Тўпқопи, Реван кутубхонасида сақланаётган куллиёт таркибидаги асар нусхаси қабул қилинди.

Илмий-танқидий матн тузишда қиёсий-таҳлилий қоидага амал қилиниб, ҳар бир қўлёзмага танқидий ёндошилди.

Асарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўртликларнинг жойлашиш тартиби таянч нусха асосида тузилди.

Илмий-танқидий матн илмий изоҳлар билан таъминланиб, матнда қиёсий-таҳлилий, танқидий ўрганиш жараёнида аниқланган маълумотлар ифода этилди. Изоҳида матнлараро кескин тафовутлар: жумла, сўз ё ҳарфнинг тушиб қолиши ёки орттириш ҳоллари, ибора, мисра ва сўзларнинг ўрин алмашиши, синоним ёки сўзларнинг хато ёзилган ҳоллари кўрсатиб борилди. Бундай фарқлар саҳифада тартиб рақами билан белгиланиб, текст остида фарқли деб топилган сўз ёки жумлалар қайси қўлёзмага оид эканлиги шартли амаллар орқали қайд этилди.

Илмий-танқидий матнга асос бўлган нусхалар шартли равишда алфавитнинг дастлабки уч бош ҳарфи билан белгиланди: Тўпқопи нусхаси – А, Тошкент нусхаси – Б, Париж нусхаси – В.

Қўлёзмалар саҳифа рақамлари илмий-танқидий матнда шу саҳифада бошланган сўз устида белгилаб борилди. Бу рақамлар тўғри тўртбурчак шакли ичига олинди.

Рубоийларнинг тартиб рақамлари араб сонлари билан доира шакли ичида акс эттирилди.

Илмий изоҳда тил хусусиятлари жиҳатидан содир бўлиб, мазмунан фарқ қилмайдиган фарқлар қайд этилмади. Шунингдек, тўртликларнинг жойлашиш тартиби мазмунга таъсир этмаганлиги сабабли уларнинг ўрин алмашганлик ҳолатлари ҳам алоҳида таъкидланмади.

Рубоийлар қатъий равишда тўрт мисрадан ташкил топганлиги учун уларнинг мисралари ўрин алмашганлиги ҳолларини кўрсатиш мақсадида мисралар тартибини алфавитнинг дастлабки тўрт кичик ҳарфи билан белгиладик.

Амалий-шартли белгилар:

Тушиб қолган сўз устига фарқлар тартиб рақами қўйилиб, саҳифа остида шу тартиб рақамидан кейин қайси нусхада шу сўзнинг тушиб қолганлиги шартли белги орқали равшанлаштирилади, сўнг айириш (-) белгиси қўйилади.

Агар тушиб қолган сўз бир эмас, икки ва ундан ортиқ бўлса, шу қисм олдидан юлдузча (*) белгиси қўйилиб, сўнгида тафовут тартиб рақами, матн остида эса рақаму юлдузча ва қўлёзма белгисидан кейин айириш аломати қўйилди. Айириш белгиси юлдузча ҳамда рақам оралиғидаги иборанинг тушиб қолганлигини кўрсатади.

Аксинча, бирор сўз ё ҳарф орттириб юборилганлиги аниқланса, ана шу орттирилган қисм олдидаги сўз устига тартиб рақами қўйилиб, саҳифа остида маълум нусханинг шу ўринда орттирилган қисми қўшиш (+) аломати билан кўрсатилди.

Мисраларнинг ўрин алмашганлиги ҳолати ўша мисра сўнгида тартиб рақами ҳамда илмий изоҳда ўз тартиб рақами таъкидлангани ҳолда мисраларнинг шартли тартиб белгилари (а, б, в, г), алмашганлик ишораси (=) билан берилди.

Сўзлар ўрин алмашган ҳолатда тўғри деб топилган жойлашиш тартиби устида фарқ рақами қўйилиб, матн остида шу рақам ва қўлёзма белгисидан кейин сўзларнинг алмашганлик кўриниши битилди.

Агар бирор сўз ўрнига бошқа сўз ёки хато битилган бўлса, тўғри деб топилган сўз устига тартиб рақами қўйилиб, илмий изоҳга хато сўз туширилади.

Борди-ю, бундай фарқлар бир неча сўз ёки жумладан иборат бўлса, шу сўзлар ё жумла олдидан юлдузча белгиси, сўнгидан тартиб рақами қўйилди. Қуйида эса шу оралиқдаги фарқни кўрсатиш мақсадида тартиб рақами билан юлдузча белгиси қўйилди, сўнг фарқли жумла келтирилди.

Тушиб қолган қисм ҳажман катта бўлиб, шу қисм орасида ҳам бошқа қўлёзмалараро фарқ бўладиган бўлса, бу қисм олдидан икки юлдузча (**) шакли ёнма-ён қўйилди, оралиқдаги майда фарқлар тартиб рақамлари эса давом эттирилаверди. Қачонки, ўша тикланган катта қисм тугаса, навбатдаги тартиб рақами қўйилиб, текст остида шу тартиб рақами икки юлдузча билан бирга берилди. Бу белги шу икки юлдузча билан мазкур рақам оралиғини билдиради.

Катта ҳажмли матннинг тушиб қолишига мисол келтирамиз:

Илмий-танқидий матннинг иккинчи саҳифасида бир юлдузча белгиси бўлиб, унга тегишли рақам кейинги саҳифададир. Бу оралиқда бошқа тушиб қолган сўз бўлмаганлиги сабабли бир юлдузча шакли қўйилган. Бошқа фарқлар тартиб рақамлари ўз йўлида давом эттирилиб, учинчи саҳифадаги 1-рақамли фарқ саҳифа остида бир юлдузча шакли билан бирга берилган. Бу аввалги саҳифадаги ўша юлдузча шакли қўйилган жойдан бошлаб бу саҳифадаги 1 рақамигача бўлган матннинг В нусхада мавжуд эмаслигини билдиради.

Саккизинчи саҳифанинг биринчи қаторидаги “сиғмас” сўзидан кейин икки юлдузча шакли қўйилган. Бу белгига дахлдор рақам 20-саҳифада бўлиб, у 6 дир. Бундан шу оралиқдаги матннинг А нусхада тушиб қолганлиги англашилади. Яна ана шундай икки юлдузли белги матннинг 54 ва 61-саҳифаларида учрайди. Бу оралиқдаги матннинг В нусхада етишмаслиги 61-саҳифа, 1-тартиб рақамли изоҳда ойдинлашади.

Энди илмий-танқидий матн тузишда учраган тафовут қандай асос билан тўғри ё нотўғри деб ажратилганлигини кўрсатиш учун бир неча мисол келтирамиз:

Олтун кумуш этма касб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни накбат тунидин,
Гар йўқтур адаб не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ олтунидин.

Ушбу рубоийнинг иккинчи мисрасидаги “накбат” (машаққат, фалокат) сўзи ўрнида Б нусхада “давлат” деб берилган. Бу сўз мазмунни ёритишга ёрдам бермайди ва яна биринчи ҳам иккинчи мисраларда “давлат” сўзининг такрор келиши ҳам мумкин эмас.

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлиғни анинг шарорат англа,
Иш сабр сари анга ишорат англа,
Сабрини зафар сари башорат англа.

“Шарорат” - ёмонлик, ярамаслик демакдир. Нафсингга эрк берма, сабр-қаноатли бўл, бесабрлик ёмондир, дейилади аввалги мисраларда. В нусхада “шарорат” сўзи ўрнига “ишорат” деб нотўғри ёзилган.

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки нажосатға тани маскандур,
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр ўғлиға қорин душмандур.

Кимки кўп овқат ейишни одат қилса, тани нажосатга, яъни ортиқча нарсаларга тўладир. Б нусхада “нажосат таниға маскандур” деб берилади, бир қўшимчанинг ўрин алмашиниши билан мазмунга ҳам путур етган.

Уч қисм ила имонға бино фаҳм айла,
Аввалғисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла.

Сўнги мисра Б нусхада “Учунчисини доғи сахо фаҳм айла” деб берилади. Биз юқоридаги ҳолатни тўғри деб топдик, чунки учинчи ва тўртинчи мисраларда “доғи” сўзининг қайтариқ бўлиши тўғри эмасдир.

Демак, асарнинг қиёсий-таҳлилий ўрганилиши унинг матни тўлиқлигига, мукаммаллигига олиб келади. Айниқса, асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш учун танланган қўлёзмаларнинг қадимийлиги ва комиллиги бу ишнинг самарали натижа беришига омиллик қилади. “Назмул-жавоҳир” асари илмий-танқидий матни учун асос бўлган қўлёзмалар кўзда тутилган мақсадни, яъни шу асарнинг муаллиф матнига яқин нусхасини яратиш ишини амалга оширишда муносиб хизмат кўрсатди. Қўлёзма нусхаларини синчиклаб текшириш, қиёслаш ва танқидий ёндошиш натижасида “Назмул-жавоҳир”нинг тўлиқ, мукаммал матни юзага келди.

ХУЛОСА

1. Маданий ва адабий меросларимизнинг ҳар томонлама камол топган, ахлоқий пок ва жисмонан мукаммал инсон шахсини шакллантиришда хизмати каттадир. Айниқса, Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, тарбиявий характердаги асарлари бу йўлда алоҳида аҳамият касб этади.

2. "Назмул-жавоҳир" асари жами 300 га яқин тўртликдан иборат бўлиб, бу тўртликларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мазмунли, таълим-тарбия ҳақидаги панду ўгитлардан ташкил топган. Уларда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳар бир кишининг хушхулқу одоблилик, маънавий поклик, тўғрилик, ҳақиқатгўйлик каби инсоний сифатларга эга бўлишлари ва бунинг учун ўзни қандай тутиш лозимлиги ҳақида кўп насиҳатлар айтади. Улар ғоят таъсирчан оҳангларда, чуқур маъноли бўлганлиги учун ҳам ҳар бир тўртлик кишини ўйга чўмишга, унинг ҳақиқат эканлигини тан олишга мажбур этади. Навоийнинг тил ва сўз, таъна ва таъмагирлик, юмшоқлик ва тезлик, ҳалоллик ва эгрилик ҳақидаги ибратли хулосалари кишини ўз хулқу атворига, юриш-туришларига, одамлар билан муносабатига назар солишга даъват этади.

3. Навоий асарлари беш аср давомида турли хаттотларнинг машаққатли қўл меҳнатлари самараси ўлароқ кўпайтирилиб, қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга ўтиб, яшаб, бизгача етиб келди. Қўлда кўчириб ёзилган бундай қўлёзмалар мамлакатимизнинг турли бурчакларига, ҳатто чет элларгача ҳам тарқалиб кетди. Навоий ижоди билан шуғулланиш ва унинг асарларини тўплаш соҳасида қилинган кўпгина ишлар натижасида қўлёзма хазиналаримизда жуда кўп қимматли, қадимий қўлёзма манбалар жам бўлди.

4. Навоийшуносларнинг олдида турган навбатдаги вазифалардан бири Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлашдир. Бу нашр, албатта, илмий-танқидий матнлар асосида юзага чиқади. Илмий-танқидий матнларнинг қиммати унинг учун асос бўлган қўлёзма манбалар билан ўлчанади. Бу жиҳатдан Навоий асарларининг қадимий ва нодир нусхаларини илмий-танқидий матн учун жалб қилиш жуда муҳимдир. Алишер Навоийнинг тарбиявий аҳамиятга эга тўртликлардан ташкил топган "Назмул-жавоҳир" асари илмий-танқидий матнини тузиш учун ана шундай ноёб, XV ва XVI аср бошларида кўчирилган қўлёзма нусхалар танлаб олинди. Булар: 1. Истамбул шаҳар, Тўпқопи, Реван кутубхонасида 808-тартиб рақами билан сақланаётган Навоий асарлари куллиёти; 2. Ўзбекистон ФА Ҳ.Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти қўлёзма фондида 8-тартиб рақам остида сақланаётган Навоий асарлари мажмуаси; 3. Париж Миллий кутубхонасида 316-317-тартиб рақамли Навоий асарлари куллиётларидир.

5. Алишер Навоийнинг "Назмул-жавоҳир" асари илмий-танқидий матнини яратишда бир қатор назарий ва амалий қоидаларга риоя қилинди. Аввало, маданий ва адабий меросимиз жам бўлган мамлакатимиз ҳудуди ва ундан ташқаридаги қўлёзма хазиналарида сақланаётган асар нусхалари билан танишиш, шулар ичидан танқидий матн учун муносиб, ноёб, қадимий ва мукаммал қўлёзма нусхаларини танлаш, уларнинг таърифларини бериш, қўлёзмаларни қиёсий-таҳлилий ўрганиб, асарнинг муаллиф матнига яқин шаклини яратишга ҳаракат қилинди.

6. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш асосига тарихийлик, қиёсийлик принципларидан ташқари чекланганлик амали ҳам киритилди, яъни ишончли нусхаларнинг учтаси муаллиф матнини тиклаш учун етарли деб топилди. Зеро, матншуносликнинг вазифаси тадрижий тафовутларни кўрсатиш эмас, аксинча, муаллиф матнини тиклашдир.

7. “Назмул-жавоҳир” нинг уч қўлёзмасини қиёсий ўрганиш асар матнини тўлдиришга, хато жумла ва ибораларни тузатишга самарали таъсир кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, шу вақтгача муҳтарам матншунос олимлар томонидан Алишер Навоий асарлари тўпламларида нашр этилиб келинаётган “Назмул-жавоҳир” рубоийлари сони 255 тани ташкил этар эди. Қадимий қўлёзма манбаларнинг қиёсий ўрганилиши натижасида бу рубоийлар сони 268 тага етди.

АЛИШЕР НАВОИЙ “НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН АСОСИДАГИ ТРАНСЛИТЕРАЦИЯСИ

Ҳар лаолийи мансураким, фикрат ғаввоси сафо зужожасин бошиға тортиб, диққат риштасин қўлиға тутуб ҳамду сано уммонидин ҳосил қилғай. Аввал тенгри шонидадурким, “Ҳал ата алалинсана ҳийна мин ад-даҳри лам якун шайан мазкуран” анинг каломи фархунда фаржомидин оятедурур.

Рубоия:

Ул тенгрики, жовид бақо келди анга,
Ончаким бақо жуду ато келди анга,
Бир дўстқа нукта «ҳал ато» келди анга,
Ким, зот аро васфи «лофато» келди анга.

Ва ҳар жавҳар манзумаким, хирад сайрафиси басорат айнагин кўзига қўюб, ихлос нуқудин оллиға тўкуб наъту дуо бозоридин иликка кувургай. Ул Расул бобида бўла олурким, “Анна мадинат ал-олам ва ала бобиҳо” анинг ҳадиси муъжиз низомидин ривоятедурур.

Рубоия:

Ул шамъки, “вазуҳо” қуёши юзидур,
Мазоғ била Сурма чекилган кўзидур,
Анинг била ким, ўзи ул ва ул ўзидур,
Барча “инна минка анта минний” сўзидур.

“Фақул саловатил-лиллаҳи алайҳа ва ала асҳобиҳи билисонил ажз вар-ризо. Хусусан алас-Сиддиқ вал-Форуқ ва зун-Нурайн вал-Муртазо”.

Рубоия:

Аввалғини фазл дуриға уммон бил,
Сонийсини адл гавҳариға кон бил,
Солисни ҳаё гулбуниға бўстон бил,
Робеъни валоят баданиға жон бил.

Робеъким, аносири арба анинг таркиби махзаниға чаҳор девор ва рубъи маскун чаҳор девори анинг панжаи валояти била барқарордур.

Рубоия:

Дарёйи улуму меҳри авжи карам ул,
Олам танининг жонию жонони ҳам ул,
Султони расул бирла қадам барқадам ул,
Фарзанду рафиқу куёву ибн амм ул.

“Разиаллоҳу анҳу ва карамаллоҳу важҳа». Аммо баъд бу саҳифаким, “ваш шамсу зуҳаҳо” кофурий сафҳасидин ёруғроқ келди. “Вал-лайли изза яшҳа” мушки била нуктатарозлиқ қилғучи ва бу ҳадиқаким, “жанната таҳарри мин таҳтиҳа ал-анҳорун”дин очуғроқ кўрунди. «Ва фокиҳатун ва наҳлун ва руммонун» била саҳарпардозлиқ кўргузгучи, йўқ, йўққим, ул саҳифа нуктаоройларининг гадойи ва бу ҳадиқа чаманпироийларининг дарюзанамойи – фақири ҳақир, яъни Навоий (“саттараллоҳу уюбаҳу ва ғафра зуннубаҳу”).

Рубоия:

Улким, баданиға токи жон бўлғусидур,
Жондек бадани ичра ниҳон бўлғусидур,
Килки нечаким нуктафишон бўлғусидур,
Ҳар нуктада манқабат аён бўлғусидур.

Наср. Ажзу ниёз гулчеҳралари юзидин бу навъ парда очар ва аларнинг зулфи сунбулидин чеҳралари узра мундоқ мушк сочарким, ҳақи субҳонаҳу ва таолоким, инсонни сойири махлуқотдин мумтоз ва мажмуи офаринишқа сарвару сарафроз қилдиким, “ва лақад карамно бани Одама» каримаси андин мухбирдурур, “ва лақад халақно ал-инсана фи аҳсани тақвими» анга мушъир. Мунга жиҳат шарафи нутқу мақол эрди ва мужиби лутфи каломи фархунда маол. Ҳар ойина бу жавҳари жонбахш башар хилқати конидин ва бу лулуи равонбахш инсон вужуди уммонидин зоҳир бўлмаса эрди, Исо била маркаби аросида не тафовут ва Солеҳ била ноқаси ўртасида не муғоярат бўлғай эрди.

Рубоия:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.

Бу сўзким, сойири ҳайвонот била инсон аросида тафовут анинг сабабидин имтиёздур. Турфа бу ким, анинг аросида дағи тафовут беҳадду фарқ беададдурким, “каламу ан-носу ала қадри уқулиҳим” андин хабар берур. Бас маълум бўлдиким, сўзга маротиб бор ва ҳар мартабада ҳунару маойиб ва ул маротиб ижмол юзидин идрок диққатойинлари ва уқул хурдабинлари қошида уч қисм ила мунқасимдур ва лекин тафсил ҳисобида кўпрак мутафарриъ бўлур. Чун бу мухтасар мақолотда сўз маротиби баситининг кунжойиши йўқ эрди ва бу муҳаққар калимотда сўз мадорижи рифъатининг оройиши сиғмас эрди. Ҳар ойинаким, ижмол тариқи била ихтисор қилилдиким, аъло ва авсат ва адно бўлғай. Аъло сўз бобида сўз кўптур ва сўз йўқ деганнинг ҳам сўзи хўпдурким, ваҳй котиблари лавҳаи ваҳйосор узра қалами мўъжизанигор била “фаату бисуратин мин мислиҳи” салоси урубтурлар ва балоғат бобида якқаламалиқ садосин сипеҳр муншисидин ошурубтурлар. Ва мундин сўнгра нубувват тилининг осориким, “ва ма янтиқу ан алҳо” анинг шонидадур. Ва рисолат лисонининг гуфториким, “иннаҳу илло вуҳу юқо” анинг баёнидаким, назмда балоғат ва насрда фасоҳат таърифида “инна мин аш-шеъри ли ҳикматун ва инна мин ал-баёнис-сеҳран” таронасин буюруптур ва сиҳр демайким, муъжиза кўргузуптур. Мундин сўнгра ҳидоят гулбунининг булбули хушилҳони ва валоят шакаристонининг тўтийи ширинзабони каромат сарпанжаси била балоғат хайбари эшигини очқон ва карамзўрдасти била каромат баҳри лаолисин замона аҳли бошиға сочқон, икки забоналиқ килки зулфиқоридин нишона ва ул килки забоналари суръатда дулдулдек равонадурур. Бу баргузиданинг назми гавҳарнишони ва насри лулуфишонидур, андин сўнгра сойири машойиҳу авлиё “Рази аллоҳу анҳум” сўзлари бўла олур. Ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балоғатшиор ва булағойи фасоҳатдисор иборати фархунда ишоратларидурурким, зоҳир юзидин санойиъ ойин ва бадойиъ тазйин воқиъ бўлубтур, “ало қадри маротибиҳим”. Ва адно сўз хайли авом такаллуми, балки сойири нос тараннумидурким, баъзининг алфозидин кишига маъни маълум бўлур ва баъзидин бўлмас. Ва баъзи кишининг балиғ маънилиқ алфозин маълум қилмас, балки ўз маънисиз алфозини сурмактин ҳам ғарази не маъни

эрканин маълум билмас. Оллоҳ, оллоҳ! Сўз маротиби таҳқиқида не бало тадқиқдурким, анинг силкидаги жавоҳир ўзин хазафи тирзиққа еткурур.

Рубоий:

Рифъат аро фавқи арши аъзам сўз эмиш,
Жонбахш дами Масиҳи Марям сўз эмиш,
Маъни дури анда барча мудғам сўз эмиш,
Улким анга маъни ўлмағай ҳам сўз эмиш.

Сўз боғи ажаб гулистонедурким, анда жонбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳалиқ раёҳини гуногун бисёрдур, валек фойдасиз хасу хошоки, балки зараралиқ хори ҳалоки ҳам бордур.

Рубоия:

Лекин чу баҳор жилва оғоз қилур,
Бўстон аро гул шўхлари ноз қилур,
Гар зоғ тикан аро ватан соз қилур,
Булбул бари гулбаргига парвоз қилур.

Чун бу нотавоннинг булбули табъи сўз гулистонин нишиман қилди ва андалиби руҳи сўз гулшанин ватан айлади. Гул иси анча димоғиға жўш солди ва гулбун насими анча жониға хуруш солдиким, хасу хошок сари кўз солмади ва тикан осибидин кўнглига парво қолмади, яъни бу заиф ҳақирға чун инояти азалий ва саодати ламйазалий сўз жамиласин марғуб этти ва маъни турфасин маҳбуб. Ҳодийи тавфиҳ барча сўзнинг тузрак тарийқиға йўл кўргузди ва муғаннийи таҳқиқ барча маънининг ростроқ навосин базмида тузди. Ложарамким, кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли ва анинг тафсири қийлу қоли била ўтар эрди, ё аҳодис дарёсиға ғаввослиқ қилур эрдим ва андин гаронмоя гавҳарлар иликка кивурур эрдим, ё ҳазрати Амир сўзлари равзалари тамошосиға қадам қўяр эрдим ва ҳар равзада “ва атника мисол ул-лулу ал-макнуна” висолларидин баҳра топар эрдим. Батахсис “Насрул-лаолий”ким, ул ҳазратнинг валояти дарёсидин чиққан самин лулўлардур ва каромати уммонидин ҳосил бўлған гаронмоя инжулар. Ва абнойи замондин ва афозили даврондинким, баъзи табъи қасри рафеъ ул-бино ва илми муаскари бадеъ ул-ливо бўлғай. Андоқ маълум бўлур эрди, бу лулуларниким, Араб шоҳ валоятининг баҳри кафи сочибдур, форсий услуб била назм силкига тортадур ва ул инжуларниким, Мағриб дарёси ёқасиға тўкулубтур, интизом риштасиға чекадур.

Паришон хотирға ва ошуфта замирға бу савдо кўп дағдаға солур эрдиким, туркий тил била мен ҳам ул лаолини ораста қилғаймен ва бу муддао кўп тараддуд еткурур эрдиким, мўғул услуби била мен ҳам ул жавоҳирни пироста этгаймен. То замона наварусининг зеболиғ либоси ул мурассаъ била зийнат топқай ва сипеҳр маснадида анжум шоҳининг сарафрозлиғ тожи ул тарсиъ била мукаллал бўлғай, то андин турк улусиға ҳам хатти шофи ва баҳраи вофи муяссар бўлғай. Аммо машаққат ва меҳнат касратидин, балки бизоат ва фароғат қиллатидин му мурод этагига ва мақсуд зайлиға илигим ура олмас эрдим, то бу файзбахш замонким, тарих секкиз юз тўқсон эрдиким, “файз” ҳуруфининг ҳосили бўлғай, адам ниҳонхонасидин ажаб ганже вужуд жилвагоҳиға жилваи зуҳур кўргузди. Латоифи лаолийи самини била мамлу ва зароифи явоқити оташини била машҳун ва иноятi баҳористонидин ғариб равзае очилди ва маоний сарву гуллари била руҳпарвар ва мақосиди шамшоду сунбуллари била руҳгустар. Йўқ, йўққим, жузве, балки дафтаре, не дафтарким, жунге, қайси жунгким, баҳре. Жузв десам, қайси жузвнинг ҳар лафзи мазҳари кулл бўла олғай ва дафтар десам, қайси дафтарнинг ҳар лафзи ақли куллдин кўнгул ола олғай ва

агар жунг десам, қайси жунгда юз дарё топилибдур ва агар дарё десам, қайси дарёнинг ҳар дурри қуёш гавҳариға ортуқсилиқ қилибдур.

Рубоий:

Ҳар сафҳаси гулбарги тари келдиму де,
Ё сафҳаи орази пари келдиму де,
Ё ламъаи меҳри ховари келдиму де,
Ул меҳрға жонни муштарий келдиму де.

Наср. Ақл анинг идрокидин ожиз бўлуб, бу таронаға тараннум туздиким, рубоий:

Не сафҳаи иқболи саодатдур бу,
Алфози аро не зебу зийнатдур бу,
Маънисида ҳар сари не диққатдур бу,
Олам элига мужиби ҳайратдур бу.

Ва нотиқа анинг баёнидин мабҳут қолиб, бу фасонаға такаллум кўргузди, рубоий:

Оллоҳ, Оллоҳ! Бу дағи иншому экин,
Ё руҳи қудс файзидин иймому экин,
Иншо демай, анфоси Масиҳому экин,
Ё қудрати Оллоҳу таолому экин.

Сипеҳр муншисидинким, иккинчи торам кишвари анга якқаламадур. Қалам тили била бу навъ садо келдиким, рубоий:

Бу худ эмас аҳли хиттаи хок сўзи,
Ҳам буйла анинг киби йўқ афлок сўзи,
Бу тил била эрмас эзиди пок сўзи,
Сўз демаки, эрмас аҳли идрок сўзи.

Наср. Афлок халифасидинким, олам улви анинг ҳумоюн юзидин касби саодат қилур. Бу нидо эшитилдиким, рубоий:

Улким, бу сўз исноди анинг зотиғадур,
Давлат юзи акси ройи миръатиғадур,
Ҳар ҳутбаки, қўкда давлат исботиғадур,
Барча анинг алқоби била отиғадур.

Наср. Яъни ул кишиким, анинг хомаи дурарбори бу номани гавҳарнигор қилибдур ва ул кимсаким, бу номаи гавҳарнигор дурлари анинг хомаи дурарборидин сочилибдур. Шоҳедурким, олам шоҳлари анга фармонпазирдурлар ва шоҳедурки, даврон шаҳаншоҳлари рибқаи ҳукмида асир. Хилофатпаноҳеким, “инна жоила филарзи халифата” тарозидур, анинг қомати иқболиға лойиқ адолат дастгоҳеким, “адл саотин хайрун мин ибодати ситийна суннатун” давожидур. Анинг тахти фалак мисоли китобасиға мувофиқ раийятнавозеким, “иннал-лоҳу яъмуру дил-адли вал-эҳсони” ламъадур. Анинг мироти зотида ломиъ мухолифгудозеким, “ва янҳи ан ал-фуҳашо вал-мункар ва буғо” ашиъадур. Ва анинг тиғи қаҳрида сотиъ, сафшиканиким, “инна фатҳно лака мубинан” дебочадурур. Қазо

килкидин анинг шуққаи ливосиға ёзилған аъдо афканиким, “ва янсурака Аллоҳу насран азизан” оятидур. Қадр хомасидин анинг тиғи юзига қазилған фасоҳат шиореким, “айнан фийҳа тасаммо Салсабилан” зулоли анинг дарёйи ҳаётдек табъидин рашҳае бўла олғай. Балоғатдисореким, “қийл ёрзи аблағи маъҳуди” ҳуққаи пургавҳариға такаллум вақти диққати калом била татаббуъ қила олғай.

Рубоий:

Жисм ўлди жаҳон, бу жисмнинг жони ҳам ул,
Тахт ўлди фалак, бу тахт султони ҳам ул.
Баҳр ўлди маоний, гуҳарафшони ҳам ул,
Олам элининг шоҳи сухандони ҳам ул.

Рубоий:

Офоқ кунжи зоти фархундаси бил,
Афлок чароғи ройи рахшандаси бил,
Жамшидни хашмат ичра шармандаси бил,
Донишда Скандарни камин бандаси бил.

Рубоий:

Ҳар кимки заиф дилнавози де ани,
Ҳар кимки ғамин маҳрамирози де ани,
Ҳар кимки фитода чорасози де ани,
Шоҳеки, бу навъ Шоҳ Ғози де ани.

Яъни, зул-аллоҳу таоло фил-арзин ва қаҳрамон улмоъи ват-таййин ассултон бин ассултон Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳалладу аллоҳу мулки васултониҳидурким, рубоий:

Кўб йил ани ҳақ жаҳонда тутсун, ёраб,
Ҳам ҳашмати бигаронда тутсин, ёраб.
Даҳр офатидин амонда тутсун, ёраб,
Ҳам давлати жовидонда тутсун, ёраб.

Рубоия:

Офоқ мулуки хоки роҳ ўлсун анга,
Кўк маснади тахти иззу жоҳ ўлсун анга,
Анжум адади сулку сипоҳ ўлсун анга,
Ул элга, яна тенгри паноҳ ўлсун анга.

Наср. Чун маълум бўлдиким, мундоқ шоҳи фаалксарирким, сипеҳр мунши анинг авсофи иншоси била гардун авроқи ложувардисин мушкин қилса, таърифининг юзидин бирин қилмамиш бўлғай, бу янглиғ рангин иншо қилибдур. Чун шубҳае қолмадиким, бу навъ хуршиди жаҳонгирким, олтинчи поялиғ минбар хатиби анинг дуосининг жавоҳири била тўққуз фалак ҳуққаларини мамлу этиб, ончаким керак мингдин бирин адо қилмамиш бўлғай, бу навъ жузви сиҳройин ароға кивирубдурур. Ва фотиҳасидин хотимасиға дегинча “оёти каломи малики аллам” била музайян ва “аҳодиси расули аноми алайҳи ассалавоту вассаллам” била мубаййан ва абъёти мўъжиза монанди тарокибидин Заҳири Форьёбий ва Анварий руҳи шарманда ва насроти сиҳрпайванди салосиятидин Вассоф била Табарий равони сарафканда. Чун мақсудиға мулоҳиза қилилди ва мазмуниға назар солилди, ул рафеъ иборотқа мазмун ҳазрати бори шукри неъматини вожиб билмак ва ул бадеъ ишоротдин мақсуд неъматики, мужиби шакаргузорлиғдур, теъдод айламак эрди.

Ул жумладин, рубъи маскун салотиниға сарафрозлиғ, балки ақолими сабъа фуфаросиға навосозлиғ ва бовужуди бу салтанат ахлоқи ҳамида ва хисоли писандидаким, алар била Каюмарс ва Жамшид замонидин бу вақтга дегинча жамъи салотини комгордин мумтоз ва барча хавоқини олий миқдордин имтиёз топмоқ эрди. Нечукким, бори таоло авомир ва навоҳийсининг тамшияти ва саййид ул-мурсалин шариат ва суннатининг тақвияти ва адолат айни партавидин зулм зулумотини итурмак ва сиёсат “син”и аррасидин бидъат ва фасод дарахтин кесмак ва шижоат қиличи суйидин мулк бўстонин серсабз ва шодоб қилмоқ ва саховат саҳоби ёғинидин садаф оғзи қуруған софий замирларға дурри ноб сочмоқ ва ҳаводиси жигарсўз биёбонидаги ҳар сўхталарни марҳамат ўодурвони соясиға тортмоқ ва навойиби ғамандуз зиндонидағи меҳнат андухталарни навозиш кирёси ва айвони паноҳиға сиғурмоқ ва нотавон раоъёға ҳар кун шафқати тоза ва бехонумон ғурабоға ҳар дам марҳамати беандоза зоҳир қилмоқ. Ва сойир бу навъ афъол ва бу англиғ хисолким, ҳам ул номи фиҳраст ва кироми дебочада мазкур ва мастурдурурким, тафсили мужиби татвил ва таъвили боиси қийлу қол бўлурким, барча мужиби шукри беҳаду ҳамди беададдур. Ва яна улжумладин, фазлу камол ва ҳусни мақол аҳлиға марқум эрдиким, илмлари дарёсидин сипеҳрнинг гунбади обгуни ҳубоб ва анжумнинг қатароти сиймобгуни дурри ноб бўла олғай ва фазллари гулистонидин ҳар ҳақир гулбунни гунбади нилуфари ва ҳар камина сариғ гулни хуршиди ховари деса бўлғай ва назмларининг жонбахш ва равонлиғидин чашмаи ҳаёт оғзида сув ва насрларининг тафриҳ ва нашотангизлиғидин субҳи содиқ лабида кулгу ва бу жамиъ аржуманд зумрасида ва бу хайли бемонанд орасида жавоҳир силкида чашми захм дафъи учун шабани тортқондек бу тийра рўзгорни ҳам сиғуруб ва раёҳин дастасида айнул камол газанди манъи учун хошокни чеккандек бу хоксорни ҳам кивуруб эрдилар. Агарчи жавоҳир аро шаба кирса, аларнинг қийматиға не нуқсон бўлғай ва раёҳин ичра хошок тушса аларнинг накҳатиға не зиён юз қўйғай. Аммо гавҳароройки, жавоҳир силкига шабани чекса, бу тарбиятининг муқобаласида шаба ғайри қуллуқ не қилғай, балки анинг қуллуғидин ҳам не келгай. Ва гулдаста бандики, раёҳин орасида хошокни сиғурғай. Бу тақвияти ўтрусида хошокдин ғайри афтодалиғ не келгай, балки анинг афтодалиғидин ҳам не очилғай. Оллоҳ, оллоҳ! Не ёвадурким, дермен. Ҳайҳот, ҳайҳот! Не ҳазьёндурки, айтурмен. Саҳоби матир тардоман қатрани манзилатда дарёға еткурубтур ва хуршиди мунир саргашта заррани мартабада фалакдин ошурубдур. Сипеҳри даввор шамнам рашошасиға анжум зиёси беribдур ва чархи зул-иқтидор туфроқ ажзосини қуёшдин ўткарибдур, яъни ул ҳазрати гардун рифъатким, авсофин битирга котиб лавҳу қалам илкига олса, варақ хуршид сафҳасидин ўзга лойиқ эмас. Бу хоксори беэътибор васфида кофуриردор варақ узра мушкбор хома сурубтур ва ул жаноби малики интисобким, таърифин қилурда ақли кулл нотиқаси лол бўлуб, ажздин такаллумға ёри бермас ва хошоки хоксор таърифида байзоваш сафҳае баёзида ахтар монанд жавоҳир тўкубтур.

Рубоия:

Бир заррани меҳри зарфишон васф этмиш,
Бир қатрани баҳри бегарон васф этмиш,
Бир хастани Исое замон васф этмиш,
Бир бандасини шоҳи жаҳон васф этмиш.

Рубоия:

Бир зорки туфроғ айлади ғам ани,
Эл қадрда кўрди зарradин кам ани.

Чекти фалак узра арши аъзам ани,
Хуршиддек айлади мукаррам ани.

Рубоия:

Бир хаски ишин сарх мазаллат қилғай,
Туфроғ аро поймоли меҳнат қилғай,
Давлат анга онча қадру рифъат қилғай,
Ким поя про тўбийи жаннат қилғай.

Наср. Басорат аҳли тааммул қилсунлар ва ҳамийят хайли тафаккур айласунларки, бу пешайи заиф юз пили боло мавҳибат муқобаласида не қила олғаймен ва бу гадойи наҳиф минг ганжи сипеҳросо саховати узрин етиб қўла олғай. Агар дуоға иктифо қилсам, фаразанки, ҳаётим минг йил бўлса ва ҳар сари мўюм ўрниға минг тил ва ул тиллар барча дуоға жорий ва ул дуолар ўқи истижобат ҳадафиға корий, юз мингдин бирининг муқобаласида бўлмағай. Ва агар маҳоли муддаоға йўл бериб, қўлумдин келсаким, афлокнинг тўққуз хонида кавокиб жавоҳирин ва анжум лаолисин ул ҳазратнинг оёғиға нисор қилғаймен, ул ҳазрат сочқон дурлар оллида не кўрунгай ва анинг ҳиммати жанобида бу фалакиёна муҳаққар не бўла олғай.

Рубоий:

Бу фикр ғам ўтиға кабоб этти мени,
Бу дағдаға бетоқату тоб этти мени,
Бу қайғу асири изтироб этти мени,
Ҳосилки, бу андиша хароб этти мени.

Наср. Боқиб турай десам ҳамият рухсат бермас ва боқиб турмасам ҳеч иш анинг чораси эрмас. Ҳайрат илгида лол ва машаққат хайлиға помол эрдимким,

Рубоий:

Иқбол ионат ибтидо қилди манга,
Афлок гуҳарларин фидо қилди манга,
Ҳотифки башорати нидо қилди манга,
Мазмунини бу навъ адо қилди манга.

Наср. Ким бу навъ лулуларким, шоҳ бошининг нисориға лойиқ бўлғай тиларсен ва андоқ инжуларким, шаҳаншоҳ фарқининг исориға мувофиқ бўлғай истарсен, каромат уммонидин тила ва валоят баҳри бегаронидин иста.

Рубоий:

Гавҳар керак эрса бенаволиғ айла,
Эҳсони била коми раволиғ айла.
Баҳри кафидин анинг гадолиғ айла,
Дарёйи карамға ошнолиғ айла.

Рубоия:

Дарёйи карам кимгаки огоҳдурур,
Билдекки валост аҳлиға шоҳдурур.
Гумраҳларға бурандаи роҳдурур,
Бу бешада яъни асадуллоҳдурур.

Ҳотифи фархунданафас ишоратин чун билдим, ҳазрати Амир “Насрул-лаолий”си таржимаси азиматин қилдим. Ул валоят дарёсининг ғаввоси ҳар лаоликим, дурфишон

хомасидин наср қилибдур ва ул ҳидоят лужжасининг ошноси ҳар дурреким, гавҳаррез илигидин сочибдур. Барчасин бу ҳумоюн ҳазратнинг меҳрпартав тожиға муносиб ва бомиқдор кўрдум ва мажмуйин ва рўзафзун давлатнинг насиҳатшунав қулоғиға мувофиқ ва сазовор топтим. Ул сочилған дурарни бу ҳазратнинг олий исмиға вазн каффасиға қўйдум ва тўкулган лаолини бу маҳдумнинг алқоби риштасиға чектим. Агарчи силки бир-биридин гусиста ва дурри шикаста бастадурур, умид улким, қабул ҳозинларининг қўлиға тушгай ва ижобат гандурларининг махзани қабулларига киргай. Ва бурунғи нозим таржима қилғандек ва аввалғи мутаржим назм этгандек, ҳар нуктани бир рубоий била адо қилилди ва ҳар рубоийнинг тўрттала мисраини муқаффои мураддаф маъни тутулди.

Рубоий:

Ҳар бириси тўрт растаи дурму экин,
Ё лулуи дарёйи тафаккурму экин,
Ё ҳар биридин дурға тафохурму экин,
Сўз руҳиға йўқса тўрт унсурму экин.

Рубоий:

Ҳар бирини тўрт дурри шаҳвор дегил,
Тўртинчи фалакда меҳри заркор дегил,
Рубъи маскунда Каъбаи осор дегил,
Байтул-муқаддасқа тўрт девор дегил.

Алҳамду лиллоҳи таолоки, бу рубъи маскун узра шоҳнинг чаҳор бош салтанати солилди ва чаҳор бош салтанат узра тўртунчи фалакнинг гирд болишин муттако қилилди, яъни бу рубоийлар шоҳ алқобиға назм силкида интизом топтилар, чун “Насрул-лаолий”ни назм силкига тортилди, отин “Назмул-жавоҳир” қўюлди.

Рубоий:

Ёраб, бу жавоҳирники, марқум эттим,
Чектим анга ҳар нуктаки, маълум эттим,
Ҳар нуктага бир тарона манзум эттим,
Кўп гавҳар анинг зимнида мактум эттим.

Рубоия:

Сен даҳи улус кўнглига марғуб эт ани,
Ошиқвашлар қошиға маҳбуб эт ани,
Толиб қилибон халқни матлуб эт ани,
Мазмуни киби бошдин аёғ хуб эт ани.

Рубоий:

Сўз бирла Навоий этма бедод эмди,
Бир маърифат авроқини барбод эмди,
Шаҳ нуктасидин халқини қил шод эмди,
Мақсудни яъни айла бунёд эмди.

* * *

1. Иймону-л-маъни йуърафу биймониҳи

Имони анингки куфрига сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки имон ишида моҳир эрур,
Имонини билки сўзидин зоҳир эрур.

2. Аҳу:ка ман ва асока фи-л-шиддати
Қардошинг эмас улки қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош санга,
Ким қилди қаттиқликда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳабиблар ичра қардош санга.

3. Изҳору-л-ғинйи мина-ш-шукри
Шукр айлади шиддатда рижо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,
Мол истар эсанг шукру сано изҳори,
Ким шукр демак қилур ғино изҳори.

4. Аддиб ъайолака танфаъуҳум
Топтинг чу аёл яхшилиғ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиғ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса қаттиғ еткургил,
Хайлингға адаб қилиб осиғ еткургил.

5. Адабу-л-маръи хайрун мин заҳабиҳи
Олтун кумуш этма касб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни накбат тунидин,
Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур ортунидин.

6. Адоъу-д-дайни мина-д-дини
Хўб эрмас дайн муддаоси элга,
Қайтармоқ эрур анинг давоси элга,
Гар қаттиқ эрур бурч балоси элга,
Ким диндин эрур бурч адоси элга.

7. Аҳсин ила-л-мусиъи тасуддуҳу
Гар хасм жафосидин сарандоз ўлғунг,
Доим таъабу аламға анбоз ўлғунг,
Сен лутф қилиб агар навосоз ўлғунг
Бу важҳ била анга сарафроз ўлғунг.

8. Ихва:ну ҳаза:-з-зама:ни жава:си:су-л-ъуйуби
Даҳр аҳлики келди аҳли номус бари,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бари,
Олингда неча қилса заминбўс бари,
Лекин бордур айбинга жосус бари.

9. Истироҳату-н-нафси фи-л-йаъси
Ҳақиндурур элга аҳли таъйид ўлмоқ,
Навмид бўлуб толиби тажрид ўлмоқ,
Чун яъсдур осудаи жовид ўлмоқ,
Роҳат етурур нафсқа навмид ўлмоқ.

10. Ихфоъу-ш-шада:ъиди мина-л-муруввати
Олам тарки кишига ҳиммatдин эрур,
Ким кўп шиддат ул сари рағбатдин эрур,
Нафсингға қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ ани мурувватдин эрур.

11. Бирру-л-волидайни салафун
Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил ани ато-аноға эҳсон қилмоқ.

12. Башшир нафсака би-з-зафари баъда-с-сабри
Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлиғин анинг шарорат англа,
Иш сабр сари анга ишорат англа,
Сабрини зафар сари башорат англа.

13. Баракату-л-умри фи ҳусни-л-ъамали
Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,
Умри бу амал била зиёдат бўлғай.

14. Баракату-л-маоли фи адоъи-з-закоти
Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен,
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,
Кўпрак бўлуриға илтифот айлагасен.

15. Биъи-д-дунйо би-л-охирати тарбаҳу
Дунё била неча зебу оро қилмоқ,
Ул зеб ила дўзах ўтиға ёқилмоқ,
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,
Уқбо била хуштур ани савдо қилмоқ.

16. Букоъу-л-маръи мин хашйати-л-лоҳи қуррату айнин
Ҳар кимки хушъ уйини маскан қилғай,
Олам сажнин ҳақ анга маъман қилғай,
Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилғай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилғай.

17. Батну-л-маръи ъадуввуҳу
Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатға тани маскандур,

Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр ўғлиға қорин душмандур.

18. Букрату-с-сабти ва-л-хамиси баракатун
Кўп келди замонанинг мукаррар субҳи,
Баракат дуридин топмади зевар субҳи,
Кўргузмади ани чархнинг ҳар субҳи,
Жуз шанбау панжшанбаи анвар субҳи.

19. Балоъу-л-инсони мина-л-лисони
Сўздин кишиким ғаму бало ҳосилидур,
Ҳар нукта тили деса бало дохилидур,
Бесирфа деган кишига тил қотилидур,
Алқиссаким, кимсанинг балоси тилидур.

20. Баррик ло тубтилҳу би-л-манни
Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиғу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма.

21. Башошату-л-маръи ъатиййатун соний йатун
Эҳсонки бировга сийрату сон келди,
Ашколи сипеҳр оллида осон келди,
Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,
Эҳсонда тараб икинчи эҳсон келди.

22. Таваккал ъала-л-лоҳи йакфика
Ҳар ишдаки ҳаққа мултамас бўлғусидур,
Иш саъб эса тенгри чорарас бўлғусидур,
Ҳар йўлғаки кўнглунгга ҳавас бўлғусидур,
Тенгрига тавакқул санга бас бўлғусидур.

23. Таъхиру-л-асоъати мина-л-иқболи
Не ишки ёмонлиғ ўлди таъсири анинг,
Йўқ дарду надамдин ўзга тавфири анинг,
Муқбил агар истар эрса тадбири анинг,
Иқболдурур кишига таъхири анинг.

24. Тадорак фи охири-л-умри мо фотака фи аввалиҳи
Қуллуқ ишига қисмати авқот айла,
Чун умрға эътимод йўқ бот айла,
Умр аввалида ҳисоби офот айла,
Умр охирида қазойи мофот айла.

25. Такосулу-л-маръи фи-с-салоти мин даъфи-л-иймони
Ҳар кимки тамом эрур тавакқул анда,
Бўлғуси намози бетааммул анда,
Ҳар кимки аён этар тағофул анда,
Имон заъфидурур такосул анда.

26. Тафаъал би-л-хайри танулҳу садақа
Бас кимсаки меҳнат ичра солди ғам ани,
Ким яхши тафаъул айлади хуррам ани,
Фолеки ёмондур айлагил мубҳам ани,
Ур фолни яхшиким топарсен ҳам ани.

27. Тағофал ъани-л-макруҳи тавфирун
Гар даҳр элидин етишса макруҳ санга,
Албатта керак бўлмаса андуҳ санга,
Ул ишта тағофул ўлса анбуҳ санга,
Ортар тавфир кўҳ то кўҳ санга.

28. Тароҳума-л-айодийа ъало-т-таъоми баракатун
Меҳмоннинг меҳрин асрағил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра,
Ҳар неча адад ўксук эса нон ичра,
Баракат етурур қалин илик хон ичра.

29. Татруф битарки-з-зунуби
Кўнглунгга хирад йўлин падидор айла,
Бу нақдға жонингни харидор айла,
Ҳар ишта хирадни ўзунгга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.

30. Таводуъу-л-маръи йакримуҳу
Таъзимда улки эҳтимоми бўлғай,
Ул мужиби иззу эҳтироми бўлғай,
Ҳар кимки тавозуъ амри коми бўлғай,
Ул феъл ила халқ аро киромн бўлғай.

31. Салосун муҳликотун бухлун ва ҳаван ва ъужбун
Уч феълдурур кишига қотил охир,
Қотиллиқ аро заҳри ҳалоҳил охир,
Бухл англа бирин, бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларға дохил охир.

32. Сулсу-л-иймони ҳайоъун ва сулсуҳу вафоъун ва сулсуҳу сахоъун
Уч қисм ила имонға бино фаҳм айла,
Аввалғисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла.

33. Сулмату-д-дини мавту-л-ъуламоъи
Илм ўлди шараф дин аро ҳар ойинға,
Бормоқ бўлур ўргангали ани Чинға,
Динда уламо мужиб эрур тазйинға,
Ўлмоқлик аларға рахна солди динға.

34. Сулмату-л-ҳирси ло йасуддуҳо илло-т-туроби
Ҳирс ўлса қаноат ўтиға ёқ ани,
Яъники адам риштасиға тоқ ани,
Не рахнаки ҳирс айлагай боқ ани,
Маҳкам қилғай магарки туфроқ ани.

35. Суботу-л-мулки фи-л-ъадли
Адл айлаки ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

36. Савобу-л-охирати хайрун мин наъийми-д-дунйо
Дунёки ўтар юрт мисоли бўлғай,
Анда не иқомат эҳтимоли бўлғай,
Уқбо хабарики доязоли бўлғай,
Хушроқ бу наимдинки ҳоли бўлғай.

37. Сун иҳсонака би-л-иътизори садақа
Эҳсонки қилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улуғ иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилғил ики анча эътизор айлаб ани.

38. Суботу-н-нафси би-л-ғизоъи ва суботу-р-руҳи би-л-фаноъи
Кўз топти жамоли дилрабо бирла сабот,
Кўнгул доғи васли жонфизо бирла сабот,
Нафс ўйлаки касб этти ғизо бирла сабот,
Руҳ айлади жонфизо ғино бирла сабот.

39. Саноъу-р-ражули ъала муътийҳи мустазийдун
Куфрон била ҳар кимки ўзин дун қилғай,
Камлик сари неъматини вожун қилғай,
Чун шукрга ўз тилини тақрун қилғай,
Ўз неъматин ул шукр ила афзун қилғай.

40. Жуд бимо тажиду садақа-л-амри
Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амриға одат кўргуз,
Бухл айласа нафсингға адовват кўргуз,
Ҳар негаки топилса саховат кўргуз.

41. Жаҳду-л-муқилли касирун
Ҳар кимдаки даҳр ибтилоси кўптур,
Йўқ бок агар ҳаққа ризоси кўптур,
Борлиқда агар даҳр жафоси кўптур,
Йўқсизда вале фоқа балоси кўптур.

42. Жамолу-л-маъни фи-л-ҳилми
Ҳар кимгаки даҳр ичинда донолиғ эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлисоролиғ эрур,
Ойини таҳаммулда тавонолиғ эрур,
Юк чекмак ила кишига зеболиғ эрур.

43. Жалису-с-суъи шайтонун
Яхшилиғдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Бордур санга осойиши жон ҳамсуҳбат,
Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангаким дурур ёмон ҳамсуҳбат.

44. Жавлату-л-ботили соъатун ва жавлату-л-ҳаққи ила-с-соъати
Ботилки чақилса барқи тобони анинг,
Кўзни юмуп очқунча йўқ имкони анинг,
Ҳаққим йўқ нафъ ичинда поёни анинг,
Бўлғуси қиёматқача жавлони анинг.

45. Жалису-л-маъни мислиҳу садақа
Йўқ олам ичинда фардлиқ меҳнатидек,
Ким кимсага қилса ёрлиғ нисбатидек,
Бўлғуси хисоли барининг хислатидек,
Бордур кишининг феъли чу ҳамсуҳбатидек.

46. Жавдату-л-каломи фи-л-ихтисори
Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўз кам десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисорида дурур.

47. Жалису-л-хайри ғаниматун
Ёреки тегар бировга озори анинг,
Ақл оллида камдурур йўқу бори анинг,
Ёреки эрур ҳамида атвори анинг,
Кўрмакка ғанимат ўлди рухсори анинг.

48. Жуд би-л-касири ва-қниъ би-л-қалили
Жудеки хирад буюрса тобеъ бўлғил,
Нафс ила бухл амриға монеъ бўлғил,
Оз кўп аро бир сўзумга сомеъ бўлғил,
Кўп бергилу озға лек қонеъ бўлғил.

49. Жоласа-л-фуқароъи таздад шукран
Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай,
Фақр аҳли била ангаки суҳбат бўлғай,
Шак йўққи, зиёда шукри неъмат бўлғай.

50. Жалла ман ло йамуту
Гардунки халойиққа вафоси йўқ анинг,
Жавр ичра улуқ-кичикка поси йўқ анинг,
Ҳар кимки кичик бўлса бақоси йўқ анинг,
Сен ани улуқ билки фаноси йўқ анинг.

51. Ҳилму-л-маъъи ъавнуҳу
Ҳар кимки иши таҳаммул изҳори эрур
Албатта Муқорин анга кирдори эрур,
Йўққим мадад ичра клк бу бори эрур,
Ким ҳилми таҳаммули мададкори эрур.

52. Ҳулйи-р-рижоли-л-адабу
Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил,
Ҳар кимки адабсиздур ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил.

53. Ҳайоъу-л-маъъи сатруҳу
Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатқа саҳоб ўлди ҳаё,
Мазмуми хасоилға ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айбиға гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

54. Ҳамудоти-л-таъоми хайрун мин ҳамудоти-л-каломи
Гар заҳр била кишига ком ўлса ачиғ,
Юз ончаки юз била мудом ўлса ачиғ,
Ҳар неча мазоқ аро таом ўлса ачиғ,
Хушроқдурур ондинки калом ўлса ачиғ.

55. Ҳиддату-л-маъъи туҳликуҳу
Табъ ичра жрур таҳаммуломизлиги,
Андин ортуққи ваҳшат ангизлиги,
Жон қасди этар кимса ғазабрезлиги,
Алқисса, кишини ўлтурур тезлиги.

56. Ҳаррама-л-вафоъу лиман ло асла лаҳу
Беасл халойиққа сафо келди ҳаром,
Ҳар ишки эрур ғайри жафо келди ҳаром,
Ҳам жавр асл эл аро келди ҳаром,
Ҳам асли йўқ эл ичра вафо келди ҳаром.

57. Ҳусну-л-хулқи ҳаниматун
Бадҳўйки ўз қилғани заҳматдур анга,
Озарм халойиқ сари туҳматдур анга,
Ким хўйи ёмон бўлса машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши ғаниматдур анга.

58. Ҳирфату-л-маъри канзуҳу
Косиб кунжи кафи зар олғинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур,
Ким бўлса ҳунарсиз иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, эр ҳунари ганжи эрур.

59. Хаффа-л-лаҳу таъмана ғайруҳу
Ҳақдин эмин бўлупки жон топқайсен,
Ғайридин хавфи бегарон топқайсен,
Андинки ражойи жовидон топқайсен,
Хавф айлаки ғайридин амон топқайсен.

60. Хайру-л-асҳоби ман йадуллака ъала-л-хайри
Асҳоб аросида ани билгил шарлиқ,
Ким шар сари айлагай далил оварлиқ,
Яхши ул эрурки айлабон ёварлиқ,
Қилғай санга яхшилиқ сари раҳбарлиқ.

61. Холаф нафсака тастариҳу
Нафс амрида ҳар нечаки талпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлук тиласанг синғайсен,
Ким истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингға хилоф айлаким, тинғайсен.

62. Халилу-л-маъри далилу дийниҳи
Ҳар кимки назари шамъ яқин келди анга,
Дин аҳли гадойи хўшачин келди анга,
Қил анга назарки, ҳамнишин келди анга,
Ким соҳиби-ўқ далили дин келди анга.

63. Хулувву-л-қалби хайрун мин малаъи-л-кийси
Ҳар нечаки кимса фақр помоли эса,
Ғам йўқтур агар сафо кўнгул олий эса,
Гар кисса аро тўла жаҳон моли эса,
Хушроқ андин агар кўнгул холи эса.

64. Хулусу-л-вадди мин ҳусни-л-ъаҳди
Аҳдингнинг агар бор эса мезони дуруст,
Асрар ани иқбол нигаҳбони дуруст,
Ҳар дўстки сўз ичра десанг они дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст.

65. Хайру-н-нисоъи-л-вадуди-л-вулуди
Хайли зуафоки бевафолиғ фанидур,
Ҳийла уйи ул гуруҳнинг масканидур,
Яхшиси демай кишини кўп севганидур,
Кўп севса ва кўп туғурса ул аҳсанидур.

66. Хайру-л-моли мо анфақа фи сабили-л-лоҳи
Молингки эрур кому ҳаво йўлида харж,
Жоми маю лаҳни жонфизо йўлида харж,
Бордур ёмон айламак риё йўлида харж,
Яхшиси эрур бўлса худо йўлида харж.

67. Давоъу-л-қалби-р-ридоъу би-л-қадоъи
Ҳар кимга ливойи чарх фарсуд керак,
Кўнглида сипеҳр дарди мавжуд керак,
Ҳар кимгаки кўнгли дарди нобуд керак,
Ҳар неки қазодин ўлса хушнуд керак.

68. Доъу-н-нафси-л-ҳирсу
Гар айтур эсанг бўлай жувонмард охир,
Қил ҳирсни фаҳр йўлида гард охир,
Ҳирс ўтидин ўлма дардпарвард охир,
Ким нафсқа ҳирсдин етар дард охир.

69. Доъу-н-нафси ванаъ-л-ҳирсу
Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,
Қўймоқ ани ақл муддаоси билгил,
Нафсингға алам ҳирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

70. Дори ман жафока тахжилан лаҳу
Ҳар кимки сени раво кўрар шиддатиға,
Сен кўпрак эт иштиғол анинг хизматиға,
Гар тутмаса ул ҳариф ўзунг хислатиға,
Сен лек мадоро қил анинг хижлатиға.

71. Далилу ъақли-л-маъри қавлуҳу
Одамки демак била киромийдуру бас,
Сўз дурри ишининг интизомидуру бас,
Сиҳҳат ончаки аҳли ақл комидуру бас,
Ақлиға далил анинг каломидуру бас.

72. Далилу асли-л-маъри фаълуҳу
Кимники билай десанг мақолин англа,
Аслин десанг англайин мақолин англа,
Кирдориға боқиб асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг хисолин англа.

73. Давому-с-сурури бируъйати-л-ахвони
Қардошларким очилмасун оралари,
Фаррух бўлсун кавкаби сайёралари,
Васл ила йироқлиқларининг чоралари,
Ким келди фараҳ мужиби наззоралари.

74. Давлату-н-наволи афати-л-ражжали
Муқбиллар ишида кўп латофат билгил,
Идборда ул эл аро масофат билгил,
Нокаслар ишин айни касофат билгил,
Давлатларини аларға офат билгил.

75. Дайну-л-маъъи ҳузнуҳу
Ҳар кимсаки бурч ранжининг дарҳамидур,
Ғамнинг ёрию дарднинг ҳамдамидур,
Кўрмаклиги вомхоҳни мотамидур,
Алқиссаки, бурч одамининг ғамидур.

76. Давлату-л-мулуки фи-л-ъадли
Шаҳ уббаҳату ҳашматидур адли била,
Иқбол доғи шавкатидур адли била,
Олам эли имниятидур адли била,
Султонларнинг давлатидур адли била.

77. Динору-ш-шажиҳи ҳажарун
Жамъ этмак азалда топти тақсим бахил,
Ким этмади сийм элга таслим бахил,
Чун харж қилур чоғда кўрар бийм бахил,
Тош ҳукмидадурки, жамъ этар сийм бахил.

78. Дум ъала казами-л-ғайзи таҳмуду ъавоқибака
Таврунгда гунаҳ кечурмагин мавжуд эт,
Савдо қилибон бу навъ беҳад суд эт,
Эл ғуссасини сингурмагин мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.

79. Зарру-т-тоғи фи туғйониҳи
Фармон хатин айлагил рақам жон ичра,
Туғён рақамини ташла нийрон ичра,
Тоғеки ўзин солмади фармон ичра,
Қўй нофармон халқни туғён ичра.

80. Занабун воҳидун касирун ва алфу тоъатин қалилун
Гар эрмас эсанг зуҳдқа дамсоз ҳануз,
Фисқ ичра қилур эсанг таку тоз ҳануз,
Кўп англа бир ўлса журми носоз ҳануз,
Гар минг бўлса тоат эрур оз ҳануз.

81. Зикру-л-авлийоъи тунзилу-р-раҳмата
Халқ ичра ҳақ авлиёсини бил раҳмат,
Ул хайлдин ўлди элга мойил раҳмат,
Зикр айлаб аларни айла ҳосил раҳмат,
Ким зикрлари айлади нозил раҳмат.

82. Зулли-л-маъъи фи-т-тамаъи
Ҳар кимки тамаъдурур гирифторлиғи,
Не суд анга аҳли сахо ёрлиғи,
Иззат бермас нақду дирам борлиғи,
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи.

83. Завақату-с-салотини муҳфирату-ш-шафатайни
Шаҳ хони ғамин қўйки тарабни ўртар,
Иссиғ оши ва турку арабни ўртар,
Топмоғлиғ ани аҳли талабни ўртар,
Тотмоғлиғ ани худ икки лабни ўртар.

84. Далилу-л-фақри ғаризун ъинда-л-лоҳи садақа
Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб сийм харидори азиз,
Халқ оллидадур фақр талабгори азиз,
Ҳақ оллида фақрнинг эрур хори азиз.

85. Зикру-ш-шабоби ҳасратун
Қарики эрур кўнглига синмоқ ҳасрат,
Жониға йигитликни қилинмоқ ҳасрат,
Ҳар ишда йигитларга ёлинмоқ ҳасрат,
Сўз ичра йигитликни соғинмоқ ҳасрат.

86. Залоқату-л-лисони зоту-л-моли
Сокит бўлур офоқ аро ҳол ияси,
Ойини фанода турфа аҳвол ияси,
Мол ўлса яқин билки эмас лол ияси,
Невчунки этиклик эрур мол ияси.

87. Зикру-л-мавти жалоъу-л-қулуби
Ҳар кимки ўлум сўзин демак фан айлар,
Ўз ҳолиға бу сўз била шеван айлар,
Таврини сулук ичинда аҳсан айлар,
Ким, руҳини ўлмак сўзи равшан айлар.

88. Руъйату-л-ҳабиби жилоъу-л-ъайни
Ҳар кимки муҳаббат уйини маскан этар,
Кўнглига ҳабиб кўйини гулшан этар,
Кўз касби зиё дўст юзидин фан этар,
Маҳбуб юзин кўрмаги кўз равшан этар.

89. Роъа абока йуроъука-бнука
Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.
90. Рафоҳиййату-л-ъйши фи-л-амни
Даврон аро кимса ранж паймудалиғи,
Бушмас гар эмас фароғ камбудалиғи,
Ноамнлиғ ўлди халқ фарсудалиғи,
Амн ичра бўлур маош осудалиғи.

91. Рутбату-л-ъилми ъала-р-рубтати садақа
Ҳақ берди чу элга илм сармоясини,
Хуршед уза солди уламо соясини,
Олғайлар анинг рутбасидин воясини,
Билдек боридин бийик анинг поясини.

92. Ризқука йатлубука фа-старих
Айлар чу сукут топса тил осойиш,
Ҳам бўлса дастранж эл осойиш,
Рўзини тилар таркини бил осойиш,
Рўзи тилар эрмиш сени қил осойиш.

93. Расулу-л-мавти-л-валодату
То танға ҳаёт жомидур комрасон,
Бўл танға нишот комидин жомрасон,
Ҳам боз жонға ўлумдин оромрасон,
Ким туғмоғ эрур ўлумга пайғомрасон.

94. Раъуноти-н-нафси таъабуҳо
Ишдур санга ҳақ сари қадам фарсолиқ,
Қилма тилабон лаҳв жаҳонпаймолиқ,
Кўп нафсға бермагил жамолоролиқ,
Ким, ранжға солур ани кўп раънолиқ.

95. Роъа-л-ҳаққа ъинда ғалаботи-н-нафси
Ўрмоқда амал заръи фано досини тут,
Иблис бу йўлда ақл васвосини тут,
Ҳақ йўлида нафсингға ўлум косини тут,
Нафсинг ғалаёни вақти ҳақ посини тут.

96. Рифқу-л-маръи далилу ъақлиҳи
Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йўқ эл ичинда бўлса доно охир,
Рифқ айламаги ҳар ишда авло охир,
Ким, ақл далилидур мадоро охир.

97. Зину-р-рижоли мавозийнуҳу
Маҳрам тиласанг сидқ ила гуфториға боқ,
Пир истар эсанг сулуку атвориға боқ,
Ғавр айла кишига доғи рафториға боқ,
Не қилсанг анинг шонида миқдориға боқ.

98. Зиру-л-маъри ъала қадри киромиҳи
Ёрингни танир ишда маҳорат айла,
Диққат била ҳолиға басорат айла,
Мукрим эса изҳори башорат айла,
Жудиға кўра ани зиёрат айла.

99. Завойо-д-дунйо машҳунатун би-р-разойо
Гардунки анинг жавфида мамлу ғамдур,
Ҳар бир ғамида юз ибтило мудғамдур,
Дунёдаки эл навҳаси зеру бамдур,
Ҳар зовияси анинг тўла мотамдур.

100. Зийорату-л-ҳабиби-л-ҳарроъу-л-маҳаббати
Ҳар кимки ҳабибинг ўлса уйрул бошиға,
Маҳв ўл юзиға, жонни фидо қил қошиға,
Тош урса равонингни туфайл эт тошиға,
Таждиди муҳаббат англа бормоқ қошиға.

101. Зийорату-д-дуъафоъи мина-т-таводуъи
Заъф аҳлиға алтоф таваққуъ билгил,
Лутфунг била ул элга тараффуъ билгил,
Бу нуктани нас йўққи тасомуъ билгил,
Ул қавм зиёратин тавозуъ билгил.

102. Зийнату-л-ботини хайрун мин зийнати-з-зоҳири
Эйким, қиласен жилвау ишрат чоғи зеб,
Мустаҳсан эмас эр кишининг қилмоғи зеб,
Гар бўлса ишинг кўпраги, ё озроғи зеб,
Зоҳирдин эрур сутуда ботиндоғи зеб.

103. Зуҳду-л-ъомий мудиллатун
Гар бор эса ҳақға хок даргоҳлиғи,
Илм ортуққим, икки жаҳон шоҳлиғи,
Олам фисқида бордур огоҳлиғи,
Оми киши зуҳди бўлди гумроғлиғи.

104. Суъу-з-занни мина-л-ҳазми
Хушдур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига,
Фақр аҳли йўлида нотавонлиқ кишига,
Ҳожат эмас асру хурдадонлиқ кишига,
Кўб ҳазмдин ўлди бадгумонлиқ кишига.

105. Сурурука би-д-дунйо ғурурука
Ганж узра оёғингға мурур ўлди ғурур,
Гулгашт эта гулшанда ҳузур ўлди ғурур,
Дунё саридин санга сурур ўлди ғурур,
Бу барча ғурур ўлди, ғурур ўлди ғурур.

106. Суъу-л-хулқи ло халоса фиҳо
Кўнглунгни арит барча ёмон хислатдин,
Ким яхши қилиқ далил эрур раҳматдин,
Бадхўйлиқ ул ваҳшат эрур шиддатдин,
Ким элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин.

107. Сийрату-л-маъъи табни ъан сариратиҳи
Десанг топай эл замиридин бори хабар,
Сирридин эрур таври намудори хабар,
Таврин кўру равшан айла ҳар сори хабар,
Ким кўнглидагидин берур атвори хабар.

108. Саломату-л-инсони фи ҳифзи-л-лисони
Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,
Ҳар навъ ишида истиқомат бўлмоқ,
Сўздур анга мужиби ғаромат бўлмоқ,
Тил забтидадур анга саломат бўлмоқ.

109. Содату-л-уммати-л-фуқаҳоъу
Қолған киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиққ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фиққда бил нисбат аро,
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

110. Сакрату-л-аҳйоъи суъу-л-хулқи
Нохуш қилсанг кишига маълум қилиқ,
Билким ани зоеъ айлар ул шум қилиқ,
Дун бўлса бўлур кишига мафҳум қилиқ,
Душвор эрур кишига мазмум қилиқ.

111. Силоҳу-д-дуъафоъи шикойатун
Ким дардини этса меҳрибонларға гила,
Осойиш эрур ғамзада жонларға гила,
Эрмастур яхши паҳлавонларға гила,
Ким, бўлди силоҳ нотавонларға гила.

112. Самму-л-маъъа фи-т-таводуъи
Кўб етти шикаст сарбаланд ўлмоқ аро,
Ул навъки қадар мустаманд ўлмоқ аро,
Касб айла бийикликни нажанд ўлмоқ аро,
Ким, рифъат эрур ниёзманд ўлмоқ аро.

113. Сукуту-л-лисони саломату-л-инсони
Тил илдамидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз навъ маломату надомат ҳосил,
Оз сўзлаганидин истиқомат ҳосил,
Сокитлигидин вале саломат ҳосил.

114. Шайну-л-ъилми-с-салафу
Ҳар кимгаки табъ жоми соф ўлди яқин,
Билмак сари анга иттисоф ўлди яқин,
Ҳар нукта аро лофи газаф ўлди яқин,
Ким, илмға айбу шайну лоф ўлди яқин.

115. Шарру-л-умури ақрабуҳо мина-ш-шарри
Ҳар ишки улус оллида мавзун бўлғай,
Қилған ани бир бахти ҳумоюн бўлғай,
Иш поёники зишту вожун бўлғай,
Улдурки ёмон иш била мақрун бўлғай.

116. Шаммир фи талаби-л-жаннати
Нутқунгни улусқа ўйлаким шаҳд айла,
Сўз талх демасга ҳақ била аҳд айла,
Жонингни худо маҳзи учун маҳд айла,
Жаннат талабида жид била жаҳд айла.

117. Шаҳҳа-л-ғаниййу ъуқубатун
Ҳар кимсаки жуд иктисобидур анинг,
Эл мафхари зот комёбидур анинг,
Ҳар кимсаки бухл иртикобидур анинг,
Гар бўлса ғани, бухл азобидур анинг.

118. Шамматун мина-л-маърифати хайрун мин касири-л-ъамали
Ирфон аҳлиға эл ниёзи яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши,
Гар маърифат ўлса чорасози яхши,
Тоат кўпидин, маърифат ози яхши.

119. Шайбука ноъийка
Қўйғувчи бағирға ҳузн доғи қарилиқ,
Тутқувчи фано тўла аёғи қарилиқ,
Солғувчи ғаму бало сўроғи қарилиқ,
Ўлмак хабарин бергувчи доғи қарилиқ.

120. Шафоъу-л-жинони мин қиро-ати-л-қуръони
Қуръонки эрур муждаи жони ўқумоқ,
Йўқ йўққи, ҳаёти жовидони ўқумоқ,
Бил кўнглунгга истасанг шифони ўқумоқ,
Ким, келди кўнгул шифоси они ўқумоқ.

121. Шаҳиҳун қаниййун афқару мин фақирин сахиййин
Мумсик ажзи асиридин кўпракдур,
Мағбунлиғи ҳам фақирдин кўпракдур,
Гар моли ҳисобу тийрдин кўпракдур,
Фақир ғани ҳақирдин кўпракдур.

122. Шарту-л-улфати тарку-л-кулфати
Улфат иши эрур такаллуф қилмоқ,
Дилжўйлиғ айларда таваққуф қилмоқ,
Улфат шартини бетаассуф қилмоқ,
Билгилки эрур тарки такаллуф қилмоқ.

123. Шарру-н-носи ман йатқийҳи-н-носу
Эл қочса бировдин эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они,
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон ямони бил они.

124. Сидқу-л-маъри нажотуҳу садақа
Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,
Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг,
Хушроққи тавил ўлса ҳаёти эрнинг,
Ким, сидқдин-ўқ дурур нажоти эрнинг.

125. Сиҳҳату-л-бадани фи-с-савми
Доим тут ўзунгга рўзанинг меҳнатини,
Ким, руҳга еткурур сафо давлатини,
Сиҳҳат тиласанг қилғил анинг ниятини,
Ким рўзада қўйдилар бадан сиҳҳатини.

126. Сабрука йуврасу-з-зафару
Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар,
Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарға мақрун айлар.

127. Салоту-л-лайли баҳоъун би-н-наҳори
Кўб қилма намоз амрида бепарволиқ,
Ракъат била қил оҳ хадангин ёлиқ,
Қилсанг кеча саждаға жабин фарсолиқ,
Кундузунгга ул намоз эрур зеболиғ.

128. Салоҳу-л-бадани фи-с-сукути
Даҳр ичра сукут жомидин мадҳуш ўл,
Лаб бирла сўзунг юзига бурқаъпўш ўл,
Демонки сўз айтурға балоғаткуш ўл,
Нафсингға салоҳ истасанг хомуш ўл.

129. Салоҳу-л-инсони фи ҳифзи-л-лисони
Оз нукта дегил тилар эсанг жонға салоҳ,
Ташвиш ғалат биймидин имонға салоҳ,
Инсон они билки ком эрур анга салоҳ,
Тил ҳифзидадур зумраи инсонға салоҳ.

130. Соҳибу-л-ахйори йаъману-л-ашрора
Асли мақсуд саридур йўл суҳбат,
Фархунда киши улки топар шул суҳбат,
Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шаридин ул суҳбат.

131. Самту-л-жоҳили сатруҳу садақа
Жоҳилки ғараздур ашҳабу зарда анга,
Сўз рахши батийдур тараб айларда анга,
Эрмас чун нутқ нукта парварди анга,
Хомушдиғи холиғадур парда анга.

132. Силл раҳимака саксуру ҳашамука
Ҳар неча қаробатдин алам кўблигидур,
Суҳбатлари андуҳу ситам кўблигидур,
Вуслатлари гарчи элга ғам кўблигидур,
Қил вуслат аларғаким ҳашам кўблигидур.

133. Салоҳу-д-дини фи-л-вараъи ва фасодуҳу фи-т-тамаъи
Динким анга афъоли табаъдин бўлди,
Қолған анга "азза ман қанаъ"дин бўлди,
Андоқки салоҳ анга вараъдин бўлди,
Билгилки, фасоди ҳам тамаъдин бўлди.

134. Далла саъйу ман ражаъа ғайру-л-лоҳи
Ҳақдин кишиким йўқ орзухоҳлиғи,
Билгилки гадолиғдур анинг шоҳлиғи,
Жуз ҳақдин анингки бўлса огоҳлиғи,
Уммиди эрур ғояти гумроҳлиғи.

135. Даммана-л-лоҳу ризқа кулла аҳадин
Ҳар кимки яқин анга муҳаққаҳ бўлди,
Оллида маош ишида равнақ бўлди,
Қилмоқ тамаъ элга саҳви мутлақ бўлди,
Эл қисматининг кафили чун ҳақ бўлди.

136. Дарбу-л-ҳабиби авжаъу
Ким дўстдурур нозу наим англа ани,
Душман эса нийрони жаҳим англа ани,
Тан хок эса хасмдин салим англа ани,
Зарбеки ҳабиб урар алим англа ани.

137. Дийоъу-л-қалби мин ақли-л-ҳалоли
То ишқ балосиға фақир ўлди кўнгул,
Ҳар кўзи ҳаромиға асир ўлди кўнгул,
Хирман аро тийра мисли қир ўлди кўнгул,
Маъкули ҳалолдин мунир ўлди кўнгул.

138. Дарбу-л-лисони ашадду мин таъни-с-синони
Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин,
Ҳар не санга етар лисон оғриғидин,
Билгилки, қаттиғдурур синон оғриғидин.

139. Далла ман ракана-л-ли-лашрари
Майл айла ҳамиша меҳрибонлар сари,
Яхшилару турфа кордонлар сари,
Дол ўлди ёмон кишига қонлар сари,
Озди кишиким борди ёмонлар сари.

140. Далла ман боъа-д-дина би-д-дунйо
Дунё сари ким майл ўқин отти, ахий,
Анинг даҳлиға белича ботти, ахий,
Гумроҳ улус ичра ўзин қотти, ахий,
Дунёда бировга дунёни сотти, ахий.

141. Доқа садруҳу ман доқа йадуҳу
Улким қўлида дурри лаоли бўлғай,
Ғамнинг анга қайда эҳтимоли бўлғай,
Муфлис бўлмоқ тараб заволи бўлғай,
Ғамгиндурур улки, илги холи бўлғай.

142. Доқати-д-дунйо ъала-л-мутаноҳидина
Хайлики муваддат ошкор айладилар,
Авқот хазонини баҳор айладилар,
Жамъики мухосамат шиор айладилар,
Кенг даҳрни ўзига тангу тор айладилар.

143. Тоба вақту ман васақа би-л-лоҳи
Улким туну кун кўнгли муроди ҳақдур,
Ҳар ғуссада ороми фуоди ҳақдур,
Юз ҳар сариким кетурса ҳоди ҳақдур,
Хуш вақти анингки, эътимоди ҳақдур.

144. Тубо лиман рузуқа би-л-ъофиййати
Дардиға анингки ҳақ даво қилди насиб,
Мақсудини айламак раво қилди насиб,
Ул кимсага ойини худо қилди насиб,
Ким, офият ойинин анга қилди насиб.

145. Тулу-л-ъумри мина-т-тоъати мин халаъи-л-анбиёйи
Тоат сари қил тилингни жорий охир,
Ким андин эрур эл эътибори охир,
Тоатда узун умр шумори охир,
Топқанға бил анбиё шиори охир.

146. Тола ъумру ман қасара таъабаҳу
Хуш вақти фано базми сари борғоннинг,
Йўлдин ўзлук қайдини қайторғоннинг,
Қисқарди ҳаёти ғам ичин ёрғоннинг,
Умри узун ўлди ранжи қисқорғоннинг.

147. Талабу-л-адаби увло мин талаби-з-заҳаби
Ҳақ йўлида нафсингға таабдур яхши,
Неким санга амр этти талабдур яхши,
Дема талаб айларда заҳабдур яхши,
Ким андин эл истарга адабдур яхши.

148. Тир маъа-л-ашколи
Ножинс ила лутфу инбисот оз айла,
Ҳампешани ҳамнишину ҳамроз айла,
Ҳаммашраб ила нишот оғоз айла,
Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла.

149. Тола ъумру ман қасара ражоъуҳу
Дунё сари бормаву, бўл ондин навмид,
Бўлғил йўқ эса азиз жондин навмид,
Ҳар кимсаки ул бўлди жаҳондин навмид,
Ул бўлмади умри жовидондин навмид.

150. Тоъату-л-ъадувви ҳалокун
Тут ҳақ тарафи касби саноат қилмоқ,
Ҳақдин неки юзланса, қаноат қилмоқ,
Жон топмоқ эрур дўстқа тоат қилмоқ,
Душманга ўлумдурур итоат қилмоқ.

151. Тубо лиман ло аҳлаҳу
Меҳнат аро ҳар кими таҳаммул йўқ анга,
Тазвижқа мутлақо таҳайюл йўқ анга,
Хуш вақт ул эмаски юз туман зул йўқ анга,
Хуш вақт ани билгилки тааҳҳул йўқ анга.

152. Тоъату-л-лоҳи ғаниматун садақа
Шайтон йўлидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил раҳмон сари азимат зинҳор,
Тоат била бер ўзунгга қиймат зинҳор,
Ҳақ тоатини англа ғанимат зинҳор.

153. Зулму-л-маръи йадраъуҳу
Даврон кишига зулми фузун айламагай,
То они таабға раҳнамун айламагай,
Эл зулм ила халқни забун айламагай,
Ким зулми-ўқ они сарнигун айламагай.

154. Зулму-л-мулуки авло далоли-р-раъиййати
Ким бўлса раият иши тақво англа,
Қилмоқни буюрди ҳақ таоло англа,
Нозики раият этса бежо англа,
Шаҳ зулми алар нозидин авло англа.

155. Залолату-л-мазлуми ло тудиъу
Золимки тилар айласа олам зоеъ,
Мазлумни бедоди этар кам зоеъ,
Мазлумни гарчи айлагай ғам зоеъ,
Ул ранжки чекти ўлмағай ҳам зоеъ.

156. Зулму-з-золими йаъудуҳу илал-ҳалоки
Золимки эрур зулму жафо ҳосил анга,
Зулм этгали-ўқ хотир ўлур мойил анга,
Бўлмоқ хуш эмас қилғанидин хушдил анга,
Ўз зулмидин-ўқ бўлғусидур қотил анга.

157. Замоъу-л-моли ашадду мин замоъи-л-моъи
Дунё сари ҳирс ҳар ёмондин ортуқ,
Тарк этмак ани кавну макондин ортуқ,
Сувсизға сув шавқи бўлса жондин ортуқ,
Бил сифлаға мол шавқи андин ортуқ.

158. Зиллу ъумри-з-золими қасирун
Золимки шиор этти жафо поясини,
Ўз воясин истаб олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрининг соясини.

159. Зиллу-л-карими фасиҳун
Мукрим ишини кўрки, бадеъ ўлди басе,
Боғида ҳариф анга рабеъ ўлди басе,
Чун наҳли мурод анга рафеъ ўлди басе,
Ул наҳлға ҳам соя васеъ ўлди басе.

160. Зиллу-л-аъвижа аъважу садақа
Ким эгри эса тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам,
Тузлук эрмас шифосию вояси ҳам,
Ким, эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

161. Ъиш қаниъан такун маликан
Қилсанг тамаъ элдин ҳадафи хузлон бўл,
Саргаштау хору бесару сомон бўл,
Тарки тамаъ айла, ҳокими даврон бўл,
Яъники қаноат айлаву султон бўл.

162. Ъулувви-л-ҳиммати мина-л-иймони
Гар бўлса асоси қасри давлат олий,
Имонға бўлур равони ҳашмат олий,
Ҳиммат топар имон била рутбат олий,
Имондин эрур гар ўлса ҳиммат олий.

163. Ъайбу-л-каломи тавийлуҳу
Бермас татвил чун сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.

164. Ъоқибату-з-золими вахиматун
Одил кўзига бу каъба, ул дайр ўлмас,
Золимға жафо қилурда эл ғайр ўлмас,
Одилға бажуз хайр сари сайр ўлмас,
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

165. Ъадуввун ъоқилун хайрун мин садиқин жоҳилин
Ҳар кимки хирад йўли сари мойил эса,
Бўл дўст анга ҳар нечаким қотил эса,
Бир дўстдин ортуқдур агар жоҳил эса,
Андоқ душманки зийраку оқил эса.

166. Ъусру-л-маъри муқаддамату-л-йусри
Мушкуллик илаки иш адоси келди,
Сўнгра "ал-айш"нинг нидоси келди,
Иш саъбики одами балоси келди,
Осонлиғ айши ибтидоси келди.

167. Ъалайка би-л-ҳифзи дуна-л-жамъи мина-л-кутуби
Дониш тилабон ҳар сари гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжига етгайсен,
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен.

168. Ъуқубату-з-золими суръату-л-мавти
Ким зулм ила бўлса тийра авқотлиғи,
Бор лозими умр тулининг ётлиғи,
Бот бўлғай ажал бисотиға мотлиғи,
Золимға уқубатдур ўлум ботлиғи.

169. Ъақийбу кулли йавмин лайлатун
Кофур қошида мушки соро эрмиш,
Гули Чинида сунбул ошкоро эрмиш,
Ҳар юз била бир зулф сумансо эрмиш,
Ҳар кун сўнгида бир кеча пайдо эрмиш.

170. Ва мин каломиҳи ғанама ман салама
Гардунки эрур тиҳзани жоҳилдек,
Ҳар кун анга узундурур бир йилдек,
Тонгдин оқшомға қон тўкар қотилдек.
Солимлиғин андин эл ғанимат билдек.

171. Ъала қадри-л-муттақина ва аъла қадри-л-мутаваккалина
Не бўлғусидур аҳли тажоҳул қадри,
Ё зумраи аъводу такосул қадри,
Йўқ даҳрда арбоби тағофул қадри,
Беҳад бўлур асҳоби таваккул қадри.

172. Ғамрату-л-мавти аҳвану мин мажолисати ман ло йаҳвоҳу қалбука
Гар кўрса ўлум ғамин ниҳоний кўнглунг,
Ул ранжда қолса жовидоний кўнглунг,
Ул кимсача эрмас ўлса фоний кўнглунг,
Ким, суҳбат аро истамас они кўнглунг.

173. Ғуломун ъоқилун хайрун мин шайхин жоҳилин
Гар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Андин билгилки топти тазйини хирад,
Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуққи, топти талқини хирад.

174. Ғоба харруҳу ман ғоба нафсаҳу
Эй ҳажр, мени сен айла жондин ғойиб,
Лекин қилма ул остондин ғойиб,
Ҳар кимсаки бўлди бир макондин ғойиб,
Ҳам бўлди анинг баҳраси ондин ғойиб.

175. Ғадрука ман даллака ъала-л-усоъати
Ғаддорки қисматинг малолат қилди,
Ғам кишваридин санга рисолат қилди,
Ўз жониға қадрингни ҳаволат қилди,
Ким, сени ёмонликқа далолат қилди.

176. Ғашшака мани-с-хатака би-л-ботили
Шукр айлаки ҳақ аҳли яқин қилди сени,
Гар сабру таҳаммулға қарин қилди сени,
Узр этти санга доғи ҳазин қилди сени,
Ботил била улки ҳашмугин қилди сени.

177. Ғадабука ъани-л-ҳаққи муқбиҳатун садақа
Доим тилаган айшу тараб нохушдур,
Нўш айламаган ранжу тааб нохушдур,
Ёлғонға киши қилса ғазаб нохушдур,
Чиндек ғазаб этмаган ажаб нохушдур.

178. Ғанимату-л-муъимини важдону-л-ҳикмати
Мўъмин бари элдин ўзни кам билса керак,
Ҳақдин не анга келса карам билса керак,
Беҳикматлиғини дарду ғам билса керак,
Ҳикмат топарини муғтанам билса керак.

179. Фоза ман зафара би-д-дини садақа
Бор аҳли жаҳонға шоҳу сарвар бўлған,
Дин маъракасида гирду сафдар бўлған,
Фируз эмас бошида афсар бўлған,
Фируздурур динға музаффар бўлған.

180. Фахру-л-маъри бифадлиҳи авло мин фахриҳи биаслиҳи
Ҳар кимки халойиқ ичра доно кўрунур,
Ойини хирад аро тавоно кўрунур,
Фахр асли била ажаб таманно кўрунур,
Фахр айласа фазл бирла авло кўрунур.

181. Фалажука ъала хасмика фи-л-иҳтимоли
Ҳар ком санга етса тааммулдин бил,
Нокомлиқ урса юз тағофулдин бил,
Мақсудға етмагинг тавакkулдин бил,
Хасмингға зафар ҳилму таҳаммулдин бил.

182. Фитнату-л-маъри йадуллу ъала аслиҳи
Нодонлиғ эрур элда малолатға далил,
Доно улус оллида хижолатға далил,
Беасл иши бўлмади адолатға далил,
Донолиқ эрур элда асолатға далил.

183. Фоза ман салама мин шарри нафсиҳи
Нодонға эрур ҳамиша олим фируз,
Одил кишига бўлмади золим фируз,
Бордур дер эсанг халқ ароким фируз,
Ким нафс шарридин ўлди солим фируз.

184. Фаръу-ш-шайъи йухбиру ъан аслиҳи
Йўқ лаззати сабрдек мукаддар ниманинг,
Ўз хурдиғадур завқи муқаррар ниманинг,
Беаслға йўқ фаҳми муяссар ниманинг,
Фаръи берур аслидин хабар ҳар ниманинг.

185. Фикаку-л-маръи фи-с-сидқи
Олам элига ҳаёт эрур тузлукдин,
Етмак ғаразиға бот эрур тузлукдин,
Норостқа кўп уёт эрур тузлукдин,
Лек эр кишига нажот эрур тузлукдин.

186. Ва мин каломиҳи фи кулли қалбин шуғлун
Анинг қаро қошу кўзга машғуллиғи,
Мунунг доғи пок сўзга машғуллуғи,
Ҳар турғузмоғда юзга машғуллиғи,
Ҳар қайси кўнгулнинг ўзга машғуллиғи.

187. Фасодат ниъмату ман кафараҳо
Доно киши шукри неъмат айтур жондин,
Ким неъмати ортуғроқ ўлур яздондин
Доим бу сифат амр келур нодондин,
Ким неъматини фосид этар куфрондин.

188. Қавлу-л-маръи йукбиру ъаммо фи қалбиҳи
Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

189. Қабулу-л-ҳаққи мина-д-дини садақа
Дин заъфини англа буғз ила кинға далил,
Ислом аро нописанд ойинға далил,
Дин қуввати сўз дерда эрур чинға далил,
Чин сўзни қабул этмак эрур динға далил.

190. Қуввату-л-қалби мин сиҳҳати-л-иймони
Имон топқан кишига ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасаси заҳматидин,
Имонға мадор ўлди кўнгул қувватидин,
Кўнгул аро қувват ўлди дин сиҳҳатидин.

191. Қотилу-л-ҳариси ҳирсуҳу
Ҳар кимсаки ҳирс ранжи дохилдур анга,
Ул дағдаға ичра умр мушкилдур анга,
Ўз феълидин ўқ ҳаёт зойилдур анга,
Ким бўлса ҳарис ҳирси қотилдур анга.

192. Қаддир фи-л-амали танажжа мина-з-залали
Улким иши бевақту маҳал бўлмағуси,
Ҳар ишдаки саъй этса ҳалал бўлмағуси,
Қонун била кимгаким амал бўлмағуси,
Ул қилмоғи жуз ранжу залал бўлмағуси.

193. Қарину-л-маръи далилу диниҳи
Ҳар кимгаки рўзий этти дин давлатини,
Шак йўққи қилур икки жаҳон ишратини,
Ҳамсуҳбат ила топар чу дин қувватини,
Диниға далил англа ҳамсуҳбатини.

194. Қурбу-л-ашрори мудирратун садақа
Бордир ёмон элга ҳамнишинлиғда зарар,
Хуррамлиғ аро ранжу ҳазинлиғда зарар,
Касб этмас аҳли дин қаринлиғда зарар,
Ким келди ёмонларға яқинлиғда зарар.

195. Қасвату-л-қалби мина-ш-шабаъи
Кўп тўъма ер эл аросидин ихрож ўл,
Савм аҳли аро бош қўй, соҳиби тож ўл,
Ким қалби рафиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қаттиғ айлар, оч ўл.

196. Ва мин каламиҳи қадру-л-маръи мойуҳиммуҳу
Эл поясин англай десанг асрорини бил,
Кўнглидаги муддаоси изҳорини бил,
Қалбиға кўра тоши намудорини бил,
Матлубиға боқу кимса миқдорини бил.

197. Калому-л-лоҳи давоъу-л-қулуби
Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,
Қуръонки тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво каломуллоҳ эрур.

198. Кофирун сахиййун аржо ила-л-жаннати мин муслимин шахихин
Кофирки хирад оллида хору дундур,
Гар зоти аро дурри сахо махзундур,
Бухл аҳлидин ар олам аро қорундур,
Жаннатқа анинг уммиди кўб афзундур.

199. Куфрону-н-ниъмати мазилуҳо
Ҳар шукрки, гар шоҳ ва гар сойил этар,
Ўз неъматин ортмоқ сари мойил этар,
Неъмат шукригаким тилин қойил этар,
Ортар куфрони, лек ани зойил этар.

200. Кафо би-ш-шайби доъун
Ёш улғайса тоқи муқарнасдур дард,
Балким мамлу сипеҳри атласдур дард,
Қари кишига билки кам эрмасдур дард,
Юз сиҳҳати бўлса, қарилиқ басдур дард.

201. Кафо ли-л-ҳасуди мин ҳасудиҳи садақа
Ҳар кимки ҳасуд эрур сазодур ҳасади,
Ҳақдин бўлғай ёмон қазодур ҳасади,
Ўз жониға етгунча балодур ҳасади,
Билким анга дарди бедаводур ҳасади.

202. Камолу-л-ъилми фи-л-ҳилми
Олимки писандадур хисоли билгил,
Ҳилмин тан аро руҳ мисоли билгил,
Комилда керак ҳилм хаёли билгил,
Ким, ҳилмдадур илм камоли билгил.

203. Камолу-л-жуди-л-иътизору минҳу
Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин,
Офоқ элига жуди бепоёндин,
Гар мужтаниб ўлса давр аро нуқсондин,
Жудиға камоли узр билгил ондин.

204. Кафока мин ъуйуби-д-дунйо ан ло йабқо
Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг,
Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,
Айби бас эрур, бу ки, бақоси йўқ анинг.

205. Кафока ҳамман ъйлмука би-л-мавти
Эй улки эмас махзани олам санга бас,
Базм этгали бир хизона ҳар дам санга бас,
Ёдингға ўлум кирмаги мотам санга бас,
Ўлмакни яқин айламагинг ғам санга бас.

206. Лаййину-л-каломи қайду-л-қулуби
Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

207. Лаййину қавлика таҳбуб
Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.

208. Лайса-ш-шайбу мина-л-ъумри
Қариға бажуз даҳр азоби эрмас,
Боғида йигитлик обу тоби эрмас,
Одамға ҳаёт жуз шабоби эрмас,
Яъни қарилиқ умр ҳисоби эрмас.

209. Лайса ли-султони-л-ъолими заволун
Ҳар кимдаки илм қийлу қоли бўлмас,
Илм аҳлига сўз дерга мажоли бўлмас,
Олим мулкининг интиқоли бўлмас,
Шаҳ олим агар бўлса заволи бўлмас.

210. Лайса-ш-шуҳрату мина-р-руъунати
Доноға такаллуф тўни киймак қиндур,
Ҳар жайби сари оразида бир чиндур,
Шуҳрат туни кимгаким руунатдиндур,
Кий хирқаи фақру хотирингни тиндур.

211. Дикулли ъадоватин мустиҳатун илло ъадовата-л-ҳусуди
Ислоҳ бўлур жуҳуд душманлиғиға,
Савдода зиёну суд душманлиғиға,
Муслиҳ тилагил рабуд душманлиғиға,
Лек этма талаб ҳасуд душманлиғиға.

212. Ман касара каломуҳу касара маломуҳу
Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга,
Ҳаддин ўта ҳар кимга калом ўлди анга,
Ул навъ каломдин малом ўлди анга.

213. Машрабу-л-ъазби муздаҳамун
Ҳар кимки ачиғ ўлди сўзи алқоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиҳноси,
Ҳар кимки чучук нукта эрур иншоси,
Қошидадур албатта улус ғавғоси.

214. Ман ъаллат ҳимматуҳу тола ҳамумуҳу
Ҳар кимки анинг ҳиммати дунроқ бўлди,
Билким, ғаминнинг нахли нигунроқ бўлди,
Ҳам ҳиммати рифъати фузунроқ бўлди,
Қайғуларининг тори узунроқ бўлди.

215. Мусоҳибату-л-ашрори рукубу-л-баҳри
Ҳар важҳ ила нотавонға ҳамсуҳбатлиқ,
Кўп яхшики комронға ҳамсуҳбатлиқ,
Кишти хатари ёмонға ҳамсуҳбатлиқ,
Дарё сафари ҳам онға ҳамсуҳбатлиқ.

216. Ва мин каломиҳи мо надама ман саката
Ҳар кимсаки нуктаси фаровон бўлмас,
Тил ранжиға қолмоқлиғи имкон бўлмас,
Кўп сўзлағучиға ғайри нуқсон бўлмас,
Ҳар кимки хамуш ўлди, пушаймон бўлмас.

217. Мажлису-л-ъилми равдату-л-жаннати
Ким олим эса нуктада барҳақ де ани,
Гар базм тузар биҳишти мутлақ де ани,
Ҳар кимсаки йўқ илм анга аҳмақ де ани,
Мажлисдаки илм бўлса учмақ де ани.

218. Мажлису-л-кироми ҳусуну-л-лакоми
Яхши эл ила эрур мадори ҳикмат,
Ҳар сўзлари дурри шоҳвори ҳикмат,
Қил базмларида ихтиёри ҳикмат,
Мажлислари чун эрур ҳисори ҳикмат.

219. Манқабату-л-маръи таҳта лисониҳи
Ҳар кимсаки оллиға ёзилди ҳунари,
Сўз пардаси остида ёпилди ҳунари,
Чун нукта деди элга ёйилди ҳунари,
Невчунки тил остида келди ҳунари.

220. Нуру-л-муъмини мин қийоми-л-лайли садақа
Ҳар кимсаки матлуби кўнгул соғлиғидур,
Тун эҳёси илож қилмоғлиғидур,
Эл шамъи замирики вафо ёғлиғидур,
Равшанлиғи тийра туннинг уйғоғлиғидур.

221. Нисйону-л-мавти садоъу-л-қалби
Ҳар кимки мақоми умр авранги эмиш,
Ғафлат майининг ҳамиша дилтанги эмиш,
Ёд этмак ўлум ёруғлуқ оҳанги эмиш,
Ўлмакни унутмоғинг кўнгул занги эмиш.

222. Наввир қабрака би-с-салоти фи-з-зилами
Уйқу неча ишрату сурурунг бирла,
Кўзунг қаро айламак ғурурунг бирла,
Тийра кеча тоат эт ҳузурунг бирла,
Қабринг уйини ёрут бу нурунг бирла.

223. Наъийта ила нафсика хина шабоби раъсика
Неча ўчашиб бу нафси худ кома сангa,
Нома қаро бўлмоқ илаким хома сангa,
Чун бошинг оқармоқ ўлди ҳангома сангa,
Оқ хат била ўлмакдин эрур нома сангa.

224. Нум оминан фи маҳди-л-фароши
Неча юммай кўзунгни ҳар зевар аро,
Ғафлат била кезмак неча баҳру бар аро,
Эмин уюбон бу олами пур шар аро,
Қил хобгаҳингни яхшироқ бистар аро.

225. Найлу-л-манйи фи-л-ъино
Ғамдин дурур ўзни шод топмоқ билгил,
Бетўшалиғ ичра зод топмоқ билгил,
Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичра дурур мурод топмоқ билгил.

226. Нору-л-фирқати ахарру мин нори жаҳаннама
Ҳижрон аро бир рафиқи маҳрам ўтидин,
Ким куйса томуғни ўртагай маҳрам ўтидин,
Фурқатки кўнгулни куйдурур ҳам ўтидин,
Билгил ани тезрак жаҳаннам ўтидин.

227. Нуру шайбика ло тазлимуҳу би-л-маъсиййати
Келди қарилиқ нури хато айламагил,
Жуз узр йўлиға илтижо айламагил,
Нурини анинг зулмат аро айламагил,
Исён била яъники қаро айламагил.

228. Надрату-л-важҳи фи-с-сидқи
Ҳар кимгаки эгриликда овозадурур,
Туз жодда ичра йўлидин озадурур,
Тузликда тараб беҳаду андозадурур,
Ким ростдурур юзи анинг тозадурур.

229. Вадаъ-л-иҳсону фи ғайри мавдиъиҳи зулмун
Яхшилиғ эрур ёмонга маҳкам бедод,
Воқиф бўлу зоҳир этма ҳар дам бедод,
Эҳсон эрур андинки керак кам бедод,
Ўз ерида қилмаған эрур ҳам бедод.

230. Визру садақати-л-маннони аксару мин ажриҳи
Ким садқа берур агарчи Афридундур,
Гар миннат этар бу феъл ила матъундур,
Миннат била улки садқа айлар дундур,
Ким журми анинг савобидин афзундур.

231. Вилойату-л-аҳмақи сариъу-з-заволи
Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор,
Давлатға агар етса анинг муддати бор,
Аҳмақға чу етса салтанат шанъати бор,
Султонлиғининг заволиға суръати бор.

232. Вайлун лиман соъа хулқуҳу ва қабаҳа халқуҳу
Хуш хўйлиқ илаки сарнавишт ўлди анга,
Дўзах сўзи лутфидин биҳишт ўлди анга,
Вой ул кишигаки хўйи зишт ўлди анга,
Бу хулқи била ёмон сиришт ўлди анга.

233. Ваҳдату-л-маъруфи хайрун мин жалиси-с-суъи
Бекаслигу дард кўйида гард ўлмоқ,
Хушроққи ёмон била ҳамовард ўлмоқ,
Ёлғуз бўлу топма ранжпарвард ўлмоқ,
Хушроқ чу ёмон рафиқдин фард ўлмоқ.

234. Ва асока ман тағофала ъанка
Нафсинг нечаким ишда тажоҳул қилди,
Давронда ташаддудинг тасалсул қилди,
Бор ўлди санга улки таҳаммул қилди,
Кўргузди мувосову тағофул қилди.

235. Волока ман лам йуъодука
Давр аҳлиға лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ёмон яхши жазо кўргузгил,
Йўқ ёринга сидқ ила сафо кўргузгил,
Ким, қилмаса хасмлиқ вафо кўргузгил.

236. Вайлун лиман ватара-л-аҳзону садақа
Даҳр уйида улки ранжпарвард ўлғай,
Кўп яхшики бедардға ҳамдард ўлғай,
Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай,
Вой ангаки яхшилардин ул фард ўлғай.

237. Вайлун ли-л-ҳасуди ман ҳасадуҳу садақа
Ҳар кимки ҳасад хислатидур рой анга,
Иқбол ила фарқ ўлса фалаксой анга,
Ҳеч офатдин бўлмаса парвой анга,
Ҳам ўз ҳасади офатидин вой анга.

238. Валлоъу-т-тифли марзуқун садақа
Ҳар кимгаки тифл ўлса эрур кўзи очуқ,
Шуғли била хотири ғамандўзи очуқ,
Бўлмоқ не ажаб базми дилафрўзи очуқ,
Ким тифли бор эрса бор анга рўзи очуқ.

239. Ҳумуму-л-маъруфи биқадри ҳиммативи
Ҳиммат икки кўзда қурутуб намларини,
Неча қилур ошоми фалак хамларини,
Ҳар кимки урур ҳиммат ила дамларини,
Ҳимматларининг хурдида бил ғамларини.

240. Ҳайҳота мин насиҳати-л-ъадувви
Эл панд берурда айлагил қайғу йироқ,
Гар бўлса гадо тут ўзни андин қуйироқ,
Гар дўст берур панд эмастур буйироқ,
Душман панди ишидурур асру йироқ.

241. Ҳамма-с-саъиду охиратаҳу ва ҳамма-ш-шақиййу дунйоҳу
Уқбо ғамин улки ер ани доно бил,
Еганни жаҳоннинг ғамини адно бил,
Ким бўлса саид анинг ғамин уқбо бил,
Бўлғонға шақи ғамин бари дунё бил.

242. Ҳалоку-л-маъъи фи-л-ъужби
Касб айла нишот меҳнат ойинлик аро,
Ким ишрат умиди келди ғамгинлик аро,
Кўрма озод ўзингни мискинлик аро,
Ким бўлди ҳалок киши худбинлик аро.

243. Ҳурубука мин нафсика анфаъу мин ҳарубика мина-л-асади
Ким кинавар ўлса иста ондин қочмоқ,
Невчунки зарурдур ёмондин қочмоқ,
Эр ўғлиға нафси кинарондин қочмоқ,
Анфаъдурким, шери жаёндин қочмоқ.

244. Ҳоммату-л-маъъи ҳиммату ҳу садақа
Ҳар кимсаки иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур,
Ҳиммат дури фахр тожининг гавҳаридур,
Чун ҳиммати одам ўғлининг сарваридур.

245. Ҳашийму-с-сариди мин ғайри аклиҳи
Эй ким бермак таом туттунг ўзга,
Меҳмон узрида қўй иликни кўзга,
Боқ ашкина ичра бу ажойиб сўзга,
Синдурмоғин ўзга бил емакни ўзга.

246. Ҳалака-л-ҳарису ва ҳува ло йаъъламу
Ҳирс аҳлиға ғайри ниш санчилмас ҳеч,
Бағридин анинг бу ниш айрилмас ҳеч,
Бу маҳлака ичра фикрини қилмас ҳеч,
Ҳирс ани ҳалок этти ва ул билмас ҳеч.

247. Ҳиммату-л-маъъи қийматуҳу
Ҳиммат элининг гарчи хулқ кисвати бор,
Чарх атласидин вале бийик рифъати бор,
Беқиймат эрур улки бийик ҳиммати бор,
Гарчи нечаким ҳиммати бор қиймати бор.

248. Ҳота мо ъиндака таърифу биҳи
Ҳам лофу газоф дафтарин куйдургил,
Ҳам хомани инсоф хатиға сургил,
Ҳар неки санга бийикдурур келтургил,
Ҳолингни ҳам андин эл аро билдургил.

249. Ло дина лиман ло амоната лаҳу садақа
Ким олам аро диёнати йўқтур анинг,
Дин нуктасида фатонати йўқтур анинг,
Диндор улким, зиёнати йўқтур анинг,
Йўқ дин ангаким амонати йўқтур анинг.

250. Ло дина лиман ло муруввата лаҳу
Ҳар кимсаки дин ичида қувват йўқ анга,
Жазм айлаки, ойини футувват йўқ анга,
Дин аҳли била расми ухувват йўқ анга,
Ул кимсада йўқ динки мурувват йўқ анга.

251. Ло фақра ли-л-ъоқили садақа валиййу-л-лоҳи
Ҳар кимсаки ақл кўнглидин зойилдур,
Қорун эса оқил қошида сойилдур,
Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқтур анга фақру фоқаким оқилдур.

252. Ло каромата ли-л-козиби
Сидқ аҳлиға шева жуз саломат бўлмас,
Ҳар ишдаки майл этса ғаромат бўлмас,
Ёлғончиғаким ғайри надомат бўлмас,
Эл оллида таъзиму каромат бўлмас.

253. Ло роҳата ли-л-ҳасуди
Олам элида биров саодатсиз эрур,
Ким фақр йўлида иститоатсиз эрур,
Иззат топмас кимки қаноатсиз эрур,
Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз эрур.

254. Ва мин каломиҳи ло ғамма ли-л-қониъи
Қонеъға маҳзани саодат кам йўқ,
Жуз зумраи эъзозу шараф ҳамдам йўқ,
Хурсандлиғ ойини киби олам йўқ,
Ҳар кимсадаким бўлса қаноат ғам йўқ.

255. Ло вафоъа ли-л-маръати садақа валиййу-л-лоҳи
Хотун киши дабъи жуз хато бўлмас эмиш,
Ақл аҳли аларға ошно бўлмас эмиш,
Мазҳабларида вафо раво бўлмас эмиш,
Ул қавмға, алқисса, вафо бўлмас эмиш.

256. Ло ҳурмата ли-л-фосиқи садақа
Фисқ аҳлиға бўлмас киши қилмоқ ҳурмат,
Ким бермас анинг ҳолиға равнақ ҳурмат,
Фосиқға насиб этмади чун ҳақ ҳурмат,
Хушроқдур ани тутмаса мутлақ ҳурмат.

257. Ло қазафа ли-л-фоҳиши садақа
Ҳар ким сўзи фаҳш ақл анга ром ўлмас,
Бу навъ киши наку саранжом ўлмас,
Дашномидин ўзга ақлға ком ўлмас,
Бу турфаки, дашном анга дашном ўлмас.

258. Ло ғанийа лиман ло фадла лаҳу
Ҳар кимки насиб анга фазойил эрмас,
Кўнглига ғино маҳзани ҳосил эрмас,
Ким ганжи фазойил била комил эрмас,
Бўлсун Қорунким мутамаввил эрмас.

259. Йаътика мо қадара лака
Қисматда насиб хайр ё шарр бўлмиш,
Саъй этмайин ул санга муяссар бўлмиш,
Топмас тағайюр улча муқаддар бўлмиш,
Етгай санга ҳар неким, муқаррар бўлмиш.

260. Йаъмалу-н-наммолу фи-с-соъати фитната шаҳрин
Сўз етургучи гар дурри адан зоҳир этар,
Ҳар дурри анинг санги миҳан зоҳир этар,
Ҳар соат ароки элга фан зоҳир этар,
Бир ойчилиқ ошубу фитан зоҳир этар.

261. Йазиду-с-садақату фи-л-ъумри садақа
Бир садқаки толеингни маймун айлар,
Қатрангни ҳавоси дурри макнун айлар,
Жисминг уйига ҳаёт мақрун айлар,
Яъники бақойи умрунга афзун айлар.

262. Йатлубука-р-ризқу камо татлубуҳу
Ҳар неча замона аҳлининг пурфанисен,
Ё фарз эталики аблау кавданисен,
Ризқ истаю бўлма халқнинг душмани сен,
Истар сени чун ризқ нечукким ани сен.

263. Йаъману-л-хойифу изо васала ила мо хофаҳу
Хоифғаки хавф юз зиёндин эрди,
Балким анга хавф хонумондин эрди,
Эмин бўлур ар хавф анга жондин эрди,
Чун етти ангаки хавфи ондин эрди.

264. Йусиру-л-амру-с-сабуру ила муродиҳи
Ҳар кимки фалак зулму инодиға етар,
Чун бўлди сабур тенгри додиға етар,
Сабр айлаган охир эътиқодиға етар,
Собир киши оқибат муродиға етар.

265. Йаблуғу-л-маръу би-с-сидқи манозила-л-кибори
Норостки қолди хору зор эл ериға,
Ўлтурди лаиму хоксор эл ерига,
Десанг етай аҳли эътибор эл ерига,
Сидқ айлаки етгайсен кибор эл ерига.

266. Йасуду-л-маръу қавмуҳу би-л-иҳсони алайҳим
Ким элга жафо чаҳин томуғ зайли қилур,
Кавсар суйин ўзига ўлум сайли қилур,
Ўз хайлиға кимки яхшилиғ майли қилур,
Эҳсон ани билки, қавм сархайли қилур.

267. Йаъсу-л-қалби роҳату-н-нафси
Истар эсанг осудалиқ иш тажрид эт,
Фақр ичра ўзунгни мойили тафрид эт,
Кўнглунгни замон баҳрасидин навмид эт,
Нафсингға бу ишни роҳати жовид эт.

268. Йасъаду-р-ражулу бимусоҳабати-с-саъиди
Уббод аро бўлған эл ибодатға етар,
Бўлған киши мустафид ифодатға етар,
Хуш одат эл ичра яхши одатға етар,
Ким, кимса саиддин саодатға етар.

АЛХОТИМА

Биҳамдуллоҳки, бу туғройи ҳумоюн тарознинг унвонидин фархунда молиға етилди ва бу бидоят фархунда ниҳоятнинг ибтидосидин интиҳосиға дегинча етилдиким, жоддаси сайрида тамъ-тусин тезкомига ҳал юрумади ва саводи қатъида қалам жардайи хушхироми юрумади.

Рубоий:
Бу турфаки фархундадурур фоли анинг
Йўқ моҳжабинлар ичра тимсоли анинг.
Ҳам фотиҳаси нуқтасидур холи анинг,
Ҳам хотимаи лулўлари халхоли анинг.

Рубоий:
Ким сафҳаи чиниға ҳавойи қилғай,
Мушкин хати ҳарфин ибтидойи қилғай,
Ҳар лафзида чун касби сафойи қилғай,
Уммидки, роқимға дуойи қилғай.

Тамом.

“НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” РУБОИЙЛАРИГА АСОС БЎЛГАН АРАБЧА ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР ИЗОҲИ[1]

1. Кишининг имони сўзидан маълум.
2. Кимки қийинчиликда сенга ёрдам берса, ўша биродарингдир.
3. Бойликнинг изҳори шукрдир.
4. Аҳли аёлингга адаб ўргатгил, бундан уларга манфаат бор.
5. Киши одоби олтиндан яхшидир.
6. Бурчни ўташ динни маҳкам тутишдадир.
7. Золимга яхшилик кўрсатишинг сени сақлайди.
8. Ушбу замон кишилари айб изловчилардир.
9. Кўнгил осойишталиги маъюсликдадир.
10. Мурувват қийинчиликларни беркитади.
11. Ота-онага меҳр қадимдан меросдир.
12. Ўзингни зафар сари сабр орқали шайла.
13. Умрнинг баракаси ишларнинг чиройидандир.
14. Мол баракаси закотни адо қилишдадир.
15. Дунёни охират учун сарф қил, фойда қиласан.
16. Кишининг худодан қўрқиб тўккан ёши кўзни равшан қилади.
17. Кишининг қорни – унинг душмани.
18. Шанба ва пайшанба тонглари баракадир.
19. Инсон бошидаги балолар тилдандир.
20. Эзгулик қил, аммо уни миннат билан йўқ қилма.
21. Кишининг мулойимлиги (эҳсондан сўнг) иккинчи совғадир.
22. Оллоҳга таваккал қилишинг сенга кифоядир.
23. Ёмонликни кечиктириш бахтдандир.
24. Умр охирини идрок қил, шунда унинг аввалидан пушаймон бўлмайсан.
25. Кишининг намозда эринчоқлиги имонининг кучсизлигидандир.
26. Хайрли ишлар билан шуғуллан, улар қайтади.
27. Макруҳни сезмасликка ҳаракат қил, савоб кўпаяди.
28. Таом ейишда меҳмонга марҳамат қилиш баракадир.
29. Барча гуноҳлардан четлан.
30. Тавозули киши икромда бўлади.
31. Уч нарса ҳалокатлидир: бахиллик, ҳирс ва худбинлик.
32. Имоннинг учдан бири ҳаё, яна учдан бири вафо ва яна учдан бири саховдир.
33. Диннинг сустлиги уламоларнинг ўлимидир.
34. Ҳирснинг дарзи тупроқдан бошқа нарса билан тўлмайди.
35. Мулкнинг мустаҳкамлиги адлдан.
36. Охират савоби дунё неъматларидан яхшидир.

[1] “Назмул-жавоҳир” муқаддимасидаги арабча иборалар изоҳи Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан чоп этилган 20 томлик асарлар тўпламининг 15-томида тўла берилган. Биз тўртликларга асос бўлган арабча ҳикматли сўзларни арабшунос олим, филология фанлари доктори Ҳасанов Б.Р. таржимасида келтирдик.

37. Эҳсон қил, (аммо уни) унут.
38. Нафс қуввати ғизо билан, руҳ қуввати фано билан.
39. Кишининг неъмат шукронаси (неъматини) оширади.
40. Топганингга шукр қил, (бу) яхши ишдир.
41. Хасиснинг интилиши (жаҳди) кўп балолидир.
42. Кишининг чиройи – юмшоқлигида.
43. Ёмонликнинг ҳамсуҳбати шайтондир.
44. Беҳуда ишнинг давомати бир ондир, ҳақ ишнинг давомати замондир.
45. Кишининг ҳамсуҳбати ўзи кабидир.
46. Сўзнинг фазилати унинг қисқалигидадир.
47. Яхшиликнинг ҳамсуҳбати (дўсти) ўлжадир.
48. Кўпни сахийлик билан тарқат, камга қаноат қил.
49. Фақирлар билан ўтирган кишининг неъмат шукронаси ортади.
50. Ўлмайдиган (зот) улуғдир.
51. Кишининг юмшоқлиги унинг мададидир.
52. Киши зийнати одобдир.
53. Киши ҳаёти унинг ҳаёсидир.
54. Таом аччиғлиги сўз аччиқлигидан яхшидир.
55. Кишининг тезлиги уни ҳалок қилади.
56. Асли йўқ кишига вафо қилиш ҳаромдир.
57. Хулқ кўрки ўлжадир.
58. Кишининг ҳунари бойлигидир.
59. Оллоҳ ғайрнинг эминлигини енгиллаштиради.
60. Дўстларнинг яхшиси эзгу ишларни кўрсатувчидир.
61. Нафсингни тийсанг, роҳат топасан.
62. Кишининг дўсти динининг гувоҳидир.
63. Кўнгилнинг бўшлиги киссанинг тўлалигидан яхшидир.
64. Дўстликнинг самимийлиги аҳднинг чиройидир.
65. Аёлларнинг яхшиси севувчи ва туғувчи бўлади.
66. Молнинг яхшиси оллоҳ йўлида сарф қилинганидир.
67. Юракнинг давоси ўлимни ризолик билан қабул қилишдир.
68. Нафснинг дарди ҳирсдир.
69. Ҳирсдан кечмоқ нафснинг давосидир.
70. Жафокашингни хижолат қилиб ундан ўргул.
71. Киши ақлининг ҳужжати унинг сўзидир.
72. Киши аслининг ҳужжати унинг хулқидир.
73. Хурсандчилик давомати биродарларни кўриш биландир.
74. Нокаслар давлатидан ноумид бўл.
75. Киши бурчи унинг ҳазинлигидир.
76. Шоҳлар давлати адолатдадир.
77. Бахилнинг динори – тош.
78. Ғазабни тийишда давом эт, оқибати мақтовга сазоворликдир.
79. Зулм зулмни туғдиради.

80. Битта гуноҳ кўп, аммо мингта тоат – кам.
81. Авлиёларни ёдлаш раҳмат ёғдиради.
82. Кишининг хорлиги очкўзлигидан, тамаъдандир.
83. Султонлар озуқаси оғизни куйдиради.
84. Фақирлик оллоҳ олдида азиздир.
85. Ёшликни эслаш қарига ҳасратдир.
86. Яхши сўзли тил мол эгасидир.
87. Ўлимни эслаш қалблар жилвасидир.
88. Дўстни кўриш кўз равшанлигидир.
89. Отангга риоят қилсанг, сенга фарзандинг риоят қилади.
90. Айш фароғати эминликдадир, соғ-омонликдадир.
91. Илмнинг даражаси унинг асосидадир.
92. Сени ризқингнинг ўзи излайди, хотиржам бўл.
93. Туғилиш ўлимнинг элчисидир.
94. Нафс хоҳишлари кишини қийнайди.
95. Нафс қўзғалганда тангрига риоят қил.
96. Кишининг меҳри ақлидан далолатдир.
97. Эрлар зийнати уларнинг ўлчовидир.
98. Кишини карам кучига қараб зиёрат қил.
99. Дунёнинг ҳар бурчаги балоларга тўладир.
100. Дўстни зиёрат қилиш муҳаббатни янгилашдир.
101. Заифларни зиёрат қилиш камтарликдандир.
102. Яширин зийнат ошкор зийнатдан яхшидир.
103. Жоҳил кишининг художўйлиги залолатдир.
104. Бадгумонлик кўп мулоҳаза қилишдан бўлади.
105. Дунё билан шод бўлишинг, ўзингга бино қўйишинг.
106. Хулқнинг ёмонлигидан нажот йўқ.
107. Киши юриш-туриши дилидан бошланади.
108. Инсон омонлиги тилини тийишдадир.
109. Миллат хўжалари фақиҳлардир.
110. Ҳаёнинг йўқлиги хулқнинг ёмонлигидир.
111. Заифларнинг қуроли – шикоят.
112. Кишининг улуғлиги камтарлигида.
113. Инсон омонлиги тилининг сукутидадир.
114. Илмнинг шармандалиги – мақтанчоқлик.
115. Ишларнинг ёмони ёмонликка яқинроғидир.
116. Жаннатга эришиш учун ҳаракат қил.
117. Бойнинг бахиллиги азобдир.
118. Маърифатнинг бир чимдими кўп ишдан яхшидир.
119. Қарилик ўлим хабарчисидир.
120. Жон шифоси – Қуръон ўқишда.
121. Хасис бой сахий камбағалдан фақирроқдир.
122. Улфатчиликнинг шарти кулфатни қолдиришдир.

123. Инсоннинг ёмони халқ ундан юз ўгирганидир.
124. Кишининг ростгўйлиги унинг нажотидир.
125. Бадан саломатлиги рўзада тикланади.
126. Сабринг зафарни мерос қолдиради.
127. Тунги намозинг кундузги юз ёруғлигингдир.
128. Бадан саломатлиги нафсни тийишдадир.
129. Инсон саломатлиги тилни тийишдадир.
130. Эзгулик эгалари ёмонликлардан сайлайди.
131. Жоҳилнинг жим туриши унинг пардасидир.
132. Эзгулик қил – обрўйинг ортади.
133. Диннинг кучи – худодан қўрқишда, бузилиши – тамаъда.
134. Кимки қийинчиликда қолса, бу унинг оллоҳдан ўзгага илтижосидан далолатдир.
135. Оллоҳ ҳар кимсанинг ризқига кафилдир.
136. Дўст турткиси оғритади (дўст ачитиб гапиради).
137. Дил равшанлиги ҳалол емишдандир.
138. Тил зарбаси ниш санчиғидан кучлироқдир.
139. Ёмонларга суянган адашибди.
140. Динни молга сотган янглишади.
141. Қўли калтанинг (ҳеч нарсаси йўқнинг) ичи тор бўлади.
142. Мухолифларга дунё тор келди.
143. Оллоҳга ишонганнинг вақти чоғдир.
144. Ризқли, саломат бўлган киши бахтлидир.
145. Анбиёларнинг шиори – умр узунлиги тоатдандир.
146. Ғам-андуҳни қисқартганнинг умри узаяди.
147. Аввал одоб изла, сўнг – олтин.
148. Ўз тенгинг билан парвоз қил.
149. Кимки, дунё талабини камайтса, умри узаяди.
150. Душманга бўйсуниш ўлимдир.
151. Аёли йўқ киши бахтлидир.
152. Оллоҳга итоат қилиш – ғанимат.
153. Кишининг зулми ўзига зулм бўлиб қайтади.
154. Шоҳлар зулми раъиятнинг нозидан авлодир.
155. Мазлумнинг йўлдан озиши бекордан эмас.
156. Золим зулми ўзига ҳалокат бўлиб қайтади.
157. Хасиснинг молга ташналиги сувга ташналигидан кучлироқ.
158. Золим умрининг сояси калтадир.
160. Меҳрибон кишининг сояси кенгдир.
161. Эгрининг сояси ҳам эгридир.
162. Қаноат билан яшагин, мулкка эга бўласан.
163. Ҳимматнинг юксаклиги имондан.
164. Гапнинг қусури унинг узунлигида.
165. Золимнинг оқибати фалокатлидир.
166. Оқил душман жоҳил дўстдан яхши.

167. Киши бошда қийналса, охири енгил бўлади.
168. Китоблардаги ҳикматларни йиғма, уларни уқиб ол.
169. Золимнинг жазоси ўлимининг тезлигидир.
170. Ҳар куннинг кечаси бор.
171. Саломат қолган киши ғаниматдир.
172. Ҳамма ишлар художўйлар ва оллоҳ мутаваккиллари устидадир.
173. Ўлимни ёдлаш кўнглингга ёқмаган киши билан ҳамсуҳбат бўлишдан хушроқдир.
174. Оқил бола нодон қариядан яхшидир.
175. Кимки ўзини яширса, белгилари ҳам кўринмайди.
176. Сени ёмонликка далолат қилган киши хиёнатчидир.
177. Устингдан беҳуда кулган ўзи алданади.
178. Ростга жаҳл қилишинг ёмон иш.
179. Ҳар бир ишда ҳикмат топиш мўъмин учун ғаниматдир.
180. Дин билан зафар топган ғалаба қилади.
181. Кишининг ўз фазилатлари билан фахрланиши зоти билан фахр қилишдан авлодир.
182. Рақиб устидан қилган ғалабангни мулойимликдан бил.
183. Киши донолиги унинг аслидан далолатдир.
184. Нафс балоси устидан солим киши зафар қозонади.
185. Нарсанинг бўлаги унинг аслидан хабар беради.
186. Киши нажоти - ростликдан.
187. Ҳар кўнгилда бир фикр.
188. Куфр неъматни йўқ қилади.
189. Ростликни қабул қилиш диндандир.
190. Киши сўзи юрагидагидан хабар беради.
191. Қалб қуввати имон саломатлигидадир.
192. Ҳирс эгасини ҳирс ўлдиради.
193. Билимга амал қил, шарманда бўлмайсан.
194. Кишининг энг яқини – унинг дини.
195. Ёмонга яқинлик зарарлидир.
196. Юрак қуввати очликдадир.
197. Киши қадри ўз қадридан бошланади.
198. Оллоҳ сўзи юракларнинг давосидир.
199. Сахий кофир хасис мусулмондан кўра жаннатга муносиброқдир.
200. Неъматга ношукрлик уни тўхтатишдир.
201. Қариликнинг ўзи дард.
202. Ҳасадчига ўз ҳасади кифоядир.
203. Илм етуклиги юмшоқликдадир.
204. Тирикликнинг каломи ундан кечишдир.
205. Дунёнинг қусурларидан унинг бебақолиги сен учун кифоя.
206. Ўлимдан огоҳлигинг сен учун етарлидир.
207. Юмшоқ сўз қалбларни боғлайди.
208. Юмшоқ сўзинг сени яхши кўрсатади.
209. Қарилик умр ҳисобига кирмас.

210.Билимдон шоҳга завол йўқ.
211. Телбалик шуҳрат эмас.
212. Ҳар қандай адоватга чора бор, фақат ҳасад адоватига чора йўқ.
213. Кўп гапнинг маломати кўп бўлади.
214. Ширинниng ғавғоси бор.
215. Ҳиммат камайса, ташвиш ортар.
216. Ёмонлар билан ҳамсуҳбат бўлиш денгиз хатарига гирифтор бўлишдир.
217. Жим турган уятда қолмас.
218. Илмхонлик – жаннат боғидир.
219. Яхшилар мажлиси – ҳикматлар қасри.
220. Эр фазилати тили остидадир.
221. Мўмин юзининг нурлилиги тунда бедорлигидандир.
222. Ўлимни унутиш юрак зангидир.
223. Гўрингни тунги намозинг била ёритгил.
224. Кўнглингга ўлим хабарини ёшлигингда етказгил.
225. Ўлимнинг яхши тўшагини ҳаёт чоғингда ҳозирла.
226. Муродга ранж билан эришилади.
227. Айрилиқ ўти дўзах ўтидан кучлидир.
228. Қарилик нуронийлигини исён билан сўндирма.
229. Ростлик юз ёруғлигидир.
230. Ўринсиз эҳсон зулмдир.
231. Миннатли садақанинг гуноҳи савобидан кўпдир.
232. Аҳмоқнинг ҳокимлиги заволининг тезлигидир.
233. Ёмон хулқи билан зотини ёмон қилганга вой.
234. Кишининг ёлғизлиги ёмонга ҳамсуҳбатлигидан яхшидир.
235. Сени унутган киши ёмонлик қилган билан баробар.
236. Дўстларинг сени кўргани келмаса, сенга вой.
237. Ҳазинликни рад этганларга вой.
238. Вой ул ҳасадчигаки, унинг ҳасади бор.
239. Ўғли борнинг ризқи бор.
240. Кишининг ҳурмати ҳиммати қадарича бўлади.
241. Душман ўгитидан, ҳайҳот, йироқ бўл.
242. Бахт эгаси охиратни, бадбахт киши дунёсини қадрлайди.
243. Худбинлик кишини ҳалок қилади.
244. Нафсингдан қочишинг шердан қочишдан фойдалироқдир.
245. Киши обрўси ҳимматидандир.
246. Идишни бўшлигида синдирилади.
247. Ҳирс эгаси ҳалок бўлди, аммо буни ўзи билмади.
248. Кишининг ҳиммати – қадри.
249. Келгин-да, борингни таърифла.
250. Омонати йўқнинг дини йўқ.
251. Мурувватн йўқнинг дини йўқ.
252. Оқилга фақирлик йўқ.
253. Елғончида меҳр бўлмас.

254. Ҳасадчининг роҳати йўқ.
255. Қаноат қилғучининг ғами йўқ.
256. Хотин кишида вафо бўлмас.
257. Фосиқнинг ҳурмати бўлмас.
258. Қўполни сўкиб бўлмас.
259. Фазилати йўқнинг фаровонлиги йўқ.
260. Тақдирда ёзилгани – сеники.
261. Сўз ташувчи бир соат ичида бир ойлик фитнани қўзғайди.
262. Садақа умрни зиёда қилади.
263. Сен ризқни қандай сўрасанг, у ҳам сени шундай сўрайди.
264. Хатарда қолган киши ўша хатар билан юзлашгач, омон қолар.
265. Сабрлининг иши муродига етказгусидир.
266. Эр тўғрилик билан улуғлар масканига етишар.
267. Кимки элга эҳсон қилур, ўз қавмига бош бўлур.
268. Қалб ташвиши – кўнгил роҳати.
269. Киши бахтни бахт эгаси билан суҳбатда топар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1.Каримов И. А. «Юксак маънавият – енгилмас куч», Тошкент, «Маънавият», 2008 йил.

2.Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009 й.

3.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й.

4.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992. –78 б.

5.Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -682 б.

6.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.-112б.

Адабий манбалар:

7.Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. Истамбул шаҳар, Тўпқопи, Реван кутубхонаси. Қўлёзма № 808. (тасвир нусха).

8.Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, қўлёзма фонди, № 8.

9.Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. Париж Миллий кутубхонаси, инв.№ 316-317.

10. Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма № 9361-II.

11.Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма № 1743-II.

12. Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма № 7386-I.

13. Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма № 9944-III.

Адабиётлар:

14.Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи, II китоб. Т., 1967.

15.Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. ЎзФА “Фан” нашриёти, Т., 1966.

16. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчиси. Илмий-танқидий мақолалар. Т., 1979.

17.Адабий мерос, № 1. “Фан” нашриёти, Т., 1968.

18.Адабий мерос, № 2. “Фан” нашриёти, Т., 1971.

19.Адабий мерос, № 3. “Фан” нашриёти, Т., 1973.

20.Алишер Навоий, Асарлар, 15 томлик, 15-том. Т., 1968.

21.Алишер Навоий. Асарлар, 20 томлик, 15-том. Т., 1999.

22.Алишер Навоий. “Возлюбленный сердец”. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. М.,-Л., 1948.

23.Алишер Навоий. “Сабъаи сайёр”. Илмий-танқидий матн. Т., 1956.

24.Алишер Навоий. “Фарҳод ва Ширин”, Танқидий матн. Т., 1963.

25.Алишер Навоий. “Мезонул-авзон”, Илмий-танқидий матнни тузувчи И.Султонов. Т., 1949.

26.Алишер Навоий. “Мажолисун-нафоис”. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи С. Ғаниева. Т., 1961.

27.Алишер Навоий. “Лисонут-тайр”. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи Ш. Эшонхўжаев. Т., 1965.

28.Алишер Навоий. “Ҳайратул-аброр”. Илмий-танқидий матн. Тузувчи П.Шамсиев. Т., 1970.

29.Алишер Навоий. “Хазойинул-маоний”. I-IV т. Илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.С.Сулаймонов. Т., 1959-60.

30.Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. –Т.: “Абу Али ибн Сино” нашриёти, 2000.

31.Жакбаров М. Комил инсон ғояси. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

32.Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавият, 2001.

33.Зарифов В. Алишер Навоийнинг рубоий ва туюқлари ҳақида. “Фозиллар фазилати” китобида. Т., 1969.

34.Зоҳидов В. Навоийнинг яна бир ҳаётномаси. Танланган асарлар, Т., 1977.Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Т., 1070.

35.Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Т., 1983.

36.Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк девонини текстологик текшириш принциплари. “Ўзбек тил ва адабиёти”, Т., 1962.

37.Исҳоқов Ё. Навоий ижодида рубоий жанри. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т., 1978.

38.Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т., 1976.

39.Мунировв Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Т., 1970.

40.Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. “Фан” нашриёти. Т., 1970.

41. Нагиева Дж.М. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку-Элм. 1986.

42. Ораслий Ҳ. Навоий меросини ўрганиш тарихидан. “Ўзбек тили ва адабиёти”. Т., 1969.

43.Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., 1979.

44. Собрание восточных рукописей АН Уз. Т. I-VII. Т., 1952-1954.

45.Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари”. Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I т. Т., 1959.

46.Сулаймон Ҳ. Алишер Навоий куллиётлари тадқиқотидан. “Адабий мерос”, № 3. “Фан” нашриёти, Т., 1973.

47.Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т. I. Под редакцией Е.Э.Бертельса. М., 1960.

48.Шамсиев П. “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-критик текстини тайёрлаш принциплари ҳақида. – Алишер Навоий. Хамса. Сабъаи сайёр. Илмий-критик текст. Т., 1956.

49.Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. “Фан” нашриёти, Т., 1986.

50.Шамсиев П. Навоий асарларининг янги топилган қўлёзмалари. Навоий ва адабий таъсир масалалари . Т., с.302-308.

51.Қаюмов А. Асарлар. “Мумтоз сўз”. Т., 2008-2010.

52.Қодирова М. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. Т.: Янги аср авлоди, 2002.

53.Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2003.

54.Ғаниева С. Навоий биографиясига оид бир ҳужжат. Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1981.
55.Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т., 1961.
56.Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Мақолалар. Т., 1970.
57.Ҳайитметов А. Улуғ шоирнинг ҳаёт дафтари. Шарқ юлдузи. Т., 1970.
58.Ҳусниддинов З. Ислом – йўналишлар, масҳаблар,оқимлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Мундарижа

Ҳанифа СОЛИҲОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЗДОШЛАРИ

Кириш 7

I БОБ

Алишер Навоий туркий тиллардаги адабиётнинг муршиди сифатида навоий ижоди туркий тиллардаги адабиётнинг янги босқичи 14
Навоий ва шарқий Туркистон 20

II БОБ

Уйғур адабиётида «хамса» мавзуларининг ишланиши тарихидан 32
Уйғур фарҳодномасининг тўнғич асари 38
«Лайли ва Мажнун» туркуми 50

III БОБ

Навоийнинг сўз санъати маҳорати изидан ҳирқатийнинг «Муҳаббатнома ва меҳнатком» достони 69
«Робиа ва сульдин» достонида низорий маҳорати масаласи 86

IV БОБ

Насрий баён жанр сифатида 96
«Фарҳод ва Ширин» насри 99
«Садди Искандарий» насри 116

М РАШИДОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ “НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚОТИ

Кириш 133
“Назмул-жавоҳир” асарининг тарихий-адабий шарҳи 134
“Назмул-жавоҳир” рубоийларининг ғоявий мазмуни 139
“Назмул-жавоҳир” асарининг матний шарҳи 163
Алишер Навоийнинг «назмул-жавоҳир» асари илмий-танқидий матнини тузишга асос бўлган қўлёзма нусхалар тавсифи 166
Хулоса 172
Алишер Навоий “назмул-жавоҳир” асарининг илмий-танқидий матн асосидаги транслитерацияси 174
“Назмул-жавоҳир” рубоийларига асос бўлган арабча ҳикматли сўзлар изоҳи 216
Адабиётлар рўйхати 223

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Ҳанифа Солиҳова: Алишер Навоий издошлари; Маъмура Рашидова: Алишер Навоий “назмул-жавоҳир” асарининг матний тадқиқоти; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 232 бет.

Ж.10: Ҳанифа Солиҳова: Алишер Навоий издошлари; М Рашидова: Алишер Навоий “Назмул-жавоҳир” асарининг матний тадқиқоти. 232 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5–1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўнинчи жилд

Ҳанифа СОЛИҲОВА
АЛИШЕР НАВОИЙ ИЗДОШЛАРИ

Маъмура РАШИДОВА
АЛИШЕР НАВОИЙ “НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚОТИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 14,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.